

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI
FALSAFA KAFEDRASI

FALSAFA

(ETIKA, ESTETIKA, MANTIQ)

FANIDAN

**MA'RUZALAR
MATNI**

Tuzuvchi fal.f.n, dotsent: Amriddinova Dilrabo



Samarqand – 2014

1-Мавзу: 1-Мавзу. Фалсафа:униг предмети, мазмуни ва жамиятдаги роли

2 соат

- 1.Фалсафа тушунчасининг келиб чиқиши, шаклланишининг асосий босқичлари.
- 2.Дунёқарашибниг моҳияти, тарихий шакллари
- 3.Фалсафа дунёқарашиб шакли сифатида фалсафанинг функциялари
- 4.Фан дунёқарашиб шакли. Фалсафа ва фаннинг муттаносиблиги ва фарки

Таянч тушунчалари:

Фалсафа, дунёқарашиб, гносеология, миф, тафаккур, диний ақидалар, диний экстремизм, фанатизим.

Биз яшаб турган дунё нухоятда мураккаб. Бу дунё чукур ўзгаришларни кечираётган дунё. Ўзгаришлар эса инсон ва жамият хаётини барча тамонларини камраб олмокда. Бу ўзгаришлар инсон ва коинот, давлатлараро, миллатлараро муносабатларни, синифлар, турли ижтимоий гурухлар орасидаги муносабатларни ўз ичига камраб олади. Хозирда биз шундай даврга етиб келдикки, унда жамият тақдири, инсоният тақдири биричи ўринга чикмоқда.

Ижтимоий хаёт ўзгаришлари, илмий-техник тараккиётнинг жадал одимлари кишилар олдига янгидан-янги талаблар кўймокда. Бундай ўзгаришлар шу кадар жадал суръатлар билан амалга ошмокдаки, уларни ўз вактида тушуниб етиш нухоятда мушкул. Инсонда бу ўзгаришларни тушунишгина эмас, балки уларда бевосита иштирок этиш, ўз фаолияти оркали амалга ошириш талаб этилади. Хозирги даврда етук мутахасис ўз ишининг устаси бўлишининг ўзи етмайди. Хозирги давр кишиси олдига кўйиладиган энг мухим талаблардан бири оламни, атрофда кечаётган вокеа-ходисаларни тўгри тушуниш, оламга онгли муносабатда бўлиш.

Биз хаётнинг ўзига хос янги тамонларига, янгича турмуш тарзига, янгича иктисодий, ижтимоий муносабатларга илгариги андозалардан воз кечишга, янгича фикрлашга ўрганмокдамиз. Биз аста-секин олам хакидаги карашлар турли-туманлигини, фикрлар хилма-хиллигини кидирмокдамиз, янгича тафаккур усулларини эгалламокдамиз. Буларнинг хаммаси биргаликда кўп жихатдан холисона, окилона дунёқарашибининг шакилланиш жараёнидир.

Инсоннинг дунёқарашибининг шакилланиши мураккаб жараён бўлиб, унга жуда кўп омиллар: ижтимоий хаёт шароитлари, амалий фаолияти, жамиятнинг маънавий хаёти, шу жумладан, фан маданият, турли-туман карашлар, ижтимоий муносабатлар таъсир кўрсатади.

Фалсафа умуминсоний маданиятнинг таркибий кисми, ижтимоий онг, инсон дунёқарашибининг шаклларидан бири бўлиб хисобланади. Фалсафа, фалсафий дунёқарашиб устида сўз юритмок учун даставвал, дунёқарашиб нима? У кандай шакилланади? Кандай кўринишларга эга? Каби саволларга жавоб топиш лозим.

Инсон ўз хаёти давомида ўзини ўраб турган дунёни ўргана боради, табиат, жамиат, мураккаб оламни тушунишга харакат килади. Буларни хаммаси окибатда муайян фикрларни, карашларни юзага келтиради.

Кишиларнинг олам хакидаги фикрлари дунёқарашиб тушунчасида ифода этилади.

Дунёқарашиб умумий тарзда олиб караганда кишиларнинг олам хакида яхлитлашган, умумлашган билимларини ифодалайди. Дунёқарашиб дунёни англаш, инсон тафаккурининг энг мухим томони хисобланади. Дунёқарашиб деганда, биринчи навбатда кишиларнинг олам хакидаги умумлашган билимлари назарда тутилади. Бу билимлар кундалик хаёт тажрибаларидан келиб чиккан бўлиши ёки касбга, фаолиятга доир бўлиши, амалий кийматга эга ёки назарий кийматга эга бўлиши мумкин. Шу билан бир каторда дунёқарашибда кишиларнинг оламга, табиатга, жамиятга, бошка кишиларга

муносабати ўз ифодасини топади. Кишиларнинг муносабати мохиятида уларнинг ўз олдиларига кўйган максадлари, орзу-умидлари, хаёт, яшаш, ундаги, ўзларини ўрни хакидаги тушунчалар ётади.

Шундан келиб чиккан холда дунёкараш кишиларни яхшилик, ёмонлик, адолат, одамийлик хакидаги тасаввурларини, кадриятларини ўз ичига олади. Шундай килиб дунёкараш айрим кишилар, ижтимоий гурухлар ва хоказоларнинг оламга муносабатларини ифодаловчи тушучадир. Фалсафадан лугатда “Дунёкараш дунёга (яъни табиат, жамият, тафаккур) карашларнинг яхлит системаси бўлиб, бу карашлар инсон фаолиятига мухим таъсир кўрсатади” деб таърифланади.

Дунёкараш кишиларда амалий хаёт жараёнида, инсоният орттирган тажрибани ўзлаштириш жараёнида шаклланади. Дунёкарашнинг характеристики пировард натижада ижтимоий тараккиёт даражаси билан; фан, маданият, маорифнинг тараккиёти даражаси билан белгиланади.

Шу ўринда дунёкарашнинг тарихий типлари устида фикр юритилади. Дунёкараш кишиларнинг олам хакидаги умумлашма характеристига эга бўлган билимлари сифатида мунтазам ўзгариб, янгиланиб боради. Жамият тараккиётининг ўзига хос томонлари, хусусиятлари унда акс этади. Кишилик жамияти тараккиёти жараёни дунёкарашнинг муайян тарихий типларида ўз ифодасини топади. Булар:

1.Мифологик (афсонавий)

2.Диний

3.Илмий-фалсафий дунёкараш

Мифологик дунёкараш - а) ижтимоий тараккиётнинг энг куйи боскичларига тўгри келади. Бу даврларга хос бўлган хусусият илм фаннинг хали тараккий этмаганлиги окибатида кишиларда олам хакида содда тасаввурларнинг пайдо бўлиши;

б) бу тасаввурларда хаёт билан хаёлнинг ўзаро ажратилмаганлиги;

в) бу дунёкарашда оламнинг умумлашган холда синкетик карашлар тарзида ифода этилиши.

Мифология юононча накл, ривоят маъноларини ифодалайди. Мифология кадимги жамиятларга хос бўлган халк оғзаки ижодида, накллар, афсоналар, ривоятларда вокеликнинг афсонавий, хаёлий ифода этилишидир. Мифология табиат кучлари ва ижтимоий ходисаларни жонлаштиришга, хиссий афсонавий образлар оркали тасвирлашга асосланади.

М: кадимий грек афсоналарида Зевс момакалдирок ва яшин худоси сифатида тасвирланган, Аполлон Зевснинг ўгли, куч-кудрат худоси бўлган.

Мифологик дунёкараш инсон дунёкарашининг энг кадимий шакли бўлиб, унда инсон ва дунё, фикр ва хис-туйгу, билим ва хаёл, моддийлик ва маънавийлик умумлашган холда ифода этилган, унда хаёт ва хаёт, табиийлик ва илохийлик, билим ва эътиқод яхлит ифода этилган.

Мифология оламни англашнинг дастлабки усули эди ва ўз даврида кишилар хаётида мухим ўрин тутган. Мифология доирасида кишилар ўтмиш, хозир, келажакни тасаввур этганлар, дастлабки кадриятлар тизимини яратганлар. Кейинчалик мифология халк оғзаки ижоди, ёзма ёдгорликлар, адабиёт, санъатда ўз ифодасини топди. Гарчи мифологик дунёкараш ўз ахамиятини маълум даражада йўқотган бўлсада, маданият, фан, санъат тараккиёти учун ўзига хос асос бўлиб хизмат килди ва хизмат килмокда: чунки мифлар(афсоналар)да халкларнинг кўп минг йиллик тажрибалари, умуминсоний кадриятлар ўз аксини топган ва халклар маънавиятининг ўзига хос илдизлари бўлиб хисобланади.

Ижтимоий ривожланишнинг нисбатан кейинги боскичларida кишиларнинг оламга муносабатлари диний дунёкарашда ўз ифодасини топди. Диний дунёкараш оламни илохий кучларга боғлаб тушунтиришдир: диний дунёкараш эътиқод асосига курилган дунёкарашдир.

Диний дунёкараш илохийлаштириш, диний хулк ва диний урф-одатлар билан чамбарчас боғлик. Диний дунёкараш, унинг асосий томонлари, таркибий кисмлари «Фалсафа» дарслигида берилган, уни мутаолаа килишингизни тафсия этаман.

Мен диккат-эътиборингизни диний дунёкарашни фалсафий тахлил этиш лозимлигига каратмокчиман. Гап шундаки, диний дунёкарашни чекланган, хато дунёкараш тарзида эмас, балки инсоният маънавий маданиятининг мухим таркибий кисми сифатида каралмоги лозим. Шу маънода диний дунёкараш:

- а) кишиларнинг оламга ўзига хос муносабатини ифодалайди;
- б) диний дунёкараш доирасида аждодларимиз бизга мерос килиб колдирган умумисоний, Ахлоқий кариятлар мужассамлашган;
- в) дин, диний дунёкараш ижтимоий хаётда, ижтимоий-сиёсий муносабатларда мухим ўрин тутиб келган;
- г) асрлар мобайнида диний дунёкараш кишиларни баҳамжихатликка, ҳамкорликка, яхшиликка хизмат килишга ундаган.

Юкоридан келиб чиккан холда, дин, диний дунёкараш умумисоний маданиятнинг таркибий кисми сифатида хам миллий, хам умумисоний кадрият сифатида баҳоланмоги лозим.

Дин, диний дунёкараш ҳозирги даврда алоҳида аҳамиятга молик муаммо хисобланади. Зотан мустакиллик миллий ўзликни англаш, миллий кадриятларни тикланиши демакдир.

Ҳозирги даврнинг ўзига хос хусусияти ҳакида И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида. Ҳавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари» асарида «XX аср ажойиб илмий қашфиётлар асли, инсон Коинот сирлари кўйнига кириб бораётган аср... улкан техникавий имкониятлар асли. Шу билан бирга бу асрнинг охири диний кадриятларнинг уйгониши..., диний маънавиятга ўзига хос тарзда кайтиш даври...» (33-бет) деб кўрсатилди ва унда динниннг, эътиқоднинг гоят нозик муаммо экалиги, диний экстремизм, фанатизм, фундаментализм мустакиллик, баркарорлик, тараккиёт учун жиддий ҳавф эканлигига эътибор каратилди. Биз бу ҳакда, бу ҳавфнинг олдини олиш ва унга йўл кўймаслик ҳакида, дин, диний дунёкараш билан диндан хокимиёт учун курашиб максадларида, сиёсий максадларда фойдаланишни ўзаро фарқлаш лозимлиги ҳакида хуласа хосил килган эдик.

Мифологик дунёкараш хам, диний дунёкараш хам фалсафий дунёкарашнинг асоси бўлиб хизмат килди.

Кишилар кадимдан олам, борликнинг моҳиятини тушунишга урунганлар.

Фалсафий дунёкараш кишиларга одамнинг моҳиятини, уларнинг оламга ва ўз-ўзига муносабатларини тушунишга ёрдам беради.

Фалсафий дунёкараш кишиларни оқилона фикрлашга ўргатади.

Фалсафий дунёкараш кишига оламни тушуниш, нарса ва ходисалар ўртасидаги муносабатни аниқлаш, мухим томонларини номухим томонларидан ажратиб олиб, ўрганиш, борликнинг ўзига хос томонлари, зиддиятларини пайкай билиш ва тахлил этиш имкониятини беради.

Оқилона фикрлаш, фалсафий фикр юритиш. Аввало, асосли фикр юритиш, ўз қарашларини химоя кила олиш, эркин фикрлай олишdir. Фалсафий фикрлашни кишига мажбурлаб сингдириш мумкин эмас. Фалсафий фикрлаш диалектика конунларини ёддан билиш эмас. Фалсафий фикрлаш асосида вокеликни тўгри, хеч кандай кўшимчаларсиз, кандай бўлса шундайлигича тушуниш, тахлил кила билиш ётади.

Фалсафа бир карашда мураккаб тушунчалар билан иш кўрсада, мураккаб бўлиб кўринса-да, аслида у реал хаёт билан бевосита чамбарчас бўлглик.

Хар бир даврнинг ўз фалсафаси бўлади. Хар бир давр фалсафада ўзига хос тарзда ифодаланади. Масалан, биз 1917 йилдан 90 йилларгача бўлган даврни тургунлик даври деб баҳоладик. Бу даврнинг ижтимоий хаёти, муаммолари доктитик фалсафада ўз ифодасини топди. Гарчи бу даврда фалсафа

марксизм фадсафаси томонидан жамиятни революцион-танкидий кайта куриш даври деб, таърифлаган бўлса-да, аслида реал хаётни ўрганишга эмас, балки реал зиддиятларни хаспушлашга, вокеликни бўяб кўрсатишга хизмат килади. Окибатда марксизм фалсафаси куруг ўзгармас коидалар, догмалар йигиндиси бўлиб колди.

Фалсафий дунёкараш ўзига хос масалаларга ўз диккатини каратади. Бу масалаларнинг кўпчилиги инсон ва инсониятни узок давлардан бери кизикитириб келган. Хар бир авлод уларга кайта-кайта мурожаат килишга мажбур. Оlamни билиш, ўрганиш, фалсафий фикр юритишга, дунёкарашни шакллантиришга ёрдам берадиган воситалардан биридир. Фалсафий дунёкараш ўзининг бир катор хусусиятлари билан дунёкарашнинг бошка шаклларидан фаркландади.

1. Фалсафий дунёкараш олам хакидаги яхлит, муайян тизимга тушган билимлар йигиндисидир.

2. Фалсафий дунёкарашда олам кандай бўлса шундайлигича акс этади. Олам бир бутун яхлит тизим. Оламдаги барча нарса ва ходисалар харакатда, ўзгаришда, тараккиётда. Олам кандай бўлса шундайлигича тушуниш биринчи навбатда, харакат ўзгариш тараккиётни тушунишдир.,

3. Оламдаги барча нарсалар, ходисалар ўзаро алокадорликда, харакатда тараккиётда. Оламни фалсафий тушуниш – предмет ва ходисалар, аюла ва муносабатларни тушунишдир.

4. Фалсафий дунёкараш кишиларда муайян тайёргарликни, маданиятни талаф килади. Фалсафий тушунчалар, терминлар, тамойилларни ўзлаштириш, фалсафа ва фанлар тараккиётига суюниш мухим ахамиятга эга.

5. Фалсафий дунёкараш илмий дунёкарашдир. Унда олам хакидаги объектив мазмунга эга бўлган билимлар акс этади.

6. Фалсафий дунёкараш кишилар маънавий маданиятини шакллантиришни воситаси хисобланади.

7.Фалсафий дунёкараш оламни акл фаросат ёрдамида англашни ифодалайди. Шунинг учун хам фалсафий дунёкараш оламни кузатишни, ўрганишни, тахлил килишни, мантикий хулосалар чиқаришга инсонни жалб килади.

8.Фалсафий дунёкарашнинг моҳиятида инсоннинг одам ва олам хакидаги дунёнинг инсон манбаатларига мос тушшининг, хаётнинг мазмуни, инсоннинг хаётдаги ўрни хакидаги фикирлари ётади. Шу нуктаи назардан караганда фалсафий дунёкараш одамнинг моҳиятини англашдир.

2.Фалсафа тараккиёти узок тарихга эга. Фалсафа-ижтимоий онгнинг маҳсус шакли хисобланади. Фалсафа инсон билимининг энг кадимиёси ва энг кизикарлисидир. Фалсафа энг кадимиёй фан бўлиб, унинг вужудга келиши кадимиёй кулдорлик даврига бориб такалади. Манбалар шундан далолат берадики, фалсафа фан сифатида дастлаб Хиндистона, Хитойда, Гречияда, Марказий Осиё мамлакатларида шакилланган ва ривожланган. Фалсафа, унинг предмети, ўрганиш обьекти, фалсафанинг муаммолари олимларни кадимдан кизикитириб келган масалалар бўлиб хисобланади. Дастроб фалсафа (философия) кенг маънода кўлланган ва фанлар, назарий фикирларни ифодалаган. Турли давларда файласуфлар «фалсафа нима хақда баҳс юритади ?» деган саволга жавоб топишга уринганлар.

Дастлаб фалсафа кишиларнинг хаётни кузатишларидан хосил килинган билимлар билан бир каторда, уларнинг ўзлари, олам хакидаги ўй-фикирларини хам камраб олган.

Фалсафанинг мавзуси, предмети хакидаги фикирлар даврлар ўтиши билан узгариб борган, оламни фалсафий тушуниш турли туман шаклларда ифодаланган. Фанлар, маънавий маданият тараккиёти фалсафага ўзининг таъсирини кўрсатган.

Дастлаб фалсафа тушунчаси «фан»нинг сиймоси хисобланган ва кенг маънодаги «Фан» тарзида кўлланган. Кадимги Юнонистонда фалсафанинг предметини аниклашга харакат килинган. Фанлар классификацияси бунга мисол бўла олади.

Фалсафанинг бахс мавзуи Марказий Осиё ўрта асрларда яшаган мутафаккирларнинг томонидан ёритилган.

Абу Носир Фаробий «фалсафани борликнинг мохияти; бутун мавжуд нарсаларнинг мазмуни хакидаги мукаммал ва тўлиқ; билим берадиган фан» деб билган. Мавжудот хакидаги билим кўлга киритилса, шу хакда таълим берилса, мавжудоддан бўлган нарсанинг зоти билинса, нарсанинг маъноси тушунилса, ишончли далил ва хужжатлар асосида шу нарса хакида мияда бир турли ишонч ва тассаввур пайдо булса, мана шу маълумотга доир фанни фалсафа деймиз...

Фаробий фалсафа, фалсафий муаммоларга доир кўпгина асарлар яратган. Булар «Субстанция хакида сўз»(«Калом доил жавхар»), «Конунлар хакида китоб» (« Китоб доил навомис»), «Фалсафа тушунчасининг маъноси хакида сўз.» («Камол доил маъноси исм ас-фалсафа»), «Фалсафанинг кераклиги хакидаги китоб», «Илимларнинг келиб чикиши ва таснифи» («Ижо-ал-умум») китоблар шулар жумласидандир.

Абу Али Ибн Сино Фаробийнинг фикрини давом эттириб, фалсафанинг вазифаси барча мавжуд нарсаларни, уларнинг келиб чикишини тартиби, ўзаро муносабатлари, биридан иккинчисига ўтишини текширувчи деб билади.

Абу Али Ибн Синонинг фалсафий карашлари «Китоб-аш-шифо», «Донишнома», «Табиб илимлари конуни», шунингдек «Рисола ат-Тайир» («Кунт илми»), «Саломат ва ипсол», «Хайит Ибн Яксон» каби бадиий киссаларида ўз ифодасини топган.

Абу Абдулоҳ Ал Хоразмий фалсафа икки кисимдан, **назарий** ва **амалий** кисимдан иборат деб билади. Унинг фикрича назарий фалсафага табиат илимлари, илохият яни метофизика хамда мантиқ киради.

Умуман олганда ўрта асиirlарда фалсафа фанлар фани деган караш хукумрон эди.

Файласуфлар ўз ижодларида фалсафа ўрганадиган муаммоларни аниклаганлар. Лукреций Карнинг «Нарсалар табиати тўғрисидаги», рисоласи, Д.Брунонинг «Коинотнинг туганланмаслиги» тўғрисидаги, П.Гольбахнинг «Табиат тизими», Ибн Синонинг «Тиб конунлари», Гегельнинг «Табиат фалсафаси», шулар жумласидандир. Шундай килиб фалсафа аввало табиат фалсафаси сифатида шакилланди.

Файласуфлар ўз рисоларларида жамиятни фалсафий тахлил этдилар.

Афлотуннинг «Давлат», «Конунлар», Арастунинг «Сиёsat», Гоббснинг «Гражданлик тўғрисида»ги, Гегельнинг «Хукук фалсафаси» шулар жумласидандир.

Файласуфлар ижтимоий хаётни ўзгартириш билан бир каторда кандай килиб яхши жамиятга эришиш мумкин? деган саволга жавоб излайдилар: адолат, инсонпарварлик, хакикат, одамийлик, маърифат эгаларини илгари сурадилар.

Фалсафанинг ўрганиш объектларидан бири ва энг асосийси инсон хисобланади. Инсон, унинг табиати, оламга муносабати, тили, Этикаи, инсон кобилияtlарининг намоён бўлиш шакллари

файласуфларни кизиктириб келди. Сукрот (кадимий грек файласуфи) фалсафани хаётни тушуниш деб таъкидлаган. Арасту, Абу Али ибн Сино, Фаробий, Беруний, Декартларнинг бир катор рисолалари инсонни фалсафий тушунишга багишиланган. Абу Али ибн Синонинг «Илмлар тўгрисида», Гегельнинг «Дунё фалсафаси» асарлари шулар жумласидандир. Умуман олганда, фалсафий муаммолар доирасига дунё, унинг тузилиши, табиат, жамият, инсон, инсоннинг жамиятда тутган ўрни, инсоннинг оламни англаши кабилар киради. Шунинг учун хам кадимдан кишилар «дунё нима?», «ку кандай тузилган?», «унинг чегараси борми?», «нима сабабдан оламда турли-туман ўзгаришлар юз беради?», «жамият нима?», «инсон жамиятда кандай ўрин тутади?» каби саволларни кўйганлар ва уларга жавоб излаганлар. Бу эса, ўз навбатида икки нарсанни аниклашни талаб этади:

1. Инсоннинг оламга бўлган муносабати

2. Ўз-ўзига муносабати.

Инсоннинг оламга муносабати унинг оламни англашидир, ўз-ўзига муносабати ўзини инсон сифатида англашида намоён бўлади.

Фалсафанинг муаммолари кандай тарзда намоён бўлмасин, унинг асосида инсон англашилади. Шунинг учун хам биз фалсафанинг баҳс мавзуи деганда, даставвал, инсонни англомогимиз лозим: «Фалсафанинг вазифаси инсонни мохиятини, борликдаги ўрнини билиш » бу эса ўз навбатида инсонни борлик тараккиётининг олий, ноёб, бетакрор натижаси деб караш, хамда инсоннинг жамиятдаги ўрни, муносабатларини ўрганишни таказо киласди.

Фалсафа доирасидаги муаммоларни шартли равишда З гурухга бўлиш мумкин. Инсон нуктаи назарида:

1. Олам, борликнинг мохияти тўгрисида муаммолар.

2. Оламнинг кандайлиги, хосса - хусусиятлари тўгрисидаги муаммолар.

3. Инсонни оламга ва ўз-ўзига муносабатига доир муаммолар билиш.

Фалсафа, фалсафий дунёкарашнинг шакилланиши ва тараккиёти жамият, ижтимоий хаёт тараккиёти билан боғлик холда кечади. Фалсафанинг фан сифатида тикланишининг тарихий илдизлари кадимий даврларга бориб такалади. Марказий

Осиёдаги илк фалсафий карашлар ватандошимиз Зардушт Сенитома (э.а.589-512) номи билан боғлик "Авесто"да ўз ифодасини топган. Даслабги фалсафий карашлар кадимий Хитой, Хиндистон, Юнонистон каби мамлакатларда шаклланган. Бу хакидаги масалани биз навбатдаги мавзуу ("Фалсафанинг тарихий тараккиёт боскичлари")да тўхталиб ўтамиз. Фалсафанинг жамиятда тутган ўрни унинг баҳс мавзуи ва муаммоларидан келиб чикади.

Зотан машхур Хитой файласуфи Конфуций айтганидек, "Билиш-бу инсонни билишидир". Фасафанинг фан сифатида шаклланиши асрлар бўйи давом этади. Фалсафа инсон дунёкарашининг назарий асоси хисобланади.

3. Фалсафанинг жамиятда тутган ва тутиши лозим бўлган ўрни деганда энг аввало унинг инсон дунёкарашининг шакллантириши ва тараккиётига хизмат килишни назарда тутмок лозим. Фалсафа инсоннинг оламни, вокеликни тўғри англашида мухим ахамиятга эга. Инсон дунёкараши биринчи навбатда унинг маънавий дунёсида, фикрлаш, вокеликнинг тўғри англаш маданиятида номоён бўлади. Вокеликни англаш - табият, жамият, унда рўй бераётган мураккаб ижтимоий иктисодий жараёнлар, маънавий ходисаларни атрофлича тахлил ва мушохада этишдир. Вокеликни англаш инсоннинг ўзининг жамияти, инсониятнинг бир кисми сифатида хис килиш, уларга ўз муносабатини билдириш, шунга мувофик равишда фаолият кўрсатишдир. Фалсафий дунёкараш кишининг жамият олдиаги хиссини тарбиялашга хизмат киласди.

Фалсафа бевосита унинг тафаккури, онгини шакллантиришга каратилган фан. Бу хол унинг тарбиявий функциясига эга экалигидан далолат беради.

Фалсафа инсонни тарбиялашнинг мухим омилидир деганда биз даставвал унинг инсон хаётига, фаолиятига кўрсатиладиган таъсирини, инсоннинг жамиятда ўзига хос ўрнини топишга замин

яратиши назарда тутамиз. Масаланинг шу тарзда қўйилиши фалсафанинг инсон хаётидаги ўрнини кенг тушунишга имкон беради.

Фалсафа инсон маънавиятини юксалишини мухим омили бўлиб хисобланади. Фалсафа доирасида қўйилган инсон муаммосининг мухим томонини унинг комиллиги, баркамоллиги ташкил килади. Масаланинг бу тарзда қўйилиши, айникса, Шарқ, хусусан, Ўрта Осиё фалсафасида яккол қўзга ташланади.

Фалсафа жамиятида рўй берадиган мураккаб жараёнларни мушохада этиш оркали унинг холат, зиддиятлари, тараккиёт истиқболлари тўғрисида фикр юритишга, жамият, унинг тараккиётига зид, мураккаб муаммоларни аниклашга ёрдам беради, ҳзирги замон фалсафий муаммолар бевосита хаётдан, жамият тахлилидан келиб чикадиган умуминсоний храктерига эга бўлган муаммолардир.

Инсон жамият, инсоният хаётига оид масалаларни кўллаши, бу масалаларни давр нуктаи назаридан хал этиш фалсафанинг ижтимоий хаётини ўрганишдаги ахамиятидан далолат беради. Ҳар бир даврнинг, ҳар бир жамиятнинг хал этилиши лозим бўлган ўз фалсафий муаммолари бўлади.

«Бу оламда биз киммиз ва не бир сир-саноатмиз? Каёкка караб кетаяпмиз? Инсоният янги XXI асрга кадам қўйганида, бизнинг ўрнимиз кандай бўлади? Биз яшаётган давр кандай хусусиятларга эга?» деган сўзлар билан бошланган Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида» хавфсизлика таҳдид, баркарорлик шартлари, тараккиёт камолатлари асари жамиятнинг хозирги тараккиёт даражасини фалсафий тахлилиги мисол бўлади. Мазкур рисолада эришганимиз мустакилликнинг тақдири, мамлакатимизнинг янги мингийилликдаги тараккиёти вазифаларини хал этиш қўп жихатдан хозирги даврдаги тарккиёт учун таҳдид килаётган омилларни тўғри тушуниб, билишга боғликлиги асосли равишда баён этилган. Ундаги қўйилган саволлар: хавфсизликни кандай саклаб колиш мумкин? Баркарорликни кандай таъминлаш мумкин? Ривожланишга нималар хисобига эришиш мумкин? Ва уларнинг жавоблари жамиятимизни канчалик тўғри тушуна билиш ва шу асосда жамият аъзоларининг масъулиятларини канчалик чукур хис этишларига боғлик.

Демак, фалсафа шахснинг ижтимоий-сиёсий дунёкарашини шакллантиради, шу билан бирга у шахсада жамият олдидаги ижтимоий маъсулият хиссини уйготади.

Фалсафа гносеологик вазифани хам бажаради, яъни теварак атрофдаги нарса ва ходисаларни, билишнинг конуниятларини, билиш жараёнида обьект ва субъект диалектикасини атрофлича очиб беради. Шунингдек, фалсафа ва аник фанлар вакилларини илмий билишнинг асосий шакллари, услублари ва тамойиллари билан куроллантиради.

Такрорлаш учун саволлар:

- 1.Фалсафа фанининг лугавий маъноси нима? Бу хакда Фаробий фикрларини айтинг.
- 2.Дунёкараш ва унинг асосий хусусиятлари хакида фикр муроҳазаларингизни баён етинг.
- 3.Дунёкарашнинг асосий типлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат? Мифологик дунёкараш хакида нималар биласиз?
4. Диний дунёкарашнинг моҳияти, асосий элементлари нималардан иборат?
- 5.Диний эътиқод эркинлиги, дин ва сиёсат нисбати хакида нималарни биласиз?
- 6.Фалсафий дунёкараш ва унинг хусусиятлари нималардан иборат?
- 7.Инсоннинг тафаккурлаш маданияти, дунёкарашини шакллантиришда фалсафанинг ахамияти нималардан иборат?

8.Falсаfаnинг асосий муаммолари таркибиغا нималар киради?

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Асарлар туплами. 1-19 жиллар. - Т.: Ўзбекистон, 1996-2011.
2. Фалсафа асослари. Назаров Қ таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2005.
3. Falsafa. Mamashokirov S. Tahriri ostida. -T.: Sharq, 2005.
4. Falsafa. Ахмедова М. таҳрири остида.-Т.: УФМЖ, 2006.
5. Хайитов Ш., Хайитова К., Зияутдинова Х. Фалсафа асослари. Альбом схема. – Т.: А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси,2009.
6. Шермухамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси.-Т.: Университет, 2005.

2-Мавзу: Қадимги ғарб фалсафаси 2-соат

Режа:

1. Қадимги ғарб фалсафасиниг вужудга келиши ва ривожланишининг умумий қонуниятлари.
2. Қадимги хинд фалсафаси
- 3.Хитой фалсафасининг ўзига ҳослиги
- 4.Антик давр фалсафаси(Милет ва Элей мактаблари,софистлар.Сукрот,Афлотун,Арасту, Демокрит ва бош.)

Таянч тушунчалар

«Таврот», «Веда» — диний китоблар. астика — «Веда»нинг муқаддаслигини тан олувчи, настика — унинг муқаддаслигини тан олмайдиган мактаблар. Дао — табиат қонуни, Ци — борлиқнинг асосида ётган беш унсур, ян — ёргулук кучи, ин — зулмат кучи, метафизика — қадимги юононистонликлар фикрича, борлиқнинг асосини ўрганадиган дастлабки фалсафа, атомлар — бўлинмас деб тасаввур қилинган заррачалар.

Фалсафий ғоялар муайян ижтимоий шароитлар таъсирида, маълум тарихий-маданий манбалар асосида шаклланади.

Ибтидоий хаётнинг мураккаблашиши ва кишиларнинг ижтимоий амалиётининг кенгайиши уларни абстракт фикрлашини ривожлантиради, шу билан бирга илмий билимни шакллантиради.

Фалсафа предметларга кундалик амалий ва оламга табиий-илмий ёндошишдан фарқ килган, ўзига хос ёндошишга эга. Кадимдан файласуфлар борлик нима? Бор булишнинг узи нима? деган муаммони хал килиб келганлар. Фалсафанинг бу ўзига хос хусусияти качон ва нима учун фалсафа келиб чиккан деган саволга бир мунча жавоб беришга ёрдам беради.

Ижтимоий хаёт ва ижтимоий онгда одатда, мифология ёрдамида хал килиб булмайдиган ишонтириш мумкин булмаган жиддий зиддият ва конфликтлар вужудга келади. Бу уринда шаклланган фикр билан хакикатан кандай эканлиги хакидаги билимни фарқлаш эҳтиёжи тугилади. Бу фикрлаш фалсафа билан вужудга келади.

Фалсафа аввал бошдан кундалик онгни, урф-одатни, анъанавий кадриятларни ва Этика нормаларини танкид килади. Файласуф хамма нарсага шубха билан карайди, буни у шу анъаналарни келиб чикиш илдизини топиш учун килади. Шундан унинг бор булишнинг узи нима? борлик нима? деган саволининг мазмуни келиб чикади.

Фалсафанинг вужудга келишида кандай ижтимоий вазият, маданиятдаги кандай силжишлар таъсир килади? деган саволлар тугилиши табиийдир. Қадимги Гречияда фалсафа инсон хаётининг

мъноси, унинг одатдаги тузим ива тартиби хавф остида колган вактда шаклланади. Фалсафанинг у ёки бу даврда шаклланишигина эмас балки тараккиёти хам чукур ижтимоий кризислар инкиrozлар билан боғлик булиб, инсон кийналганда, эскича яшай олмай колганда, эски кадриятлар уз ахамиятини йукотиб энди нима килиш керак? деган савол тугилади. Дастребаки кулдорлик даврининг одатдаги мифологик-афсонавий тасаввурлари янги дунёкарашнинг талабларига жавоб бера олмайди. Шундай килиб фалсафа одатдаги хаёт тарзи ва одатдаги кадриятларнинг кризис моментида вужудга келади. Бир томондан у урф-одатларни танқид килса бошка томондан янги бинони куриш учун пойдевор, янги маданият типини топишга харакат килади. Шунинг учун фалсафада назарий ва дунёкараш муаммолари узвий боғликдир.

Кадимги Шарк цивилизациясининг бешикларидан булган Миср Бобилда эрамиздан аввалги турт минг йилликнинг охири ва уч минг йилликнинг бошларида дастребаки диний – фалсафий фикрлар олам хакидаги фанлар, яъни астрономия, космология, математика, мифологияга оид карашлар бир мунча ривож топган.

Бу ерда шаклланган фалсафанинг энг асосий хусусияти шундан иборатки, уларда, бир томондан худоларга ишонч, илохий кучларнинг табиат ва жамиятга курсатадиган таъсирини мутлоқлаштириш хусусияти устивор булган булса, иккинчи томондан афсона ва ривоятлар тарзида булсада, дунёвий билимлар, илмий карашлар хам аста-секин шакллана бошлаган. Бу – уша даврлардан колган ёзма манбаларда, хусусан, «Хужайниннинг ўз қули билан хаётнинг мазмуни хакида сұхбати», «Арфист күшиги», «Уз хаётидан хафсаласи пир булган кишининг уз жони билан сұхбати» каби битикларда яккол намоён булган.

Бизнинг эрамизгача булган 1 минг йилликнинг урталарида инсоният тарихининг тараккиётида кадимги маданиятнинг уч учогида Хиндистон, Хитой, Грецияда деярли бир вактнинг узида фалсафа вужудга келди. Унинг тугилиши оламни мифологик тушунишдан билимга таянадиган дунёкарашга утишдек узок жараённи бошидан кечирди.

Хиндистон башарият тарихида кариб биринчи цивилизация бешиги хисобланиб, унинг фалсафаси узининг кадимий ва бой тарихига эга. Кадимги Хинд фалсафасини урганишда «Рамаяна», «Махобхарот», «Калила ва Димна» каби машхур асарлар илк манбалар булиб хизмат килади. Хинд маданияти ва фалсафасининг ана шу бебаҳо ёдгорликларининг хар бирида акл-идрок, адолат, инсоф-диёнат, халоллик, поклик, меҳнатсеварлик, миллий тотувлик, тугри сузлилик тұгрисида ва ёмон иллатларга карши курашиш зарурлиги хакида жуда мухим фалсафий гоялар хикматлар, ривоятлар, маколлар баён этилган.

Фалсафий карашларнинг куртаклари хинд маданияти энг кадимги ёзма ёдгорликлари «Ведалар» да («Вед» лар – худолар, табиатнинг илохий кучларига каратилиб айтиладиган гимнлар, дуолар туплами) учрайди. «Веда» китоби Ригведа, Самаведа, Яшурведа ва Ахтарведа деб аталадиган 4 катта булимдан иборат.

Уларда борликнинг бош манбаи моддий ибтидоси деб хисобланган сув, олов, хаво, ёруглик, тупрок хамда озик-овкат, фазо ва вакт хакидаги, шунингдек оламнинг тузилиши ва уни бошқарувчи конунлар, инсон билимининг манбалари ва турлари инсоннинг ижтимоий мажбуриятлари каби катор фалсафий масалалар ёритилган. Унда такидланишича, тана жоннинг кобиги булиб, жон эса дунёвий рухнинг бир булагидир.

Хинд фалсафаси асослари «Упанишадалар» номи билан машхур булган манбаларда хам ўз аксини топган. «Упанишадалар» сирли билим деган мълонианглостиб «Веда» ларнинг фалсафий кисмини ташкил этади. «Упанишадалар» яхлит китоб ёки фалсафий рисола булмай, балки турли вактда турли мавзуда ижод этган номаълум муаллифларнинг матнларидан иборатдир. Уларнинг мазмунни ва услуби хар хил ва турлича фалсафий карашлар махсусидир. Упанишадалардаги фалсафий мавзулар,

асосан, инсонни ураб турган борлик, унинг хаётдаги урни ва вазифаси, ташки олам ва инсон табиати, унинг хаёт ива рухиятининг мохияти, билиш имкониятининг чегаралари, Этика меъёрлари хакидадир. Фалсафий муаммолар асосан диний, мифологик нуктаи назардан баён этилган.

Эрамизгача булган 8-7 асрларда Хиндистонда Локаяти (бу дуне (лок) ни тан оловчи) фалсафий таълимот шакллана бошлади. Бу таълимотнинг асоси Брихаспати ва унинг издошлари ведаларда баён этилган диний карашларнинг танкид килиб, ердан бошка тарздаги хаётнинг булиши мумкин эмас, деган фикрни илгари сурдилар.

Локаятанинг энг ривожланган окими Чорваклар (эр.ав. 6-аср) таълимотидир. Уларнинг фикрича дунё 4 элементдан тупрок, хаво, сув ва оловдан ташкил топган булиб, барча нарса ва ходисалар шу 4 элементнинг турли бирикмасидан иборатдир. Улар дунёни билиш мумкин ва бу билишнинг манбаи идрокдир, деб, билимда хиссиётнинг ролини буртириб юборганлар, хуласалар ёлгон булиши мумкин деб хисоблаганлар.

Хитойдаги дастлабки фалсафий таълимотларда дуне абадий ва 5 унсур – олов, сув, ер, дараҳт ва металлардан ташкил топган, деб уктирилади.

Эрамиздан олдинги 7-6 Хитой мутаффакирларининг фикрича табиат ходисалар -ци деган моддий зарралардан таркиб топган дао- деган объектив табиий конуниятга буй сунади. Хитойликларнинг табиат ходисалари конуниятли асосда тараккий килади, деган тасаввурлари, дунё моддийдир, деган таълимотга boglikdir. Дао хакидаги таълимот фалсафадаги конун тушунчасини хосил килишдаги дастлабки уринишдир.

«Даосизм» сузини узи «Дао» сузидан келиб чиккан булиб, «йул», «тараккиёт», «дунё негизи» деган маънени билдиради. Даосизмнинг асосчиси Лао – цзи булиб, у дунёда абадий харакат ва қарама-каршиликларнинг бир-бирига boglikligi амал килади, табиат ходисалари уз-узига зид холатга айланаб ривожланади, деган фикр юритилади. Таъкидланишича, гузаллик ва ёмонлик, борлик ва йуклик, узун билан кискалик бир-бирини тулдиради., бирин-кетин келади, бир-бирига boglik булади, табиатдаги барча мавжудот, барча ходисалар қарама-каршиликларни уз ичига олади.

Даосизмнинг вакиллари билишдаги хиссий ва мантикий жихатларнинг мавжудлиги масаласини ургага куйиб, билишда хиссиёт ва амалиётнинг ахамиятини камситиб, аклни бурттириб юборганлар.

Эрамиздан олдинги 5-3 асрларда Хитойда Конфуцийчилик каби фалсафий оким хам булган. Бу окимнинг асосчиси Хитой мутафаккири Конфуций булган. (эр.олдинги 551-479 йилларда яшаган). Конфуций инсонпарварлик гояларини кадимги Хитойда биринчи булиб олга сурди. Конфуций узининг фалсафий карашларида тарбия масалаларига катта эътибор каратган. Одамлар уз табиатига кура бир-бирига ухшайдилар, факат тарбияга кура улар бир-биридан фаркланадилар, дейди у. Конфуций фикрича инсонлар уртасида узаро мухаббат, хурмат тамойиллари хукмрон булиши керак.

Кадимги грек – юонон фалсафаси эрамиздан олдинги 6 асрда Грецияда ибтидоий – жамоа тузуми кулдорлик жамияти билан алмашган даврда вужудга келди. Кулдорлик вужудга келиши билан антогонистик синфлар, давлат пайдо булди, хукуқ, санъат ва адабиёт шаклланди, савдо-сотик кучайди, шунингдек физика, математика, астрономия, география ривожланди, булар фалсафа фанининг ривожланишига замин яратди.

Кадимги Юнонистон дастлабки файласуфлари Ер, Куёш, юлдузлар, хайвонлар ва одамнинг келиб чикишини бир бутун яхлит тасаввур этишга харакат килган мутафаккир эдилар. Шунинг учун хам уларни физиклар – табиатшунослар (юононча physie – табиат) деб атаганлар.

Улар мифологик ва диний дунёкарашга карши кураш олиб бордилар. Маълумки юонон мифологиясида асосий эътибор, дунёнинг келиб чикишини изохлаб беришга каратилган булиб, унда

асосий уринни дунёни ким яратган деган савол эгаллаб келган юонон файласуфлари эса асосий эътиборни дуне нимадан яратилган деган саволга жавоб беришга каратилган.

Кадимги Юноnistонда йирик савдо ва маданият маркази булиб келган Милет шахрининг вакиллари таникли мутафаккир Фалес (эр.авв. 624-567) хамма нарса сувдан келиб чиккан ва сувга айланади деб хисобланган булса Анаксимандр (эр.авв. 610-546) дуне ноаник материя-апейрондан ташкил топган дейди. Нарсалар унинг фикрига кура апейрон харакати хамда совуклик ва иссиклик, намлик ва куруклик каби карама-каршиликларнинг натижасида пайдо булади. Анаксименнинг (эр.авв 588-525 й) фикрича хамма нарса хаводан хосил булган ва хавога айланади. Эфеслик Героклит (эр.авв 530-470й) оламдаги барча нарса ва ходисаларнинг асоси оловдан иборат деб хисобланган.

Гераклит таълимотининг ахамияти шундаки, у узининг дунёнинг моддийлиги хакидаги фикрини нарса ва ходисаларнинг узгариши ва ривожланиши каби конуний жараён, деб эътироф этишида мазкур абадий ва энг умумий конуниятни Гераклит логос деб тасвиirlайди.

Гераклит фалсафасининг яна бир мухим томони вокеликдаги нарса ва ходисаларга диалектик нуктаи назардан ёндашувидадир. Унинг фикрича, нарса ва ходисалар доимий узгаришда, узаро алокадорликда, боғликликда, бир-бирига утиб туради. Бу узгариб ривожланиб туришнинг манбай карама-каршиликларнинг бирлиги ва уларнинг узаро курашидадир.

Кадимги Юонон файласуфларидан Пифагор (эр.авв.580-500) нуктаи назарича, дунёнинг асосини сонлар ташкил килади, сонлар коинотдаги тартибининг ифодасидир. Дунёни билиш – уни бошкарувчи сонларни билишdir.

Пифагорчилар сонни материядан ажратиб, уни илохийлаштирган булсаларда математика фанини ривожлантириш машхур Пифагор теоремасини яратиши билан фан тараккиётига катта хисса кушдилар.

Кадимги Юноnistоннинг энг машхур файласуфларидан бири Демокритдир. (эр.авв. 460-370 й). Унинг нуктаи назарича, дуне моддий булиб, рух, онг материянинг маҳсулидир. У дунёнинг асоси атомлар ва бушликлардан иборат, нарса ва ходисаларнинг ранг-баранглиги атомлар бирикиш усулларининг турли-туманлигидан келиб чикади деб хисоблади. Демокрит материя ва харакатнинг ажralmasлигини, харакат фазонинг хам худи материя сингари объектив мавжуд эканлигини тан олиш лозим дейди. Лекин у харакатни атомларнинг бушликдаги оддий урни алмашиши деб карайди. Харакатнинг узини эса атомларнинг фазода узаро тукнашуви натижасида хосил булади дейди.

Демокрит табиатдаги хамма воеа ходисаларнинг доимо узгариб туришини зарурият хисоблаб, табиатдаги тасодифни тан олмас эди. Унинг фикрича, нарса ва ходисалар уртасидаги сабабиятни билмаслик тасодифни тан олишга олиб келади. Сабабий боғланишларни текширишни у фанларнинг асосий вазифаси деб хисоблар эди.

Демокрит онг ва рух хам атомдан иборат деб хисоблаган. Демокрит оламни билиш мумкинлигини таъкидлаб, уни коронги ва хакикий билимлардан иборатдир. У билиш жараёнида хиссиёт ва тафаккурнинг ролини хам курсатиб утади.

Демокрит кадимги Юноnistоннинг комусий олими эди. У фаннинг турли соҳалари: фалсафа, физика, математика, биология, тиббиёт, педагогика, рухшунослик, филология, этика, санъат, сиёсат, мантиқ, ижтимоий хаёт масалаларига доир фикрларни баён этган эди. Демокритнинг меросида инсонни хар томонлама камол топтириш, унда инсонпарварлик, ватанпарварлик туйгуларини шакллантириш, одоб-Этика, эътиқод, виждан ва бошка олижаноб инсоний фазилатларни шакллантиришга оид кимматбахо фикрлар мавжуддир. Левкипп (500-440) Демокрит билан биргаликда атомистик назариясига асос солди. У биринчи булиб сабабият конуни ва етарли асос конунини таърифлаб берди.

Демокритнинг атомистик фалсафаси кейинчалик Эпикур (341-270) томонидан ривожлантирилди. Демокрит атомларнинг асосан шакл ва микдор жихатдан фаркини таъкидлаган булса, Эпикур эса уларнинг хажми, огирилиги жихатдан фаркини таъкидлайди.

Кадимги Юнон маданиятида софистлар фалсафаси катта урин тутади. Софистлар антропология (инсон хакидаги фан) ва гносеология (билиш тугрисидаги Фан) муаммолари билан шугулланган. Софистлар уша даврдаги янги касбларнинг мохир усталари, яъни уқитувчилик, дипломатлар, нотиклар, суд маҳкамаларида ишловчи мутахассислардан иборат булиб, хакикат осойишталиқ,adolat урнатишга хизмат килган. Уларнинг таълимоти Сукрот фалсафасига хам маълум даражада таъсир курсатган. Сукрот (асли Сократ) (эр.авв. 469-399 йиллар) кадимги Юнон файласуфи Афинанинг ижтимоий хаётида фаол иштирок этган, ёшлар тарбияси билан шугулланган, хурфикарли инсон. Сукрот фикрича, фалсафанинг марказида Этика масалалари турмоги лозим. Жамиятнинг равнаки, тинчлик ва осойишталиги, фаровон хаёти Этика-одобнинг ахволига бөглиқ. Бу масалалар Шарқ фалсафасида хам катта урин тутганлиги боис халкимиз, буюк алломаларимиз Сукрот ролини бенихоя хурмат билан тилга олган, унинг Этика-одоб хакидаги пнд-насихатларига амал килган.

Сукротнинг шогирди Афлотун (асли Платон) (мил.авв.427-347) жаҳон фалсафаси тарихида учмас из колдирган. У нафакат файласуф олим, балки санъаткор, шоир ва драматург булган, уз гояларини диалоглар тарзида намоён килган.

Платон Демокрит фикрларини каттиқ танкид килади. Афлотуннинг фалсафий карашлари, асосан унинг «Базм», «Теэтет», «Федон» номли диалогларида, сиёсий карашлар эса «Давлат», «Сиёсат» ва «Конунлар» номли асарларида ифода этилган.

Афлотун таълимотича оламда «гоялар дунёси» бирламчи булиб, моддий дунё эса иккиласида гоя дунёсининг маҳсули, соясидир, деб хисоблайди. Унингча, «гоялар дунёси» фазо ва вактга бөглиқ булмай, абадий харакатсиз ва узгармасдир: у «хакикий дунедир».

Афлотуннинг билиш назариясига кура, билиш обьекти «гоялар дунёси», моддий Дуне ва ундағи нарса ва ходисалар хиссий билишнинг манбаидир. Хиссий билиш хакикат эмас, чунки у оркали кишилар гояни эмас, балки моддий предметларни сезадилар, улар тугрисида тасаввурга эга буладилар. Моддий буюмларнинг асоси ва моҳияти булган «гоялар дунёси» ни факат соф тафаккур ёрдамида билиш мүмкин.

Платон Юнонистондаги кулдорлар аристократияси давлатини энг адолатли ва идеал давлат деб хисоблади. У жамиятни 3 табакага булади. 1. Давлат арбоблари – файласуфлар. 2. Харбийлар (сокчилар). 3. Дехкон ва хунармандлар. Бунда давлат файласуф – аристократлар кулида булиши лозим, харбийлар эса давлатнинг зурлик ва зулм аппаратидан иборат булиб, кулдор учун зарур булган шароитни яратишдан иборат.

Афлотуннинг гоялар хакидаги таълимоти кадимги дунёнинг энг буюк мутаффакири, кулдорларнинг урта табака вакили Аристотель – Арасту (эр.авв. 584-322) томонидан каттий танкид килинган. У йирик асарлари «Метафизика» ёки «биринчи фалсафа», «физика», «жон тугрисида», «Аналитика», «Категориялар», «Этика», «Сиёсат» ва бошкалар.

Арасту Афлотуннинг «гоялар» назариясини асоссиз, деб хисоблайди. Арасту гоялар билан предметлар уртасида айирма йўқ деб таъкидлайди. Унингча моддий олам абадий ва обьектив характерга эга булиб, у хеч кандай Платон «гоялари» га муҳтож эмас. Табиат моддий асосга эга булган нарса ва ходисалар йигиндисидан иборат, у хар доим харакат ва узгаришдадир.

Арасту уз асарларида хамма нарсанинг асосида материя ётади, деб моддий дунёнинг обьектив мавжудлигини эътироф этади. Нарсалар материя ва шаклдан пайдо булади. Хар бир нарса шаклланган

материядир ва шакл борликнинг моҳиятидир. Материянинг узида ривожланишнинг факат имконияти бор холос, у шакллантиришга муҳтождир. Шакл туфайлигина материя имкониятдан вокеликка айланади. Ҳакиқий борлик унинг фикрича, материя ва шаклланиш бирлигидир. Булар бир-бирига утиб туради. Шаклсиз материя йук. Арасту материя пассив шаклсиз нарса. Шакл эса актив булиб, нарсани нарса килувчиdir. Арасту шаклнинг активлиги ҳакидаги карашни давом эттириб ҳамма шаклларнинг шакли – худонинг, дунёвий рухнинг «дастлабки турткини» ижодий ролини таъкидлайди. Бу масалада у Платонга якин эди.

Билиш назариясида Арасту Демокритнинг тарафдори эди. Унингча моддий дунё билишнинг, сезгиларнинг, тажрибанинг асосидир. Сезгилар бизга айрим аник нарсалар ҳакида маълумот берса, аклимиз эса умумлаштирилган маълумотлар беришга кодир деган эди.

Арасту мантиқ фанининг барча мухим масалаларини ишлаб чиқди, у мантиқ билиш учун зарур булган тафаккур шакллари ва исботлаш тугрисидаги фандир, деб ёзди. Фикрлар борликлиги Арастунинг нуктаи-назарича, мавжуд объектив олам ходисалари боғланишларнинг инъикосидир.

Арасту категориялар, тушунчалар, мулоҳазалар ва хулосалар тугрисидаги таълимотларни кашф этди. Фалсафа тарихида 1-булиб категориялар тизимини ишлаб берди. Шунинг билан бирга у категорияларнинг бир-бири билан алокадорлигини, бир-бирига утишини исботлаб берди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Қадимги Миср фалсафасига хос хусусиятларни санаб беринг.
2. «Веда»лар нима ва қачон пайдо бўлган?
3. Буддавийлик таълимотининг моҳияти нимадан иборат?
4. Конфуцийлик нима?
5. Лао Цзи фалсафасида Дао қонуни нимани англатади?
6. Милет фалсафий мактаби тўғрисида нималарни биласиз?
7. Гераклитнинг «Оқар сувга икки марта тушиб бўлмайди» деган ҳикматли ибораси фалсафий моҳиятини тушунтириб беринг.
8. Суқрот қандай файласуф бўлган?
9. Афлотуннинг гоялар дунёси ҳақидаги таълимотининг моҳияти нимадан иборат?
10. Арасту ҳақида нималарни биласиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-19 жиллар. - Т.: Ўзбекистон, 1996-2011.
2. Фалсафа асослари. Назаров Қ таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2005.
3. Falsafa. Mamashokirov S. Tahriri ostida. -T.: Sharq, 2005.
4. Falsafa. Ахмедова М. таҳрири остида.-Т.: УФМЖ, 2006.
5. Аристотель. Сочинения В 4-х томах. -М.: 1975. ч.1.
6. Ғарб фалсафаси. Назаров Қ. таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2005.17
7. Йўлдошев С. «Антик фалсафа». — Т., 1999.

3-Мавзу: Қадимги ва ўрта аср Марказий Осиё фалсафаси

Режа:

- 1.Шарқ фалсафаси ривожланишининг умумий белгилари
- 2.Марказий Осиёдаги энг қадимги фалсафий қарашлар
- 3.Ислом фалсафаси (тасаввуф ва унинг тариқатлари)
- 4.XII-XV асрларда табиий-илмий ва фалсафий билимлар ривожи

Таянч тушунчалар

Илк ўрта асрлар фалсафаси, «Қуръон», ҳадислар, ислом фалсафаси, исломдаги мазҳаблар, тасаввуф, тасаввуф оқимлари. Амир Темур, сарбадорлар, мустақил давлат, «Темур тузуклари», Мирзо Улуғбек, «Зичи Кўрагоний», Алишер Навоий, комил инсон, Бобур Мирзо, Бобурнома.

Марказий Осиё жаҳоннинг илм фан, фалсафа, дин, адабиёт ва санъат қадимдан ривожланган, тарихи нихоятда бой минтакалардан иборат. Милоддан илгари 10-8 асрларда Урта Осиёда кулдорлик муносабатлари равнак топди. Шу даврда Урта Осиёда яшаган халклар Юнон тарихчилари томонидан скифлар деб аталса Эрон манбаларида саклар деб номлаганлар.

Қадимги Ўрта Осиё халклари хаётида дехкончилик ва чорвачилик мухим ахамият касб этган. Бу худудда дехкончилик сунъий сугоришга асосланган булиб, у сугориш иншоатларининг ривожланишига олиб келган. Шундай килиб дастлабки маданий марказлар вужудга кела бошлайди. Мана шу даврда Урта Осиёда орамийлар алифбоси кенг таркалган. Унинг асосида эса Хоразмликлар, Сугдиёналиклар алифбоси вужудга келади. Шу билан бирга Урта Осиё халкларининг бой абадий мероси пайдо булла бошлайди. Саклар оғзаки ижодининг энг дастлабки ёдгорликлари келиб чикади. Масалан, Тумарис, Спитамен ва Зарин, Чупон, Широк хакидаги афсоналар шулар жумласидандир. Уларда Урта Осиё халкларининг ватанпарварлик хислатлари мадх этилади.

Милоддан авв. 6-асрдан то милоднинг 3-асригача Урта Осиёда Зардуштийлик ва у билан боглиқ дунёкараш хукмронлик килган.

Зардуштийлик факат дин булиб колмай, балки уша даврнинг хукмрон мафкураси хам эди. Зардуштийликни мukаддас китоби Авесто материали (12000 шланган кора мол терисига ёзилган) милоддан илгари бир канча асрлар давомида тупланган. Искандар Зулкайнарнинг боскинчилик даврида унинг куп кисми йуколган. Аршакидлар даврида унинг колган кисми Авесто сифатида тартибга солинган.

Унда Урта Осиё халкларининг ижтимоий-иктисодий, хукукий, Ахлоқий қарашлари ваумуман дунёкараши уз ифодасини топган. «Авесто» да утмиш аждодларимизнинг диний тасаввурлари, коинот ва ердаги дунёнинг яратилиши билан боглиқ афсона ва ривоятлар, ижтимоий-миёсий, иктиносий хаёти географияси, табиати, нобототи, илм-фани уз аксини топган. Унда қадимги Турон улкасининг иклими, суви, хайвонот дунёси, ер тузилиши, сахролари, тоглари хакида кимматли маълумотлар берилган.

Гаразгуйлик, хасад, манманлик, фитна фасад «Авесто» да каттик кораланса, ваъдага вафо килиш, ахдга садокат, самимият, холислик, узаро иззат – икром каби одамлар уртасида устувор буладиган Ахлоқий коидалар улугланади. «Авесто» дунёни инсон учун синов майдони деб тушуниради.

«Авесто» да одамларни иймонли булишга, доимо пок-тоза юришга, танани озода тутишга, хар кандай ёмон ният ва сузлардан юз угиришга даъват этадиган Ахлоқий коидалар диний угитлар, фалсафий гоялар нихоятда куп.

«Авесто» да кайд этилган энг мухим фалсафий фикрлардан бири – инсонларни меҳнат килишга, уз куллари билан моддий бойликлар яратиб тук фаровон хаёт кечиришга даъват этилганлигидадир.

Зардуштийлик дини ва унинг «Авесто» китобида дунёнинг моддий асоси деб хисоблаган ер, тупрок, хаво муқаддаслаштирилади. Ер ва хаво шундай эъзозланганки, хавони булгаш ифлослаштириш, хайвонлар улиги у ёқда турсин, одамлар жасадини хам ерга кумиш, сувга оқизиш, оловда ёкиш гунохи азим булган. Мархумлар ерни, сувни, хавони захарлаб куймасликлари учун уларнинг жасадларини маҳсус сопол идишларда кумиш расм булган.

Шундай қилиб, «Авесто» дунёда энг кадимги дин булган Зардуштийликнинг муқаддас китоби булиши билан бирга, аждодларимизнинг узок утмиш тарихи ва тафаккур тараккиётининг комусий йигиндиси, тили, ёзуви, маданияти, фалсафаси адабий-бадиий манбаи хамдир.

Шаклланган ва ривож топган кадимги шарқ жамияти асослари милоднинг 2-3 – асрларига келиб аста-секин емирила бошлайди. Унинг заминида феодал муносабатлар ривож топади. Бу жараённинг мураккаб ва зиддиятли кечиши уша даврдаги фалсафий карашларда хам акс этади. Шунинг оқибатида зардуштийликдан янги оқим-монийчилик келиб чикади. Бу таълимотнинг асосчиси Моний деган киши булиб, унинг таълимотича, оламда нур дунёсини – яхшиик ва зулмат дунёси – ёвузлик мавжуд. Улар уртасида абадий кураш боради. Лекин пировард натижада яхшилик тантана килиши, инсон уз хулки ва бутун хаёти билан ёругликнинг зулмат билан курашига ёрдам бериши ва яхшиликнинг тантанаси учун хизмат килиши керак. Моний таълимоти қулдорлик давлатига, шунингдек, хукмрон динга карши каратилганлиги учун унинг тарафдорлари каттик кувгинга дучор булдилар.

5-6 – асрга келиб Урта Осиё ва Эронда кучайиб бораётган зулмга карши Маздак бошчилигига халк кузголони кутарилди. Маздак таълимоти дехконлар, уларнинг хукукларини химоя этиб, тенглик, адолат урнатишга хизмат килди.

Тарихдан маълумки 5-6 – асрларда шимолда Турк хоконлиги вужудга келиб, у Эрондаги Сосонийлар билан узок кураш олиб борди ва Урта Осиё халкларини узига каратди.

Бу ерда кадимги турк тили таркала бошлади. 8-асрда Урта Осиёни араблар забт этиб, бу ерга ислом динини ёйдилар. Махаллий халк оммаси араб боскинчиларига карши узок вакт давомида кураш олиб борди.

9-10 – асрларда Урта Осиёда араб боскинчиларининг хукмронлиги тугатилиб хозирги Узбекистон худудида бирлашган Самонийлар давлати вужудга келди. Ислом дини хукмрон булиб колаверди.

8-асрда Исломда турли мазхаблар пайдо була бошлайди. Мутакаллимлар ва мұтазийлар, суғизм шулар жумласидандир. Бу даврда карама-карши мазхаблар билан кураш эхтиёжи хамда мұтадил исломнинг асосларини химоя килиш зарурияти туфайли илохиёт, калом пайдо булди. Калом тарафдорлари мутакаллимлар дейилади. Каломнинг асосчиси ал-Ашъорий (874-941 й.) ва Мансур Мухаммад ибн Махмуд ал-Матрудийдир.

Мутакаллимлар Куръон оятларини эркин таҳлил этишга мутлако карши булсалар, мұтазалийлар у ақидалардаги мазмунни акл ёрдамида мантиқ кучи билан англаш тарафдори әдилар. Мұтазалийларнинг фикрича пешонага ёзилган такдир борлигига ишонч Оллохнинг обрайсига путур етказади, чунки ёмон хатти-харакатлар хам унинг иродаси маҳсули булиб колди.

(«Мұтазила» - ажралиб чиккан деган маңнори билдиради). Уммавийлар даврида ёк пайдо булған ва аббосийлар даврида кенг таркалған. Мұтазализм Халифа Маъмун (813-830) даврида куллаб-куватланиб, уларнинг гояларини уз давлатининг мағкураси асосига қуиди. Бирок Халифа Мутаваккил (847-861) даврида унинг давомчилари «бидъатчи» лар ва «коғирлар» деб эълон килинди.

Мұтазализм купгина таддикотларда Ислом мазхабларидан бири сифатида талкин этилади. Мұтазалийлар араб халифалигіда соғ фалсафий фикрлашнинг ташаббускорлари булиб танилдилар. Уларнинг хизматларидан бири шундан иборатки, мұтазалийлар хиссий тажриба ва анъанавий билим билан бир каторда билимнинг учинчи мезони – аклий билишни илгари сурдилар. Мұтазалийлар фалсафий масалаларни урганишга катта эътибор бердилар. Шу сабабдан аклий билишни асосий метод сифатида илгари сурдилар.

Мұтазилийлик гоялари Марказий Осиёда кенг ёйилиб, илм-фан фалсафий фикр марказлари вужудга келди.

Мұтазалийлар таъсирида исломда вужуди мумкин ва вужуди вожиб (ваҳдат-ул мавжуд ва вахдат-ул вужуд) диний-фалсафий оқимлари шаклланди. Вужуди мумкин (ёки вужудион-пантезизм) оқими вакиллари – Ал-Кинди, Ибн Рушд, Форобий, Ибн Сино, Умар Хайём ва бошкалар мавжудотни иккига вужуди мумкин ва вужуди вожибга булғанлар. Вужуди мумкин сабаб ва оқибат алокаларига эга булиб, унинг мавжудлиги бошка нарсадан эмас, балки уз мохиятидан келиб чикади. Шу назарий коидадан келиб чикиб, Фаробий бутун мавжудотни 6 даражага булди. Шулардан биринчиси вужуди вожиб – Аллох, колган бештаси акл, жон, шакл, материя, осмон – вужуди мумкин. Бу даражалар бир-бири билан сабаб-оқибат шаклида bogланған булиб, биринчи сабаб уз сабабига эга эмас. Ибн Синонинг «Рисола фи-таксим ал мавжудот» асарида воҳдат-ул мавжуд ва вахдат-ул вужудни шу тарзда таърифлайди. Вахдат-ул вожиб Аллохни билдиради. Лекин у Куръондагидек хамма нарсанинг ижодкори эмас, балки сабаб яъни умумий мавжудотнинг биринчи сабаби ва унинг бир кисми сифатида талкин этилади. Бундай караш эса табиат ходисаларини (инсон табиатини хам) мустакил ички сабаблари асосида тушунтиришга имкон бериб, илм-фан равнакига кенг йул очади.

Мұтазалийларнинг диний-фалсафий гоялари күшхақықат тутгрисидаги катта назарий коида шаклланишига сабаб булди. Бунга кура илохий, дунёвий (илмий) хакикатлар бор булиб, илохий хакикатта факат алохидә одамлар-пайғамбарлар азиз-авлиёлар етишиши мумкин. Дунёвий хакикат эса акл ёрдамида, илм-фан йули билан англаб олинади.

Мұтазалийлар билан мұтакаллимлар уртасидаги гоявий курашларда Абу Хамид Ал-Газзолий каломи шаклланиб ислом фалсафаси юзага келди. Баъзи араб таддикотчилари уни табиат фалсафаси (натурфилософия) хам деб аташади. Ал-Газзолий аввал суфийлик карашларига мойил булсада, кейинрок улар таълимотини танқид килиш асосида уз каломини яратади. Бирок у узи истамаган холда тасаввуфни назарий жихатдан асослаб қуяди. Газзолий таълимотича, инсон Аллох каломи – Куръон оятларини узлаштиргунга кадар ирода эркига эга, уни узлаштириб олгач, бутун иродаси Аллох иродаси билан уйгунлашиб кетади. Бинобарин, унинг хатти-харакатлари, бутун фаолияти Аллох иродасининг ифодаси булиб колади.

Маълумки, Шарқ фалсафасининг етакчи йуналишини инсон калбини, рухини поклашга, унда комил инсонлик сифатларини вужудга келтиришга, шу негизда ижтимоий муносабатларни инсонийлаштиришга каратилған. Ўткинчи мол-дунё, мансаб-мартабалар эмас, балки маңнавий бойлик, Ахлоқий поклик, халоллик, инсоғ диёнатлилик одамни инсонга айланишининг мухим шарты, деган фикрлар Шарқда тасаввуф (Суфийлик) нинг шаклланишига, кенг ёйилишига сабаб булди.

Тасаввуф мураккаб диний – фалсафий оқим булиб хилма-хил йуналишга эга. Унда 2 та асосий гоявий йуналиш кузга яққол ташланади: бу уткинчи дунё, мол-мулк, мансабга ихлос куйиш Аллохни

унитишга, имонсизликка олиб келади, деган гояга таянганлар, таркидунёчилик таргигб этганлар, азрузи азалдан пешонага ёзилган такдир борлигига, ишонтиришга интилганлар.

Иккинчи йуналиш бу дунё Аллох-таоло томонидан одамлар, уларнинг инсонлардек яшashi учун яратилгани, одам шу дунёдаги эзгу ишлари билан у дунёда худо висолига етиш учун огир, машаккатли покланиш йулида боришни ташвик этганлар. Тасаввуфда Оллох рахматига етишнинг, инсон маънавий камолот йулининг 4 боскичи мавжудлиги тасдик этилади. Булар шариат, тарикат, шунингдек маърифат ва хакикатдан иборат .

Шариат – диний конун-коидалар ва маросимларни, Куръони карим ва Ҳадиси шарифдаги Ахлоқий, илохий курсатмаларни пухта узлаштириш, айнан, изчил суратда бажариш, Худога ибодат килишдир. Шариат худони идрок билан танишни кузда тутади. Шариат талаблари, коидаларини бажармасдан тарикатга утиш мумкин эмас.

Тарикат – ер юзидағи лаззатлардан воз кечиб, нафсни тийиб, хилватда яшаб, факат худо хакида үйлаш, хаёл суриш, эслаш, уни калбдан севишдир.

Маърифат – хамма нарсанинг бутун борликнинг асоси худо эканини билиш, аниклаш ва шу тарика худога етиш демакдир. Маърифатда олам, юлдузлар, Ой, Куёш, одамлар, хайвонлар, кушлар, капалаклар бошка жамики нарсалар худонинг зухуратидан иборат, одам Оллох, куёшнинг зарраси дейилади. *Хакикат* – узини Худонинг даргохига эришган, васлига етган, хатто у билан кушилиб кетган деб билишдир.

Юсуф Хамадоний, Абдулхолик Гиждувоний, Нажмиддин Кубро, Ҳожа Ахмад Яссавий йуналишларининг бевосита таъсирида Марказий Осиёда Накшбандийлик йуналиши вужудга келиб, у якин ва урта Шарқ мамлакатларига кенг ёйилади. Ҳожагон йуналишини бошлаб берган А.Гиждувоний бундай деган: «Эй фарзанд, барча холатда илм, амал ва такво билан бул, салофлар изидан юриб, суннат ва жамоатни махкам тут, фикх ва хадисни урган. Яна бундай фикрлар бор: «оз сузла, оз е, оз ухла», «Ҳалол е, шубҳадан холи бул» А.Гиждувонийнинг 8 та табаррук сузига Б.Накшбанд 3 та манзил кушиб уз йуналишини асослади.

Ҳожа Ахрор Вали (Убайдуллох) накшбандийликнинг таргиготчиси сифатида таъмадан жирканиш, тухфа олмаслик, бир касбни мукаммал эгаллашга чакирди. Тасаввуф тарикатига кирганлар учун касб-корнинг ёмони йук, ёмони бирор касб билан шугулланмаслик текинхурлик, таъмагирликка одатланиш хисобланади. Накшбандийлик имони унинг «Дил ба ёру даст ба кор» яъни «Дилнинг Аллоҳда, кулинг меҳнатда булсин» деган талабида яккол гавдаланади. Улар амал деганда биринчи навбатда Аллоҳ номини дилга жо килиб, ижтимоий фойдали меҳнат билан шугулланишни, таъма ва текинхурликдан хазар килишни тушунганлар. Накшбандийлик йуналишини кабул килган Амир Темур, Улугбек ва бир катор Туркистон хоконлари дарвешликни кораладилар, улардан шу дунё ишлари билан шугулланиб, халол яшашни талаб этдилар.

Дарвешлар фойдали меҳнат билан банд булишлари учун давлат шароит яратиб бериши тугрисида фармони олий чикарганлар. Буни бажармаганларни жазолаганлар.

Тасаввуфнинг сўл қаноти диний-фалсафий таълимот сифатида ақидапарастлик, исломга нисбатан муҳолифият булиб якин ва Урта Шарқда, айникса Марказий Осиёда табиий ва фалсафий фанлар ривожида уз урни мавкеига эгадир.

IX-XII асрларда Марказий-Осиёда дехқончилик, хунармандчилик ва савдонинг тараққий этиши эмпирик билимларни ривожлантиришга эҳтиёж туғилди ва шунга мувофиқ Марказий Осиёнинг илғор кишилари математика, астрономия, география, тиб фанларини чуқур ўргандилар. Бу даврни уз мазмуни,

салмоғи, ахамияти жихатидан Марказий Осиё уйғониш даври хам дейилади. Уйғониш даври маданиятининг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, улар қўйидагилардан иборат эди:

1. Дунёвий маърифатга интилиш, бу йулда ўтмиш ва қўшни мамлакатларнинг маданияти ютукларидан кенг фойдаланиш айниқса табиий-фалсафий, ижтимоий илмларни ривожлантириш.

2. Табиатга қизиқиш, табиатшунослик илмларининг ривожи, рационализм, акл кучига ишонишдан, асосий эътиборни хақиқатни топишга қаратилган фанларга бериш, хақиқатни инсон тасаввури, илмининг асоси деб хисоблаш.

3. Инсонни улуғлаш, улардан ақлий, табиий, бадиий, маънавий фазилатларини асослаш, инсонпарварлик, юкори Ахлокий қонун ва қоидаларни намоён этиш, комил инсонни тарбиялашни мақсад қилиб қўйиш.

4. Универсаллик-қомусийлик, барча нарса билан қизиқиш бу давр маданияти муҳим томонларидан бири эди.

Шу даврдан бошлаб Ўрта Осиё олимларининг асарлари бутун жаҳонга донги тарагиб Осиё, Европадаги илғор фикрлари ривожланишига самарали таъсир кўрсатди. Ўрта асрларда илғор фалсафий фикрлар ривожланишида Ибн Зокария ар-Розий, Ал Кинди Мухаммад Мусо Хоразмий, Форобий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Улугбек, Навоий каби машҳур мутафаккирларнинг роли каттадир.

Араб халифалигига VII аср охири IX аср бошларида халифаликнинг Марказий-Боғдод, Дамашқ шаҳарларида маданият кучайиб борди. Хиндча, юононча, форсчада илмий, сиёсий, бадиий асарларнинг таржималари кўпайди,

маданий алоқалар авж олди, қадимги Юнонистоннинг машҳур олимлари Аристотель, Гален, Гиппократ, Архимед, ювклид кабиларнинг мероси кенг ўрганилди. Халифаликнинг турли ўлкаларидан таникли олимлар Боғдодга олиб келинди, бу ерда IX аср бошида “Дор ур ҳикма” – Донолик уйи-ilm маркази ташкил топди, унда турли илмлар фалакиёт, риёзиёт, тиббиёт, тарихшунослик, география, кимё, фалсафа, каби фанлар ривожланди.

Араб халифалигига ижтимоий тараққиётнинг турли даражасида бўлган кўпгина ҳалқ ва қабилалар бирлашган эди. Ўта қадимий Маданият марказлари бўлган, Сурия, Миср, Хурасон, Мавоуннахр каби минг йилик маданий меросга эга бўлган ҳалқлар хам киради.

Араб мусулмон маданияти халифалик тарихининг дастлабки маданий мероси заминида шаклланган эди. Бу маданиятнинг араблар, шунингдек, араблаштирилган бошка ҳалқлар тарихи учун хам ахамияти жуда катта бўлди. Халифаликдаги араблаштирилмаган ҳалқлар арабларнидан фарқ қиласидиган ўз миллий маданиятларини асрлар оша тиклаб олган бўлсаларда, у араб-ислом маданияти доирасидаги янги маданият сифатида шаклланди.

Абу Наср Мухаммад Форобий Сирдарё бўйидаги Фороб қишлоғига туғилиб, уз Ватанида ва сунгра Боғдод ва Дамашқда билим олди. У Марказий Осиё ҳалқлари ва бутун шарқнинг машҳур файласуфи ва олимларидан бири эди. Форобий йирик файласуф, тилшунос, мантиқшунос, математик, астроном-химик, медик, психолог, музика санъатининг йирик назариётчisi, грек маданияти фани ва фалсафасини эгаллаган эди. Форобий энг йирик Аристотельшунос, унинг фалсафаси, табиий илмий назарияси ва асосларини чуқур билган файласуф эди. Шунинг учун Форобийни хаётлигига ёк «Ал муаллим ас-соний» (2-устоз), яъни 2-Аристотель деб фахрий ном билан атаган эдилар. Форобий Аристотель асарларини араб тилига таржима килиб унга шарҳлар ёзади, шу билан бирга 160 дан ортиқ нодир асарлар яратди. Форобий “Фалсафани ўрганишда нималарни билиш керак?”, «Фалсафий саволлар

ва уларга жавоблар», «Шеър санъати», «Шоирларнинг шеър ёзиш санъати қонунлари хақида», «Илмларнинг келиб чикиши туғрисида», «мусиқа хакида суз», «Оханглар таснифи хакида китоб», «Масалалар булоғи», «Ақл туғрисида», «Инсон аъзолари хакида рисола», «Фозил шахар ахолисининг қарашлари», «Давлат хакида рисола» каби қимматли асарлар ёзди.

Форобий худони «биринчи сабаб», «биринчи моҳият» деб изоҳлайди. Форобий сабаб-оқибат муносабатлари ёрдамида биринчи сабабни материя билан боғлайди. Материя ўз сабабига, яъни худога хос бўлган барча хусусиятларга эгадир. Материясиз, яъни оқибатсиз сабаб хам булиши мумкин эмас. Дунё, табиат худо томонидан қисқа муддат ичидаги яратилган эмас дейди олим. Фикрини давом эттириб дунё худодан бошка моҳиятга эга бўлган борлик бўлмасдан, худонинг зухр этишидир. Табиатнинг бу холга келишига қадар бир қанча вақтлар, жараёнлар ўтган. Шундай қилиб, Форобий барча мавжудотни, оламни, материяни биринчи сабаб худодан келтириб чиқаради. Форобийнинг фикрича, материя оламдаги нарса ва ходисаларнинг асосидир. Дунёнинг моддий асоси ёки материя тупроқ, сув, хаво, олов ва осмондан иборат бўлиб Форобий таълимотича осмон жисмлари хам ердаги жисмлар хам ана шу унсурларнинг бирикувидан вужудга келади. Форобий фикрича оламдаги хар бир предмет материя ва шаклдан иборат булиб, материя хам, шакл хам teng аҳамиятга эга бўлган сабаблардир. Форобий таълимотича харакат материянинг объектив хусусияти, моддий олам эса харакатнинг манбаидир; оламдаги предмет ва ходисалар тухтовсиз харакат узгаришда, харакат ва узгаришнинг сабаби эса бошлангич моддий элементларнинг турлича кушилишидадир. Форобийнинг билиш хакидаги фикрлари хам эътиборга лойик, унинг таълимотича моддий олам инсон унинг сезгиси, аклидан аввал мавжуд булган. Инсон ва унинг акли эса -моддий олам ривожининг олий маҳсулидир, инсон хайвондан узининг сезги аъзолари, табиатни билиш кобилияти, акли, тили билан фарқланади, инсон моддий оламни биринкетин ўсиб етишган сезги аъзолари орқали била бошлайди ва ундан ақлий билишгача -тафаккургача кўтарилади. Форобий билишда инсон ақлининг ролига катта баҳо берган. Инсон ақл тафаккур ёрдамида табиатни, борликни, материяни, ижтимоий ходиса ва жараёнлар моҳиятини, маъносини билади. Форобий узининг ижтимоий қарашларида инсоният жамияти вужудга келиши ва ривожланишининг муайян табиий сабабларини, Этиканинг шаклланишини, инсон ва жамиятнинг узаро муносабатини, инсонийлик, адолат, етук жамоа, комил инсон каби масалаларни назарий жихатдан асослашга харакат қиласди.

Ўрта аср феодал Шарқининг буюк олимларидан бири ўзбек халқининг улуғ фарзанди энциклопедист олим географ, геолог, астроном, математик, философ, тилшунос, этнограф, табиб Мухаммад Ибн Ахмад Абу Райхон Беруний 973 йилда 4 октябрда қадимги Хоразмнинг марказий шаҳри Қиётда туғилди. Беруний уз умри давомида 152 асар яратди. Шулардан энг машҳурлари «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Маъсуд қонуни», «Хиндистон», «Геодезия», «Минералогия», «Сайдана»дир. Беруний ўз даврида тажрибавий билимларни пухта эгаллаган олимлардан бўлиб бу унинг табиий-илмий, ва фалсафий қарашларининг муайян томонларини аниқловчи мухим омиллардан хисобланади.

Умуман, Берунийнинг табиий-илмий меъроси, аниқ фанлар буйича қўтарган муаммолари ўз даврида оламнинг умумий манзарасини яратишда, яъни фалсафий дунёқараш шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Беруний ўз астрономик жадвалида оламнинг маркази ер эмас, балки қуёшdir, хамма планеталар, шу жумладан ер хам қуёш атрофида айланади, деган гелиоцентрик назарияни олға сурди. Берунийнинг бу илмий хулюсаси 500 йилдан кейин улуғ астроном Коперникнинг гелиоцентрик системасида илмий асосда тасдиқланди. Беруний Абу Али ибн Сино билан қилган мунозарасида коинотдаги планеталар, шу жумладан ер хам узаро тортишиш кучига эга деган хулюсага келади. Унинг бу назарий хулюсалари XVIII аср бошида инглиз олими Ньютон кашф этган бутун дунё тортиш қонуни билан илмий жихатдан асослантирилди.

Инсоният Абу Али ибн Синони жаҳон фани ёки маданиятининг юқори чуққиси, Уйғониш даври маданиятининг йирик арбобларидан бири сифатида билади ва эъзозлайди. Ибн Сино 400 дан ортиқ

асарлар ёзди. Унинг ёзган асарлари илм-фаннынг барча соҳаларига таалуқлидир. Шундан 242 таси бизга етиб келган. Аллома асарларидан 80 таси фалсафа, илохиёт, тасаввуфга, 43 таси табобат, 19 таси мантиқ, 26 таси эса рухшуносликка бағишиланган. Ибн Сино ўз асарлари билан Ўрта Осиё халклари маданиятини дунё маданиятларининг олдинги қаторига олиб чиқди. Шунинг учун хам «Шайхурраиси» - «Олимлар бошлиғи» деб аталиши бежиз эмас. Олимнинг асосий фалсафий асари «Китобат шифо», «Донишнома», «Нажот», «Китобул инсоф», «Китоб ал қонун фит тиб» китобларидан иборат.

Ибн Синонинг «Донишнома» номли фалсафий китоби 5 хил илмни - мантиқ, тиббиёт, астрономия, мусиқа, илохиятни ўз ичига олади. Ибн Сино ўтмиш одамлари ва замондошлари сингари худони эътироф этади, уни борлиқнинг биринчи сабаби ва манбаи деб тушунади.

Ибн Синонинг айтишича, фалсафа борлиқ ҳакидаги фандир. Борлиқ эса абадийдир, у шаклини ўзгартириши, бир кўринишдан иккинчи қўринишига ўтиши мумкин, лекин унинг ўзи, материя йуқолмайди. Уни текшириш учун зарурият, имконият ва сабаб категорияларини асос қилиб олиш зарур. Ушбу категориялар орқали инсон олам туғрисида фалсафий фикрларга эга бўлади. Ибн Синонинг фикрича оламда зарурий вужуд ва имконий вужуд бор бўлиб, уларнинг биринчиси хеч нарсага боғлиқ бўлмаган бир бутунликдир; у қудратли, доно, иродали ва хамма нарсани билувчи тангридир. Иккинчиси зарурий вужуд тангридан келиб чиқади ва уни намоён этади. Бу келиб чиқиши эманация тарзида, яъни қўёшдан чиқаётган нур шаклида мавжуд булган ақл, жон ва жисм, улар билан боғлиқ холда осмон жисмлари келиб чиқади. Бу жавхар субстанция бўлиб, ундан ташқари борлиқда араз акциденция яъни нарсаларнинг белгилари, ранги, хажми, хиди ва бошқа хислатлари мавжуд. Жисм шакл ва материядан ташкил топади. Моддий жихатдан бир бутун бўлган табиат ўз ички қонуниятлари асосида ривожланади, бинобарин, табиий ходисалар сабабли боғланишга эга бўлиб, уларни ўрганиш мумкин.

Ибн Сино жисмлар 4 унсурдан ташкил топган, -дейди. Бу 4 унсур-хаво, сув, олов, тупроқ-ўзаро боғлиқ, бир-бирига таъсир этади. Шундан у ёки бу нарса пайдо бўлади ёки йўқолади. Лекин уларнинг асоси - 4 унсур ўзгармайди, йуқолиб кетмайди. Материя, харакат, вақт ва фазо билан узвий боғлиқдир. Ибн Сино билиш назариясига хам ўлкан хисса қўшган. У инсон билимлари реал объектив нарсалар, уларнинг сабабий боғланишларини билиб олиш орқали вужудга келади, деган. Инсон сезгилари ёрдамида нарсаларни хиссий билса, тушунчалар ёрдамида ақлий билади. У билишда тафаккурнинг ролига юксак баҳо беради.

XIV асрнинг 2-ярмида Мовароуннахрнинг феодал тарқоқлигига бархам берилди, мамалакат мўғул босқинчиларидан тозаланади. Темур ва Темурийлар хукмронлик қилган давларда дехқончилик хунармандчилик, савдо, маданиятнинг ривожланиши учун маълум даражада қулай шарт-шароитлар вужудга келди. Математика, география, адабиёт, фалаккиёт, тарих, мантиқ илмлари ривожланди.

XIV асрнинг охири-XV асрнинг бошларида Амир Темур амалга оширган ҳарбий юришлар натижасида ўлка мустақиллиги қўлга киритилди. Темур ва темурийлар даврида уйғониш даврининг иккинчи босқичи бошланди. Бу илм-фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнаш босқичи бўлди. Маънавиятга ҳомийлик харакати авж олди. Бунга Самарқандда Улугбек астрономия мактабининг вужудга келиши, расадхонанинг курилиши, машҳур олимлар Қозизода Румий, ал-Коший, Али Кушчи ва бошқаларнинг фандаги жонбозлиги яққол мисолдир. Бу масала кейинги маъруза учун мавзу бўлиб хисобланади.

Афсуски, бу маданий уйғониш мўғул босқини туфайли таназзулга юз тутди. Амир ва сultonлар ўртасидаги ўзаро ихтилофлар, ноаҳиллик Чингизхон босқинига қўл келди. Бу босқин мўғулларнинг 1218 йилда Ўтрор шаҳрини босиб олиши, унинг ҳокими, Хоразмшоҳнинг қайноғаси, Имолчиқни банди қилиши ва қулоғига қайнаб турган кумушни қуйиб юборишдек хунрезлиқдан бошланди. Мўғулларнинг хукмронлиги даврида ана шундай қонхўрлик тинимсиз давом этди. Кўркам шаҳар ва қишлоқлар вайронага айланди, иқтисодиёт таназзулга юз тутди. Илм-фан, маданият, жумладан фалсафа илми хам инқизорзага учради.

Халқимиз мўғул босқинини қаттиқ қаршилик билан кутиб олди. Гарчанд уқувсиз хукмдор Муҳаммад Хоразмшоҳ салтанатни сақлаб қола олмаган бўлса-да, халқимизнинг босқинчиларга қарши кураши асло тўхтагани йўқ. Баъзи тарихий манбаларга кўра, ўша даврда ниҳоятда катта худуддан 600 мингга яқин қўшин тўплаш мумкин эди. Бу қўшин тўпланганида ва тажрибали лашкарбошига топширилганида Чингизхон салтанатни босиб олиши гумон эди. Инсониятнинг ўтмишини яхши биладиган баъзи олим ва мутахассисларнинг фикрича, агар шоҳ ўзининг ёвқур ўғли Жалолиддинни аввал бошданоқ таҳт вориси этиб тайинлаганида ва қўшиннининг ихтиёрини унга топширганида, нафақат Осиё тарихи, балки жаҳон тарихи бошқачароқ йўлдан кетиши мумкин эди.

Афсуски, тарих «Агар ундаи бўлмаганида эди...» қабилидаги тамойилларни тан олмайди. Чингизийлар босқини Ватанимиз маданий тараққиётини бир неча асрлар орқага суриб юборди. Ўша даврда босқинчиларга қарши курашнинг энг атоқли вакили Жалолиддин Мангуберди эса миллатимиз ўз озодлиги учун олиб борган курашнинг тимсоли сифатида тарихимиз сахифаларида абадий қолди. Бу миллий қаҳрамонимизнинг таваллуд куни 1999 йилда кенг нишонланган унинг руҳини шод қилиш ва Жалолиддин Мангубердини курашга отлантирган эзгу ғоялар бизнинг кунларимизда амалга ошганлигининг рамзидир.

Маъруза ниҳоясида, алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» тамойили ўрта асрлар фалсафасини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Буюк аждодларимизнинг бағрик енглиги, мазҳабпастликка берилмаганилиги, улар дунёқарашида дунёвий ва диний илмларнинг муштараклиги, сабр-қаноатлилиги барчамизга намуна — ибратдир. Бу бой маънавий хазина ёшлар онгига миллий ғоя ва истиқлол мафкурасини сингдиришга хизмат қиласди, уларни мустақил фикрлаш, дўстни душмандан фарқ қилишга ундаиди, юртим деб яшашга чорлайди.

Инсоният тарихида шундай даврлар борки, унда буюк ишларга тайёр миллатлар, ўзининг йўлбошчилари етакчилигига, тарихнинг муайян қисқа босқичларида минг йилларда қўлга киритиш мумкин бўлган натижаларга эришганлар. Айнан ана шундай даврлар инсоният тарихига шу миллатга мансуб буюк кишиларнинг ўчмас номини битади, жаҳон маданиятини бойитади, умумбашарий тараққиётга катта хисса бўлиб қўшилади.

Темур ва темурийлар даври худди ана шундай, мўғул босқинчиларидан озод бўлган халқимизнинг миллий даҳоси энг юксак чўққига кўтарилган даврдир. Бу давр фалсафаси халқимизнинг соҳибқирон Темур бошчилигига озодликка эришган ва мустақилликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун амалга оширган буюк ишларининг ифодасидир. Бу халқимизнинг марказлашган давлат тузиш, миллий давлатчилигини тиклаш ва барқарор қилиш, мустақил яшаш орзуларининг ушалган давридир. Унинг фалсафасида ҳам ана шу жиҳатлар яққол кўзга ташланади ва бу мерос бугунги миллий онг ва истиқлол мафкурасининг фалсафий негизлари орасида алоҳида ўрин тутади.

Ўрта Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олиниши мамлакатни горат қилди, иқтисод, маданият, санъат ва илм — фан соҳасида таназзул рўй берди. Жабр, зулм, зўравонлик натижасида халқнинг турмуши кескин ёмонлашди.

Мўғуллар зулмига чек қўйишда халқ оммасининг норозилиги, сарбадорлар бошчилигидаги оммавий кўзғолонлар, айниқса, соҳибқирон Амир Темурнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлди. Муғуллар ўрнатган мустабид тузумнинг Амир Темур дунёга келган даврида ерли аҳоли ўртасида чукур ижтимоий ва маънавий уйғониш жараёни бораётган эди. Бу жараён, «Тарихи, ўша даврдаёқ, минг йилликлар қаърига кетган буюк халқ мустамлакачилик азобида ётаверадими?» ёки «Мустақиллик учун кураш олиб боришда давом этади ва озодликка эришадими?»- деган асосий саволлар атрофида рўй бераётган эди.

Мўғуллар мамлакатимизни сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан истило қилган эдилар, аммо уни маънавий бўйсундириш, маданий жиҳатдан мўғулларнинг устунлиги тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Кўчманчилик ва шаҳарларни горат қилишдан бошқасига ярамайдиган, ўтрок ҳаётга менсимай қарайдиган Чингиз авлодлари маънавий ва маданий жиҳатдан ўзларидан устун бўлган халққа нима ҳам бера олар эдилар? улар ўз хукмронлигининг охиригacha ҳам Ватанимизда бирорта тузукроқ яшаш мумкин бўлган янги шаҳар барпо этмадилар, маданият ўчокларининг юксалиши учун имкон бермадилар, ерли аҳоли орасидан чиққан баркамол кишиларни қиличдан ўтказиб турдилар. Аммо халқ иродасини бука олмадилар, унинг озодлик ва мустақилликка интилишини тўхтатиб қўя олмадилар. Амир Темур ана шу ҳаракатнинг натижаси, халқининг миллий ғояларини рўёбга чиқариш учун тарихий шаклланган зарурият, ўша пайтда

харбий уюшқоқлық, сиёсий хүшёрлик, ғалабалар учун фодокорлик жиҳатидан жаҳонда тенги йўқ миллатга айланган халқ даҳоси яратган буюк жаҳонгир эди. Халқ жаҳонгирга айланганида ўзининг жаҳонгирини яратади. Гоҳида бир жаҳонгир миллат бошқасини уйғотиб юборади. Бу эса тарихнинг муайян ҳудуддаги энг бурилиш нуқталарига тўғри келади.

Баъзилар Темур фалсафий асарлар ёзмаган-ку, унинг фалсафага алоқаси борми, деб ўйлади. Аслида Темурнинг ҳаёти ва фаолияти фалсафадан иборат эмасми? у фалсафий хулосалар чиқариш учун бошқа кишиларнинг ҳаёти ва асарларидан ҳам мазмунлироқ ҳаёт эмасми? Фалсафани фақат китоблардангина ўрганиш мумкинми? Аслида, фалсафани тўла-тўқис китобга тушириб бўлмайди. Китобга туширилган фалсафа муайян тизимга келтирилган фалсафий билимлар ситетаси холос. Темур ва темурийлар даврини тарих фалсафаси ва фалсафа тарихини уйғун тарзда ёзиш орқали нисбатан тўғри ифодалаш мумкин. Амир Темурнинг ҳаёти, унинг фаолияти, темурийлар давридаги маданий жараёнлар, илм-фан ривожи каби масалалар эса бир неча фалсафий китоблар, ўнлаб тадқиқотлар учун мавзуу эканлиги аниқ. Қолаверса, Темур ва темурийлар каби илм-фан, маданият ва санъатни, фалсафа ва адабиётни нозикташ тушунган, ўзлари ҳам бу соҳаларда ажойиб ютукларга эришган сиёсий сулолаларни жаҳон тарихидан топиш қийин. Бу сулола вакиллари орасида шеър ёзмаган, адабий машқлар қилмаган, фан-маданиятга қизиқмаган бирор темурийзода бўлмаса керак. Тарих шундан далолат берадики, юргбошлиқлари фан ва маданиятга қизиқсан, маънавиятни юксакликка кўтариш учун кўрашган ўлкада бу соҳаларда ҳақиқий юксалиш бўлади. Сиёсий таъминланганлик, бошқа соҳалар билан биргаликда, маданий тараққиётнинг энг асосий омили эканлигини рад қилиш уччалик ўринли эмас. Маданиятпарвар ва миллатпарвар Амир Темур ва темурийзодалар ўша давр маънавий тараққиёти учун сиёсий ва иқтисодий асосларни тўла-тўқис яратган арбоблар эди. Халқимизнинг асрлар оша улар руҳига миннатдорлик туйғуси билан ёндашуви, ҳалигача ўз фарзандларига бу сулола вакиллари номларини қўйиб юриши, бугунги кунларда ҳам ўша замондан ташбехлар излаётганининг сабабларидан бири ҳам ана шунда.

Амир Темур ибн Тарагай Баҳодир (1336-1405) Кеш (Шахрисабз) шахри яқинидаги Хўжа илғор қишлоғида дунёга келди. Унинг энг асосий тарихий хизматлари шундан иборатки, у мўғулларнинг босқинчилик ва вайронкорликларига қарши қурашиб, Ўрта Осиёни улардан халос этди. Майда феодал ва мулқдорларнинг ўзаро низоларига барҳам бериб, қучли марказлашган давлат барпо қилди. Мамлакатда тартиб-интизом ва қонун устуворлигини таъминлади. Унинг даврида «Куч — адолатда» тамоили амалга ошди, иқтисод ва маданият юксалди, ўзга мамлакатлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди.

Амир Темур моҳир ҳарбий саркарда сифатида ном қозонди. У ўз ҳаётини Мовароуннаҳр ҳалқининг фаровонлиги, юргбошлиқлари ва сарфлари, унинг даврида ҳашаматли бинолар, қурилиш иншоотлари, гўзал боғлар бунёд қилинди, мактаб ва мадрасалар, масжидлар қурилди, мамлакатимиз Шарқнинг гўзал ҳудудига айланди.

Темурнинг яна бир улкан ҳизмати шуки, у маданият ва илм-фан ҳомийси сифатида машҳур бўлди, ўз саройига олиму фузало ва дин арбобларини тўплади. Ҳожа Афзал, Жалол Ҳокий, Мавлоно Хоразмий, Мавлоно Мунший ва бошқалар унинг саройида илм-фан ва бадиий ижод билан машғул бўлдилар. Бобур Мирзонинг хабар беришича, ўша даврда Самарқанд энг гўзал шаҳар эди. Испан сайёҳи Р. Г. Клавихо Самарқанднинг гўзалигига қойил қолган эди. Темур ҳукмронлиги даврида ички ва ташки савдо кучайди. Айниқса, Ҳиндистон, Хитой, Русия, араб мамлакатлари билан алоқаларнинг кучайиши Темур салтанати иқтисодий қудратини оширди. Темур ва темурийлар даврида ислом дини ва тасаввуфга катта эътибор берилди. Ислом дини ўша даврда асосий мағкура бўлиб, марказлашган давлат барпо этишда, иқтисод, маданият ва илм-фан соҳасидаги мақсад ва вазифаларни амалга оширишда назарий асос бўлиб ҳизмат қилди. Темур ўз фаолиятида унга таяниб иш кўрди.

Темурийлар даврида тасаввуф таълимоти кенг қулоч ёйди. Соҳибқирон тасаввуф қоидаларидан мамлакатдаги салбий иллатларни йўқотишида, турли жанжал ва низоларни бартараф қилишда, ҳақиқат ва адолат ўрнатишида, инсонпарварлик ғояларини тарқатишида фойдаланган. Темур тасаввуфдаги покланиш, тўғри ва соғдил бўлиш, зино ва фаҳш ишлар билан шуғулланмаслик, ҳаром-ҳариш ишлардан қочиш, ҳалол меҳнат қилиш, бирор касбни эгаллаш, муҳтоҗларга меҳр-шафқат кўрсатиш каби ғояларни ҳалққа сингдириш учун кураш олиб борди. Нақшбандлик тариқатининг йирик шайхлари бўлмиш Сайид Амир Кулол, Шайх Абу Бакр Тайободий, Мир Сайид Баракалар Темурнинг пирлари бўлиб, соҳибқирон улар билан тез-тез мuloқot қилиб турган.

Темурийлардан Шохрух, Улуғбек, Хусайн Бойқаро, Бобур Мирзолар давлатни бошқаришда, дин ва тасаввуф қоидаларига амал қилишда, илм-фан ва маданиятни ривожлантиришда унинг анъаналарини изчил равишда давом эттирдилар. Бу даврда меъморчилик санъати юксак даражага кўтарили. Амир Темур Кўксарой масжиди, Шоҳизинда, Бибихоним мадрасасини қурдирди. Кешда (Шахрисабз) Оқсарой барпо қила бошлади. Мирзо Улуғбек даврида 1417-1420 йилларда Регистонда, кейинчалик Бухорода, 1432-1433 йилларда Фиждувонда мадрасалар қурилди, Бибихоним масжиди, Гўри Амир мақбараси қуриб битказилди. 1429 йили эса Улуғбекнинг фалакиёт расадхонаси ниҳоясига етди. Хиротда ҳам кўплаб меъморчилик бинолари барпо қилинди. Улар жумласига масжид, мадраса ва хонақоҳлардан иборат бўлган Гумбази сабз, Алишер Навоий қурдирган «Ихлосия», «Низомия», «Шифоя» мадрасалари, Марв шаҳридаги «Хусравия» мадрасаси ва бошқалар киради. Навоий яшаган замонда Хиротда «Шарқ Рафаэли» деб ном олган Камолиддин Беҳзод (1456-1535) ва шоҳ Музaffer каби дунёга машхур рассомлар ижод қилди. Беҳзод «Зафарнома» китобига, Хусрав Дехлавийнинг «Ҳамса», Саъдийнинг «Бўстон» асарларига нақш берган ва Хусайн Бойқаро, Хотифий, Жомий ва бошқаларнинг расмини чизган, халқнинг меҳнатини, табиат манзараларини ҳаққоний тасвирилаган.

XIV-XV асрларда Мовароуннахр ва Хурросонда илм-фанинг кўп соҳаларида юксалиш юз берди. Жаҳонга машхур олимлар, табиатшунослар ва шоирлар етишиб чиқди. Тибиёт, риёзиёт, ҳандаса, тарих, адабиёт, жуғрофия, педагогика, мантиқ, фалсафа, Этика ва бошқаларга эътибор берили. Айниқса, бадиий адабиёт ва адабиётшунослик тез ривож топа бошлади, уларда ўша давнинг муҳим ижтимоий муаммолари ва инсонпарварлик ғоялари олға сурилди. «Гул ва Наврӯз» муаллифи Лутфий (1366-1465), «Беҳрӯз ва Баҳром» асарини ёзган Биноий (1453-1512), «Тазкират уш-шуаро» (шоирлар ҳақида тазкира) нинг муаллифи Давлатшоҳ Самарқандий, «Юсуф ва Зулайҳо», «Маҳзан ул-асрор» (Сирлар хазинаси) асарларининг муаллифлари Дурбек (XIV-XV асрлар), Ҳайдар Хоразмий ҳамда Камол Хўжандий (1402 йилда вафот этган), Ҳофиз Хоразмий (XIV-XV асрлар), Исмат Бухорий (1365-1436), Яқиний (XV аср), Ҳилолий (XV аср), Атоий (XV аср) ва бошқалар ўша даврда яшаб ижод этдилар.

Бу даврда тарих фанига эътибор кучайди, йирик тарихнавислар пайдо бўлди. Темурийлар даврида Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413-1482) «Матлаа ас-саъдайн ва мажмаъ ал-баҳрайн» («кикки денгизнинг қўшилиши»), Ҳофизи Абронинг (1361-1430) «Зубдат ат-таворих» («Тарихларнинг сараси»), Муйиниддин Исфизорийнинг (1494 да вафот этган) «Равзат ал — жаннат фи авсоф мадинат», Фосих Ҳавоғийнинг (1375-1442) «Мужмали фосиҳий», Шарафиддин Али Яздийнинг (1454да вафот этган) «Зафарнома»си, Низомиддин Шомийнинг (XIV аср ӮВ асрнинг боши) «Зафарнома»си ва бошқалар машхур эди.

Ўша замоннинг энг машхур тарихчилари **Мирхонд (1433-1498)** ва **Хондамир (1475-1535)** эдилар. Мирхонд Ҳиротда таваллуд топиб, шу ерда ижод қилган. Унинг асосий тарихий асари 7 жилдан иборат бўлиб, «Набиралар, подшоҳлар ва халифалар таржимаи ҳоллари ҳақида поклик боғлари» деб аталади. У олти жилдини ёзиб вафот этади, еттинчисини набираси Хондамир ёзиб тугатади.

Хондамир ҳам Ҳиротда туғилиб, ёшлигидан тарихнависликка ҳавас қўяди. У Аграда вафот этади. Унинг муҳим рисолалари «Макорим ул-Этика», «Ҳабиб ус-сияр», «Вазирлар учун қўлланма» ва бошқалардир.

XIV-XV асрларда мантиқ, табий-илмий фанлар, айниқса фалакиёт, фалсафа ва Этика катта эътибор берили. Мантиқ илмининг йирик вакилларидан бири **Саъдиддин Тафтазоний** (1322-1392) у Нисо вилоятига қарашли Тафтазон қишлоғида дунёга келади. Ёшлигидан илоҳиёт фанлари, араб тили, нутқ санъати ва мантиқ билан шуғулланади. Тафтазоний мадрасаларда мударрислик қилди. Туркистон, Ҳирот, Жом, Фиждувон мадрасаларида талабаларга дарс берди. Тафтазоний шуҳрати, илмий ишлари Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига кенг тарқалди. Темурнинг таклифи билан аллома Самарқандга келиб, шу ерда умрининг охиригача яшади.

Тафтазоний 40 дан ортиқ рисолаларнинг муаллифидир. Муҳимлари: «Таҳзиб ал-мантиқ вал-калом» («Мантиқ ва каломга сайқал бериш») «Мухтасар ал-маоний» (Риторикага оид «Қисқача маънолар»), «Ал-иршод ал-ҳодий», (Араб тили граматикасига оид «Йўл бошловчи раҳбар»), «Ал-мақосид ат-толибин» («Фалсафа ва каломга оид «Толиби илмларнинг мақсадлари») ва бошқалар. Тафтазоний ўтмиш олимларининг жуда кўп асарларига шарҳлар ҳам битган.

Аллома сабаб ва оқибат, ирода эркинлиги, билиш, онг, мантиқ фани ва унинг вазифалари ҳақида ўз фикрини баён қилган. Масалан, у табиатда сабаб ва оқибат муносабатларининг мавжудлигини эътироф этади. Тафтазоний ирода эркинлигига тўхталиб, ҳар қандай эзгу ишлар худонинг моҳиятидан келиб чиқади. худо яратувчи сифатида инсонларни ёмон хатти-ҳаракатлар қилишдан сақлайди, инсонни кўпроқ хайрли ишлар килишга чорлайди, гуноҳ ишлардан қочишга даъват этади, деб айтади.

Ўша даврнинг яна бир атоқли алломаси **Мир Сайид Шариф Журжоний** Астробод шахри яқинида туғилган. Журжоний Истамбул, Коҳира, Ҳирот, Шероз шаҳарларида бўлиб, улардаги олимлардан илм сирларини ўрганади. 1387 йилдан бошлаб Самарқанд мадрасаларида мантиқ, фалсафа, фалакиёт, фикҳ ва адабиёт, мунозара илми ва бошқалардан дарс беради.

Журжоний 50дан ортиқ рисолаларнинг муаллифи бўлиб, уларнинг аксарияти мантиқ, фикҳ, фалсафа ва табиатшуносликнинг муҳим муаммоларига бағишлиланган. Олимнинг «Ат-таърифот» («Таърифлар»), «Одоб ул-мунозара» («Мунозара олиб боришининг қоидалари ҳақида рисола»), «Суғро» («Кичик далил бўла оладиган ҳукм»), «Кубро» (Катта далил бўла оладиган ҳукм»), «Авсат дар мантиқ», («Мантиқда ўрта хulosаси»), «Рисолайи вужудия» («Борлик ҳақида рисола») ва бошқа асарлари мавжуд. Булардан ташқари, Журжоний салафларининг, хусусан ибн Сино, Чағминий ва Насриддин Тусийларнинг асарларига шарҳлар ёзганлиги маълум.

Мутафаккир рисолаларида борлик, модда ва унинг шакллари, жисмоний ва руҳий муносабатлар, мантиқий фикрлаш, тил ва тафаккурнинг ўзаро алоқаси, коинот, инсон, ақл ва билиш масалалари ёритилади. Журжоний, худди Тафтазоний сингари, ҳамма нарса ва жисмлар бир-бирига сабаб-оқибат нисбатида бўлади, деб ҳисоблади. Оддий нарсалар асосида тўрт унсур, яъни сув, олов, ҳаво ва тупроқ ётади. Металл, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси тўрт унсурнинг қоришиши натижасида пайдо бўлади.

Мир Сайид Шариф Журжоний мантиқ илми соҳасида ҳам ўз фикрларини баён қилган. Ўзининг қарашларида мантиқ илмини фалсафадан ажратмай, айни бир вақтда унинг ҳуқуқ ва тил билан ҳам чамбарчас боғлиқ эканлигини исботлаб беради. Шунинг учун ҳам, XІV-XV асрдан бошлаб ислом мадрасаларида мантиқ илмини ўқитиш ҳуқуқ ва тилшунослик фанлари билан боғлиқ ҳолда олиб борилди. Журжоний хulosанинг уч тури: қиёс (силлогизм), индукция ва аналогияни ҳар қайсисига таъриф беради, уларнинг ҳар бирини таҳлил қилиб чиқади. Умуман олганда, Тафтазоний ва Журжонийнинг фалсафий ва мантиқий қарашлари илм-фан ривожида катта ҳисса бўлиб қўшилди ва кейинги даврларда яшаган мутафаккирларнинг дунёқарашига самарали таъсир кўрсатди.

Жаҳон илм-фани тараққиётига катта улуш қўшган буюк фалакиётчи олим ва давлат арбоби **Муҳаммад Тарагай Улуғбек** (1394-1449) математика ва фалакиёт соҳасида баркамол ижод қилган. Унинг отаси, Амир Темурнинг ўғли Шоҳруҳ Мирзо эди. Улуғбек ёшлигидан илм билан қизиқди. унга таникли олимлар Қозизода Румий ва Ғиёсиддин Жамшид устозлик қилдилар. У гарчи давлат арбоби бўлса ҳам, маданият ва илм-фан равнақига кўп кучини сарфлади, математика, астрономия, геометрия, тарих, кимё ва бошқа соҳаларда илмий тадқиқотлар олиб борди. Олимнинг дунёқарашида Афлотун, Арасту, Птолемей, Муҳаммад Хоразмий, ал-Фарғоний, Форобий, ибн Сино, Беруний ва бошқаларнинг асарлари муҳим ўрин эгаллади.

Улуғбекнинг улкан ишларидан бири унинг Самарқандда, Кўҳак тепалигига, Оби Раҳмат ариғининг бўйида, расадхона барпо этганлигидир. Ушбу расадхона қурилиши 1424 йилда бошланиб, 1429 йилда тугалланди. Олимнинг энг муҳим асари «Зижи жадиди Кўрагоний» деб аталади. Ундан ташқари, Улуғбек математикага оид «Бир даража синусни аниқлаш ҳақида рисола», астрономияга бағишлиланган «Рисолайи Улуғбек» ва тарихга оид «Тўрт улус тарихи» китобларини ёзди. Улуғбек мантиқ илми, фикҳшунослик, мусиқа ва адабиёт назариясини яхши билар эди. Олимнинг «Зижи» икки қисм, муқаддима ва 1118 юлдузнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган жадваллардан иборат.

Улуғбек сайёраларни ўрганишда турли услубларни қўллайди, булар кузатиш, эксперимент, жонли мушоҳада, исботлаш, қиёслаш, индукция, дедукция ва бошқалардир. Шуни айтиш лозимки, Улуғбек кузатиш ва ўлчаш асбоблари такомиллашмаган бўлса ҳам, қўёш ва ой ҳаракатларини, уларнинг тутилиши ва вақтларини тўғри ҳисоблаб чиқди. у ўз атрофига қобилияти олимларни тўплади, ўзга мамлакатлардан иқтидорли олимларни таклиф этди.

Ана шундай олимлардан бири **Ғиёсиддин Жамшид ал-Коший** (1430 йилда вафот этган) бўлиб, у иирик риёзиётчи ва фалакиётчидир. Унинг асарлари «Мифтоҳ ул-хисоб» («Хисоб калиди»), «Рисола ал-мухитийа» («Доира ҳақида рисола») ва бошқалардир. XVI асрдан бошлаб Европа мамлакатларида унинг кашфиётидан фойдалана бошладилар.

Тарихда Али Күшчи номи билан машҳур бўлган **Алоуддин Али ибн Мухаммад Қүшчи** (1403-1474) Улуғбекнинг шогирдидир. У илмий ишларини фалакиёт ва риёзиёт соҳасида олиб борди. Унинг асарлари: «Арифметика илми ҳақида рисола», «Мантиқ рисоласи», «Астрономияга оид рисола» ва бошқалардир.

Али Қүшчи «Астрономияга оид рисола»сида Ой ва Қуёш тутилиши қонуниятларини илмий асослаб берди. Олим табиат сирлари ва унинг қонуниятларини ўрганди, жисмлар харакати ва уларнинг оддийдан мураккабга ўтиши тўғрисида ўз фикрини илгари сурди.

Умуман шуни таъкидлаш лозимки, Улуғбек ва у асос солган астрономия мактаби коинотдаги ҳодисаларни ўрганишда мухим рол ўйнади, ўша вақтгача фанга маълум бўлмаган ҳодисаларни идрок қилиб, инсон ақл-заковатининг билиш имкониятларини кенгайтирди, кейинги даврларда яшаган олимларга самарали таъсир кўрсатди. Улуғбекнинг астрономия соҳасидаги ғояларини Европада XV1 асрдан бошлаб Коперник, Галилей ва бошқалар ривожлантирилар.

Улуғбек хукмронлик қилган даврда фан ва маданият кенг тараққий этди. Шу даврда Самарақандда Қозизода Румий, Муйиддин ва унинг ўғли Мансур Коший, Али ибн Мухаммад Журжоний, Хиротда Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, улуғ рассом Бехзод, тарихшунос Хондамир, Хаттот, Султон Али Машхадий ва бошқалар ижод қилганлар. Бошка табиётшунослар сингари Улуғбек ва унинг шогирдлари моддий оламни киши онгидан ташқарида объектив мавжудлигига шубха қилмадилар ва уни чуқур ўрганишга даъват этдилар.

Қомусий билим эгаси булган Мирзо Улуғбек риёзиёт, фалакиёт, мусикашунослик, фалсафа, тарих соҳасида ижод килган. У «Бир даражанинг синусини аниглаш ҳақида рисола», «Рисолалар илмидан мусика», «Рисолаи иирик тарихий китоб»ни хам муаллифидир.

Улуғбекнинг номини бутун дунёга ёйган, ўта шон-шухрат келтирган бебаҳо асар «Зижи жадиди Курагоний»дир. Бу асар Улуғбекнинг 20 йил давомида олиб борган астрономик қузатишларининг натижаси бўлиб, унинг асосий қисми юлдузлар жадвалидан иборатdir. Улуғбек ўлимидан кейин 200 йил давомида бу жадвал ўзини аниқлиги ва илмийлиги билан тенги йуқ хисобланиб келинган.

Шу даврнинг ёркин юлдузларидан бири - ўзбек ҳалкининг буюк фарзанди, буюк мутафаккир, сиёсий арбоб, инсонпарвар шоир Алишер

Навоий эди. Навоий фан, адабиёт, санъатнинг турли соҳаларига доир қирқдан ортиқ асар яратди. «Чор девон», «Хамса», «Махбубул қулуб», «Мухокаматул луғотайн», «Мажолисун нағоис» ва бошқалар шулар жумласидандир. Алишер Навоийнинг фалсафий қарашлари турли асарларида сочиленган холда баён этилган.

Уларда борлик ва унинг моҳияти, инсон ва инсон ҳаётининг мазмуни ҳақида чуқур фалсафий мулоҳазалар, инсоннинг баҳт саодати ҳақидаги орзу-умидлари, адолат ва Ахлоқий камолот, комил инсон ва фозил жамоа, уларга етиш йуллари ва чоралари хусусида изланишлар уз ифодасини топган. Навоий уз фалсафий қарашларида хамма нарса 4 моддий элементдан - ут, сув, хаво, тупроқдан ташкил топган деб кўрсатади. Унингча моддий олам доим ҳаракатда ва ўзгаришда. Навоий моддий оламни билиш мумкин эканини асосан эътироф этади. Унингча, билишнинг манбаи реал вокеликдир, дунёда мавжуд нарсаларнинг хаммаси хисларимизнинг предметидан (объектидан) иборат. Навоий инсон узининг 5 сезги аъзолари орқали ташки маддий дунё билан алоқа боғлайди ва у тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлади, уларни миясида тафаккур ёрдамида умумлаштиради, қайта ишлайди сўнгра муайян хулоса чиқаради дейилади.

Алишер Навоий инсонни бутун коинотнинг марказий сиймоси, бутун мавжудотнинг тожи деб билади. Инсонни безайдиган гўзал хислат ва фазилатлар сифатида одоб-Этикали, камтар, муруватли, ростгуй, меҳнатсевар, сахий булишни алоҳида таъкидлайди. Унинг асрлари марказида турган белгиловчи ва йуналтирувчи бош масала - инсон, ҳалқ, Ватан, унинг гуллаб яшнаши, истиқболи хақидаги муаммолардир. Навоий инсон ва унинг тақдири ҳалқ ва уни манфаатлари йулида ғамхўрлик қиласидиган кишиларни улуғлади.

XVI-XX асрларда хонликлар ва амирликлар даврида Марказий Осиё ҳалқларининг фан ва маданияти узига хос хусусиятларга эга бўлган холда ривожланди. Феодаллар ўртасида бўлиб турган даҳшатли жанглар илм ахлига қанчалик кулфатлар келтирган булмасин, у илм-фан, санъат ва адбиёт ривожини тухтатиб қўя олмади.

Боборахим Машраб (1657-1711) Марказий Осиё ҳалқлари ижтимоий ва фалсафий фикрлари ривожланиши тарихида мухим ўрин тутади. У ўша вақтда яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларида тарқалган тасаввуфнинг қаландарлик окимиға эътиқод килиб, жамиятдаги адолатсизликка қарши кураш олиб боришга харакат қиласиди. Машраб ўзининг ғазал рубоийларида илохий севгини, яъни худога мухаббатни баён қиласиди. Лекин айни бир вақтда, мавжуд дунёнинг ишларини, ғам ташвишларини, инсоний фазилатларни эгаллаш, ҳалқнинг ахволини яхшилаш муаммоларини хам унутмайди. Машраб дин йўлидан чиқиб кетган, шаърият қонунларига риоя килмай, риёкорлик, муттаҳамлик, фирибгарлик, бузуқчилик билан шуғулланаётган дин вакилларни фош килиб, уларни тугри йулга солмоқчи бўлади. Боборахим Машрабнинг оташин инсонпарварлик сўзлари, исёнкор шеърлари ўша даврдаги хукмдорларга шаърият пешволарига мутлақо ёқмади. У 1711 йилда Балх хокими Махмудхон томонидан осиб ўлдирилади.

Марказий Осиёда фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлар тараққиётида беқиёс катта ўрин тутган мутафаккирлардан бири Мирзо Абдулқодир Бедил (1644-1721) дир. У 120 минг мисрадан ортиқ шеър ва 20-25 босма табоқдан иборат наср ёзган. Унинг «Куллиёт» номли асрлари тўпламига 16 та китоб кирган. Фалсафага доир асрларидан «Билим», «Чор унсур», «Нукот» кабиларни кўрсатиш мумкин. Мирзо Бидил фалсафий фикр негизини объектив олам мавжудлигини эътироф этиш ташкил этади. Унинг таълимотига кура табиат абадий, ундаги нарса ва ходисалар узаро боғлиқ хамда дунё хамиша ўзгариш, ривожланиш холатида туради. Бедилнинг фалсафий қарашлари унинг «мавжудот бирлиги» деган таълимотида чукур ифодаланган. Унда айтилишича, модда билан Рух, тан билан жон бир-бирига боғлиқ. Бедил нуқтаи назари билан қараганда, 4 унсурнинг турли бирикмаларида ноарганик дунё пайдо булган, кейин ундан органик дунё - ўсимликлар, хайвонлар ва одамзот вужудга келган. Бедилнинг тушунтиришича, жисм нарсалар таркибида заррачалар ўзгариб туради, натижада янги нарсалар келиб чикади. Бу хайратга соловчи сирли ходиса зарурият хукми билан бўлади. Бу зарурият нарсаларнинг ўзида ва уларнинг ўзаро муносабатларида мавжуддир. Бедилнинг таълимотича, инсон сезги органларига ташки олам таъсир этади, инсон нарсалар моҳиятини ақл-заковати ёрдамида билиб олади. Объектив олам билиш манбаи эканини у хар доим таъкидлаган. Одам хис килиш органлари ёрдами билан ташки дунё таъсирини идрок қиласиди.

Тафаккури билан эса буюмларнинг моҳиятини билиб олади. Мирзо Бедилнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашлари хам мухим ахамият касб этади. У ўз шеърларида инсонга хурмат ва эҳтиром билан қараш унинг келажагини ўйлаш, ҳалол еб, ҳалол яшашга даъват этади. Бедил дангасалик, ёлғончилик, кеккайиш, очкузлик, макр ва хиёнатни танқид қилиб, камтарлик, сахийликни, меҳнатсеварлик, одоб-Этика, иймон-эътиқодни юксак даражада қадрлайди.

Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирлари томонидан илгари сурилган маърифат хақидаги ажойиб ғоя ва таълимотлар XVII-XIX асрларда адиллар, тарихчилар, файласуфлар, зиёлилар томонидан ўзига хос тарзда ижодий ривожлантирилди. Янгина маъно ва мазмун билан бойитилди.

Турди Фаргоний, Боборахим Машраб, Шермухаммад Мунис, Мухаммад Шариф Гулханий, Мухаммад Ризо Огахий ва бошқалар ўша мураккаб тарихий даврнинг фан арбоблари атоқли шоир ва ёзувчи олимлардир. Халқимизнинг туб манфаатларини, озодлик, мустакилликка булган интилишдари, орзу-ниятларини узида акс эттирган янги ижтимоий-фалсафий тафаккур-маърифатпарварлик Туркистонда XIX асрлар охирларидан бошлаб пайдо бўла бошлади. Уларнинг йирик намоёндалари Ахмад Дониш (1827-1897), Фурқат (1858-1909) йиллари, Завкий (1853-1921), Аваз Утар (1884-1914) хисобланади. Уларнинг асосий мақсадлари халқни илмли, маданиятли қилиш, миллӣ онг ва ғурурини устириш асосида эл-юртни яқдил, яктан қилиб бирлаштириш, одамлар қўзини ғафлат уйқусидан очиш йули билан Ватанимиз мустақиллиги, миллатимиз эркинлиги ва озодлигини таъминлашдан иборат эди.

XIX аср ва XX аср бошларида Туркистонда жадидлар харакати вужудга келди. Улар халқни маърифатли қилиш, билим савиясини кўтариш, фикр доирасини ўстириш, миллӣ истиқболга эришишнинг зарур шартларидан бири деб тушундилар ва ана шу олийжаноб ниятларини амалга ошириш учун тинмай харакат қилдилар. Халқимизнинг зукко фарзандлари Махмудхужа Бехбудий, Мунаввар

Қори, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Чулпон, Усмон Носир, Абдулла Кодирий шулар жумласига кирадилар. Туркистоннинг келажак тақдири тўғрисида миллатнинг истиқболи хақида тинмай қайғурдилар, изландилар, миллӣ истиқтолимизга замин яратдилар.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ислом дини тўғрисида нималарни биласиз?
2. Тасаввуфда комил инсон таомилини Сиз қандай тасаввур қиласиз?
3. Тасаввуфдаги кубравия, яссавия ва нақшбандия тариқатлари тўғрисида нималарни биласиз?
4. Машҳур мухаддислардан кимларни биласиз?
5. Сизнинг назарингизда диний бағрикенглик нима?
6. «Маънавий меросни билмай туриб, мустақилликнинг мафкурасини яратиб бўлмайди» деган фикрни қандай тушунасиз?
7. Амир Темурнинг хаёти ва фаолияти тўғрисида нималарни биласиз?
8. «Темур тузуклари»ни ўқиганмисиз, у тўғрида нималарни биласиз?
9. Мирзо Улуғбек ва унинг «Зичи Кўрагоний» асари тўғрисида нималарни биласиз?
10. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий дўстлиги тўғрисида сўзлаб беринг.
11. Алишер Навоийнинг комил инсон тўғрисидаги ғоялари мазмунини биласизми?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И. Оллоҳ қалбимизда юрагимизда. – Т., Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-19 жиллар. - Т.: Ўзбекистон, 1996-2011.
3. Каримов Ҷ. Донишманд ҳалқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. //Фидокор. 2000. 8 июнь.
4. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 1-том. — Т.: Фан, 1968.
5. Мўминов И.М. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. — Т.: Фан, 1998.

4-Мавзу: Янги ва энг янги давр фалсафаси

Режа:

1. Янги давр фалсафасининг ривожланишидаги ижтимоий-сиёсийшароит
2. Ф.Бэкон ва Т.Гобсснинг фалсафий қарашлари
3. Р.Декарт, Б.Спиноза, Л.Лейбниц таълимоти
4. Немис мумтоз фалсафаси (И.Кант, Гегел ва Л.Фейрбах)

Таянч тушунчалар

Схоластика, апологетика, реализм, номинализм, уйғониш даври, миллий давлатлар, миллий фалсафий мактаблар, мутлақ рух, метод, система, тарих фалсафаси, диалектика. Сциентизм, антисциентизм, неотомизм, неопозитивизм, прагматизм, герменевтика, структурализм, экзистенциализм.

Фарбий Европада Ўрта аср тушунчаси I-асрдан XV асрغا даврни ўз ичига олади. Бу даврда христианлик шаклланиб, давлат дини ва мағкурасига айланди ҳамда фалсафий фикрлар яккахудочилик гоялари асосида ривожлана бошлади.

Христиан доғмаларининг асосларини ифодаловчи - «патристика», унинг йирик вакиллари Тер Тулиан (150-222), Августин (354-430) ва Христиан фалсафаси шаклланиб, ғарб мамлакатларининг мажбурий дарслигига айланган, схоластика (юонча shole-школа), бир неча йиллар давомида хукмрон мағкура бўлиб қолган эди. Фалсафа тўла равишда динга буйсундириб қутилган эди. Табиатни ўрганиш, хур фикрлаш гуноҳ хисобланиб, инквизиция (черков суди) буйруғи билан жазога тортилади, қувғин қилинади. Аммо фан тарақкиётiga диннинг ҳар қанча тўскинлик қилишига қарамай феодализм даврида маданий-маънавий тараққиёт ривожланиши тўхтамади. Феодализм схоластик фалсафасида X-XIV асрлар давомида 2 асосий оқим - номинализм ва реализм ўртасида кескин кураш давом этди. Бу 2 оқим ўртасидаги курашнинг асосий масаласи умумий тушунчалар моҳияти масаласи эди. Реалистлар умумий «универсаллар» -реал нарсалардан олдин ва улардан ташқарида худо тарзида ёки худо онгидаги ғоя тарзида яшайдилар, деб хисоблайдилар. Бу кураш Платоннинг умумий тушунчаларгина реалдир, сезгиларимизда ифодаланган айрим буюмлар эса шу ғояларнинг кўринишларидан иборат деган фикрга мос келади.

Номеналистлар эса, аксинча айрим буюмларнинг борлигини эътироф қилиб, «универсалияларни» инкор этадилар. Умумий ғоялар факат одамнинг фикридагина мавжуд бўлиб, умумий тушунчалар сифатида яшайдилар деб исботлайдилар.

Номеналистлар Иоанн Росцелин (1265-1308), Иоанн Дунс Скотт (1265-1308) ва Уильям Оккам (1300-1350) алоҳида предметларгина реал мавжуддир, умумий тушунчалар эса номларни ифодалайди ва улар иккиламчидир деб хисоблаган булсалар, реализм вакиллари Ансельм Кентербериский (1033-1109)) ва бошқалар умумий тушунчалар объектив мавжуд булиб, аниқ нарсалар уларнинг ифодаланиш шаклларидир, деб хисоблаганлар. Номенализм ўрта аср схоластикасидаги математик йўналишнинг алоҳида, ўзига хос кўриниши эди. Табиатдаги нарса ва ходисаларнинг объектив мавжудлиги хақидаги номеналистларнинг таълимоти черков обруйининг пасайишига, дунёнинг худо томонидан яратилганлиги, рухнинг бирламчилиги ва моддий ходисаларнинг иккиламчилиги хақидаги диний ақидаларга путур етказишга олиб келар эди.

XIII асрда италиялик художу́й файласуф Фома Аквинский (1225-1274) реализм мұтадил намоёндаси сифатида майдонга чиқди ва у худонинг бирламчилиги, рухнинг ўлmasлиги каби ғояларни тарғиб қилувчи Томизм фалсафасига асос солди. Фома Аквинский Арастунинг шакл бирламчи бошланғич ва фаол ижодий күч, моддий предметлар эса шаклнинг маҳсули ва (пассив күчдир) деган фикрини давом эттириб дунёда турли шакллар бор, жон хам шу шакллардан биридир, шаклларнинг шакли Худодир, деб эълон килди. Унинг таълимотига қўра дунё фазода чегараланган вақтда чекланган бўлиб, у фақат табиатдан ташкаридаги күч орқали харакат қилиши мумкин. Табиатдаги мавжуд нарса ва ходисаларни билиш мумкин, уларни сезгилар воситасида ақлга жойлаш мумкин, умумий тушунча - Худони билиш мумкин эмас.

XIX асрнинг 70-йилларида Фома Аквинскийнинг бу фалсафий таълимоти католик черковининг расмий назарияси деб эълон килинди, уни билиш хар бир диндор учун мажбурий бўлиб қолди. XV аср охири ва XVI аср бошларида Farbий Европа мамлакатларида феодализм емирилиб, капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари шаклана бошлади. Янги географик йулларнинг очилиши ишлаб чиқаришни янада ривожлантириди. Бу эса машина техникасини ривожлантиришга олиб келди. Маънавий хаётда бу давр табиатни урганишнинг кучайиши, черков, дин таъсирига қарши курашнинг авж олиши, фалсафа ва бошқа гуманитар фанларининг равнаки билан тавсифланади. Бу даврни одатда Ренесанс - Уйғониш даври деб атайдилар. Уйғониш давридан бошлаб фан ғоят тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Табиатни илохиятдан холи қилиш ана шу вақтдан бошланди. Ер ва осмон жисмлари механикаси, шу билан бирга унга хизмат математик усуулларни кашф этиш ва такомиллаштириш соҳасида буюк ишлар килинди. Бу даврда Н. Коперник, Ж. Бруно, И. Кеплер, Г. Галилей сингари мутафаккирлар майдонга келади.

Поляк астрономи Коперник (1473-1543) оламнинг гелиоцентрик системасини яратди. Бу назария математик дунёкараши умумий ривожининг табиий илмий замини бўлади.

Немис астрономи Иоганн Кеплер (1571-1630) гелеоцентризм назариясидан келиб чиқиб, сайёралар холатини кузатиш асосида сайёралар харакатининг З қонунини кашф қилди. Бу Коперникнинг Қуёш системаси тузилиши манзарасини аниклаштиришга ва бутун оламнинг тортилиш қонунини очишига имкон беради. Шунинг билан бир қаторда Кеплернинг кашфиётлари дунёга диний нуктаи назардан қарашга путур етказди, лекин шуни хам эсдан чиқармаслик керакки, Кеплернинг дунёкараши диний идеалистик тушунчалардан холи эмасди.

Италиян олими Ж. Бруно (1548-1600) хам «Уйғониш даврининг» йирик вакилларидан бўлиб, схоластик фалсафага ва Рим католик черковига қарши кураш олиб борди. Бруно, Коперник кашфиётидан фойдаланиб, мазкур фалсафий қоидаларнинг физик ва астрономик мазмунини аниклаштириди. У тупрок, хаво, сув, олов ва эфирдан иборат Ер билан Осмон оламнинг физикавий яккажинслигини тасдиқлайди, деб уқтиради. Бруно таълимотича, моддий олам бирламчи бўлиб, онг эса иккиласмичидир: моддий олам мангуба, у хеч кандай Худо томонидан яратилган эмас: бордан йўқ, йўқдан бор бўлмайди: у чексиздир: моддий олам чексиз турларда ифода этилади, лекин бу чексиз нарса ва ходисалар бир-бири билан узаро алоқада, бирликдадир. Қуёш системасидан ташкари яна саноқсиз дунёлар, Қуёшлар, Ерлар мавжуд, дунё - бепоён, моддий олам унинг кичик бир кисмидир, Ер эса бепоён оламнинг зарраасидир. Брунонинг таълимоти, унинг хатти-харакатлари черков томонидан қаттиқ танқид остига олиниб, черков судининг хукми билан у 1600 йил 16 февралда Римдаги Гуллар майдонида ёндирилган.

XVII-XVIII асрлар Гарбий Европа тараққиётида янги давр хисобланади. Бу асрлар Европа мамлакатларида феодализмнинг халокати ва капитализмнинг фалабаси даври эди. Капиталистик ишлаб чиқариш усули янги ишлаб чиқарувчи кучлар эҳтиёжига мувофиқ табиатни илмий билиш жараёнини тезлаштиради. Денгизда савдо муносабатларини ривожи кемасозликнинг тараққиёти, янги шахарлар курилиши астрономияга, математика ва механикага бўлган эҳтиёжни кучайтириди. Н. Коперник

гелеоцентрик назариясининг таъсири тобора кучая борди. Кеплер сайёralар харакат қонунини очди. Галилейнинг механика назарияси вужудга келди. Ньютон механиканинг асосий қонунларини кашф қилди. Табиёт фанларидағи бу ютуклар ўрта аср схоластик ва диний мағкурасининг реакцион мөхиятини очиб ташлади, янги дунёкараш учун илмий асос тайёрлади. Лекин шунга қарамай янги илмий дунёкарашнинг асоси механик ва метафизик табиатга эга эди. Янги давр материализмининг метафизик табиати бу давр тарихий шароити ва табиат фанлари тараққиёти даражаси билан боғлиқдир. Чунки кадимги даврдан бошлаб йиғилган табиат туғрисидаги билимлар умумий характерга эга бўлиб, у янги даврнинг тажрибаси ва фан талабига жавоб берса олмайди. Шунинг учун янги давр табиатшунослари табиатдаги ходисалар далилларни йиғиш ва урганиш, чукуррок билиш мақсадида уларни бир-биридан ажратиб ўргандилар. Бунинг натижасида табиатшунослар табиат ходисаларида, предметларни узаро боғланиш, бир-бирини тақозалаш, ривожланиш йўқ деган хулосаларга келдилар. Улар учун олам қотиб қолган тасодифий ходисалар йиғиндисидан иборат бўлиб кўринди.

Янги давр материализмининг механик табиати қуйидагилар билан белгиланади. XVI-XVIII асрларда табиат фанлари ичиде механика ва математика фанлари катта ютукларга эга бўлиб, Киме ва биология эса бу даврда хали у қадар ривожланмаган эди. Шунинг учун хам бу даврнинг олимлари механика ва математикани табиатдаги барча ходисаларга тадбиқ этиш мумкин бўлган умумий фан, табиатдаги барча сирларни очиб берувчи калит деб эълон қилдилар. Ньютоннинг физик тадқиқотидаги механик сабабият математика томонидан асосланганидан кейин механизм яна мустахкамланди. Механизм таълимотича, оламда хар бир жисмнинг холати бошқа жисмнинг холатига, шунингдек, хар жисмнинг тенглиги ёки харакати сабаби бошқа жисмнинг харакати ёки тенглигига боғлик. Предмет ёки ходисаларнинг ўзи харакат манбаи эмас, у ўз-ўзидан харакат қилиш қобилиятига эга эмас. Материя харакатининг сабаби унинг ўзидан ташқарида бўлиб, харакат эса сифат жихатидан бир хил булган предметларнинг маконда оддий ўрин алмашувидан иборатдир. Механизм материя харакатининг механик шаклинингина эътироф этиб, унинг бошқа шаклларини инкор этди. Натижада механистлар табиатдаги сифат ўзгаришларни, тараққиётни бутунлай инкор этдилар. Шунинг учун механизмнинг билиш методи амалда метафизик методдир.

Бу давр дунёкарашда фан етук ўринни эгаллаганлигидан фалсафада хам биринчи ўринга билиш назарияси - гносеология муаммолари чикканлигини хисобга олиш керак.

Бу давр фалсафасига инглиз файласуфлари Франсис Бекон (1561-1626), Томас Гоббс (1588-1676), Жан Локк (1632-1704), голландиялик Бенидикт Синоза (1631-1677), франциялик Рене Декарт (1596-1650), немис файласуфи Готфрид Вильгельм Лейбниц (1646-1716) фалсафага катта хисса кушдилар.

Билиш назариясида эмперизм ва рационализм оқимлари вужудга келди. Метафизик механистик материализмнинг йирик вакилларидан бири эмпиризм оқимининг асосчиси инглиз олими Френсис Бекондир. Бекон ўзининг «Янги органон», «Янги Атлантида» номли асарларида Ўрта аср схоластикасини танқид қилди ва табиатни материалистик тушинишни асослади. Билишнинг бирдан-бир тўғри йўли унинг фикрича, тажриба, тахлилдир. Бекон мавжуд бўлган барча нарса ва ходисаларга индуктив усул асосида ёндошиш ғоясини илгари сурди.

Унинг фикрича билиш алоҳидаликлардан, яъни хусусий далиллардан умумий илмий назариялар томон йуналиш асосида бўлади. Бироқ у эмпирик усулга ортиқча эътибор бериб, рационал усулнинг ролини пасайтириб юборди.

Метафизик материалист бўлган Бэкон билиш жараённида хиссий билиш билан ақлий билишнинг ўртасидаги алоқадорлик диалектикасини туғри очиб бера олмади. Бэкон фикрича, моддий дунёнинг асосини материя ташкил қилади. Унинг таъбирича, материя хилма-хил сифатга эга бўлиб, унинг миқдори ўзгармасдир, хеч нарсадан хеч нарса вужудга келмайди, хеч нарса йўқ бўлиб кетмайди. Материянинг умумий миқдори хеч қачон ўзгармайди, у камаймайди хам, кўпаймайди хам.

XVII асрнинг энг йирик мутафаккирлардан яна бири франциялик Рене Декарт эди. У рационалистик оқимнинг асосчиси бўлиб, унинг таълимотича, табиатни билишнинг бирдан-бир йули, услуги - аклий билишга асосланган дедуктив услугубидир. Илмий - фалсафий билимларнинг келиб чиқиши ва ривожланишида ақл бенихоя мухим роль уйнайди. Факат ақлнинг ёрдамида инсон ўзига зарур бўлган хақиқатга эришиши мумкин. Хақиқат эса бу ақл нуктаи назаридан аниқ, равшан ва шубҳасиз бўлган назарий хулосалардир.

Билишнинг бирдан-бир манбаи - тафаккурдир. рационалист сифатида Декарт сезгиларнинг билишдаги ролини пасайтиради. Унингча, куз, кулок, тил, бадан ва бурун ташқи дунё туғрисида нотўғри маълумот беради. Шунинг учун билишнинг манбаи хам, билимларимизнинг хақиқатлик ўлчови хам ақлдир. Шундан келиб чиқсан холда, Декарт ўзининг «Мен фикрлайман - демак, мен мавжудман» деган машҳур тезисини илгари суради.

Янги давр фалсафасида XVIII аср француз материалистларининг қарашлари хам диққатга сазовор. XVIII аср француз материализмининг асосий вакиллари П. Гольбах, Д. Дидро, К. Гельвеции, Ж. Ламетри хисобланади. Уларнинг таълимотича хамма мавжуд нарсалар моддийдир. Киши сезги аъзоларига таъсир этувчи хамма нарсалар материядир. Материя майдада молекула ва атом заррачаларидан ташкил топган. Француз материалистларининг фикрича материянинг асосий хусусиялари - хажм, оғирлик, ўтказмаслик, фигура ва механик харакатдан иборат. Улар харакат материянинг ажралмас хусусияти, харакатсиз материя бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлайдилар. Харакатнинг сабабини хам табиатнинг узидан деб тушунадилар. Бирок француз материалистларининг фикрича харакат нарсаларнинг фазода оддий ўрин алмашувидан иборат эди.

Француз материалистларининг билиш назарияси материалистик табиатга эга бўлиб, уларнинг таълимотича, табиат предметларини билиш - уларни сезишдан иборат, сезгининг манбаи эса объектив реалликдир, чунки материягина сезги аъзоларимизга таъсир эта олади. Француз материалистлари билиш жараёнида ақлни ролини инкор этмадилар. Уларнинг фикрича, сезгиларимиз - тафаккурнинг асоси ва мазмуни, тафакур эса миянинг бир қанча сезгиларини йиғиш, қушиш, солишириш қобилиятидан иборатдир. Шу билан бирга уларнинг билиш назарияси метофизик табиатга эга бўлиб, билиш оддийдан мураккабга қараб борувчи диалектик жараён эмас, балки сезги, фикр ва мулоҳазаларни йиғиндинидан иборат деб тушунтираси эди. Иккинчидан француз материалистлари билиш жараёнида кишиларнинг ижтимоий-тарихий тажрибаси ахамиятини тушунмадилар. Француз материалистларининг ижтимоий ходисалар хақидаги фикрига келсак киши ижтимоий мухитнинг махсуси, ижтимоий мухит қандай бўлса, киши хам шундай бўлади. Ижтимоий мухитни янгилаш фақат маърифатнинг ривожи орқалигина амалга ошириш мумкин. Лекин улар ижтимоий мухит маъносида давлатни, сиёсий идоралар, унинг конунларини, устқурмани тушунардилар. Натижада фикр жамиятни бошқаради. Кишиларни фикри қандай бўлса, жамият хам ижтимоий мухит ва унинг тузилиши хам шундай бўлади деган хулоса келиб чиқади. Аммо улар бўлажак жамиятнинг асосий вазифаси хамма кишиларни адолатли равишда баҳт хукуки билан таъминлашдир. Улар давлатни вужудга келтирган иктисодий сабабни, давлатнинг синфий моҳиятини ва тарихий характерини очиб бера олмадилар. Фалсафа фанининг ривожланишида немис файласуфларининг хам хиссаси катта.

Немис класик фалсафаси XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошида вужудга келди. Бу фалсафанинг асосий вакиллари И. Кант, И. Фихте, Шеллинг, Гегель ва Фейербахдир.

Немис класик фалсафасининг асосчиси XVIII аср немис буржуазиясининг мафқурачиси И. Кант эди. Кант фалсафасининг ривожи асосан 2 даврга бўлинади. 1-давр танқидий фалсафагача бўлган давр, 2-давр танқидий фалсафа даври. Кант ўз фалсафасининг дастлабки даврларида асосан табиатшуносликнинг фалсафий масалалари билан шуғулланди. У 1785 йилда ёзган энг йирик асари «Бутун умумий табиий тарих ва осмон назариясида Күёш системаси коинотдаги бошланғич катта туманликни айланма харакат қилиши натижасида келиб чиқсан деб хисоблайди. Бу жараённинг сабаби

«дастлабки турткис» эмас, балки ўзаро тортилиш ва итарилиш орасидаги зиддиятдир. Шу сабабли Куёш системасидаги барча сайёралар Кант таълимотига кура, узок давом этган табиий-тарихий тараққиётнинг махсусидир. Кантнинг бу холосаси унинг табиат ходисаларини диалектик тарзда тушунганилигидан далолат беради. XVIII асрнинг 70-йилларидан бошлаб Кант фаолиятининг иккинчи даври бошланди ва «Соф аклни танқид», «Пролегоменлор», «Мухокама қобилиятини танқид» каби асарларида ўзининг трансцендантал ёки танқидий идеализм тизимини асослади. Бу асарларида у ўз эътиборини инсоннинг билиш қобилияти ва имкониятларини тахлил қилишга қаратиб, объектив реалигининг мавжудлигини эътироф этади ва уни «нарса ўзида» деб атайди. Лекин унингча «нарса ўзида»ни билиш мумкин эмас.

Кант фикрича тажрибавий билимлар алохида-алохида, бир-бири билан боғланмаган ходисаларни ифодаласа, тажрибагача бўлган аник билимлар эса ходисалар ўртасидаги умумий сабабий ва зарурий боғланишларни, яъни қонуниятларни ифодалайди. Дунё қонунларнинг объектив хусусиятга эга эканлигини Кант мутлақо тан олмайди. Дунё қонунларнинг объектив хусусиятга эга эканлигини Кант мутлақо тан олмайди. Унинг фикрига кўра, кишиларнинг идроки табиатга қонунлар ато қиласи, шунинг учун хам инсон акли табиатга мослашиши керак эмас, балки табиат инсон ақлига мослашиши керак.

Кант Этика масалаларига ҳам катта эътибор берди. Унинг фикрича жамиятдаги хар бир кишининг хулқ-автори, иродаси объектив реалликдан тамомила ажралган ва ўзгармасдир. Этиканинг асоси эса кишилар онгидаги ўзгармас амр-фармондир.

Немис классик фалсафасининг энг йирик вакили Г. Ф. Гегель эди. Гегель тўғрисида сўз борганда унинг фалсафасидаги икки томонни - диалектик усул ва метафизик консерватив системасини фарқ қилмоқ зарур. Агар диалектик усул ўзида «Рационал магизни» - тараққиёт туғрисидаги таълимотда гавдалантирган фалсафа шакли бўлса, унинг доктриник идеалистик системаси эса консерватив тараққиётнинг тухтаб қўлишини талаб этади ва шунинг натижасида диалектик усулга тубдан зиддир. Гегель фалсафада объектив идеалист саналади. Унингча дунёвий рух, акл бирламчи бўлиб, моддий олам иккиламчи, дунёвий рухнинг гавдаланишидан иборатдир. Дунёвий Рух, унингча яратувчи сабаб бўлиб, моддий олам унинг махсусидир. Табиат ва жамиятдаги хар бир буюм ёки ходиса шакл бўлиб, унинг мазмуни эса, Рух ёки ақлдир. Чунки бу предметлар рухнинг гавдаланишидан ўзга нарса эмас. Гегель ўз фалсафий системасида хар вақт Рух ва табиатнинг ёки тафаккур ва борлиқнинг айнанлигига сунади. Шунинг учун унда моддий жараёнлар хар доим мантикий жараён каби ифода этилади. Гегель фикрича дунёвий Рух мангу, у табиат ва жамиятдаги хамма воқеаларнинг манбаи ва харакатлантирувчи кучидир. Гегельнинг фалсафий тизимида ижобий томонлари яъни «рационал магзи» хам бўлиб, бу унинг диалектикаси ва билиш назариясида уз аксини топган. Бу эса «Логика фани» асарида баён этилган. Бу асарида Гегель диалектиканинг 3 асосий конуни:

1. Карама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни.
2. Микдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиш қонуни.
3. Инкорни инкор этиш қонуни моҳиятини чукур ва атрофлича асослаб беради.

Шунингдек мазкур асарда фалсафанинг барча даражалари ҳам тавсифланиб берилган. Билиш назариясига Гегельнинг қушган хиссаси шундан иборатки, у логика (мантиқ) ва билиш назариясининг бирлигини асослаб бериш билан бир қаторда диалектик мантиқнинг биринчи кенгайтирилган тизимини яратади.

Кант ва Гегель фалсафасини чукур танқид остига олган файласуф Людвиг Фейербах эди. Фейербах фикрича олам табиатдангина иборат, табиат хеч кандай илохий кучга муҳтоҷ эмас. Билиш назариясида Фейербах объектив реалликни билиш мумкинлигини шубҳасиз эътироф этади. Билиш жараённида, у сезгилар ролига алохида ахамият беради. Унингча, сезги ташқи моддий оламнинг киши сезги аъзоларига таъсири натижасида вужудга келади. Фейербах таълимотича, сезгилар билиш

жараёнининг бошлангич босқичи бўлиб, у кишини ташқи дунё билан боғлайди. Унинг таълимотида инсон фалсафасининг асосий мазмунини ташкил этади. Унингча факат инсон орқали табиат ўзини пайқайди, сезади ва ўзи туғрисида фикрлайди. Шунинг учун фалсафа антропология билан боғлик бўлиши лозим. Фейербах уз фалсафасида борлик ва тафаккур, объект ва субъект, физиковий ва руҳий жараёнларнинг бирлигини асослаб беришга интилади. Ижтимоий хаётни тартибли бориши учун барча динлар ўрнига муҳаббат динини яратишга уринган. У Гегель системасининг консерватив томонини танқид қилиб, бироқ шу билан бирга унинг диалектик услубини хам улоқтириб ташлайди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Рим империяси ҳаётининг сўнгги давларидаги фалсафий оқимларни санаб беринг.
2. «Уйғониш даври» тушунчасини қандай талқин этасиз?
3. Миллий фалсафий мактаблар деганда нимани тушунасиз?
4. Миллий фалсафий мактабларнинг умумисоний ютуқлари нималарда намоён бўлади?
5. «Немис классик фалсафаси»ми ёки «Немис миллий фалсафаси»ми? Бу масалага сизнинг муносабатингиз қандай?
6. Нега марксистик фалсафа миллий фалсафа бўла олмас эди?
7. Европа уйғониш даври фалсафасини ўрганишимизнинг аҳамияти нималарда деб ўйлайсиз?

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Асаллар тўплами. 1-19 жиллар. - Т.: Ўзбекистон, 1996-2011.
2. Фалсафа асослари. Назаров Қ таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2005.
3. Falsafa. Mamashokirov S. Tahriri ostida. -T.: Sharq, 2005.
4. Falsafa. Ахмедова М. таҳрири остида.-Т.: УФМЖ, 2006.
5. Хайитов Ш., Хайитова К., Зияутдинова Х. Фалсафа асослари. Альбом схема. – Т.: А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси,2009.
6. Шермуҳамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси.-Т.: Университет, 2005.
7. Ғарб фалсафаси. Назаров Қ. таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2005.17
8. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. Назаров Қ. таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2004.
9. Фалсафа энциклопедик луғат. Назаров Қ.таҳрири остида. –Т.: Шарқ,2011.

5-Мавзу: Онтология борлик фалсафаси

Режа:

- 1.Борлик фалсафасининг предмети.Онтология тушунчаси
- 2.Фалсафада субстанция ва материя муаммоси
- 3.Макон ва вакт. Ҳақиқат ва ривожланиш.
- 4.Табиат фалсафаси. Инсон борлиги

Таянч тушунчалар:

Борлик, субстанция, материя, ҳаракат, фазо, вакт.табиат, табиий мұхит, биосфера, ноосфера, ҳаёт, экология.

Фалсафа ўрганадиган қайси бир масалани олмайлық, у борлик мұаммоси билан бөғлиқ әканлигини күрамиз. Борлик мұаммоси фалсафадаги ҳар қайси дунёқарааш ва методологик мұаммоларнинг ассоциацияларынан жасалады.

Дунёнинг мавжудлиги, яъни борлиги түғрисида баҳс юритган файласуфлар бу масалага турлича ёндошганлар: уларнинг баъзилари, дунё аввал ҳам бўлган, ҳозир ҳам мавжуд, бундан кейин ҳам мавжуд бўлади дейишса; бошқалари, дунё аввал мавжуд бўлмаган, илк борлик бу оламдаги барча нарса ва ходисаларни яратунчи Худодир.

Илк борлик, яъни биринчи мавжуд-Тангри Оллоҳ барча мавжудод борлигининг биринчи сабабидир дейилади.

«Илк бор бўлган, (Яъни Тангри)-дейди Фаробий, ўзининг асл моҳияти билан бошқа барча нарсрлардан фарқлидир» (Абу Наср Фаробий «Фозил одамлар шахри», 131 бет). Чунки, у модда ҳам эмасдир, субъект ҳам эмасдир, унинг суръати ҳам бўлмайди, унинг бир ўзи бу борлиқда якаю-ягона дир, у шу жиҳатдан ҳам биринчидир.

Фан ва амалиёт таракқиёти натажасида дунёнинг яратилганлиги, унинг фазо ва вактда чегараланганлиги, чекланганлиги түғрисидаги олдинги қарашлар аста-секин чексиз чегарасизлиги, шу билан бирга унинг бир бутунлиги, доимилиги, абадийлиги түғрисидаги қарашлар билан алмашиниб борганди.

Абадий дунёдаги барча нарсалар, турли-туман жонсиз ва жонли организмлар, инсонлар ва уларнинг фаолияти хатто, бир бутун жамият ҳам, шубҳасиз вактинча ўткинчидир. Демак, борлик абадий, аммо ундаги барча нарсалар ўзгаришда ва ривожланишда; бир холатдан иккинчи холатга, бир турдан иккинчи турга ўтишда, чунки улар бордан йўқ, йўқдан бор бўлмайди.

Борлик тушунчаси фалсафий категория сифатида билишнинг юқори босқичи-абстракт тафаккургагина хос бўлиб, фикрлаш жараённида кишилар бу тушунча орқали дунёдаги алоҳида нарсалар, уларнинг конкрет белгилари ва хоссалари ҳақида эмас балки, дунёдаги барча нарсалар, воқеа ходисалар, жараёнлар ўртасидаги энг умумий жиҳат-уларнинг реаллиги ҳақида фикр юритадилар. Борлик тушунчаси ёрдамида кишилар дунёнинг объектив мавжудлиги, унинг чексизлиги, абадийлиги ва бир бутунлиги ҳақида илмий ва фалсафий тасаввурга эга бўладилар.

Борлиқнинг асосий шакилларини табиий борлик ёки табиат борлиги, инсон борлиги, маънавий борлиғи ташкил этади.

Табиий борлик ўзаро бөғлиқ, лекин бир-биридан фарқ қилувчи қуйидаги икки кўринишдан иборатдир: 1 .Табиатдаги нарса ва ходисаларнинг, жисм ва жараёнларнинг асл табиий борлиги; 2.Табиятдаги нарса ва ходисалар асосида инсон томонидан яратилган нарсаларнинг табиий борлиги.

Табиий борлиқнинг биринчи кўриниши инсонгача инсондан ва унинг онгидан ташқарида, унга бөғлиқ бўлмаган холда мавжуд бўлган нарса ва ходисалар, жараён ва холатларни ўз ичига олган табиатдир. Бу баъзи адабиётларда «бирламчи табиат» деб ҳам аталади. Бу «бирламчи табиат» маконда, чексиз замонда абадийдир, у ҳамма ерда доимо мавжуд. Инсон шу «бирламчи табиат» материаллари асосида амалий фаолияти ва онги билан «иккиламчи» табиатни яратади. «Иккиламчи табиат» нарса ва ходисалари ижтимоий ҳаётда инсон эҳтиёжини қондириш зарурияти, ижтимоий турмушда бирон бир функцияни бажариш зарурияти туфайли яратилади.

«Бирламчи» ва «иккиламчи» табиатлар борлиги ўзаро алоқадорликда бўлиб, бир томондан, бир бири билан умумийликка, ўхшашликка, бирликка эга бўлса, иккинчи томондан, бир-бирига нисбатан маълум фарқларга ҳам эга.

«Бирламчи табиат» маконда чексиз, замонда абадий ва доимий бўлса, «иккиламчи табиат» инсон мавжудлиги билан, унинг фаолияти ва онги билан, бир бутун жамият билан боғлиқ холда мавжуд бўлади, у фазо ва вактда ибтидога ва имтихога эга.

«Бирламчи табиат» инсон унда яшаб, уни билиб бораётган битмас- туганмас, чексиз дунё (олам) бўлса; «иккиламчи табиат» эса инсон табиат қонунларини билиб олиш туфайли, улар асосида яратган нарса ва ходисалар, жараёнлар дунёсидир.

«Иккиламчи табиат» бир томондан , «бирламчи табиат» каби, объектив, реал борлиқ бўлиб, у инсон онгидан ташқарида мавжуд бўлса, иккинчи томондан, у инсонга боғлиқ ҳамдир, чунки унда кишиларнинг мақсадлари, ғоялари, билим ва меҳнатлари мужассамлашган бўлади. «Иккиламчи табиат», «бирламчи табиат» ва кишилик (инсон) борлиғини боғловчи, улар чегарасидаги борлиқ бўлиб, табиий борлиқнинг ўзига хос шакли сифатида «бирламчи табиат» борлиғига нисбатан ҳам, инсон борлиғига нисбатан ҳам нисбий мустақил борлиқдир.

Борлиқнинг ўзига хос шакилларидан яна бири – бу инсон борлиғидир. Инсон борлиғида, аввало, инсоннинг табиат тараққиётининг маҳсули сифатида табиий борлиқнинг ҳар икки шаклига оид томонлар билан бирга, ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули сифатида унда ижтимоий ва маънавий борлиқнинг ҳам барча шакилларига хос томонларнинг йиғиндиси мажассамлашгандир.

Инсон борлиғи жамият тараққиётининг бирдан бир манбаидир. Ижтимоий борлиқ ходисаларнинг барча турларини ўз ичига қамраб олади. Жамият бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ижтимоий этник, оиласвий ва х.к. муносабатлардан таркиб топган, доимо тараққий этиб, ривожланиб турадиган жонли организмдир. Жамият табиат тараққиётининг зарурий оқибатидир.

Жамиятнинг моддий техника базаси, иқтисодий асослари, сиёсий ташкилотлари: давлат ва хокимият идоралари, армия, полиция, суд, прокуратура, сиёсий партиялар, турли-туман жамоат ташкилотлари маориф системаси, маданият, фан ва техника, илмий тадқиқот институтлари ва лабораториялари, оммавий ахборот муассасалари, алоқа бўлимлари ва х.к. ижтимоий борлиқнинг ҳар хил кўринишларини ташкил этади.

Борлиқ факат моддий шакилда эмас, маънавий, руҳий шаклда ҳам намоён бўлади. Маънавий борлиқ инсон томонидан яратилган ранг-баранг маданият ва санъат асарлари, тил, илмий кашфиётлар, ғоялар, Этика-одоб қоидалари, фалсафий, эстетик, бадиий, сиёсий, тафаккурлаш маданияти, руҳий кечинмалар, диний тасаввурлар, тушунчалар ва х.к. мажмуи киради.

Кишиларнинг ички холати, кечинмалари, ҳис-туйғулари, руҳий маънавий дунёси, ўй-фикрлари, мақсад ва манфаатлари ҳамда кайфиятлари ҳам маънавий борлиқнинг кўринишлариидир.

Маънавият, жамият, шахс, миллат тараққиётининг манбаидир. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихи, илмий, маданий ва диний меросини ўрганиш, ундан халқнинг умумий ва бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди. Каримов И.А. айтганларидек, «Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч куратидир. У йўқ жойда хеч қачон баҳт-саодат бўлмайди». Шунинг учун ҳам халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади. Ушбу борлиқ шакллари (нарсалар борлиғи, инсон борлиғи, ижтимоий борлиқ, маънавий борлиқ) бир бутун дунёнинг алоҳида кўринишидир. Борлиқ ана шу алоҳида шакллар

ўртасидаги боғлиқликни, умумийликни кўрсатади. Борлиқнинг умумий алоқадорлиги алоҳида нарсаларнинг мавжудлиги билан намоён бўлади.

Моддий оламнинг асосида ётувчи умумий моҳиятни ахтариш фалсафада материя ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланишига сабабчи бўлади.

Умуман материя — бу тушунча, абстракция, фикрнинг маҳсулидир, чунки, оламда «умуман материя» учрамайди, балки материянинг конкрет кўринишлари учрайди. Шундай қилиб файласуфлар барча моддий обьектларга хос хусусиятларни умумий тарзда ифодалаш учун қўллайдиган тушунча бу «материя»дир. Оламдаги барча нарса ва ходисаларнинг умумий белгиси, хусусияти шундан иборатки, улар бизнинг онгимиздан ташқарида, мустақил равиша мавжуддир. Ҳамма нарсага хос бўлган бу умумий хусусият материя тушунчасида ўз аксини топади. Демак, материя тушунчасининг фалсафий мазмуни:

а) нарсаларнинг бизнинг онгимиз, хохишимизга боғлиқ бўлмаган холда мавжуд эканлиги;

б) улар бизнинг сезги ва билимларимиз манбаи эканлигини билдиради. Материянинг фалсафий тушунчаси фақат ҳозирги даврда фанга маълум бўлган обьектларгина эмас, балки келгусида кашф қилинадиган нарсаларни ҳам ўз ичига олади, бу маънода унинг методологик аҳамияти каттадир. Материя абадий, бепаён, чексиз, хеч қачон йўқолмайди. Материянинг абадийлиги унинг хеч ким томонидан яратилмаганлигини, ҳамда мавжуд бўлишини, ҳар бир янги кашфиёт туфайли унинг янги томонлари очилишини билдиради. Материя тушунчасининг табиий-илмий маъноси унинг тузилиши, битмас туганмас хусусиятларининг хилма-хиллигини билдиради ва улар табиат ҳақидаги алоҳида фанлар-физика, химия, биология кабилар томонидан ўрганилади.

Материя икки хил модда ва майдон кўринишида мавжуд. Модда кўринишидаги материя тинчлик масса кўринишига эга бўлиб, булар мажмуасига протон, нейтрон, электрон ва позитронларни, улардан ташкил топган атом ва малекулаларни киритиш мумкин. Малекулалардан таркиб тонган микроскопик жисмлар ҳозирги замон фани берган маълумотларга асосан ҳар хил холатда бўлишлари мумкин: суюқ, қаттиқ, газсимон, плазма, эпиплазма, физик вакуум холатида. Материянинг майдон кўриниши модда кўринишидан ҳаракатдаги массага эга бўлиши ва ёруғлик тезлигига яқин тезлик билан ҳаракат қилиши орқали фарқ қиласи. Электромагнит майдон, ядро майдони гравитацион майдон – булар материянинг майдон кўринишилари. Тажрибалар орқали материянинг модда ва майдон кўринишининг бир-бирига айланишини кўриш мумкин. Демак, материянинг модда ва майдон кўринишининг бир-бирига айланиши зарраларнинг зарра ва антизарралардан ташкил топганлигини кўрсатади.

Материянинг бениҳоялиги ва чексиз тузилиши, мураккаб хусусиятлари ҳақидаги масала моддий оламнинг сифат жихатдан битмас-туганмаслигини ўз ичига олади. У органик жихатдан дунёнинг моддий бирлиги принципи билан боғлиқ.

Дунёнинг моддий бирлигини қўйдагилардан яққол кўришимиз мумкин:

1. Борлиқ, материя обьектив реалликдир, у инсон онги иродаси, хохиши ва истагидан ташқари реал мавжуддир. Демак, дунёнинг моддий бирлиги инсоннинг сезгилари ва тушунчаларига боғлиқ бўлмай, бу бирлик инсон онгидан ташқаридаги ундан мустақил ва абадий мавжуд бўлган материянинг хусусиятлари билан ифодаланади.

2. Дунё моддийдир, барча нарсалар ва ходисалар материянинг турли шаклларидан кўринишидан иборат. Оламда фақат материя ва унинг аниқ сифати ва хусусиятлари мавжуд. Масалан, оддий чанг заррасидан сув томчисигача, мураккаб малекуладан минералга қадар бўлган нарсаларни олиб кўрайлик, улар турли кўринишга сифат ва хусусиятга эга бўлиб, бир-биридан жуда фарқ қиласи. Уларнинг

ҳаммаси материянинг муайян кўринишидир, буларнинг заминида ҳамма жисмлар учун умумий бўлган субстация-материя ётади. Мана шуни бирлик деб атаймиз. Бундай бирлик ёлғиз бизнинг сайёрамиздагина эмас, балки чексиз коинотнинг барча бепаён томонларида объектив мавжуддир.

3. Оламдаги барча нарса ва ходисалар қандай мазмунга, шаклга эга бўлишидан ва коинотнинг қайси ерида жойлашишидан қатъий назар ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳамдир. Бу болиқлик оламнинг шундай бир умумий зарурый томоники, табиатдаги бирор предмет ёки жамаятдаги бирор ходиса шу боғланишдан четда қола олмайди. Барча мавжуд нарсалар ва ходисалар, уларинг сифат ва хусусиятлари ўртасидаги бу боғланиш ҳам оламнинг бирлигини кўрсатувчи далиллар.

Фазода чексиз ва вақтда абадий ҳаракат қилиб турувчи материя бутун мавжудоднинг негизи ва манбаидир.

Табиат ва жамиятда ҳамма нарса ҳаракатда ўзгаришда, ўзаро таъсирда ва ўрин алмашишдадир. Хеч бир мутлоқ тинч турган, ҳаракатсиз нарса йўқ. Оламдаги нарсалар ҳаракатда бўлиб, улар бир-бирига айланади, бири иккинчисини йўқотади, бири иккинчисидан пайдо бўлади. Ҳар қандай нарсанинг мавжуд бўлишининг ўзи авваломбор уни ташкил этувчи элементларнинг ўзаро таъсирда бўлишини тақозо ётади. Масалан, атом қобигини ташкил этунчи ядро ва электрон ўртасида муайян ўзаро таъсир бўлгани сабаблигина атом мавжуддир; тирик организмда ҳам уни ташкил этувчи молекулалар, хужайра ва тўқималар ўртасида ўзаро таъсир жараёнлари содир бўлади; жамиятнинг мавжуд бўлиши учун ҳам кишилар фаолиятлари ўртасида ўзаро муносабатлар бўлиши зарурдир. Демак, ўзаро таъсир материя хоссаларини, муносабат ва холатларини ўзгаришга олиб келади.

Илмий фалсафа таълимотига кўра ҳаракатнинг фалсафий маъноси шуки, у материянинг борлик шаклидир. Материя ҳаракати қандай шаклда бўлмасин у объектив равишда материядан ажralмаган холда содир б’лади. Материянинг мавжудлик шакли бўлгани учун ҳаракатнинг объектив реал бўлиш хусусияти материянинг ҳам хусусияти ҳисобланади. Энг умумий тарзда ҳаракат умуман ўзгаришдан, моддий объектларнинг ҳар қандай ўзаро таъсиридан иборат. Материя ҳаракати хеч қандай ташқи турткига, ғайри табиий кучга муҳтож эмас. Материя ўзига хос ички қарама-қаршиликларга кўра ҳаракат қилади, ривожланади. Материя ҳаракати ва тараққиётининг манбаи ички қарама-қаршиликлардир.

Ҳаракатни ривожланиш тушунчasi билан аралаштираслик керак. Ҳаракат реал воқеаликда рўй берадиган ҳамма ўзгаришларни ўз ичига олади. Ривожланиш деганда эса, жадал суръатлар билан илгарила борувчи ўзгаришлар тушунилади. Ривожланиш сифат ўзгаришларининг натижаси бўлиб, у ўзгариш нарса ва ходисалардаги қарама-қарши томонлар орасидаги қурашнинг натижасидир. Бундай ўзгаришлар натижасида эски ўрнида янгиси пайдо б’лади. Шунинг учун «ҳаракат» тушунчasi «ривожланиш» тушунчасига қараганда кенгроқ тушунилади.

Ҳаракатнинг бир-биридан фарқ қилувчи шакллари мавжуддир. Ҳаракат шаклларини туркумлашда қуйидаги қоидаларга таянадилар.

1) ҳаракат шакллари бир-бири билан сифат жихатдан фарқ қилиб, уларнинг ҳар бири материянинг ташкилий тузилиши даражаларининг муайян босқичида намоён бўлади;

2) ҳаракат шакллари бир-бири билан келиб чиқиш жихатидан (генетик жихатдан) кетма-кет боғлангандир, яъни ҳаракатнинг мураккаб шакллари унинг нисбатан соддароқ шаклларидан келиб чиқиандир;

3) ҳаракатнинг юқори шакллари таркибida қуий даражадаги ҳаракат шакллари қатнашади, яъни ҳаракатнинг қуий шакллари унинг юқори шаклларига ҳам мансубдир, аммо ҳаракатнинг юқори шакли ўзидан қуий шаклидаги ҳаракатга мансуб эмасдир. Шу қоидаларга таянган холда ҳарактнинг бир неча шаклини ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар қуйдагилар:

- 1) механик ҳаракат (жисмларнинг фазодаги силжиши);
- 2) физик ҳаракат (иссиқлик, ёруғлик, электр, магнитизм);
- 3) кимёвий ҳаракат (кимёвий бирикиш ва парчаланиш, агрегат холатларнинг бир-бирига ўтиши)
- 4) Биологик ҳаракат (органик ҳаёт)
- 5) ижтимоий ҳаракат.

Материянинг чексиз равища содир бўлиб турадиган ҳаракати, ўсиши, ўзгариши ва тараққиёти ҳамиша фазо билан вақтда юз беради. Ҳаракат сингари фазо ва вақт ҳам материя мавжудлигининг туб объектив шаклидир. Демак, ҳаракат материядан ажратиш мумкин бўлмаганидек, фазо ва вақтни ҳам материядан ажратиб бўлмайди.

Фазо ҳаракатдаги материя мавжудлигининг туб объектив шаклидир. Фазо тушунчаси моддий объектларинг биргалиқда мавжудлигини ва бир биридан узоқлигини, уларнинг кўламини, бир-бирига нисбатан жойлашиш тартибини ифодалайди.

Вақт ҳам материянинг мавжудлик шакли бўлиб, моддий жараённинг кенг ёйилиш изчилигини, бу жараённинг турли босқичлари, бир-биридан ажралганлиги, уларнинг давом этишини, уларнинг ривожланишини билдиради. Ҳар бир нарса ўз ўтмиши, ҳозири ва келгусига эга. Нарса ва ходисаларнинг бъязи бирлари аввалроқ, бошқалари кейинроқ бўлади. Булар эса вақт тушунчасини ифодалайди. Фазо ва вақт ўртасида умумий, ўхшаш томонлар ҳамда айrim фарқлар мавжуддир:

-биринчидан, фазо билан вақтнинг объективлиги, инсон онги, иродаси ва ғояларига боғлик эмаслиги, улар ўртасидаги умумийликнинг мухим томонларидан бирини ташкил этади,

-иккинчидан, фазо билан вақт абадий азалийдир. Фазо билан вақтнинг абадийлиги материянинг абадийлигидан келиб чиқади,

-учинчидан, фазо билан вақт чексиз чегарасиз бепаёндир.

Фазонинг ўзига хос хусусияти ва вақдан фарқи, унинг уч ўлчовга эга бўлишидадир. Бу уч ўлчов материя бўйига ва баландлигига, олдига ва орқасига қараб унинг чексиз эканлигини кўрсатади. У турли нарса ва ходисаларда хар хил бўлади. Ҳозирги замон физикасининг нисбийлик назариясида тўрт ўлчовли геометрик фазо ҳақида сўз боради. Бунда тўртинчи ўлчов сифатида вақт олинган.

Вақт фазо билан чамбарчас боғлик бўлсада, лекин ўзининг айrim хусусиятлари билан ундан фарқ қиласди. Вақтнинг мухим хусусияти унинг бир ўлчовлигидадир, қайтарилмаслигидадир. Моддий нарсалар фазода бир хил жойлашишлари, турли томонга ҳаракат қилишлари мумкин, лекин вақтга келганда улар фақат бир томонга қараб йўналишда бўлади, вақт хеч қачон орқага қараб ҳаракат қilmайди. Ўтган замоннинг қайтарилиши ва ҳозирги замоннинг йўқ бўлиши мумкин эмас.

Материяга хос хусусиятлар фазо ва вақтга ҳам хосдир. Материянинг тузилиши ва хоссалари ҳақидаги билимимизнинг ўсиши каби, фазо ва вақт тўғрисидаги билимларимиз ҳам ортиб боради.

Табиат ва жамият ходисалари ҳамма вақт кетма-кет содир бўлади вақда ҳаракат қиласди. Материя вақтда ҳаракат қиласди, демак материя, ҳаракат, фазо ва вақт диалектик боғланган. Уларнинг диалектик бирлиги умумий аниқ фанлар учун ҳам амалий жихатдан методологик асос ҳисобланади.

Бугунги мавзу ўтган мавзу, яъни «Борлик ва унинг тузилиши» ни даволаш сифатида Табиат-борлиқнинг таркибий қисми «эканлиги ҳақида гаплашамиз. Табиатнинг ўзи нима? Шу саволларга жавоб беришга ҳаракат қиласиз.

Табиат бениҳоят хилма – хил шакл ва кўринишда бўлиб инсонни қуршаб турган моддий олам, бутун борлиқни, ўз ичига қамраб олади. У кенг маънода бизни қуршаб турган оламдаги майда жисмлардан тортиб олисдаги коинотнинг кўзғалмас элементар заррачалари галактика, квазер ва пульслар, физикавий майдонлар, умуман макро, минро ва мега дунёларни ташкил этса, тор маънодаги табиат эса, тирик организмлар яшаш учун шарт-шароит бўлган ер атмосфера ва бошқалардир.

Шарқ фалсафаси ва ислом таълимотида Оллоҳ ҳамма нарсанинг ибтидоси, материяни ҳам, табиатни ҳам тангри таоло яратган, дейилган.

Илмий фалсафа эса табиатнинг мавжудлиги инсонга, унинг онги ва сезгисига боғлиқ эмас, деб уқтиради.

Ҳозирги замон табиатшунослик фанлари ер шари ҳаракати натижасида 5 милрд йил ўз-ўзидан вужудга келганлигини исботлаган; 3 милрд йил аввал ерда ҳаёт нишонлари пайдо бўлган ва 2 милрд йил илгари фотосинтез қобилиятига эга бўлган биринчи тўқималар вужудга келган. Натижада ер юзида биосфера (био - ҳаёт, сфера - соҳа) – тириклик ҳосил бўла бошлаган. Демак, бундан қўринадики, табиат инсон онги ва сезгисига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб, унинг на боши, на охири, на ибтидоси ва на интихоси бор. У чексиз, ва бениҳоя тўхтовсиз ўзгариш ва ривожланишда. Мавжудотдаги жисмлар Ой, ғуёш, сайёralар, метеоритлар фазода доимий равишда ҳаракатда. Табиатнинг, материянинг фазода чексиз ва вақтда абадий бўлган тинимсиз ҳаракати жараёнида баъзи бир нарсалар емирилади, янгилари пайдо бўлади.

Табиатнинг тадрижий тараққиётининг маълум бир босқичида, яъни жонсиз табиат дунёсида жонли табиат юзага келган. Демак, жонли дунёнинг пайдо бўлиши табиатнинг материянинг чексиз коинотдаги тараққиётидан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларидан биридир.

Жонли материя кейинроқ юз берган ҳодисалар, узоқ давом этган тараққиёт самарасидир. Жонли табиат билан жонсиз табиат ўзаро чамбарчас узвий боғлиқдир. Жонли ва жонсиз табиатнинг ҳар иккиси ягона моддий оламда материяда мавжуддир ва доимий ҳаракатда. Жонли табиат ва жонсиз табиат ягона, моддий оламда мавжуд экан уларнинг ўхшашлигини кузатиш мумкин, яъни ўхшашлигини айrim кимёвий элементларнинг борлигига намоён бўлади. М: ер ости бойликларимиздан жонсиз табиатда темир, кислород, фосфор, кальций каби моддалар жонли табиатда тирик мавжудотда ҳам учрашлиги билан ўхшашдир.

Жонли ва жонсиз табиат ўхшаш бўлиши билан бирга уларни ажратувчи, фарқловчи жиҳатлари ҳам мавдуддир. Моддалар алмашинуви, ассимиляция ва диссимиляция процеслари фақат тирик организмга хос бўлган асосий хусусиятдир.

Жонли табиат абадий мавжуд эмас, у жонсиз табиатнинг маълум бир босқичида, маълум объектив шарт-шароитлар асосида вужудга келган. Инсон туғилди, улғаяди, қариди ва ўлади (умри тугайди). Демак, у вақтда чекланган бўлиб, борлиқдан йўқликка ўтади. Бироқ бир бутун борлиқ сифатида йўқ бўлиб, кетгани йўқ, бир моддий ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтди холос.

Жонли табиат инсоннинг пайдо бўлиши учун ҳамма зарур шарт-шароитни ҳозирлайди. Табиатнинг таркибий қисми бўлган одам жонли организмларнинг узоқ вақт давомида рўй берган тараққиётининг қонуний маҳсулидир. Инсоннинг пайдо бўлишини жонли табиатнинг тараққиётидан ажратиб бўлмайди.

Бирламчи табиат абадий бўлади, у инсон ва инсониятга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб, буни ҳозирги замон Фани исботлаб бермоқда. Хўш 1-табиатни ўзи нима?

Атмосферамиздаги табиат инсонга таъсир этади. Инсонлар яшаши учун ер, сув, ўсимликлар олами керак. Бу инсонлар яшашининг табиий бойликлари, шароитлари деб аталади. Булар биосфера, атмосфера, гидросфера тушунчалари билан ифодаланади. Булар бирламчи табиатни ташкил қилади.

Иккиламчи табиатнинг асоси бирламчи табиатdir. Иккиламчи табиатга инсон маънавияти ва ижтимоий моҳияти ҳам киради. Жамият билан табиат ўртасидаги алоқадорлик заминида меҳнат ётади. Меҳнат аввало, одам билан табиат ўртасида юз берадиган жараёндир, инсон шу жараёнда ўз фаолияти билан ўзи или табиат ўртасида моддалар айирбошланишига воситачилик қилади, бу айирбошлашни тартибга солади ва назорат қилади.

Бирламчи табиат инсониятга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб, ўз-ўзича табиий қонунлар асосида ривожланади. Иккиламчи табиат эса инсон томонидан яратилиб, инсон ва табиат ўртасидаги алоқадорлик асосида вужудга келади. Инсон ўзининг онгли фаолияти билан табиатдаги буюмларга таъсир этибган ҳолда моддий неъматлар яратади. Демак, унга инсон моҳияти сингдирилади, жамиятлашади ва инсон эҳтиёжига мослаштирилади. Инсон маънавияти моддийлашади. Иккиламчи табиатнинг асоси, негизи бирламчи табиатdir.

Ибтидоий жамоа тузумида инсонлар табиатга қарам бўлиб, табиат инъом этган моддий бойликларни қандай бўлса, шундайлигича истеъмол қилиб, ночор ҳаёт кечирганлар. Оловнинг кашф қилиниши, меҳнат қуролларнинг яратилиши, деҳқончилик, овчилик, чорвачилик билан шуғулланиш инсонларни табиатга қарам эмас, балки уни енгишга, ўзгартириб боришга муваффақ бўлиб, тараққиётнинг илк босқичига қадам қўйишга имкон яратди. Табиатга фаол таъсир этиш, меҳнат қилиш, ишлаб чиқаришнинг шаклланиши натижасида инсон ўзгариб, ҳам жисмонан, ҳам ақлан ривожланиб ва ўсиб тараққий эта бошлади.

Инсон табиат фарзанди бўлиб пайдо бўлган бўлса, меҳнати замирида жамиятда ўз ўрнига эга бўла бошлади. Меҳнатнинг роли ва аҳамияти айниқса, икки нарсада кучлироқ сезилади. Биринчидан, инсон аждодлари организми меҳнати орқали биологик мавжудодга хос бўлган белгилардан ижтимоий мазмунга хос томонга ўзгара бошлади. Иккинчидан меҳнат гапириш алоқа ўрнатиш, ижтимоий тажриба орттириш, инсон онги тил ва тафаккурининг пайдо бўлиши ва ривожланиши учун ҳам асос бўлди.

Инсонга хос бўлган барча хислат ва фазилатларнинг юзага келиши ва ривожланиши меҳнат билан ижтимоий – иқтисодий муносабатлар билан узвий боғлиқ. Биргалиқда қилинадиган ҳар қандай меҳнат кишиларнинг бир-бирлари билан муайян алоқа ва муносабатларда бўлишларини тақозо қилади. Кишилар анна шу алоқа ва муносабат асосида бир-бирларига ва табиатга таъсир этадилар.

Жамият табиат ривожининг маълум бир босқичида шаклланади ва ривожланади. Инсон хеч қачон табиатдан ташқарида, у билан алоқа ва муносабатда бўлмасдан туриб яшай олмайди. Табиат билан жамият, табиат билан инсон, табиат тарихи билан жамият тарихи диалектик бирликда, таъсир ва акс таъсирдадир. Уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас.

Табиат – табиий ресурслар манбаидир. Табиатнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлган Ер инсонларнинг озиқ-овқат манбаи, унинг дастлабки меҳнат воситаларининг ҳазинасидир. Ер инсонни боқади. Инглиз олимни Вильям Пети айтганидек, меҳнат бойликнинг «отаси» бўлса, ер унинг «онаси» дир.

Табиатнинг жамият билан яқиндан алоқа боғлайдиган, унинг тараққиётига маълум даражада таъсир кўрсатадиган қисми табиий муҳит деб аталади.

Ер ва ер ости бойликлари, дарёлар, иқлим ва бошқа шу кабилар табиий муҳитни ташкил этади. Табиий муҳит жамият тараққиётига 2 хил таъсир кўрсатади. Маълумки тирикчилик воситалари ва табиий манбаларга бой бўлган мамлакатларда яшовчи халқлар ўз тирикчиликлари учун зарур бўлган

маҳсулотларни тайёрлашда маблағ ва кучни бундай табиий қулайликларга эга бўлмаган халқга қараганда анча кам сарфлайдилар. Жамиятни тараққий этишига табиий муҳит, табиий ресурс ва бойликлар, қулайликлар кам сарф харажат талаб этади.

Аксинча, шароити, нокулай муҳит кишиларнинг асосий вақти, маблағ ва меҳнати тирикчилик воситаларини, ишлаб чиқарувчи кучларнинг меҳнат самараси, унумдорлиги ва иш кооэффицентининг пастлиги жамият ривожини сусташтиради ва бир мунча салбий таъсир кўрсатади.

Қадимги даврда тирикчилик воситаларининг табиий манбаларга бой бўлган жойлар жамият тараққиётига катта қулайлик тугдирган. Шунинг учун ҳам Миср, Месопотамия, Хиндистон, Хитой Ўрта Осиё ўлкалари маданиятнинг энг қадимги марказлари бўлган.

Маданиятнинг ибтидоий жамоа тузумидан кейинги юқори босқичларида одамларнинг мактабга бўлган таъсири анча кучайиб, табиат ресурслардан фойдаланиш имкониятлари анча кенгайди. Бунинг асосий сабаби ишлаб чиқарувчи кучларнинг, фан-техника ва маданиятнинг ривожланиб борганилигидадир.

Иккинчи табиатнинг яратилиши бир томондан яшаш қулайликларни вужудга келтирган бўлса, 2 томондан табиатдаги уйғунлик, мувозанат (кооэвалюция) га путур ета бошлади.

Инсоннинг мохиятини билиш қадим замонлардан бошлаб фалсафанинг асосий максадлари сирасига кирган. Мазкур масаланинг қадимилиги мутлако унинг эскириб колганини англатмайди. Хар бир давр, хар бир фалсафий оқим бу доимий муаммони янги-янги кирраларини кашф килишга интилади.

Жамият тарихида жуда куплаб кескин узгаришлар, туб бурилишлар булиб, хилма-хил гоялар, карашлар, таълимотлар узгариб, янгиланиб турган булсада, инсон мохияти муаммоси, унинг одоб-Этикаи, маънавияти масаласи хеч качон файласуфлар диккат эътиборидан четда колган эмас.

Бугунги кундаги мамлакатимизда амалга ошаётган ислоҳатлар хам инсон манфаатига қаратилгандир.

Бу сиёsat дейилади, инсон ва жамиятнинг фаровонлигини муносиб турмушини таъминлашга қаратилган булиши керак. Янгилangan жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсий, иктисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишини кафолатлаши керак. (И.Каримов. Узбекистон миллий истиклол, иктисолд, сиёsat, мафкура 153-бет).

Инсон мохияти, унинг хаётидаги урни ва кадр-киммати, иймон-эътиқоди, одоб-Этикаи масаласига Шарқ файласуфлари томонидан алоҳида эътибор берилганлигига, дунёнинг олий мавжудоти, дуру гавҳари хисобланган одамзод ҳакида Куръони карим ва Хадису-шарифда баён этилган бебахо фикрлар, дастурий йул-йуриклар асос булиб хизмат килганлигини таъкидлаш лозим.

Куръонда, биз инсон зотини мукаррам килиб яратдик ва ер юзида пок нарсалардан ризклантиридик, ерда, сувда юрадиган килиб, вактларини яратиб бердик ва узимиз хам килган купгина нарсаларимиздан афзал килиб куйдик, деган оят бор. Шу оятга биноан оллоҳнинг бутун оламни яратишдан максади инсон булиб, у хамма мавжудот ичидаги тенги йукдир, энг афзалидир.

Бутун борликнинг курки ва шарафи булган инсонда одамийликнинг хамма ажойиб жихатлари мавжуд. Инсон улкан иззат ва хурматга лойикдир. Навоий узининг «Вакфия» асарида, «Бутун осмон ва осмондаги жами нарсалар, бутун ер юзи ва ер юзида жами нарсалар, хамма денгизлар ва унда мавжуд булган хамма нарсалар хама мамлакатлар ва уларда бор жами неъматлар-бари, энг яхши нарсалар инсон учун, унинг баҳт-саодати учун яратилган, буларнинг жами-инсон учун хизмат килмоги керак», деб ёзган эди.

Инсон дунёда энг мураккаб олий мавжудот, табиатнинг юксак маҳсулоти. Шунинг учун уни анатомия, физиология, биология, генетика сингари катор фанлар урганади. Лекин одам бошка тирик мавжудотлардан фаркли уларок фактат табиий эмас, балки тарихий, ижтимоий мавжудот хамдир. Унинг ижтимоий сифатлари билан тарих, эстетика, Этика, рухшунослик, иктисод, каби фанлар шугулланади.

Санаб утилган ва бошка бир катор фанлар одамни турли томондан урганади ва турли сифатларини аниклади. Лекин одамни бир бутунлик сифатида урганадиган алоҳида фан йук. Одам тугрисида табиий ва ижтимоий фанларда мавжуд маълумотларни туплаш ва умумлаштириш, яхлит назария яратиш вазифасини фалсафа фани бажаради.

Фалсафа фани олий мавжудот булган инсоннинг моҳиятини очиш, ички дунёси, одоб-Этикаи, орзу интилишлари маънавиятини билиб олиш ва ундан тегишли хулосалар чиқаришга катта ёрдам беради.

Фалсафа фани инсоннинг ички маънавий дунёси, унинг кизикишлари, эътиоди, тушунчалари минг ийллар мобайнида шаклланади, онгда мустахкамланиб боради, деб курсатади. Шунга қура сиёсий, иктисодий, ижтимоий муносабатлардаги туб узгаришларнинг маҳсули булган инсон онгидағи узгаришлар бир мунча мураккаброк булиб маълум вакт ичида юз беради. Объектив оламда содир булган ёки булаётган ходисалар, уларнинг умумлашмалари асосида инсон тушунчалари, онги, фикри шаклланади.

Илмий муаммоларни урганиш, даставвал, шу борада кулланиладиган атамаларнинг маъноси ва куламини аник белгилаб олишни таказо килади. Узбек тилида "одам" тушунчасига маънодош булган "Шахс", "Инсон" тушунчалари хам мавжуддир. "Шахс" тушунчаси" фактатина ижтимоийликни англатиб, фалсафада мустакил категория сифатида кулланилади."Инсон" тушунчаси эса "одам" тушунчасига жуда якин булиб, ижобий-Ахлоқий сифатларни жамлаган одамларга нисбатан купрек кулланилади ва шунинг учун Ахлоқийликка мойилдир. "Одам" тушунчаси "шахс" ва "инсон" тушунчаларидан кенгрокдир. Бу тушунча якин даврларгача фактат биологик турга мансубликни ифодалайдиган тушунча, деб хисобланади. XIX асрнинг 2чи ярмидан бошлаб, одамга биологик тараккиётнинг маҳсули, деб каралаётган булса хам, бу хол ундаги ижтимоий жихатларни инкор килмайди. Одамда биологик ва ижтимоий жихатларнинг яхлит бир бутунлиги кузатилади.

Одамнинг моҳиятинн урганиш, аввало унинг бошка турдаги жонзотлардан фаркланувчи белгиларини аниклашни таказо килади. Одамни бошка тирик мавжудотлардан ажратиб турадиган белгилар жуда куп. Булар ички ва ташки, жисмоний, хулкий ва бошка тафовутлар булиб уларнинг барчасини санаб чиқишнинг узи анча вакт талаб килади. Лекин ана шу тафовутлар силсиласида шундайлари борки, улар тирик мавжудотлар ва одамнинг моҳиятини белгилаб беради.

Куп файласуфлар одам билан хайвонларни ажратиб турадиган фарқ бу одамда онгнинг мавжудлиги,деб тушунтирар эдилар.Бундай ёндашиш одам билан хайвонлар уртасидаги энг асосий фарклардан бири шубҳасиз,акс эттирилган.Лекин фактатина шу тафовутни ,тан олиб бошкаларини инкор килиш масалани туларок англаб олишга халакит беради.

Одамни хайвондан ажратиб турадиган энг асосий тафовутлардан бири хулқдир. Бу фарқ юкорида курсатиб утилган тафовут – онгнинг мавжудлиги билан чамбарчас бөглиқ.Одам хулки онг ёрдамида бошқарилади,лекин унинг шаклланишида табиий омиллар ,инстинктлар,биологик эхтиёжлар ролини мутлако инкор килиш хакикатдан куз юмиш булур эди.

Хайвонлар хулкини уларнинг кайси турга мансублиги белгилайди.Бир турга мансуб индивидлар хулкидаги фарклар, одатда, жуда кам булади. Хайвонлар хулки,асосан,ирсият ёрдамида белгиланади.

Одамлар хулки эса турга мансублик билан белгиланмайди. Ер юзида бир неча миллиард одам яшайди. Уларнинг барчаси бир турга мансуб булса хам, хулки бир-биридан кескин фарқ килади. Хайвонлар

хулки тутма хулк булса, одамлар хулки жамиятда шаклланадиган хулқидир. Хайвонлар хулки ирсий кодлар ёрдамида авлоддан-авлодга утса, одамлар хулки жамиятда тил, тарбия ва намуна ёрдамида шаклланади.

Жамиятда хам хулк нормалари авлоддан-авлодга утади. Хулк нормаларининг бундай ворислиги антропология ва этнография фанларида маданият деб аталади. Маданият факатгина жамиятга хос булиб, хулкнинг шаклланишида хал килувчи ролни уйнайди.

Маданият хар бир одам хулки ва фаолиятида намоён булиши билан бирга, турли типдаги жамиятларда турли хусусиятларга эга булади. Жамият эса муайян конуниятларга буйсунадиган мураккаб организмдир. У одамларнинг оддий йигиндисидан иборат эмас. Индивидларнинг оддий йигиндисини жамият деб аташ мумкин булганда, арилар, асаларилар, чумолилар ва бошка бир катор хайвонларнинг хам уз жамиятлари борлигини тан олиш керак буларди, чунки улар хам йигилиб, жамланиб яшашади. Хайвонлар йигиндиси пода, туда, гала булиши мумкин, лекин жамият була олмайди. Бундай пода ва галаларда инстинктлар, жуда нари борса, «ижтимоий» инстинктлар хумкронлик килади.

Кишилик жамияти маҳлуклар тудаси ва галасидан яна шуниси билан хам фарқ киладики, у биологик бутунлик эмас. Хайвонлар галаси эса биологик бутунлик хисобланади. Шунинг учун хам галасидан ажралиб колган чумоли ёки оиласидан ажралган асаларига хар канча шароит яратиб, озиқ-овкат билан тъминлаб турилса хам, улар киска вакт ичида халок буладилар. Чумоли ва асалари мансуб булган турлар уларни гала ва оиласи биришиб яшашини таказо килади. Биологик турнинг талабидан четга чикиш эса уша жонзотнинг халок булишига олиб келади.

Кишилик жамияти биологик тур талаби натижасида эмас, умумий маданият асосида турмуш кечиради. Маданият кишилик жамиятияни хайвонот дунёсидан ажратиб турадиган энг мухим белгилардан биридир. Лекин маданият узида жамиятнинг энг мухим белгиларидан бирини акс этитирса хам, жамият кандай вужудга келди, деган саволга жавоб бермайди. Бу саволга жавоб бериш учун икки мухим нарсага аниклик киритиш керак: биринчидан, одамлар орасидаги биологик булмаган муносабатлар качон ва кандай пайдо булган? Иккинчидан, качондан бошлаб ва кай йусинда одамлар узларини бошка мавжудотлардан фарклай бошладилар?

Одам ва жамиятнинг пайдо булиши бир яхлит жараённинг икки томонидир. Бу жараённи ифодалаш учун фанда "антропосоциогенез" атамаси кабул килинган. Табиий ва ижтимоий фанларда шу жараён кандай кечганини тула тушунтириб бера оладиган назария хозирча йўқ, аммо бир катор фаразлар мавжуд.

Бу фаразларнинг энг мукаммаларидан бири Ф. Энгильс томонидан яратилган булиб, у "Маймуннинг одамга айланиши жараёнида меҳнатнинг роли" асарида баён килинган. Бу фараз хақикатга канчалик мослигини полеонтология, антропология, ахреология, чатиштирма анатомия ва чатиштирма физиология фанларида утказилган катор тадқикотлар тасдикламоқда. Бу фаразнинг илмий асосланганлиги яна шунда хам куринаидики, уни марксист булмаган катор файласуф олимлар хам тан олмоқдалар.

Ушбу фаразга биноан одам, жамият ва маданият пайдо булишининг асосида меҳнат етади. Шу билан бирга унда меҳнатнинг ролини натуралистик талкин килишни инкор этади. Натуралистлар меҳнат ва жамият алокадорлигини сабаб-окибат кабилида тушунтиришга уринганлар. Аслида меҳнат ва антропосоциогенез замонда бирин-кетин амалга ошмаган, балки яхлит жараён шаклида юз берган шу муносабат билан меҳнат жараёнининг шаклланишини урганиш мухим ахамият касб этади.

Мехнат килиш кобилиятынинг вужудга келиши ва мехнат жараёнининг бошланиши биологик ва ижтимоий хусусиятларнинг узаро биришиб кетиши окибатида майдонга келди. Табиатдаги тайёр куроллардан фойдаланувчи одамсимон маймунлардан курол ясай оладиган одамларнинг аждодлари келиб чиккунча юз минг йиллар утди.

Фаннинг гувохлик беришича, дастлабки меҳнат куроллари сифатида ов куроллари пайдо булган. Бу куроллар меҳнат куролидан осонлик билан ибтидоий гала ичидағи мажороларни хал килиш куролига хам айлантириб турилган. Дастлабки куроллардан тинч максадларда фойдаланиш, хужалик фаолияти билан шугулланиш учун ибтидоий гала энди ибтидоий жамоага айланиши керак эди. Ибтидоий гала биологик бирлик булса, ибтидоий жамоа ижтимоий бирлик сифатида индивидлар уртасидаги янгича муносабатларга асосланарди. Одамлар уртасида янгича муносабатларга асосланарди. Одамлар уртасида янгича муносабатларнинг шаклланишида тил мухим роль уйнайди. Тил атрофдаги моддий борликни акс эттиришдагина иштирок этмасдан, шу борликни узгартиришда, одамнинг амалий фаолиятида фаол катнашади.

Шу билан бирга, тилнинг имкониятлари хар канча кенг булгани билан, ибтидоий жамоада инокликни, тинч меҳнат фаолиятини таъминлаш учун унинг узи кифоя килмасди. Бунинг учун жамоа ичидағи муносабатлар узгариши лозим эди.

Жамоаларнинг хайвонлар галасидан туб фарки яна шунда эдики, унда одамлар уртасидаги муносабатлар инстинкт асосида эмас, илк Этика нормалари асосига урнатилган эди. Илк Этика эса ман килиш, такик шаклида намоён булган эди. Такиклаш эса хайвонлар галасидаги инстинктив муносабатлардан, авволо, күйидаги уч хусусият билан ажралиб туради:

1. Ахлоқий ижтимоий такиклар уруг жамоасидаги барчага-кучлиларга хам, ожизларга хам таълуклидир. Хайвонлар галасида эса ожизларга мумкин булмаган нарса кучлилар учун мумкиндири.
2. Уларни инстинктларга, жумладан, уз-узини саклаш инстинктига хам тенгглаштириб булмайди. Инстинктлар турга мансуб булган барча индивидлар учун умумий хулкни белгиласа, такиклар индивидуал хулкни хам белгилаб беради.
3. Такиклашлар мажбурият характеристига эга булиб, жамоанинг барча аъзолари унинг шартларини бажаришга мажбур эди. Такикни бузганлар эса барча жамоа томонидан жазоланар ва улар уругдан хайдаб юборилар эди.

Такиклардан ташкари Этиканинг ижобий нормалари хам мавжуд эди. Масалан, авваллари ов пайтида, кейинчалик бошқа хужалик ишларида одамларнинг бир-бирига ёрдам килишлари талаб кила бошланди.

Такиклар ва Ахлоқий талаблар доираси кенгая борди ва одамлар яхшилик ва ёмонликни ажратса бошладилар. Ибтидоий жамоада адолат, узаро хурмат, меҳнатга караб истеъмол килиш тутгисида дастлабки тушунчалар пайдо була бошлади. Ибтидоий жамоада мулкчилик ибтидоий-каммуна характеристерда эди. Умумий мулкчиликнинг бу дастлабки шакли аввало озик-овкат маҳсулотларига нисбатан каратилган эди. Ишлаб чиқариш воситалари эса хали жуда содда булиб, кийим-кечак ва уй-жой хам энг ибтидоий эҳтиёжларни хам зурга копладиган даражада эди. Бу даврда меҳнат хам, истеъмол хам умумий характеристига эга эди. Ибтидоий-каммуна аъзолари кулга киритган улжани барча кабиладош ва уругдошлар биргаликда истеъмол килардилар.

Табиат кучларига карши кураш уруг ва кабиладаги барча аъзоларнинг бирлашишини таказо килар эди. Меҳнат ва истеъмол коллектив характеристига эга булгани учун жамоа Этика хам коллектив характеристига эди. Мехнат жараёнида одамлардаги ирова, узаро ёрдам сингари туйгулар тарбияланар ва ривожланар эди. Мехнат жараёнида шаклланган Этиканинг одамлар орасидаги муносабатларни тартибга солиши оқибатида хакиқий кишилик жамияти вужудга келди. Бу жамиятида меҳнат факат озик-овкат, кийим-кечак топиш воситасигина булиб колмасдан, тарбиянинг хам кудратли воситасига айланди.

Ибтидоий жамоада хужалик юритиши шаклларининг узгариши, меҳнат таксимотининг кучайиши билан Этика хам узгариб борди. Масалан, неолит даврида одамларнинг овчиликдан дехкончилик ва чорвачиликка утиши уларнинг утроклашиши ва янги Ахлоқий сифатларнинг пайдо булишига олиб келди.

Утроклашиш йирик-йирик кабилалар иттифоки ва дехкончилик жамоалари пайдо булишига олиб келди. Дехкончилик ва хунармандчилик жамоалари асосида илк давлат тузумлари майдонга келди. Худди мана шу даврдан энг кадимги давлатлар тарихи бошланади.

Жамоа ичидаги саклаш ва тартиб урнатиш зоологик инстинктларнинг Ахлоқий нормалар томонидан буйсундирилиши айни пайтда одам ва жамиятнинг пайдо булиши эди. Энди инстинктга асосланган хулк урнини Ахлоқий түйгү эгаллади. Этика инстинктдан устун келиши одамнинг хайвонат дунёсидан ажралиб чикканини англатарди. Лекин бу ходиса бир ёки бир неча йил давомида эмас, минглаб йиллар давомида юз берган мураккаб ходиса эди.

Неолит даврида юз берган хужалик юритишдаги туб узгариш, яъни "неолит инкилоби" одам энди табииатнинг бир кисмигина булиб колмай, ижтимоий мавжудотга хам айланганини курсатади. Энди одам табиийлик билан ижтимоийликнинг ёнма-ён яшовчи ходисалари эмас, балки яхлит бир бутунликка айланганини тимсоли булиб колди.

2.Хар кандай биологик тур сингари одам хам муайян белгилар йигиндиси билан бошка турлардан ажралиб туради. Бу белгилар одамнинг анатомик тузилиши ва физиологик хусусиятлари, яшаш даври, муддати, ирсий ва иркий белгилари ва бошкалардан иборат. Бундан ташкари, одамда тил, онг, Этика сингари ижтимоий белгилар хам мавжуд. Мана шу биологик ва ижтимоий хусусиятларнинг узаро муносабати, яъни табиийлик билан ижтимоийликнинг диалектикаси турли фалсафий окимларда турлича талкин килиб келинган.

Фалсафа курсининг "Инсон муаммоси"га кадар урганилган мавзулардан бири "материя" эди. Шу мавзуни урганиш давомида материя харакатининг шакллари тасниф килинган ва биологик хамда ижтимоий харакат мустакил харакат шакллари сифатида белгиланган эди. Шу мавзуни утиш жараённида материя харакатининг куйи шакллари юкори шакллари таркибига киради деб курсатилган. Биологик харакат эса ижтимоий харакатга нисбатан куйирок шакл ва шунинг учун у ижтимоий харакатни камраб ола олмайди, аксинча, у узи ижтимоий харакат таркибига киради. Демак, одамдаги табиийлик ва ижтимоийлик бирлиги биологик харакат доирасида эмас, ижтимоий харакат доирасида амалга ошади. Бу диалектик жараённи одамнинг дунёга келиши мисолида кузатиш мумкин.

Чакалок тугилганда тайёр онг билан тугилмайди. Унинг мияси универсал кобилиятларга эга булгани учун ижтимоий мухит таъсирида онгни шакллантира боради. Бундан ташкари, она корнидаги хомила биологик конуниятлар асосида ривожланади. У тугилгач эса узида ижтимоий мухит ва ундаги конуниятлар таъсирини сеза бошлайди. Агар биологик ва физиологик узига хослик булмаса, барча одамлар феъл-атвори, онги, Этика ва бошка ижтимоий хусусиятлари буйича деярли бир хил булиб коладилар, чунки улар деярли бир хил ижтимоий мухит таъсирида шаклланадилар.

Хар бир одам биологик жихатдан хам, ижтимоий жихатдан хам бетакрордир. Биологик бетакрорлик шундан иборатки, хар бир одамдаги ирсий белгиларни ташувчи генлар сони, турли хромосомалар мутаносиблиги ва бошка жуда куп ички ва захирий белгилар йигиндиси бошка бирорта одамда хам тақрорланмайди. Демак, хар бир одам биологик узига хосликка, бетакрорликка эга экан, мана шу бетакрор негизга ижтимоий мухитнинг таъсири килиши хам бетакрор натижаларга олиб келади.

Одам биологик ва ижтимоий хусусиятлар мужассами булгани учун хам уни яхлитлик, бутунлик сифатида урганилганда хам, унинг алоҳида сифатларини урганилганда хам шу икки хил хусусиятлар бирлигидан келиб чикиш керак. Акс холда хуносалар бир томонлама ва гайри илмий булиб колади.

Масалан, иркчилик назарияларида иркий белгилар, яъни биологик хусусиятларнинг роли бурттириб курсатилади ва гайри-илмий реакцион хуносалар чиқарилади. Бу назарияга кура, танасининг ранги, сочи, бурни, кулоги ва бошка аъзоларининг шаклига кура бир-биридан фарқ килувчи одамлар акл жихатдан хам турли даражада ривожланган булармиш. Инсониятнинг куп минг йиллик тарихи бундай

назариялар мутлако асосиз ва гайри-илмий эканини курсатади. Иркчилик назариясининг асосизлиги биологик тафовутлар ижтимоий тафовутларга хеч кандай таъсир курсатмайди, деган холосага олиб келмаслиги керак. Биологик тафовутлар маълум даражада ижтимоий тафовутлар шаклланишига уз таъсирини курсатади. Лекин бу таъсири мутлоклаштириш хақиқатдан куз юмишдир.

Биологик тафовутларнинг ижтимоий тафовутлар келиб чикишига утказадиган таъсирини куйидаги мисолда куриш мумкин: Икки жинс вакиллари, аёллар ва эркаклар бир-бирларидан биологик хусусиятлар билан фарқ киладилар. Бу тафовут уларнинг рухиятидаги баъзи фаркларни хам келтириб чикаради. Аёлларнинг рухий кечинмалари нозикрок эстетик хислатларга бойрок булади. Эркакларда эса бу жараёнлар кучлирок, лекин юзарок кечади. Эркаклар ва аёллар психикасида бундан бошка тафовутлар хам мавжуд, лекин бу тафовутлар улардан бирини юкори иккинчисини куйирок куйиши учун асос була олмайди. Жинслар уртасидаги фарклар факатгина улар уртасидаги карама-каршиликни эмас, балки уларнинг бир-бирини тулгизишини, улар уртасидаги бирликни хам курсатади.

Илмий-техника инкилоби даврида одамдаги биологик ва ижтимоий сифатлар бирлигининг янги кирралари намоён була бошлади. Маълумки, минглаб йиллик тарих одамнинг бошка турдаги мавжудотларга нисбатан мослашувчанлиги кучлирок эканини курсатди.

Бошка турлар фактат тор доирадаги экологик узгаришларгагина мослаша олса, одам ана шу узгаришларнинг жуда хилма-хиллиги ва кенглигига хам мослашиши мумкин. Лекин одам организмининг бу имкониятлари чексиз эмас. Хозирги даврда ана шу имкониятларни ишга солиш узининг охирги нуктасига етиб бормокда. Атроф-мухитни химиявий моддалар билан ифлюслантириш, атмосферадаги ионлаштирувчи нурларнинг микдори, табиатда техника таъсирида юз берадётган узгаришларнинг кулами шу даражага бориб етдики, мабодо бундан кейин хам улар шундай суръатда давом этаверса, одам организмининг уларга мослашиб олиши мукамаллашади. Бундан ташкари, одамнинг фактат жисмигина эмас, рухиятига таъсир киладиган ходисалар хам купайиб ва кучайиб бормокда, стресс холатларининг купаяётганлиги бунинг далилидир.

Генетика фанининг қузатишлари одам ирсиятида юз берадётган мутациялар-узгаришлар тезлашиб бораётганини курсатмокда. Шу мутациялар ва юкорида айтилган стресслар окибатида тез суръатлар билан купайиб бораётган юрак-кон томир касалликлари инсоният учун хавф солмокда. Инсон жисмидаги биологик имкониятлар жуда хавфли чегарага якинлашмокда. Барча кучларни ишга солиб ана шу хавфни бартараф килиш хозирги кундаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Жаҳон фалсафасининг таркибий кисми булган Шарқ фалсафасида инсонда икки карама-карши асос: модда ва рух мавжудлиги алоҳида таъкидланади. Ана шу икки асос инсон вужудида мутаносиб булиши, бири устиворлик килиб бошкаси оркада колиб кетмаслиги керак. Агар шу тартиб бузилиб моддийлик руҳдан устун келиб, рух жисм кулига айланиб, унга хизмат килгудек булса, унда инсон амалий фаолиятида салбий холатлар авж олиб, ижобий фазилатлар кейинга суриб ташланади. Аксинча, рухий-маънавий томонлари тараккий этган инсонларда аклу-заковат, инсофу-диёнат, одобу- Этика, илму-маърифат, мол-дунёга берилиш, хайвоний нафсларга кул булиш сингари хато ва нуксонлардан устиворлик киласи. Рухий-маънавий жихат-инсонни инсон киладиган, унинг хаётини гузаллаштирадиган фазилатлардир.

Инсон мавжудлигининг сири шу мавжудликнинг узида эмас, нима учун мавжудликдадир. Алоҳида олинган одамни фактат яшаш учун яшаш кониктирмайди. Мана шу коникмасликни бартараф килиш учун у кобилиятыларини ривожлантиришга, ижод билан шугулланишга интилади. Шуни хам таъкидлаш керакки, ижод фактат фанда, адабиёт ва санъатда эмас, хар бир қасб-хунарда хам намоён булади. Хар бир одамнинг уз кобилиятыларини ривожлантириши ва шу кобилиятыларини яратувчи меҳнатга йуналтириши, унинг хаётдаги максадига эришиш йулида кўйган кадами, айни пайтда, жамият тараккиётига, жамиятнинг максад томон интилишига күшган хиссаси булади. Жамиятда одам бошкалардан ажралган холда яшамагани, аксинча, бошкалар билан доимий мулокатда булиши унинг уз максадлари сари интилишида хам юртдошлари билан

хамкорлик килишини таказо килади. Одамларнинг бир-бирларига ёрдам курсатишлари, хамкорлик килишлари ва бир-бирлари тугрисида гамхурлик курсатишлари хаёт узи талаб киладиган мутлако зарурий холатлардир. Шуни назарда тутиб Алишер Навоий шундай деган эди:

Одами эрсанг, демагил одами Ониким, йук халк гамидан гами.

Жамият манфаатлари билан шахс манфаатлари уртасида уйгунлик мавжуд булса, бундай холат шахсни жамият манфаатлари йулида, демак шу оркали уз манфаатлари йулида хам жонбозлик курсатишга ундайди.

Манфаатлар уртасидаги карама-каршилик, зиддият эса шахсни жамият манфаати ва максадига зид равища, узининг тор шахсий манфаатлари йулида харакат килишга мажбур этади. Мана шундай вазиятда шахснинг бегоналашуви юз беради.

Инсон табиатига мос ва мувофик жамиятда меҳнат одамнинг уз-узини ифодалаши, кобилиятларини ривожлантириши учун восита булиб хизмат килади. Шундай шароитда алоҳида шахснинг манфаатлари жамият манфаатлари билан уйгунлашади ва шахс уз ҳайтининг мазмунини бошқа одамлар, бутун жамият фаровонлиги билан бөглайди.

Шахс манфаати билан жамият уртасидаги зиддият кескинлашар экан, одам меҳнатга мажбурий бажариш керак булган фаолият сифатида карай бошлайди. Шуни айтиш керакки, бизнинг жамиятимизда хам марказлашган-буйруқбозлик тузуми хукмронлиги даврида меҳнатга мана шундай муносабат кенг таркала бошлади. Бундай муносабатларни бартараф килиш, уларнинг урнига меҳнатга ижодий муносабатларни карор топтириш жамиятимиз бозор муносабатларини шакллантириш йулидаги ислоҳатларни амалга оширишни, барча соҳаларда туб узгаришлар ясашни таказо килди.

Фалсафа фани инсоннинг маънавиятга эга эканлигига хам алоҳида эътибор беради. Маънавият инсоннинг асосий фазилатларидан булиб хисобланади. Инсонда маънавий асосда яшаш ва фаолият курсатишгина эмас, балки, шу билан бирга уни эгаллаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш кобилияти ва истеъоди хам мавжуддир. Маънавият уз-узидан пайдо хам булмайди, ривожланмайди хам. Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар угити билан бирга сингади. (И. Каримов Узбекистон буюк келажак сари. Т. 1998, 60-бет). Маънавият инсон калбида камол топиши учун у калбан ва вижданан, акл ва кул билан меҳнат килиши керак.

Маънавият инсоннинг хаёт тажрибаси, меҳнати, билими, Этика ва одоби, авлодлар тажрибаси асосида шаклланиб боради. Маънавият инсоннинг хаёти ва фаолиятига максад ва йуналиш беради. Маънавият инсоннинг уз халки тарихини, унинг маданияти ва вазифаларини чукуррок билиш ва тушуниб етишига ёрдамлашади. Инсон маънавиятсиз яшай олмайди. Маънавият алоҳида бир инсон учунгина эмас, жамики одамлар учун хам ута зарур ва мухимдир. Маънавиятсиз инсон булмаганидек, маънавий етук, Этикаан пок ва мукаммал инсонсиз жамият ва миллат хам булмайди.

Маънавият инсонга сув ва хаводек зарур . Маънавиятнинг бу жихатлари И.А. Каримовнинг куйидаги сузларида узининг яккол ифодасини топган "Саҳродаги сайёҳ хар доим булоқдан чангогини босади. Худди шунингдек, инсон хам неча-неча азоблар ва кийинчиликлар билан маънавият чашмасини излайди. Ер оила, ота-она, болалар, кариндош-уруглар куни-кушнилар, халқ, мустакил давлатимизга садокат, инсонларга хурмат, ишонч, хотира, виждан, эркинлик-маънавиятнинг маъноси ана шундай кенг" (И.Каримов. Истиклол ва маънавият).

Маънавият инсонга муайян максад, келажакка ишонч билан бориш учун кайта умид, куч ва кудрат баҳш этади.

Жамиятнинг, давлат, халк ва миллатнинг, жамият аъзоси булган инсон шахсининг маънавиятга булган эҳтиёжи шу қадар каттаки, уни хеч качон иккинчи уринга суреб қўйиш ҳам, шунингдек, маънавият масаласига иктиносидий муаммоларни ҳал килиб булгандан кейин утиш мумкин, деб уйлаш ҳам, тамомила ҳатодир. Дарҳакикат, маънавиятга интилиш инсон учун моддий неъматларни узлашириш, ейиш, ичиш, кийинишга нисбатан ҳам муҳимроқдир.

Маънавият баркарор булмаган жойда моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва истеъмол килиш маданияти юкори булмайди. Маънавий қашшок булган одам етук, фаровон, маданий турмуш кечириш меъёрларини ҳам билмайди. Маънавияти етук инсонлар келажакни олдиндан куришга, кийинчиликларни енгишга оғир шароитда ҳам юксак максадини олдига қўйиб, уни иймон ва эътиқоди билан енгишга кодир булади. Маънавият инсоннинг узлигини англаш олишда унга ёрдам беради. Узлигини англаш инсонгина, узлигини англаш миллатгина кучли давлат, адолатли жамият барпо эта олади.

Инсонлар меҳнат ёрдамида, моддий неъматлар ишлаб чиқариш натижасидагина табиат кучларини енгишга муваффақ бўлганлар. Табиатга таъсир қўрсатиб, ундан талаб эҳтиёжларини қондириш улардан фойдаланади. Табиатдан тайёр неъмат олий ва ўз неъматини яратиб, унга ҳам қайтаради.

Дастлабки ибтидои даврларда инсонлар табиатга қарам бўлган бўлса, ночор ҳаёт кечириб, яшаш учун кураш даврида табиат инъом этган неъматларни тайёр ҳолда истеъмол қилган бўлса, кейинчалик оловни қашф қилиниши, меҳнат қуроллари, воситалари ясалиши, моддий ва маънавий бойликларни яратиб инсон бугунги кунда табиат кучларини енгишга муваффақ бўлди. Бунга инсон ўз меҳнати ёрдамида табиат кучларидан ўз мақсади йўлида фойдаланиш заминида эришди.

Бундан кўриш мумкинки, меҳнат, ишлаб чиқариш, инсоннинг ижтимоий мавжудод сифатида шаклланишининг, унинг табиатдан ажralиб чиқишининг негизидир.

Одамзод пайдо бўлган давридан то ҳозирга қадар табиатга таъсир қилиб, уни батамом ўзгартириб юборди. Кейинги минг йилликлар давомида инсон фаолияти натижасида Ер шари юзаси, иқлими, ўсимлиги, ҳайвонот дунёсининг таниб бўлмас даражада ўзгариб кетганлиги бунга мисол бўла олади. Ҳар хил космик чанглар, иссиқлик электр станциялари, автомобиллар сонининг тез ўсиб бориши, редиатив моддалар ва бошқалар таъсири остида барча жонли мавжудотнинг ҳаёт манбаи бўлган ҳаво тоқат қилиб бўлмайдиган даражада ифлосланмоқда. Атроф - муҳитнинг радиактив ва кимёвий чиқиндилар билан булғаниши аҳолининг, чорва молларининг, паррандаларининг дарё, кўл ва океанлардаги балиқ ва бошқа жониворларнинг кўплаб заҳарланишига сабаб бўлмоқда.

Сув таъминотининг анъанавий манбалари ҳисобланган дарёлар, кўллар, Шимолий қутб музликлари, денгизлар, сув анборлари ифлосланмоқда. Инсониятнинг энг катта озиқ-овъат манбаи бўлган жаҳон океанлари ҳам ҳозирги вақтда инсон цивилизацияси қурбони бўлмоқда. Ҳар йили жаҳон океанига ўн млн. тоннагача миқдорида нефть ва нефть маҳсулотлари келиб тушади. Табиатни муҳофаза қилиш бугунги кунда инсоният олдида турган долзарб муаммо бўлиб келмоқда.

Табиатни муҳофаза қилиш инсониятнинг эртанги куни ҳақида ғамхўрлик қилиш, ер юзасидаги барча инсоният учун муқаддас даргоҳ ҳисобланган сайёрамизнинг тақдирини ўйлашдир, сақлаб қолишдир.

Бу – инсон учун зарур бўлган барча ноз-неъматлар манбаи – ерни севиш ва ардоқлаш, унинг касалланиб яроқсиз бўлиб қолишига йўл қўймасликдир.

Табиатга меҳр-муҳаббат билан ёндашиш, теварак – атрофни, сувни, ҳавони тупроқни, ўсимлик ва ҳайвонотни асрар – авайлаш ҳақида ислом таълимотида ҳам муҳим ғоялар мавжуд.

Экологик инқироз ишлаб чиқариш инқирози бўлибгина қолмай, айни вақтда, ижтимоий-сиёсий муаммодир. Чунки табиатни мухофаза қилиш бу ривожланиш ва халқ фаровонлигини оширишнинг заминидир. Шунинг учун ҳам республикамизда табиатни мухофаза қилишни давлат йўли билан бошқариш ва назорат қилиб туришга катта аҳамиятга берилаётганлиги бежиз эмас. Табиатни мухофаза қилиш Давлат қўмитасининг, Оролни сақлаш, Экосан ва бошқа жамғармаларнинг таъсис этилиши, табиатдан унумли фойдаланиш ва атроф-мухитни муқилиш муаммоларига оид минтақавий жаҳон илмий-амалий анжуманларининг ўтказилиши, табиатни мухофаза қилиш ишларига жамоатчилигининг кенг жалб этилиши бунга мисол бўла олади.

Минтақамизда табиатни мухофаза қилиш ишлари қўйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилмоғи лозим.

- қишлоқ хўжалик экинзорларини сақлаш, тупроқ эррозиясига қарши курашиши кучайтириш, ерни шўр босишдан, заҳарланишдан, қакраб қолишдан сақлаш;

- фойдали қазилма конлардан унумли, оқилона фойдаланиш;

- Орол денгизи, Сирдарё, Амударё ва бошқа сув хавзалари сатхини камайишининг олдини олиш, уларни булғанишдан сақлашни кучайтириш керак;

- зарарли моддаларни атроф-мухитга камайтириш, уларни тозалаш, яхшилаш, газ ва чанг ютувчи самарали аппаратлар, сувни тозалайдиган ускуналар, табиий муҳитнинг ҳолатини назорат қилувчи асбоблар ҳамда автомат станция ишлаб чиқаришни таъминлаш;

- ўрмонларни ёнгиндан сақлаш ҳамда уларни заҳарли ҳашаротлардан ва касалликлардан мухофаза қилиш. Шаҳар ва қишлоқларни янада кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш зарур;

- табиий кул, ховузлар қимматли балиқ турларини ўрганиб кўпайтириш тадбирларини амалга ошириш.

Табиатни эъзозлаш, уни мухофаза қилиш, инсон онгининг етуклиги билан бевосита боғлиkdir. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда кишиларда экологик онг ва маданиятни шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада оиланинг роли катта. Ёшларимизда экологик маданиятни тарбиялашда болалар боғчалари, мактаб, ўрта маҳсус ва олий ўқув юртлари ҳам шижаот ва жонбозлик кўрсатишлари лозим. меҳнат жамоатлари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари доимий ва изчил равишда оҳолининг экологик онги ва маданиятини тарбиялашга оид ишларни мунтазам олиб борсалар, бу масалада шунчалик тез жиддий ўзгаришларни қўлга киритишимиз мумкин эканлигини ҳеч ҳам эсдан чиқариш керак эмас.

Ибтидоий жамоа тузумида оддий меҳнат қуроллари бўлган. Шунинг учун уларга табиий шароитлар қулайлиги мухим эди. Улар дарё бўйларида, тоғ ёки боғларида, тупроғи ҳосилдор жойларда, ўрмонлар ва ҳайвонот дунёси сароб бўлган жойларда яшашга ҳаракат қилганлар.

Қадимги даврда тириклик воситаларининг табиий манбаларига бой бўлган жойлар жамият тараққиётига катта қулайлик туғдирган. Шунинг учун ҳам Миср, Хиндистон, Хитой, Ўрта ер денгизи ўлкалари маданиятнинг энг қадимги марказлари бўлган.

Лекин ҳамиша табиий шароитлар ижтимоий тараққиётнинг ривожига, жамиятнинг бир тузумдан иккинчи тузумга ўтишини белгилаб берувчи омил, куч бўла олмайди. Чунки, жамиятнинг ўзгариши ва ривожланиши табиий шароитларнинг ўзгаришига караганда тезроқ содир бўлади. Табиий шароитларнинг сезиларли даражада ўзгариши учун кўп йиллар керак бўлса, жамият ҳаётида туб ўзгаришлар бўлиши учун қисқа бир тарихий муддат кифоя қиласи.

Европа, Осиё, Африкада географик шароит бундан 3 минг йил олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам деярли шундай. Бироқ шу йиллар ичида ундаги давлатлар, халқлар ва миллатларнинг ҳаёти, турмуш тарзида шу қадар кўп хилма-хил ўзгаришлар бўлмоқдаки, бу ўзгариш ва ривожланишларнинг табиий географик муҳит ўзгаришга нисбатан тезроқ амалга ошишини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди.

Инсоннинг табиатга таъсири ижтимоий тараққиёт мобайнида ҳозирги даврдагидек бўлган эмас. «Иккинчи» табиат – инсониятнинг маданий дунёсини вужудга келтирди. Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки табиат илгари қандай объектив ва бир бўлса, ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам шундайлигича қолаверади.

Хулоса чиқариш: 1) дан инсон ва инсоният дунёси табиатдан ажralмасдир, унинг олий маҳсулидир. 2) дан «Иккинчи» табиат бирламчи табиат негизида унга онгли равишда мулоқотда бўлиш заминида юзага келган.

3) дан кишини табиат вужудга келтирган бўлса, уни жамият, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар камол топтириди ва унга ижтимоий қиёфа берди.

4) дан меҳнат на факат инсон онгини, ўзини шакллантириди, балки меҳнат табиат ва жамият ўртасида алоқа занжири уларни боғловчи восита ҳисобланади ва жамиятнинг табиатга, табиатнинг эса жамиятга таъсири обектив қонуниятдир.

5) дан таббий муҳит инсоннинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш фаолиятининг доимий абадий ва зарурий шартидир.

Илмий-техника инқилоби инсоният учун аҳамияти каттадир. Шитоб билан ИТИнинг ривожи мисли кўрилмаган қулай турмуш шароитини яратмоқда. Жамият риводланмоқда, меҳнат унумдорлигини юқори даражага кўтарилиди. М: Интернетни, уяли телефонларни кашф қилиниши инсоннинг оғирини енгил, олисини яқин қилишга қулайлик яратилди.

ИТИ муваффақиятларидан шахсий, гурухий мафаатлар нуқтаи назаридан фойдаланиш ниҳоятда қалтис экологик муаммоларни юзага келтирди. Одамзоднинг табиатга, айниқса биосферага салбий таъсири кооэволюцияни издан чиқармоқда. Эътироф этиш керак-ки, инсоннинг ўз истиқболини ўйламай қилган ҳатти-харакатлари, кўр-кўrona қилмишлари туфайли табиат бехад озор чекди, кўп нарсалардан абадий жудо бўлди. Ҳар хил космик чанглар, ИЭС. (иссиқ электр станция) лари, автомобил сонининг тез б бориши, радиактив моддалар ва бошқалар таъсири остида барча жонли мавжудоднинг ҳаёт манбаи бўлган ҳаво тоқат қилиб бўлмайдиган даражада ифлосланмоқда. Атроф-муҳитнинг радиактив ва кимёвий чиқиндилар билан булғаниши аҳолининг, чорва молларининг паррандаларнинг дарё, кўл, ва сув ҳавзалардаги балиқ ва бошқа жоноворларнинг кўплаб заҳарланишига сабаб бўлмоқда. Олимлар ҳаво, сув ва ер устининг заҳарланиши шу тариқа давом этадиган бўлса, цивилизация ҳалок бўлиши мумкин дейишмоқда.

Экологик вазиятнинг ниҳоятда кескинлашиб кетганини Ўзбекистон мисолида кўриб чиқамиз. Ўзбекистон ва бутун Дуне учун энг асосий экологик ҳавф – Орол муаммосидир.

Маълумотларга кўра, 1961 йилга қадар Оролбўйи ерлари гўзаллиги, хуштабиатлиги билан атрофдаги чўллардан кескин фарқ қилган. Шу йилларда Орол денгизининг сатҳи энг юқори бўлиб 53,4м. сув ҳажми 1064 квзбFкм, сувнинг юзаси 66 минг кв.км.ни ташкил этган эди. Унга Сирдарё ва Амударёдан ҳар йили деярли 56 куб км. Сув келиб қуйилар эди. 1994 йилга келиб Орол денгизидаги сувнинг сатҳи – 32,5 метрга, сув ҳажми – 400 куб км.дан камрокка, сув юзасининг майдони эса 32,5 минг кв км га тушиб қолди, натижада энди яхлит денгиз эмас, қолдиқ кўлга айланиб қолди. Шимол қуриб қолган Орол денгизининг тубидан туз ва чанг-тўзонни юзлаб километрга учириб кетмоқда.

Бундай холат Орол денгизи атрофида иқлимининг бузилишига олиб келди. Ҳозирги кунда Орол муаммосини ҳал қилиш глобал масштабда БМТ, Жаҳон банки каби ҳалқаро ташкилотлар ёрдамида ҳал қилинмоқда.

Орол бўйи аҳолисини ижтимоий химоялаш юзасидан улкан ишлар қилинмоқда. БМТ нинг Юнисеф ҳамда ҳалқаро «Экосан» жамғармасининг ташаббуси билан 1995 йил Орол бўйидаги болалар ва оналар соғлиғини муҳофаза қилишга доир «АСПЕРА» дастури ишлаб чиқилди. Дастур 4 йилга мўлжалланган бўлиб уни амалга ошириш учун 3,12 млн \$ АҚШ доллари ҳажмида ҳаражат қўзда тутилган.

Ҳозирги шароитда экологик онгни шакллантириш ижтимоий тараққиётнинг объектив заруриятидир. Экологик шароитни англаш учун табиат ҳақидаги билимнинг Янги сифат даражаси талаб қилинмоқда. Бу эса табиатнинг бир бутунлик ғоясини инсон томонидан чуқурроқ билиш асосида шаклланади.

Экологик онг-инсон ва табиат муносабатлари муаммоси ва унда гармонизациялаш аспектининг инъикоси бўлган)илмий, этик, эстетик, ҳуқуқий ва б.к.) қарашлар системаси сифатида ташкил топади. Экологик онг инсон хатти-ҳаракатига шундагина сезиларли таъсир этадики, қачонки у инсон руҳий ҳолатини, ҳам фикрий, ҳам ҳиссий соҳасини қамраб олсин., илмий далиллар уни ҳаяжонлантирсан ва ўзлаштирган билимга асосан табиатга муносабатини ўзгартириш зарурлигига шахсий ишонч ҳосил қиласин.

Экологик онгнинг шакллантириш шароити бўлиб, одамларни фақат табиий жараёнларни мураккаб, бевосита ўзаро боғланишларини тушунишигана эмас, балки уларни етарли даражада социал-сиёсий етуклиги ҳам, жамиятдаги мураккаб чатишиб кетган турли партиялар мафаатларни аниқлиги ҳам ҳисобга олинади ва бу уларни экологик муаммоларни ҳал этишга ҳақиқий даражада қизиқишини тушунишига имкон беради.

Экологик онгни шакллантириш инсонни фаоллаштириш жараёни боришида, ижтимоий воқеликни ёритишда, жамиятни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ўзгартиришда ва тараққиётини жадаллатиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг мафкуравий хусусиятларига алоҳида аҳамият берилиши керак.

Инсон онгининг мазмуни ишончли характерда бўлгандагина, ғояларнинг тўғрилигига, тўғри ва ҳақиқийлигага ишонч ҳосил қилгандагина, у онг дунёкарашга айланади.

Экологик маданият - умумжаҳон маданияти ривожланишининг асосий қисми ва этапи бўлиб, инсоният ҳаёти ва ривожланишида экологик муаммоларни ҳал этилиши муҳимлигини, долзарблигини чуқур англашни характерлайди. Экологик маданият умумий маданиятнинг бир қисми сифатида тасаввур этилиб, у ижтимоий маданиятни алоҳида тури бўлиб, ўзининг моҳияти ва функциясига эгадир. Экологик маданиятнинг мақсади табиатни сақлаш бўлган очиқ тизимли қадриятлар сифатида, алоҳида қадриятлар кўрсаткичи деб аниқланади. Экологик маданиятга берилган таърифлар турличадир. Масалан, экологик маданият – табиатнинг ўзлаштиришдаги ижодий фаолият бўлиб, бу жараёнда экологик қадриятлар бажарилади, тақсимланади ва фойдаланилади. Ҳозирги даврда экологик маданиятни ривожлантириш долзарб муаммолардан биридир. Экологик маданият – бу табиатга бўлган ижтимоий, моддий, Амалий, руҳий-назарий муносабатларнинг алоҳида сифатли даражасидир. Бевосита ҳаётнинг қайта ўзлаштириш жараёнини ўз ичига олади ва тасвирлайди. Экологик маданиятни моддий ҳамда маданий йўналишлари мутаносиб ривожланиши зарур. Экологик маданиятни шакллантириш мафаатлардан келиб чиқсан таълим-тарбия бошқа соҳадаги таълим-тарбияни мужассамлаштирувчи бош йўналишга айланмоқда. Экологик маданиятни шакллантиришда экологик таълим-тарбия асос бўлади. Экологик муаммоларнинг оламшумул аҳамият касб этиши ва инсоният тақдирини, қадриятини белгилаб туриши турли таълим-тарбия, соҳаларининг муштарак манфаатлари асосида бирлашувини

тақозо этади. Бу эса умуминсоний методологияни ривожланишини талаб этади. Экологик мафкурани, кенгроқ экологик маданиятни ривожлантириш Шарқда ва Ғарбда ҳам турли типдаги маданиятларда бўлган табиатга оқилона муносабатлар синтези зарурлигини кўзлайди.

Бугун биз табиат борлиқнинг ажralmas, таркибий қисми эканлигини кўриб чиқдик. Бунда бирламчи табиат, ер, сув, коинот, инсониятга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиб у абадийдир. Инсоният эса табиатнинг олий маҳсулидир, яъни табиат инсонни вужудга келтирган бўлса, иқтисодий-ижтимоий муносабатлар уни шакллантириди, ривожлантириди. Мехнат унинг онгини юксалтириди ва камол топтириди.

Табиат билан жамиятнинг ўзаро алоқадорлигининг асосий, негизини меҳнат ташкил этади. Табиат билан жамият ўртасидаги алоқадорлик, жамиятнинг табиатга, табиатнинг эса жамиятга таъсири кишилар онги ва иродасига боғлиқ бўлмаган объектив қонуниятдир.

Табиий муҳит, шароитнинг қулайлиги жамият тараққиётига таъсир этувчи омил ҳисобланади. Табиий муҳит инсоннинг моддий неъматлар ишлаб чиқариш фаолиятининг доимий, абадий ва зарурий шартидир.

«Иккинчи табиат» - инсониятнинг маданий дунёсини вужудга келтириди.

ИТИ инсоният учун аҳамияти каттадир. Табиатни эъзозлаш, уни муҳофаза қилиш, инсон онгининг етуклиги билан бевосита боғлиқдир. Инсонларда экологик онг ва маданиятни шакллантириш ва тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Борлиқ тушунчаси нимани ифодалайди?
2. Борлиқнинг қандай турларини биласиз?
3. Материя тушунчаси тўғрисида нималарни биласиз?
4. Ҳаракат ва унинг асосий шакллари тўғрисида сўзлаб беринг.
5. Фазо ва вақт нима?
6. Табиат деганда нимани тушунасиз?
7. Жонли ва жонсиз табиат тушунчаларининг маъносини тушунтириб беринг.
8. Табиат ва жамият алоқалари деганда нималар назарда тутилади?
9. Биосфера ва ноосфера нима?
10. Табиат Билан жамиятни нима боғлайди? Ёки қандай боғланган?
11. Ихтисослашув нима? Уни жамият тараққиётига қандай фойдаси бор?
12. Инсон нима учун фалсафанинг бош мавзуи деб каралади?
13. . Шахс деганда нимани тушунасиз?
14. . Инсон танаси ва рухининг ўзаро бөгликлigi ва улар уртасидаги фарқлар нимада намоён булади?
15. Инсон маънавиятининг жамият тараққиётидаги урни қандай?
16. ИТИ нима? Унинг қанлай салбий ва ижобий оқибатлари биласиз?
17. Экологик онг нима? Экогигик маданият нима?
18. 8. Экологик муаммоларни бартараф этиш йўлларни бартараф этиш йўлларини мисоллар билан изоҳланг?

Адабиётлар

7. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.:Ўзбекистон, 2010.

8. Каримов И.А. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
9. Фалсафа асослари. Назаров Қ таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2005. 130- 138 бетлар.
10. Falsafa. Mamashokirov S. Tahriri ostida. -T.: Sharq, 2005.
11. Falsafa. Ахмедова М. таҳрири остида.-Т.: УФМЖ, 2006.
12. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. Назаров Қ. таҳрири остида. – Т.: Шарқ, 2004.
13. Фалсафа энциклопедик луғат. Назаров Қ.таҳрири остида. –Т.: Шарқ,2011.
14. Абу Наср Фаробий «Фозил одамлар шахри» Т.: «Ўқитувчи» нашриёти, 1997й. 142-167 бетлар.
15. Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье «Фалсафа тарихи» - Тошкент, «Шарқ» нашриёти 2002 й. 467-473 бетлар, 606-613 бетлар.
16. «Фалсафа» Ўқув қўлланма Э.Ю.Юсупов таҳрири остида, Тошкент 1999 й. 162 -234 бетлар.

6-Мавзу: Ўзаро алоқадорлик ва ривожланиш қонунлари

Режа:

- 1.Фалсафа тарихида ривожланиш хақидаги қарашлар эволюцияси
- 2.Тараққиёт турлари
- 3.Қонун тушунчаси. Қонунларнинг турлари
- 4.Фалсафий қонунларнинг асосий шакллари

Таянч тушунчалари:

Конун, конуният, микдор, сифат, меъер, сакраш, карама-каршилик, айният, зиддият, инкор, инкорни инкор, ворислик.

Одамзод қонунлар оркали оламнинг сир-асрорларини билиш имкониятига эга булади. Фалсафий қонунлар дунёдаги узгаришлар, пайдо булиш ва йуколишлар, ривожланиш ва тараккиёт механизмларини англаб олиш имконини беради. Конун – муайян шарт-шароитда воеалар ривожининг хусусияти ва йуналишини белгилайдиган, маълум бир катъий натижани такоза этадиган объектив дунедаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим зарурий, умумий нисбий, баркарор муносабатлар ифодасидир.

Конун оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг муҳим, зарурий, умумий ва такрорланиб турувчи боғланишлари, ўзаро алоқалари ва муносабатларининг намоён бўлишидир. Энди қонуннинг белгиларига тўхталамиз:

- қонун турли-туман алоқадорликлар, боғланишлардан фақат муҳимларини, яъни шундай боғланишларни ифодалайдики, булар оламнинг мавжудлиги, ўзгаришлари ва ундаги нарса ҳамда ҳодисаларнинг моҳиятидан келиб чиқсан бўлади;

- қонун зарурий боғланишларни ифодалайди, яъни тасодифий боғланишлар, гоҳ пайдо бўлиб, гоҳ йўқолиб кетадиган боғланишларга асосланмайди.

- қонун нарса ва ҳодисаларнинг умумий боғланишларини ифодалайди.

Айният тушунчаси нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшаш томонларни ифодалайди. Шу билан бирга нарса-ҳодисалар бир-биридан фарқ қиласиган томонлар, хусусиятлар, белгиларга ҳам эгадир. Айнан бир хил бўлган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳатто дарахтнинг бир шохида ёнма-ён турган 2 барг ҳам бир-биридан фарқ қиласиган баъзи жиҳатларга эга. Хеч бўлмаганда, улар бир-биридан макондаги ўрни билан фарқ қиласиди.

Ҳаётдан мисол келтирадиган бўлсак, бир-бирига ташқи томондан тамомила ўхшаш бўлган Ҳасан ва Ҳусанларда ҳам жуда қўп фарқ қилувчи хусусиятлар бор. Масалан, уларда феъл-автор, қизиқиш тури, дунёқарашлар хар хил бўлиши, яъни уларнинг ички дунёлари фарқ қилиши мумкин. Демак, **тафовут** нарса — ходисаларнинг фарқ қилувчи томонларини ифодаловчи тушунчадир.

Қарама-қаршилик деб эса, нарса, воқеа-ҳодисаларнинг бир-бирини тақозо этувчи ва шу билан бирга бир-бирини инкор этувчи томонлари, кучларининг ўзаро муносабатига айтилади.

Қарама-қаршиликлар ўртасидаги муносабатни **зиддият** деган тушунча ифодалайди. Кўп ҳолларда айният ва тафовутнинг зидлиги ва уларнинг бир маҳражга келиши, меъёрий ўзгаришлар туфайли ривожланиш, тараққиёт, янгиланиш жараёнлари амалга ошади. Тараққиёт шу маънода айният, тафовут ва зиддиятларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ҳал қилинишидан иборат бўлган абадий ва азалий мураккаб жараёндир.

Оlamning mavжудлиги — миқдор ва сифат воқелиги тарзида ҳам намоён бўлади. Бунинг моҳияти шундан иборатки, нарса ва ҳодисалардаги сезиларли бўлмаган миқдорий ўзгаришлар аста-секин тўплана бориб, тараққиётнинг маълум бир босқичида меъёрни бузади ва сакраш йўли билан туб сифат ўзгаришларига олиб келади.

Ўзгариш ва ривожланиш жараённида **ўз-ўзини инкор этиш тамойили** ниҳоятда муҳим. Бунда **ворислик** - эскининг инкори ва янгиликнинг шаклланиши сифатида намоён бўлади. Ана шу жараёнларнинг доимий тақрорланиши **инкорни инкор қонунининг** моҳиятини билдиради.

Мазкур қонунга мувофиқ объектив воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши жараённида эскининг янги томонидан инкор қилиниши рўй беради. Бироқ, аксарият ҳолларда, эскилик бутунлигича инкор қилинмайди, ундаги ижобий томонлар сақланиб қолади.

Инкорни диалектик тушуниш янгининг эски билан оддий алмашуви бўлмасдан, балки эскининг бағрида вужудга келиб, ундан фойдаланиб, қарор топишини тан олишдир. Диалектик инкорнинг муҳим икки жиҳати мавжуд: биринчиси, эскининг ўрнига янгининг келиши табиий-тарихий жараён бўлганлиги учун тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланса; иккинчиси, у янгини эски билан ворисий боғлиқ эканлигини ҳам ифодалайди.

Конун билан конуният тушунчаси уртасида тавофтут бор. Конун конуниятнинг бир аник конкрет томонини ифода этади, конуният эса умумий йуналиш тенденциясини англатиб, туркум конунлар мажмуаси сифатида номаён булади. Моддий вокейликдаги конунлар куп кирралиги билан тавсифланади. Табиат ва жамиат конунлари объектив жараёнларни бир-бирларидан фарқланади.

Табиат конунлари ер юзида инсон булмаган даврда ҳам мавжуд булган. Жамият конунлари эса инсон фаолияти натижасида пайдо булган шарт – шароитлар билан баглиқ равишда юзага келган. Жамиат конунлари кишиларнинг ижтимоий муносабатларидаги энг умумий, муҳим багланишни курсатади. Яна бир фарки шуки, жамият конунларига нисбатан табиат конунлари асти-секинлик билан узгариб боради. Ижтимоий конунлар эса маълум давр мобайнида амал килгандан сунгра, уз-урни янги конунларга буштабиб беради, баъзилари уз кучини йукотади. Харакат килиш доирасига караб конунлар: энг умумий, умумий ва хусусийга булинади. Моддаларнинг сакланиши ва айланиши конуни, энергиянинг бир турдан иккинчи турга утиши конуни умумий конунларга, хусусий конунларга эса, масалан **кулон** конуни кабилар киради.

Хусусий конунлар муайян бир объектнинг узига хос хусусиятлари уртасидги ёки материя харакатининг бирон-бир шакли доирасида мавжуд булган ички алакодорликлар ифодасидир. Умумий конунлар нарса ва ҳодисаларнинг катта мажмуалари уртасидаги алокадорликларни англатади.

Энг умумий конунлар эса табиат, жамият ва тафаккурдаги барча алокадорликлар, узгаришлар ва тараккиёт шартларини англаб олиш, воеалар ривожининг пировард окибатларин олдиндан фахмлаб олиш имконини беради. Буларга фалсафа конунлари киради.

Микдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўтиш конуни.

Микдор узгаришларининг сифат узгаришларига ўтиш конуни фалсафанинг асосий конунларидан биридир. Бу конуннинг мохияти шундан иборатки, нарса ва ходисалардаги сезиларли булмаган микдорий узгаришлар аста секин туплана бориб, тараккиётнинг маълум бир боскичидан меъёрни бузади ва сакраш йули билан туб сифат узгаришларига олиб келади.

Моддий оламдаги хилма-хил нарса ва ходисалар бир-биридан уз сифати билан ажралиб туради. Сифат нарсаларнинг ички муайянлиги булиб, бошка нарсалардан ажратиб турадиган хосса, белги, хусусиятларининг бирлигидир. Сифат нарса кандай булса, уни шундайлигича аниклаб беради. Нарсаларнинг сифати эса уларнинг хоссалари оркали намоён булади. Хосса нарса сифатининг бошка нарсалар билан узаро алокадорлиги ташки намаён булишидир. Биз нарсаларнинг ички сифатини маълум бир хоссаларда намаён булиши оркали биламиз. Хар бир нарса куплаб хоссаларга, яъни асосий ва иккинчи даражали хоссаларга эга булади. Масалан, металл зичлик, сикувчанлик, иссиклик утказувчанлик, чузилувчанлик каби хоссаларга эга. Сифат – жисмнинг барча хоссаларини биргаликда боғловчидир.

Демак, сифат нарсанинг умумийлигини, яхлитлигини, унинг нисбий баркарорлигини, бир-бирига ухшашлигини ифодалайди. У кенг маънода нарсаларнинг турли- туман хоссалар йигиндисидир. Лекин сифат ва хосса айнан бир хил маънодаги тушунчалар эмас. Сифатнинг узгариши мукаррар суръатда хоссанинг узгаришига олиб келади, бирок хоссанинг узгариши хар доим сифатнинг узгаришига таъсир этавермайди, айрим хоссалар нарсаларнинг сифатига таъсир этмасдан йук булиб кетиши мумкин. Сифат предмет доимилигини, нисбий баркарорлигини ифода этади.

Хар бир нарса муайян системада бир-бири билан боғлик булади. Нарса кайси боғланишлар системасига боғлик равишда турли сифатларга эга булади. Чунончи, «стол» муаян табиий материалдан, яъни дараҳтдан ясалган булиб, табиий сифатига эга. Шунинг учун у табиий конуниятларга буйсунади. Айни замонда стол муаян инсон меҳнатининг натижаси булиб, ижтимоий сифатга хам эга ва ижтимоий конуниятларга буйсунади. Ижтимоий сифатлар уз навбатида икки гурухга; биринчи тартибдаги ижтимоий сифатларга ва иккинчи тартибдаги ижтимоий сифатларга булинади. Худди уша стол, модомики, инсоннинг муайян эҳтиёжини кондиран экан, «каник (амалий)хис» этиладиган нарса сифатида намаён булади. Иккинчи томонидан, стол, модомики, кийматга эга экан, у товар сифатида гавдаланади. Бу уринда стол «хаддан ташкари хис этиладиган нарса» тарикасига гавдаланади. Бу эса иккинчи тартибли ижтимоий сифатларга мансубдир.

Нарсалар сифат муаянлигидан ташкари бир-биридан микдорий томонлари билан хам фарқ килади. Микдор предметнинг хажми, улчуви, оғирлиги, харакат тезлиги ва шу кабилар билан тавсифланади. Табиат ходисалари каби ижтимоий ходисалар хам микдорий томонга эга. Чунончи, сув уз солиштирма оғирлигига, кайнаш ва музлаш даражасига эга, бир ижтимоий тузум бошкасидан хусусияти жихатидангина эмас, балки ишлаб чиқарувчи кучлар тараккиёти, суръати даражаси, меҳнат унумдорлиги, маданияти ва хоказолар билан хам фарқ килади.

Нарса ва ходисалардаги микдорий ва сифатий томонлар доимо бир-бирини такозо килиб, бирликда булади. Хар кандай нарса микдор ва сифат бирлигига эга. Табиатда факат микдорга ёки сифатга эга булган нарса йук. Шунинг учун хам нарсага микдорий ва сифатий томондан берилган тавсиф тулик булади.

Микдор ва сифатнинг бирлиги, узаро боғликлиги меъёр тушунчасида ифодаланади. Меъер бу микдорий муносабатлар ва объектив сифатга мос тузилмаларнинг мувофиқлигидир. Объектнинг микдори ушбу сифат доирасидан чикмасдан муаян ораликда узгариши. Бу оралик чегаралари эса предмет муаянлигини, сифат ва микдор бирлиги сифатида меъёрни ифодалайди. Меъёрнинг бизилиши предмет мавжудлиги мумкин булмаган холатга олиб келади. Меъёр хар бир нарса ва ходисадаги микдор билан сифат уртасидаги узаро муносабатни ифода этади. Бу уринда хар бир нарса, ходиса микдор узига хос улчовга эга булади, чунки ушбу сифат хусусияти хар кандай микдор билан эмас, балки муаян микдор билин уйгунлашади. Ушбу объектга хос булган меъёрнинг бузилишига ва унинг янги сифатига утишига олиб келади.

Меъёрнинг турли шакллари мавжуд булиб, назарий билимлар системасида у куйидагиларга ажратилади: 1) Оддий меъёр алохида уз- узича олинган предмет улчови; 2) системали, субстанцияли меъёр – ушбу системанинг элементи, булаги булган предмет улчови; 3) аник меъёр – барча хакикий муносабатлар йигиндиси булган предмет улчови. Ижтимоий хаёт коидалари хам гоят турли-туман меъёр муносабатларига эга. Сифат, микдор, меъёр тушунчаларида оламдаги нарсаларнинг объектив ва энг умумий тавсифи ифодаланади. Шунинг учун хам айрим файласуфларнинг нарсалар сифати субъектив тушунча деб таъкидлашлари назарий жихатдан асоссиздир.

Микдор ва сифат бирликда, булиб, бир-бирига утиб туради. Микдор сифатга ва аксинча, маълум шароитда сифат микдорга утади. Нарса ва ходисаларнинг сифати объектив булса-да, нисбийдир, чунки улар уртасидаги чегара узгарувчан булиб, уларни мутлоклаштириш мумкин эмас. Худди шунингдек, нарсаларни микдорий муаянлиги хам узгарувчандир. Модомики, объектив олам доимий харакатда, узгариш ва ривожланишда экан, нарсаларнинг микдорий ва сифатий муаянлиги, уларнинг хоссалари хам узгариш ва ривожланишдадир. Микдор ва сифат узгаришларининг аник холатини билиш фан ва ижтимоий амалиёт учун муҳим ахамиятга эга.

Хар кандай нарса ва ходисага микдор ва сифат узгаришлар хосдир. Микдор узгаришлари билан сифат узгаришлари уртасида катъий конуният мавжуд булиб, бу конуният куйидагича ифодаланади: микдор узгаришларини тайёрлаб, хар бир аник холатда муайян сифат узгаришларини келтириб чикаради ва шу холатда микдор узгаришларининг утиши содир булади.

Микдор узгаришларнинг сифат узгаришларига утиш масаласига, уз навбатида, кадимги файласуфлар хам эътибор берганлар. Кадимги файласуфларнинг «Ялтирок бош» ва «Гарам» номи билан келтирган мисоллар маълумдир. Сухбатдошга куйидаги савол берилади: агар бошдан бир дона соч толоси юлиб олинса бош ялтирок буладими, агар гарамдан бир дона уруг олинса, у гарамлик холатини йукотадими?¹ Натижা йук деган жавоб булади. Бу хол бош ялтирамагунча, гарам эса йук булмагунча давом этади. Кадимги файласуфлар бу каби ходисаларни энг умумий конуниятларининг намаён булиши натижасида деб, эмас балки соф мантикий гайри табиилик деб карап эдилар.

Микдор узгаришлариниг сифат узгаришларига утиши хакида Урта Осиё мутаффакирларининг асарларида хам купгина маълумотлар мавжуддир. Ал-Хоразмий, ал-Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Улугбекнинг математикаси, алгебра, астрономия ва бошка соҳаларга оид асарларида микдор, сифат уртасида алокадорлик ва уларнинг хаётий ахамияти хакида батафсил тавсифлар берилган. «Мен деб ёзади ал-Хоразмий, - арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини уз ичига оловчи «Алжабр ва алмукобила хисоби хакида кискача китоб»ни тасниф килдим, чунки мерос тақсим қилишда, васиятнома тузишда мол тақсимлашда ва адлия ишларида, савдо ва хар қандай битимларда ва шунингдек, ер ўлчаш, каналлар ўтказишда (амалий) геометрия ва бошқа шунга ўхшаш турлича ишларда кишилар учун бу зарурдир»¹.

¹ Мухаммуд ибн Мусо ал-Хоразмий. Танланаган асарлар Т., 1983 йил, 78 бет.

Уларнинг фикрича, микдор ва сифат узгаришларининг узаро алокадорлигининг нафакат табиат ва жамият ходисаси, балки рухларда хам кузатиш мумкин.

Тараккиёт жараёнида микдор узгаришлари туб сифат узгаришларига утиш билан бирга сифат узгаришлари микдор узгаришларига хам угади. Микдор узгаришлари билан сифат узгаришлари узаро чамбарчас боғлик булишига карамай, улар айрим узига хос хусусиятларга хам эга.

Микдор ва сифат узгаришлари жараёнини тахлил килар эканмиз, назарий хамда амалий фаолиятда амалга ошаётган узгаришлар механизминигина эмас, балки уларнинг чукурлиги ва ахамиятини хам хисобга олиш мухимдир.

Шунга асосан руй берадиган узгаришларнинг инкилобий ва тадрижий (эвалюцион)га ажратиш мумкин. Бир сифат холатидан иккинчи сифат холатига утиш сакраш йули билан амалга ошади. Сакраш нима? Сакраш табиат ва жамиятда содир буладиган микдор узгаришларининг сифат узгаришларига утиш жараёнини англатадиган фалсафий тушунчадир. Сакраш тараккиётнинг узлуксиз куринишига караганда анча тез утадиган шаклдир.

Сакраш микдор узгаришлардан сифат узгаришларига утишда узлуксизликнинг узилишини билдиради. Сакрашлар доим аста-секинлик билан микдор узгаришлари натижасида тайёрланилади. Бунда шуни назарда тутиш керакки, микдор узгаришлар нарса ва ходисани бир текисда оддий купайтириш ёки камайтиришдан иборат эмас.

Сакраш, шунингдек, нарса ва ходисалар уртасидаги зиддиятларнинг хал килинишидир. Сакраш натижасида эски билан унинг асосида харакат киладиган карама-каршиликлар бирлиги тугатилади ва янги сифатнинг вужудга келиши содир булади. Нихоят, сакраш – эски сифатнинг инкор этилиши ва янги сифатнинг карор топишидир. Сакраш натижасида эскидан янгига утиш амалга ошади.

Ходисаларнинг сифат хусусиятлари ва уларнинг ривожланиши шароитига боғлик равища эски сифатдан янги сифатга утиш турли шаклларда содир булади.

Хозирги шароитда жамиятимизнинг ижтимоий- иктисолий, сиёсий, маданий, маънавий хаётида руй бераётган жараёнлар уз мохиятига кура янги сифатий узгаришларга киради. Шулар натижасида давлатимиз юксак боскичга кутарилади. Булар уз-узидан эмас, балки кенг халк оммасининг ижодий фаолияти, ижтимоий- сиёсий фаоллиги натижасида амалга оширилади. Бу узгаришлар инкилоб йули билан амалга оширилади.

3. Карама-каршиликлар бирлиги ва кураши.

Карама-каршиликлар бирлиги ва кураши конунига мувофик хар бир нарса бир-бири билан узвий алокада булган ва бири иккинчисини истисно этувчи карама-карши томон ва кучларга эга булиб улар уртасидаги кураш натижасида эскининг йуколиши ва янгининг пайдо булиши юзага келади. Маълумки, нарсалар турли- тумандир. Хамма томонлари билан айнан ухшаш булган икки нарсанинг узи йук. Нарсаларнинг тафоввут даражаси хам бир хил эмас: мухим ва номухим тафоввутлар мавжуд.

Нарса ва ходисалардаги тафоввутлар карама-каршиликлар асосини ташкил этади. Карама-каршиликлар деб шунга айтиладики, табиатдаги нарса ва ходисаларгода мавжуд булган томонлар, хоссалар ва йуналишлар бир-бирини инкор килади, бир вактнинг узида бир-бирини таказо хам килади. Масалан, магнитдаги шимолий ва жанубий кутблар, электрнинг манфий ва мусбат зарядлари, атомдаги тортилиш ва итарилиш, ижтимоий хаётдаги ёвузлик ва эзгулик узаро бир-бирини инкор этади ва айни вактда бири иккинчисини таказо этади.

Нарса ва ходисаларни карама-карши томонлари уртасида муносабат зиддият деб аталади. Тукнашув тушунчаси зиддиятдан фарқли уларок, нарса ва ходисаларни карама-карши томонлари

кескинлашиб, уларни эски чегарада биргаликда яшаш мумкин булмай колган холатини белгилайди. Зиддиятлар хамма вакт хам тукнашув билан тугамай, балки алохига шароитдагина шундай холда булиши мумкин.

Агар атомни олсак, бир атом моддаси хам аввало мусбат ва манфий электрон зарядлари, пратон ва электрон каби мураккаб карама-карши томонларининг йигиндисидир. Атом ядросини узида тортилиш ва итарилиш каби карама-карши кучлар мавжуддир.

Органик дунёдаги ривожланишлар хам карама-каршиликлар курашсиз тассавур килиши кийин. Хаётнинг узи шундай зид, карама-карши жараёндирки, унда яратилиш ва емирилиш, ассимиляция диссимилияция каби карама-карши муносабатда булган томонлар мавжуд. Организм яшаб турган вактда унинг хужайралари тухтовсиз улиб урнига янгилари пайдо булади.

Карама-каршиликлар бирлиги ва кураш конуни билиш жараёнида хам уз ифодасини топади. Маълумки, билиш жараёни бир бирига узвий boglik булган хиссий ва рационал билишдан иборатдир. Хиссий билиш оркали инсон нарса ва ходисаларнинг факат ташки томонлари ва хусусиятлари тугрисида маълумот олади, мавхум тафаккур оркали эса уларнинг ички муносабатларини белгиловчи конуниятларни билади. Бу ерда хиссий ва рационал билиш бир жараённинг икки ажралмас, аммо бир биридан фарқ килувчи муҳим томонларидир.

Карама-каршиликлар бирлиги ва кураши конунинг умунийлик хусусияти моддий дунедаги хамма нарса ва ходисаларга хос эканлигидагина эмас, балки зиддиятлар нарса ва ходисаларга, уларнинг пайдо булишидан тортиб халок булишигача бошидан охиригача сингиб кетган. Бир моҳиятнинг турли томонларини ифодалагани учун хам карама-каршиликлар бирлиги куйидаги шароитларда юзага келади:

Биринчидан, карама-каршиликлар бир нарса ва ходисадагина мавжуддир, чунончи, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тафаккурга маънсубдир;

Иккинчидан, карама-каршилик узаро boglik, бири иккинчисини таказо килади, бири булмаса иккинчиси мавжуд була олмайди.

Учинчидан, карама-каршиликларнинг бири иккинчисига утади ва узаро бир-бирига сингиб кетади. Масалан, пазитрон ва электрон маълум шароитда фотонларга айланади, натижада материянинг бошка тури келиб чикади.

Карама-карши томонларнинг бирлиги нисбий, уткинчи хусусиятга эга булиши билан бирга улар уртасидаги кураш мутлокдир. Давр утиши билан курашнинг баъзи аник шакллари йуқолиши мумкин, аммо карама-карши томонлар уртасидаги кураш доим булган ва булаверади. Карама-каршиликлар хакидаги Фаробийнинг фикри алохига эътиборга молик. Оллоҳни шериги йўқ, шунинг учун илк борликнинг зид булиши хам мумкин эмас. Табиат ва жамиятда мавжуд булган зиддиятлар узининг хилма-хиллиги билан тафсифланади.

Зиддиятлар хилма-хиллиги турли шаклларда бартараф этилиши мумкин. Улардан бири эскининг емирилиб, янгининг карор топилишидир, бунга мисол сифатида иктисадиётнинг эскиси емирилиб аста секинлик билан бозор муносабатларига асосланган иктисадиётнинг барпо этилишини курсатиб утиши жоиздир. Шунингдек, карама-каршиликларни узаро онгли равишда кушиб, улар уртасидаги зиддиятларни бартараф этиб, шу асосда тараккиётда илгарилаб боришдан иборат.

4.Инкорни инкор конуни.

Инкорни инкор конунiga мувафик объектив вокеликдаги нарса ва ходисаларнинг ривожланиши жараёнида эскининг янги томонидан инкор килиш руй беради. Бирок эскилик бутунлигича инкор килинмай, ундаги ижобий томонлар сакланиб колади.

Метафизик йуналиш инкорнинг ижодий яратувчанлик ролини тан олмайди. Бундан фаркли уларок, диалектик караш эски нарсани янги нарса инкор килишини таъкидлайди. Хар бир жараён инкор килиш жихатига эга. Ички зидиятлар туфайли тараккиёт жараёнини эртами кечми эски нарсанинг емирилишига ва янги нарсани вужудга келишига олиб келади.

Эскининг янги томонидан инкор килиниши натижасида моддий оламдаги нарса ва ходисаларни илгарилама харакати содир булади. Шундай килиб, тараккиёт бир бирини алмаштириб турадиган боскичлардан иборат булиб бир боскич иккинчи боскич томонидан, иккинчи ва учинчи томонидан инкор этилади. Эскининг емирилиши, янгининг пайдо булиши, тараккиёт жараёнида диалектик инкорнинг икки мухим ва ажралмас жихатидир....

Инкорни инкор конуни куйидаги хусусиятлар билан тавсфланади:

Биринчидан, эскининг янги томонидан инкор этилиши кишиларнинг онги иродасига боғлик булмаган объектив жараёндир. Инкор субъектив, ташкаридан киритилган фикр эмас, балки объектив жараён тараккиётнинг боскичидир.

Иккинчидан, диалектик инкор ташкаридан киритилган куч ёки холат эмас, балки нарса ва ходисанинг ички ривожланиш натижаси, узини-узи инкор килишдир. Диалектик инкор нарсани бутунлай йук килиб юбориладиган фаолият билан ухшаш эмас, у шундай инкорки, бунинг натижасида ривожланиш давом этишига, янги инкор содир булишига имкон яратилади.

Учинчидан, диалектика хар бир нарса ва ходиса учун инкорнинг аник тури мавжуддир деб хисоблайди. Тасаввур ва тушунчаларнинг хар бир тури стнгари буюмлар хар бир турининг хам узига алоҳида инкор тури борки, бунда тараккиет содир булади.

Туртинчидан, диалектик инкор тулик инкор булмасдан балки эскини янги билан боялаб турувчи жараендири. Диалектик инкор янги билан эски уртасидаги ворисликни тавсифлайди.

Бешинчидан диалектик инкор тараккиетнинг оддийдан мураккабга, куйидан юкорига боришини тавсифлайди, бир сифатдан бошка сифатга утилади.

Инкорни инкор конуни объектив оламнинг ва билишнинг турли соҳаларида куплаб учрайдиган кенг таъсир доирасига эга булган конунудир. Агар арпа ерга экилса, у иссиклик ва намлик таъсирида кукаради ва ундан усимлик пайдо булади. Эндиликда арпа узини инкор этади.

Инкорни инкор конуни жамиятни маънавий хаетида хам намоён булади.

Фалсафада инкорни инкор конуни биринчи бор Гегел томонидан таърифланган. Унинг фикрича, дастлабки, бир бутун фикр бир –бирига зид булган ижобий ва салбий, «ха» ва «йук» дан иборат икки фикрга булинади. Бутуннинг иккига булиниши – антитетис инкордир. Карама-карши фикрлар кураши охирида бирикиб янги фикр (синтез) хосил булади. Шундай килиб, Гегелнинг фикрича, соф гоя уз тараккиетида З боскичдан утади: тезис, антитетис ва синтезис. Гегелнинг таълимотига кура, нимаики соф гоянинг ривожланишига мансуб булса, у моддий борликнинг хама нарса ва ходисаларига мансубдир.

Инкорни-инкор конуни тараккиетда ворислик ва кайтарилувчанликнинг бирлигини тавсифлайди.. натижада тараккиет тугри чизикли эмас, балки «бурама» шаклида амалга ошади.

Тараккиёт жараенинг илгарилаб бориши хусусияти эски урнига келадиган янги доимо янги булиб колмасдан, вакт утиши билан у хам эскиради ва ўз навбатида инкор киланади деган маънони англатади. Унинг натижасида тараккиет жараени иккиланма инкор сифатида куринади.

Диалектик инкор тараккиетни ифолайди. Масалан сув киздирилганда бугга айланади, совутилганда эса яна сувга айланади. Металл киздирилганда суюқ, совутилганда эса каттаик холатга утади. Бу ерда биз бир холатнинг бошка холат томонидан инкор этилишини курдимиз. Лекин бу ерда ривожланиш содир булмайди, балки бир ходисанинг бошка ходиса билан алмашиниши содир булади. Диалектик инкор юкорида курсатилган инкордан фаркли уларок шундай зиддиятларни хал килишни максад килиб куядики, бунинг натижасида тараккиётда юкори боскичга эришилади.

Диалектик инкорнинг яна бир мухим хусусиятини айтиб утиш мақсадга мувофикдир. Иикинчи инкор эскини емирибина колмай олдинга ривожланишдаги бутун ижобий томонларни умумлаштиради яъни синтез килади.

Инкорни инкор ривожланишнинг маълум бир даврини тугаллайди лекин у шу билан бирга кейинги харакат учун бошлангич нукта булиб хизмат килади. Куриниб турибдикни инкор тушунчаси даврни хам ифодалайди. Бу давр маълум жараеннинг туггалланиш боскичи Янги диалектик давр учун бошлангич нукта булиб колади ва бу чексиз давом этади. Бир муносабатда синтез булган нарса бошкасида Янги ривожланишнинг бошлангич нуктасидан иборат булади.

Диалектик тараккиет тугри чизикли харакат булмай, аста секин кутарилиб, кенгайиб борадиган, бир-бири билан умумий ворислик йули Билан боғланган юксак боскичда бошлангич нукта жихатини уз ичига оладиган «бурама» харакатдан иборат.

Тараккиет айрам холларда куйига караб боради. Бунга моддий тизимларнинг емирилиши материа харакатининг мураккаб шаклларга утиши мисол булла олади. Аммо шуни айтиш керакки тараккиетнинг оркага кайтиши илгарилама харакатдан вактинча чеклашишдир.

Ижтимоий тараккиет жамиятнинг ривожланиши хеч качон тухтаб колмаслиги конуний ва узгартириб булмайдиган жараендири.

Ривожланишнинг пастдан юкорига кутарилувчи йуналишини диалектик тушуниш доиравий харакат түгрисидаги метафизик назария билан хеч кандай умумийликка эга эмас. Баъзи бир олимлар дунеда булаетган баъзи боскичларнинг кайтарилишини оддий эскиликка кайтиш деб хисобламокдалар. Уларнинг фикрича, табиат ва жамият ибтидоси ва интохоси бутунлай мос келувчи маълум давр цикл еки айланма буйича булади. 18 асрларда яшаган италиялик файласуф Ж. Б Виконинг таъкидлашича, жамият уз тараккиетида 3 даврни босиб утади:

1. болалик даври бу даврда диний дунекараш ва зуравонлик хукмрон килади.
2. усмирлик даври, аристократлик, рицирлик ва етуклиқ равнак топади.
3. етуклиқ даври.

У. Шинглер жамият узиниг ривожланишида бунед булиш, (1) гуллаб яшнаш (2) инкиrozга юз тутиш даврларини бошдан кечиради дейди. Унинг фикрича инсоният тарихининг хозирги боскичи инкирозлар давридир, шунга кура хозирга замон маданиятининг барча ютуклари бутунлай йук килиниши лозим эмиш. Инглиз тарихчиси Тойнбининг таъбирича жамият тарихи коронги ва узаро алокода булмаган цивилизациядан иборат. Хар кандай цивилизация ривожланиш боскичларини босиб утади: баҳор, ез, куз, киш еки болалик, узмирлик, етуклиқ ва кариллик. Унинг курсатишича, гарб цивилизацияси етуклиқ боскичидадир ва у келажакда ривожланиш хусусиятига эга. Америкалик проф. Райд эса жамият тарихи маълум бир боскичлардан яъни қаҳрамонлик асли, галаенлик вакти ва тикланиш даврининг шу таҳлилда такрорланишидан иборат, деб таърифлайди. Унинг фикрича, хозирги цивилизациядан кейин инсоният факат оркага кайтиш билан ривожланармиш.

Эскининг урнига янгининг келиши унинг кундан кунга мустахкамланиши, ривожланиши ва уларнинг ажралмаслиги тараккиетнинг бошланиш хусусиятини белгилайди. Янги эскининг урнини эгаллаб боришида эскидан ижобий, мухим томонларини узида мужассамлаштириб, юкорирок сифат

хусусиятларига айланади. Эскининг урнига келган Янги дастлаб, имконият қуринишида булади. Бу имкониятнинг воқейликка айланиши маълум шарт-шароитлардагина амалга ошади. Ижтимоий хаётда янгиликнинг галабага еэришувини таъминлашда кишиларнинг фаолияти зарурдир.

«Бизнинг тушунчамизда, котиб колган эски ақидалардан воз кечиш- уз тарихий утмишимиздан воз кечиш дегани эмас, бу бир еклама тор фикрлашдан воз кечиш демакдир» дейди И.Каримов.

Юкорида биз Зта асосий конунларни мазмун моҳиятини тафсифлаб беришга ҳаракат килдик, энди шуни эслатиб утиш керакки, оламни англашда мазкур конунларни эътиборга олиш, буларни талабларга мос равиша фикрлаш ва амал килиш катта методологик аҳамиятга эга.

Фалсафа оламидаги нарса ва ходисаларнинг энг умумий алокодорлик ва тарракиет конунлари ҳакидаги фан булибина колмасдан, таффакурлаш фикр юритишб дунени билиш ҳакидаги хам фандир. Хар бир инсон уз амалий фаолияти ва илмий билиш жараенида фалсафанинг мазмун-моҳияти, унинг ранг-баранглигиб куп киррали томон ва хусусиятларини хисобга олиб, уларга онгли равиша амал килишлари лозим.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Конун нима?
2. Табиат ва жамият конунлариниг кандай хусусиятлари бор?
3. Микдор ва сифат нима? Меъерчи,
4. Ҳаракат, ривожланишни моҳиятини, сабабини кайси конун очиб беради?
5. Зиддият нима? Зиддиятнинг кандай турларини биласиз?
6. Зиддиятлар кандай бартараф килинади?
7. Инкор нима? Инкорни инкор конуничи?
8. Ворислик нима?

Адабиётлар:

17. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.:Ўзбекистон, 2010.
18. Каримов И.А. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
19. Фалсафа асослари. Назаров К таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2005. . 145-155бетлар.
20. Falsafa. Mamashokirov S. Tahriri ostida. -T.: Sharq, 2005.
21. Falsafa. Ахмедова М. таҳрири остида.-Т.: УФМЖ, 2006.
22. Гуннор Скирбекк, Нилс Гилье. Фалсафа тарихи .Т. «шарқ» нашр. 2002й.-606-613 бетлар.
23. Каримов И. «Маънавият, Фалсафа ва хаёт.» Т. «Фон». нашр 200й.1- 190-206 бетлар.

7-Мавзу:Фалсафа категориялари

Режа:

- 1.Категория тушунчаси ва унинг турлари
- 2.Система, элемент, структура
- 3.Мазмун ва шакл. Моҳият ва ходиса
- 4.Сабаб ва оқибат, Имконият ва воқейлик

Категория ўзи нима - Бу сўз қадимги юонон тилидан олинган бўлиб: «изоҳлаш», «тушунтириш», «қўрсатиш», деган маъноларни англатади. Унинг мазмунидаги бундай хилма-хиллик қадимги даврларданоқ илмий тадқиқот йўналишига айланган.

Фалсафа тарихида уларни биринчи бўлиб, Арасту таърифлаб берган. У ўзининг «Категориялар» деган асарида уларни объектив воқеликнинг умумлашган инъкоси сифатида қараб, туркумлаштиришга ҳаракат қилган. Хусусан, унингча қуйидаги категориялар мавжуд: «моҳият» (субстанция), «микдор», «сифат», «муносабат», «ўрин», «вакт», «холат», «мавқе», «ҳаракат», «азоб-уқубат». Бу туркумлаштириш, ўз вақтида илмий билишда жуда катта аҳамиятга эга бўлган. Кейинчалик Арасту «Метафизика» асарида «моҳият», «холат» ва «муносабат» категорияларини ҳам изоҳлаган.

Фалсафа фанининг категориялари ҳақидаги турли қарашларни умумлаштириб айтганда, уларнинг мантиқий тушунчалар сифатидаги қуйидаги тавсифлари бор: 1) объектив воқеликнинг инъкоси; 2) нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро боғланиш ва алоқадорлигини мантиқий умумлаштирувчи билиш усули; 3) нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши билан ўзгариб турувчи мантиқий тушунча; 4) борликнинг мавжудлигидан келиб чиқадиган тарихий — мантиқий билиш даражаларидан бири. Фалсафада ўз хусусиятларига қўра, «жуфт категориялар» деб аталадиган; умумий боғланиш ва алоқадорлик муносабатларини ифодаловчи тушунчалар ҳам бор. Улар нарса ва ҳодисаларнинг муайян йўналишдаги энг муҳим, зарурий, нисбатан барқарор, даврий такрорланиб турувчи боғланиш ва алоқадорлик муносабатларини ифодалайди. Фалсафа категориялари мазмунидаги ички бирлик, боғланиш, алоқадорлик ва муносабатларнинг яхлитлиги билиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайдиган умумий қонуният тарзида вужудга келган.

Маълумки нарса ва ҳодисаларнинг умумий боғланиши ва ривожланиши узига хос «буюмлар мантикини», объектив диалектикани ташкил килади. Бу объектив диалектика инсон тафаккур мантикини, яъни субъектив диалектикада маълум бир илмий тушунчалар, категориялар куринишида акс эттиради.

Фалсафа тарихида категориялар масаласи Арасту томонидан батафсилрок ишлаб чиқилган. У узининг «Метафизика», «Категориялар» номли асарларида моҳият ва ҳодиса, микдор ва сифат сабабият, зарурият ва тасодиф, бутун ва булак каби тушунчаларнинг моҳияти ва фалсафий аҳамиятини тавсифлаб берган.

Урта Осиё мутафаккирларининг, жумладан, Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Улугбек асарларида ҳам мазкур категориялар куп ишлатиб келинган.

«Фалсафа мавжудотни – яъни барча мавжуд нарсаларни, унинг келиб чикиши, тартиби, узаро муносабати, биридан иккинчисига утишини хар томонлама текшириш учун зарурият, вокейлик, сабабият тамойилларини асос килиб олади», деб ёзади Ибн Сино.

Хар бир фан узининг категория, яъни тушунчалар тизимига эга булиб, у оркали оламдаги нарса ва ҳодисалар тараккиёти қонуниятларини урганада.

Фалсафий категориялар, бошка фанлар тушунчаларидан бир катор муҳим хусусиятлари билан фарқ килади. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан. Категориялар объектив оламдаги энг умумий алоқадорликлар инъкосидир. Категорияларнинг объектив мазмuni инсон онгига боғлик булмаган холда мавжуд булган вокейлик ҳаракатининг энг умумий қонулларидир. Категориялар инсон тафаккурида вокейликнинг акс этиши шаклларидир.

Демак, категорияларнинг мазмuni, яъни фикрлаш шакли объектив дунё тараккиётининг энг умумий қонулларидан булак нарса эмас. Маълумки, сабабият, зарурият, қонуният ва хоказолар гояси табиат, вокейлик олам қонулларининг киши миясида инъкос этишидир.

Иккинчидан. Категориялар энг умумий тушунчалар сифатида инсон фикри шакллари булиб ва шу таҳлитда улар мантиқий мазмунга ҳам эгадирлар. Категорияларнинг мантиқий мазмuni деганда

инсон тафаккури ходисаларнинг мохиятига кириб бориши, унинг чукурлашуви даражаси кузда тутилади. Категориялар объектив дунёнинг энг умумий ва мухим томонларини ифодалабгина колмай, билишнинг погоналари ва таянч нуктаси хисобланади. Уларни била бориш оркали инсоннинг назарий ва амалий фаолияти учун мухим булган дунёдаги нарса, ходисаларнинг энг умумий конуниятлари очиб берилади. Фалсафий категорииялар инсоннинг билиш фаолияти натижасида дунёни узлаштиришда эришган ютукларини ифодалайди.

Фалсафий категорииялар – уз манбаи, мазмуни жихатидан объективдир, лекин шакл жихатидан – субъективдир. Агар нарсалар ва уларнинг тараккиёт конунлари моддий булиб, инсон онгига боғлик булмаган холда, объектив равища мавжуд екан, тафаккур категорииялари маънавий булиб, фактатишилар миясидагина мавжуддир.

Учинчидан. Категориялар илмий билишда мухим методологик ролни бажарадилар. Объектив дуне ходисаларининг энг умумий конунлари харакатини урганиб, фалсафа категорииялари, бир томондан, нарсаларнинг мохиятини чукуррок билишга ёрдам берадилар, иккинчи томондан, объектив дунёдаги нарса ва ходисалар хакидаги янги билимлар олишга ва туплашга сабабчи буладилар. Фалсафий категорииялар – илмий билиш методологияси, маълум нарсадан номаълум нарсага утишини натижаларини излаб топиш усулидир, улар ташки оламдаги нарса ва ходисаларни тугри акс эттирганларни хамда уларни узаро боғлик ва ривожланишда деб билганларни учун билиш жараёнининг энг умумий методи ролини бажаради.

Категориялар мавжуд нарсалар хакидагина эмас, балки келажакда мавжуд булиши керак булган нарсалар хакида хам ахборот беради. Улар хозирги вактда кандай холдалигини тушунишга ёрдам берибгина колмай, балки келгусида уларнинг узгариш ва ривожланиш йуналишларини хам курсатади. Шу асосда улар янги билимларни эгаллаш манбаи булиб хизмат килади. Буларнинг хаммаси фалсафа категорииялари гносеологик табиатига кура бевосита амалиёттага айланиши тамойилига эга эканлигини исбот килади.

Туртинчидан. Фалсафа категориияларининг шаклланиши ва ривожланиши асосида инсон моддий-хиссий фаолиятининг йигиндиси булган амалиёт ётади. Шунинг учун хам фалсафа категорииялари ижтимоий амалиёт маҳсули хисобланади. Бу ерда инсон назарий ва амалий фаолиятининг бирлиги яккол намаён булади. Моддий ишлаб чиқариш фаолияти жараённида инсон субъект сифатида ташки оламдаги нарсаларга нисбатан уз фаолиятининг объективлари сифатида муносабатда булади.

Субъект билан объект уртасидаги муносабатнинг узаро таъсири жараённида мантикий категорииялар вужудга келади. Ташки олам конуниятлари тафаккур шаклида акс этиши хам амалиёт асосида юз беради. Инсон амалиёти мантиқ категорииялари оркали олинган билимлар хакиқийлигини текшириб куради. Шундай килиб, тафаккуrimиз мазмунининг объективлиги тафаккур конунларига мос келиши амалиёт асосида булади ва унинг ёрдамида исботланади.

Бошка фанлар категорииялари табиат, жамият ва тафаккурга хос боғланишлар, алокадорликнинг муайян бир соҳасини ифодаласа, фалсафий категорииялар объектив оламдаги энг умумий алокадорликлар, узаро таъсириларни акс эттиради.

Фалсафанинг жуфт категорииялари оламдаги зиддиятли ва сабабли боғланишлар, узаро таъсир ва таказоларни ифодалайди. Уларни шартли равища куйидаги уч туркумга ажратиш мумкин.

1. Вокейликнинг энг умумий алокадорлигини, акс эттирадиган категорииялар. Мазкур туркумга яккалиқ, хусусийлик ва умумийлик, мохият ва ходиса категорииялари киради.

2. Иккинчи туркумга вокейликнинг тузилишини акс эттирувчи категорииялар киради. Булар мазмун ва шакл, бутун ва булақ, структура элементдан иборат.

3. Учинчи туркумга вокейликдаги нарса ва ходисалар уртасидаги сабабият (детерминизм)ни акс эттирувчи категориялар киради, яъни сабаб ва окибат, зарурият ва тасодиф, имконият ва вокейлик.

Вокейликнинг энг умумий алокадорлигини, акс эттирадиган категориялар: яккалик, хусусийлик ва умумийлик, мохият ва ходиса.

Яккалик – алохода сифат ва микдор аниклигига эга булган нарса, ходиса ва жараёнлар.

Умумийлик – деганда объектив реалликнинг барча ёки бир канча нарса ёки ходисалардаги объектив мавжуд булган томонлар, хоссалар ва белгиларнинг мажмуи, улар уртасидаги аюла ва муносабатларнинг ухшашлиги тушунилади.

Хусусийлик – шундай нарса ёки ходисалар гурухидирки, улар маълум маънода умумий булсада, лекин ундан хам умумийрок булган бошка бир гурухга киради ва бу гурухда у алохидалик ёки яккалиkdir, бутуннинг кисмидир.

Яккалик, хусусийлик ва умумийлик бир-бири билан узвий bogланган, шунинг учун хам уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Хар кандай яккалик маълум вакт ва шароитда хусусийликка ва умумийликка олиб келади. Шунингдек, умумийлик нарса ва ходисаларнинг энг умумий тамонлари орасидаги алокаларни узида акс эттириб, уз куринишларини факат яккалик ва хусусийлик оркали конкретлаштиради.

Умумийлик, хусусийлик ва яккалик бир бутунликни ташкил килсада, уларнинг хар бири узига хос хусусиятга эга. Яккалик ва хусусийликлар оркали намоён буладиган умумийлик узининг мустакил кийматига эга. Шунингдек, хар кандай яккалик, хусусийлик умумийликни ифодалайдиган хосса, белги ва томонлар билан бир каторда факат узларига хос булган ва шу оркали бошка турдошларидан фарқ киладиган хусусиятларга хам эга. Яккалик, хусусийлик ва умумийлик категориялари оркали инсон уз онгидаги нарса ва ходисаларнинг уртасидаги алокадорликни чукур ва атрофлича билиб олиш имкониятига эга булади.

Мохият – ходисанинг ичидаги яширган оламнинг турли-туман ходисаларида юз берадиган чукур нисбий баркарор алокаларни ифодалайдиган вокейликнинг ички томонидир.

Ходиса – эса мохиятнинг у ёки бу холда учратилишини ифодаловчи вокейликнинг узгарувчан, харакат хусусиятларига, белгиларига бой булган томонидар.

Нарсаларнинг мохиятига сингиб бориши нарса ва ходисаларнинг ривожланишининг конуниятларини аниклашга имкон беради. Маълумки, конунларни билиш кишиларнинг максадга мувофик фаолиятнинг асосидир, у хозирги руй бераётган воеаларни чуккурроқ тушунишга ва уларнинг келажакдаги ривожланиш йуналишларини олдиндан кура билишга ёрдам беради.

Мохият ва ходиса умумий ва хусусий томонларга эгадир. Булар куйидагилардан иборат: биринчидан, мохият оламдаги нарса ва ходисаларнинг ички алокасини, ходисалар эса ташки алокаларни ифодалайди; иккинчидан, нарсаларнинг ички томонларини ифода этганлиги туфайли у сезгиларимиз оркали бевосита идрок этилмайди. Мояхият биздан яширган холда мавжуд булади. Ходиса эса, аксинча, инсон томонидан хиссий органлар оркали бевосита идрок килинади; учинчидан, мохият доимилиги ва баркарорлиги Билан фарқ килади. Ходисаларнинг ривожланиш конунларини билиб олиш имкониятини беради. Шу маънода мохият ходисага нисбатан чуккурроқдир. Ходиса нарсаларнинг хар хил томонларини ифодалайди ва шу тарика ходиса мохиятга нисбатан бойроқдир.

Мохият ва ходиса бир бири билан узвий bogланган булиб, хар хил алокадорликдадир. Хар кандай мохият у ёки бу тарзда намоён булади, ходиса эса у ёки бу холдаги куринишdir. Шунингдек, мохиятнинг узгариш ёки йуколиши ходисанинг йуколишига ёки узгаришига олиб келади. Мояхият ва ходиса алокадорлигига мохият белгиловчи ва ходиса белгиланувчи, мохиятдан келиб чикувчиидир.

Ходиса баъзи бир вактларда мохиятни бузиб курсатиши мумкин. Шунга карамасдан нарсалар мохиятини ходисалар оркали билиш мумкин.

Мохият ва ходиса категориялариниг методологик ахамияти шундаки, мазкур тушунчалар ёрдамида оламдаги нарса ва ходисаларнинг мазмун-мохиятини чукур англаб олиш имконияти яратилади.

Вокеликни тузилишини акс эттирувчи категорияларга мазмун ва шакл, бутун ва булак, структура, элементни келтириши мумкин. Мазмун-муайян нарса ва ходисаларни тавсифлофчи ички элементлар ва узгиришларнинг мажмуудан иборат.

Шакл эса мазмунни ифодалаш усули, ташкил этувчисидир. Масалан, атомнинг мазмуни шуни ташкил этган элементлар заррачалар ва уларнинг харакатидан, атомнинг шакли эса бу элементлар заррачалариниг жойлашиш тартиби ва тузилмасидан иборат.

Оламдаги хар бир нарса ва ходисада мазмун билан шакл ажралмас бирлиқда булади. Мазмунга эга булиб, шаклга эга булмайдиган ёки шаклга ега булиб, мазмунга ега булмайдиган ходисалар йук. Шунинг учун уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас.

Мазмун билан шакл бирлигига мазмун хал килувчи, асосийдир. Мазмун шаклни белгилайди. Олдин мазмун, сунгра шакл узгаради. Шундай булсада шакл нисбий мустакилликка эга булиб мазмун ривожланишига фаол таъсир этади.

Мазмун ва шаклнинг бирлиги улар орасидаги зиддиятни мустасно этмайди. Нарса ва ходисаларни илгарилаб бориши мазмун ва шакл бир-бирига мос холдагина юз бориши мумкин. Шунинг учун мазмун ва шакл уртасида содир булган зиддиятларни уз вактида бартараф этиш илмий били шва амалиётда мухим рол уйнайди.

Элемент (таркибий кисм) – бу узаро алокада буладиган бир бутун тизимни ташкил этувчи нарса ва ходисаларнинг таркибий кисми. **Тузилиш** (структуря) эса бутунни ташкил килган элементларнинг боғланиш усули, конуни, бутун доирасидаги муносабатлар тизимишар.

Тузилиш тушунчаси тизимнинг тургунлигини, турли ташкини ва ички жараёнларга нисбатан бузулмаслигини ифодалайди.

Элемент ва тузилиш бир-бири билан узвий боғликликда булиб, бир-бирини таказо килади. Бутунни ташкил килган элементларнинг боғланиш хусусияти, уларнинг бутун доирасидаги муносабатлар системаси шу элементларнинг табиатига, уларнинг сифати ва микдорига боғлик, элементларнинг сифати, хусусияти, урни, роли ва ахамияти эса улар иштирок этаётган боғланишлар системаси, яъни бутуннинг тузилишига боғлик.

Бутунни ташкил килган у ёки бу элементларнинг узгириши структуранинг узгиришига сабаб булади, яъни структуранинг пайдо булиши эса унинг таркибига кирган элементларда тегишли узгиришларга олиб келади. Уларда янги хусусият, янги сифат ва микдор куринишлари пайдо булиди.

Элемент ва структура карама-каршиликларнинг бирлигини ташкил этади. Элементлар доимо узаро таъсирда булиб, узгириб туради, структура эса тургунликка, узгармасликка интилади. Бу зиддият тараккиётнинг маълум боскичига узгарган элементларга мавжуд структура мос келиб колганда эски тузилишнинг бузилиши ва янги структуранинг ташкил топиши билан барҳам топади. Янги структуранинг ташкил топиши нарсаларнинг янги сифат холатига, ривожланишнинг янги боскичига утишини англатади.

Илмий билиш тараккиётнинг хозирги боскичи тузилиш ва элемент билан бир каторда бутун ва булак категориялар хам фалсафий тушунчалар мокамига эга булади.

Бутунлик моддий оламдаги нарса ва ходисаларнинг энг умумий хоссасидар. Хар кандай материянинг булагини олмайлик, у узига хос бутундир. Шу билан бирга у като бутуннинг булагидир.

Хар кандай бутун маълум булаклар сонига эга булиб, уларнинг булиниши сифат жихатидан янги бугинга утишни билдиради. Хар бир узаро бояглик булаклардан тузилган борлик бутундир. Бутун турли туманликларнинг бирлиги сифатида намаён булади. Булакларнинг турли туманлиги, уларнинг тафовутлари, бутуннинг сифати хусусияти булакларнинг оддий йигиндиси, уларнинг ташки бирлашмаси эмас, балки булакларнинг ички узаро таъсири ва бир-бирига утишини ифодалайди.

Вокейликдаги нарса ва ходисалар уртасидаги сабабият (детерминизм)ни акс эттирувчи категорияларга сабаб ва окибат, зарурият ва тасодиф, имконият ва вокейлик киради.

Сабабият – объектив оламдаги ходисалар умумий бояганишининг алоҳида куринишидир . Сабабият ходисалар уртасидаги шундай ички алокадорликки, хар доим бир ходиса мавжуд булар экан, унинг кетидан мукаррор равишда иккинчиси хам келади.

Сабаб – бу узига мувафик келадиган бирор натижа келтириб чикарувчидир.

Сабаб деб муайян шарт – шароитларда бошка бир нарса , ходиса юзага келтирган ёки узгартирган нарса ёки харакат таъсирига айтилади.

Окибат –амалининг натижаси.

Сабаб бирор таъсирининг бояганиши булиб, у маълум бир натижа, яъни окибатни келтириб чикаради.

Сабабни баҳонадан ва шароитдан фарқлаш лозим.

Баҳона бирон окибатнинг юзага келишига имкон тугдиради, аммо уни белгиламайди. Сабаб ва окибатга уни куршаб турган ходисалар таъсири утказади. Буларнинг йигиндиси шароитдир. Шароит айни бир воеанинг бошланиши учун зарур булсада, лекин у уз холига окибатни келтириб чикаради.

Сабаб – окибат бояганишлари куйидаги томонлари билан тавсифланади: 1) ходисаларнинг сабаб- окибат алокадорлиги умумий характерга эга. Дунёда хеч кандай ходиса сабабсиз юз бермайди; 2) сабаб ва окибат категориялари якка, алоҳида ходисаларнинг юз бериши илдизларини очиб беради. Сабабият вокейликдаги ходиса жараёнларининг келиб чикишини аниклайдиган генетик бояганишдир; 3) сабаб-окибат бояганишлари маълум вакт ва шароит мавжуд булгандагина бошка ходисани келтириб чикаради; 4) сабаб вакт нуктаи – назаридан, окибатдан олдин келади ва уни келтириб чикаради; 5) сабаб-окибат бояганишлари зарурий равишда аник бир ходиса – окибатни келтириб чикаради.

Сабаб ва окибат бояганишлари турли шаклларда намоён булади. Уларга бош ва иккинчи даражали, ички ва ташки, объектив ва субъектив ва х .к. сабаблар киради. Сабабларнинг мазкур шакллари хакида Ибн Синонинг «Тиб конунлари» асарида хам маълумотлар берилган.

Нарса ва ходисаларнинг сабабий муносабатларини фалсафий таҳлил килиш уларнинг мохиятини янада чукуррок били шва тараккиёт конунларини урганиш имкониятини беради. Сабабият хар кандай конуннинг ажралмас белгиларидан биридир.

Сабаб ва окибат категориялари фанни янгидан-янги туркумдаги сабабий алокалар ва улар асосида амал киладиган конуниятларини билишга ундейди. Объектив дуне конуниятларини билиш эса инсоннинг онгли, Амалий ва илмий – назарий фаолиятининг асосий максадидир.

Зарурият ва тасодиф категориялари кишиларнинг оламдаги нарса ва ходисаларига хос булган сабаб-окибат бояганишлари хакидаги тасаввурлари янада чукурлашиши натижасида шаклланади.

Зарурият – нарса, ходиса жараёнларнинг тараккиёти билан аникланадиган, ички мухим багланишлар оркали конуний келиб чикадиган ва шунинг учун юз бериши мукаррор булган ходисадир.

Заруриятнинг асосий хусусиятлари куйидагилардан иборат: 1) заруриятнинг сабаби узида булиб, у мазкур ходиса ёки жараёнларнинг ички табиатидан келиб чикади; 2) зарурият вокейликдаги нарса ёки ходисаларнинг чукур, мухим, такрорланиб турадиган ички багланишларидан келиб чикади; 3) зарурият олдинги тараккиёт оркали конуний тайёрланади; 4) зарурият мукаррорлик хусусиятига эга булиб, содир буладиган жараёнларни маълум йуналишга солади; 5) зарурият умумий характерга эга.

Тасодиф ходисалар уртасидаги ташки багланишлардан хосил булади ва шунинг учун у ноаниклик, мажбурий эмаслиги билан фаркланди. Тасодиф юз бериши, ёки юз бермаслиги мумкин булган жараёнларга хосдир.

Тасодиф заруриятдан куйидаги томонлари билан фарқ килади; 1) тасодифнинг сабаби узига эмас, балки бошка нарса ёки ходисалардадир, у ички эмас, балки ташки сабаблардан келиб чикади; 2) у вокейликдаги мухим булмаган иккинчи даражали багланишлардан келиб чикади; 3) тасодиф ходисанинг бутун тараккиёти булган жараёнларнинг таъсири натижасида содир булади; 4) тасодиф нарсалар ривожининг йуналишини белгилаб бермайди ва шунинг учун мукаррор эмас. Тасодиф юз бериши ёки бермаслиги хам мумкин; 5) тасодиф типик булмаган, индивидуал характерга эга.

Зарурият ва тасодиф бир-бири Билан чамбарчас багланган булиб, бири-иккинчисини такоза этади. Заруриятдан ажралган тасодиф булмаганидек, тасодиф билан баглик булмаган зарурият хам мавжуд эмас. Шунингдек, зарурият ва тасодифнинг узаро багликлиги уларнинг маълум шарт-шароитларда бир-бирига утиши оркали ифодаланади.

Имконият – хали амалга ошмаган лекин юзага чикиши мумкин булиб вокейликка айлана оладиган ходисадир. Бундан куринаники, имкониятнинг вокейликка айланишини ривожланиш жараёни ифодалайди.

Вокейлик – бу мавжуд дуне, мавжуд нарсалардир. Вокейлик хар доим имкониятдан келиб чикади ва уз навбатида ривожланиш давомида вокеликка айланиб борадиган янгидан-янги имкониятларни тугдиради, бу жараён чексиздир.

Хар кандай вокейликнинг пайдо булиши ва мавжудлиги маълум конуниятларнинг таъсири билан белгиланади. Агар ана шу шарт-шароит бузилса, у холда вокейлик узининг заруриятлик хусусиятидан маҳрум булади. Имкониятнинг тескариси – имкониятсизликдир. Имкониятсизлик объектив олам конунларига зид булиб, унга мос келмаслиkdir. Имконият имкониятсизликдан фарқ килиб, у маълум даражадаги эхтимолликки эга. Эхтимоллик – имконият ривожланишининг объектив даражаси, унинг улчовидир. Имконият пайдо булиши учун минимал, камолотга етиши учун конкрет ва вокейликка айланиши учун мукаммал даражадаги эхтимолликка эга булиши шарт.

Имкониятлар формал, абстракт ва реал шаклларда намаён булади. Формал имконият деганда объектив конунларга зид булмасада, вокейликка айланиши учун хеч кандай шарт-шароитга эга булмаган имкониятлар тушунилади.

Амалга ошиши учун хали шарт-шароит тула булмаган имконият, **абстракт имконият** дейилади. Абстракт имконият формал имкониятдан тула булмаган баъзи бир шарт-шароитлар мавжудлиги билангина фарқ килади.

Реал имконият – барча зарур шарт-шароит мавжуд булган имкониятдир.

Формал ва абстракт имкониятлар имкониятсизлик билан бир хил эмас, чунки борликда узининг асоси ва заминига эга. Абстракт имконият тараккиёт давомида реал имкониятга айланиб колиши мумкин.

Имконият билан вокейлик уртасида диалектик богланиш бор. Бу богланиш, аввало, имконият ва вокейликнинг бир-бирига утиб туриши, имкониятларнинг маълум шарт-шароитларда вокейликка айланиши, вокейликнинг эса янгидан-янги имкониятлар яратишда ифодаланади.

Имкониятнинг вокейликка айланиши ва вокейликнинг янгидан- янги реал имкониятлар яратиши зиддиятли жараён булиб, маълум вакт ва шарт-шароитларни талаб этади.

Такрорлаш учун саволлар

1. 1.«Категориялар» тушунчасини кандай изохлайсиз?
2. 2.Фалсафий категорияларни бошқа фанлар категорияларидан фарки нимада?
3. 3.Умумий алокадорликни ифодаловчи категорияларга кайси категориялар киради? Уларни моҳияти ва алокадорлигини ёритиб беринг?
4. Нарса ва ходисаларни тузилишини акс эттирувчи категорияларга кайси категориялар киради?
5. Нарса ва ходисалар уртасидаги сабабли богланишни англашга кайси категориялар имкон беради?

Адабиётлар:

24. Каримов И.А. Асалар туплами. 1-19 жиллар. - Т.: Ўзбекистон, 1996-2011.
25. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
26. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.:Ўзбекистон, 2010.
27. Каримов И.А. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
28. Назаров Қ. Аксиология – қадриятлар фалсафаси. -Т.: ЎФМЖ, 2004.
29. Назаров Қ.Н. Билиш фалсафаси. – Т.: Университет, 2005.
30. Назаров Қ. Гоялар фалсафаси. – Т.: Академия, 2011.
31. Соифназаров И. Курс лекций по философии. – Т.: 2004.
32. Тўйчиев Б.Т. Социальная философия. Альбом схема –Т.: 2009.
33. Фалсафа асослари. Назаров Қ таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2005.
34. Falsafa. Mamashokirov S. Tahriri ostida. -T.: Sharq, 2005.
35. Falsafa. Ахмедова М. таҳрири остида.-Т.: УФМЖ, 2006.

Кўшимча адабиёт

1. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: Маънавият,2008.
2. Каримов Б.Р. Диалектика объективного и субъективного в методе восхождения от абстрактного к конкретному. - Т.: 1998.

Режа:

- 1.Билишнинг мазмун ва моҳияти
- 2.Ҳиссий,эмперик, назарий, мантиқий ва интуитив билиш даражалари
- 3.Фалсафада ҳақиқат муаммоси
- 4.Назария ва амалиёт бирлиги

Таянч тушунчалар:

Онг, инъикос, рухият, тафаккур, тил, гносеология, билиш, агноситицизм, скептицизм, ҳиссий билиш, мантиқий билиш, амалиёт, ҳақиқат, илмий билиш.

Билиш ва билим. Билишнинг моҳияти, шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари, хусусиятларини ўрганиш фалсафа тарихида муҳим ўрин эгаллаб келмоқда. Инсон ўз билими туфайли борлиқ, табиат, жамиятни ва ниҳоят, ўз-ўзини ўзгартиради. Билишга қаратилган инсон фаолиятини ва уни амалга оширишнинг энг самарали усулларини тадқиқ этиш фалсафа тарихида муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам фалсафанинг билиш масалалари ва муаммолари билан шугулланувчи маҳсус соҳаси — гносеология вужудга келди.

Инсон билиши ниҳоятда кўп қиррали, мураккаб ва зиддиятли жараёндир. **Гносеология** асосан, билишнинг фалсафий муаммоларини ҳал этиш билан шугулланади. Ҳар бир тарихий давр жамиятнинг ривожланиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, гносеология олдига янги вазифалар қўяди. Хусусан, XVII аср ўрталарида европалик файласуфлар илмий билишнинг аҳамияти, ҳақиқий илмий билишлар ҳосил қилишнинг усулларини ўрганиш, илмий ҳақиқат мезонини аниқлаш билан шугулландилар. Тажрибага асосланган билимгина ҳақиқий билимдир, деган ғояни олға сурдилар.

XVIII аср мутафаккирлари илмий билишда инсон ақли имкониятларига, рационал билишнинг ҳиссий билишга нисбатан устунлигига алоҳида ургу бердилар. Буюк немис файласуфи И.Кант билиш натижаларининг ҳақиқийлиги хусусида эмас, балки инсоннинг билиш қобилиятлари ҳақида баҳс юритди. Гносеология олдида инсон оламни била оладими, деган масала кескин қўйилди. Инсоннинг билиш имкониятларига шубҳа билан қарайдиган файласуфлар агностиклар деб аталдилар.

Билиш нима? Билиш инсоннинг табиат, жамият ва ўзи тўғрисида билимлар ҳосил қилишга қаратилган ақлий, маънавий фаолият туридир. Инсон ўзини қуршаб турган атроф-муҳит тўғрисида билим ва тасаввурга эга бўлмай туриб, фаолиятнинг бирон-бир тури билан муваффақиятли шугуллана олмайди. Билишнинг маҳсулни, натижаси илм бўлиб, ҳар қандай қасб-корни эгаллаш фақат илм орқали рўй беради. Шунингдек, билиш инсонгагина хос бўлган маънавий эҳтиёж, ҳаётӣ заруриятдир.

Немис физиологи Гельмголцнинг илгари сурган символлар назариясига мувоғиқ, инсон аввало ўз сезгириларида ташқи оламни яратади. Ўз сезгириларини нарса, ходисага айлантиради, кейин эса уни билишга интилади. У буюм образини буюмнинг ўзи билан тенглаштиради. Сезги объектив олам образи бўлмай, оламнинг ўзи бўлиб қолади. Демак ушбу символлар назариясига қўра нарса билан нарсанинг тасаввuri орасида фарқ йўқ. Ўз вақтида Ибн Сино эмпирик табиатшунос сифатида Пифагор, Платон, ўрта асрдаги схоласт Ғаззолий кабиларни фикрларига зарба бериб мистик сон ёки геометрик фигуранлар йўқ: сон, геометрик фигуранлар конкрет предметсиз бўлмайди, деган холосага келади. Сезги мазмунни предметлар хоссалари билан ҳеч қандай умумийликка эга бўлмаган белгилар, символлар билан алмаштириш нотўғри.

Сезги образи моддий дунё нарса ва ходисаларининг инсон сезги аъзоларида акс этиши натижасида юзага келган. Демак сезги ва тушунчада нарсанинг ўзи эмас, нарсага нисбатан иккиланган кўриниши ҳосил бўлади.

Образ сезги ва тушунчадан ташқарида мавжуд бўлиш мумкин эмаслиги сабабли у идеал нарсадир, у инсон, субъект онгига вужудга келади. Лекин сезги объектив мазмунга эга. У моддий дунёнинг қайта ишланган мазмунини гавдалантиради. Шунга кўра объективдир.

Образ субъектда унинг сезги ва тафаккурида ҳосил бўлади. Демак, образ субъект билан обьект ўртасидаги бирликни кўрсатади. Сезги, тасаввур, тушунча шаклий жиҳатдан субъективдир, лекин мазмунга қўра обьективдир. Чунки сезгида реал дунё инъикос этади. Демак сезги – обьектив оламнинг субъектив образидир.

Сезиш – умуман инсон билими тараққиётiga нисбатан биринчи босқичдир. Инсониятнинг дастлабки билимлари, тушунчалари даставвал сезги аъзолари орқали олинган далиллар асосида юзага келади. Сезиш инсон миясининг ташқи олам билан дастлабки ва бевосита боғланишдир. Сезги образи содир бўлиши учун уни ҳосил қилувчи нарса ёки ходиса обьекти мавжуд бўлмоғи лозим. Оламдаги нарса ва ходисалар ҳақида сезги образлари, тасаввурлар билиш жараёнининг маълум босқичидагина шаклланади. Сезги обьектив оламнинг субъектив образи дейиш билан бирга шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу образ кўчирма қотиб қолган, ўлик нарса эмас, балки билиш жараённида ўзгариб боради. Билишнинг зиддиятли жараён эканлигини билимларимизнинг тўлароқ, чуқурроқ билиши учун далил ва маълумотларнинг янгисига тўғри келмай қолишида кўришимиз мумкин. Зиддиятли муносабат ҳал қилиниши билан билиш жараённи ривожланиб боради. Бизнинг онгимиз эса бу тараққиётни ўзида акс эттириш билан бирга ходисаларнинг юзаки хусусиятларини билишдан моҳиятини билишга томон борувчи тарихий жарён эканлигини кўрсатади.

Билиш жараённида амалиёт муҳим рол ўйнайди. Амалиёт кўп қиррали ва сермазмун тушунча бўлиб, ўз ичига инсон фаолиятининг барча шаклларини қамраб олади. Амалиётнинг асосини меҳнат, моддий ишлаб чиқариш ташкил этади. Бундан ташқари, сиёсий кураш, миллий озодлик ҳаракати, амалиёт инсоннинг ўзига хос фаолияти бўлиб, фақат уларгагина тегишлидир. Амалиёт инсонларнинг тарихан юзага келиши жараённида шаклланиб, барча жамиятлар тараққиёти йўлида ривожланади ва мукаммаллашади. Амалиёт тарихий тараққиёт субъекти ҳисобланган инсоннинг, унинг учун обьект ҳисобланган моддий олам билан боғланишдир. Бундай алоқадорлик жараённида субъект фаол рол ўйнайди. Амалий таъсири фақат обьектни эмас, балки субъектнинг ўзини ҳам ўзгартиради. Амалиёт субъекти алоҳида инсонлар, ижтимоий гурухлар; синфлар, бутун жамият ҳам бўлиши мумкин. Қачонки, бундай субъект сифатида инсон бўлар экан, амалиёт алоҳида фаолият тусини олади ва у билан боғланган бўлади. Чунончи, ҳар бир инсон шу жамият аъзоси бўлар экан, ўзининг ҳаракатлари билан алоҳида жамият аъзоси бўлиб майдонга келади. Шунинг учун ҳам алоҳида одам ижтимоий амалиётнинг бир бўлаги бўлиб ҳисобланади.

Амалиёт ҳамма вақт ижтимоий фаолият бўлган ва бундан кейин ҳам бўлиб қолади. Амалиётнинг билиш жараёнидаги роли қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, амалиёт билишнинг бошланғич нуқтаси ва асосидир. Энг аввало шуни эътиборига олиш керакки билишнинг ўзи амалиёт асосида ва айникса моддий ишлаб чиқариш таъсири остида вужудга келган. Масалан, механик ҳаракат иссиқликка айланади, яъни ишқаланиш натижасида ўт ҳосил бўлган, бу жуда қадимий қашфиёт. Кўп йиллардан кейин эса одамлар иссиқликдан механик ҳаракат вужудга келтириш имкониятига амалиёт асосида эга бўлади. Одамларнинг амалий эҳтиёжи табиат илмининг келиб чиқишига сабаб бўлди. Масалан, астрономия фани фаслни билиш эҳтиёжи натижасида келиб чиқди. Демак ҳар бир фан инсон амалий эҳтиёжи натижасида келиб чиқади. Бундан ташқари амалиёт билиш олдига маълум вазифаларни ҳал қилиш учун ёрдам беради, жумладан у илмий билишнинг асбоб-ускуналари билан қуроллантиришни таъминлайди: Иккинчидан, амалиёт билишнинг мақсади ҳамдир. Инсон билиш натижаларидан ўзининг амалиёт фаолиятидан фойдаланиш учун ҳам атроф теваракдаги дунёни билиб боради. Унинг тараққиёт қонунларини очади. Амалиёт жараён бўлиб, бунда мунозарали масалалар, назарий муаммолар ҳал қилинади. Табиат ва жамият қонунлари тўғрисидаги билимлар ҳам амалиёт жараённида текширилади.

Олам ва унинг қонунларини билиш мураккабдир. Билишнинг вазифаси олам ходисаларини оддий кузатиб қолмасдан уларнинг моҳиятини табиат ва жамият тараққиётининг қонунларини очиш ва уларнинг инсон ўз манфаати учун фойдаланишдан иборатdir.

Ташқи оламнинг инсон миясида инъикос қилиши мураккаб диалектик жараёндир. Билиш жараёнида нарсани, ҳодисани тўла ва мукаммал акс эттириш учун маълум бир йўл босиб ўтади. Фаробий ўзининг “Илм ва санъатнинг фазилатлари” рисоласида табиатни билишнинг чексизлигини, билиш- билмасликдан билишга, сабабни билишдан оқибатни билишга, ҳодисадан моҳиятга қараб боришини таъкидлайди. Билиш икки босқичдан: жонли мушоҳада (сезиш) ва мавҳум таффаккурдан иборатdir.

Билишнинг бошланғич босқичи жонли мушоҳада, яъни объектив дунёning буюмларини бевосита сезги аъзолари ёрдамида акс этиради. Ибн Синонинг фикрича, сезиш – бу шундай таъсири, у ташқи нарсаларнинг ўзи бўлмай, балки бизнинг ҳисларимизда вужудга келади. Ҳис моддий образнинг ойнаси бўлиб, моддий шаклларнинг бўйи, эни билан бирга ифодаланганилиги сабабли уларни инсон моддий асоссиз инъикос эта олмайди ва жисмларни билолмайди. Жонли мушоҳаданинг билишдаги роли муҳимдир, унинг ёрдамида дунё ҳақида аниқ билимлар келиб чиқади. Лекин бу босқич маълум даражада чекланган. Бу босқичда нарса ва ҳодисаларнинг баъзи бир томонлари ва хусусиятларинигина билиб олиш мумкин. Нарсаларнинг муҳим белгилари уларнинг ички боғланишлари, моҳиятлари эса билишнинг иккинчи босқичига мавҳум таффаккур ёрдамида акс эттирилиши мумкин. Билишнинг бир босқичидан иккинчи босқичга кўтарадиган нарса амалиётдир. Мехнат жараёни, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари предмет ва ҳодисалар асосида ётган қонуниятларни очишни талаб қиласи. Ҳиссий билишга, жонли мушоҳадага билишнинг сезги, идрок ва тасаввур шакллари киради.

Ташқи дунёning бу инъикос шакллари бир-бири билан органик алоқада бўлиб, алоҳида-алоҳида учрамайди. Сезги ташқи дунё нарса ва ҳодисаларини билишнинг биринчи қадамидир. Сезгини дастлабки билишнинг манбаи деб ҳисоблаган Фаробий буюмнинг акс этиши ёки инъикоси ўша буюмнинг ўзига мувофиқ келса, сезги ҳақиқий бўлади дейди. Инсон миясида ҳосил бўладиган тасаввур ва фикр ташқи дунё предметларининг сезги орқали таъсири натижасида юзага келиши мумкин. Биз сезгиларимиз ёрдамида нарса ва ҳодисаларни билиб оламиз ва идрок қиласиз, уларнинг хоссаларини, ўхшашликларни, фарқларини эгаллаймиз. Масалан, кўриш билан предметнинг катта-кичиклиги, ранги ва шаклини, тана сезгиси орқали қаттиқ-юмшоқлигини, эшитиш орқали оҳанг, куч ёки темпини ва бошқа аъзолар воситаси билан объектив мавжуд, предметларнинг хилма-хиллигини биламиз. Сезги идрок учун асос бўлади. Идрок сезгидан фарқ қилиб предметнинг бутун образини беради. Бу предметнинг турли хоссаларини қайта ишлаб, уларни бирлаштиради. Демак, идрок деганда турли сезги аъзолари берган маълумотлар асосида миёда ташқи қўзғатувчининг бир бутун образи ҳосил бўлиши тушунилади ва идрок ташқи дунё предметининг объектив тўғри инъикосини беради. Бу инъикоснинг тўғри эканлигини амалиётда исботланади. Инсон ўзининг амалий фаолиятида ўзи идрок қилаётган предмет билан одамнинг ўзида шу предмет тўғрисида ҳосил бўлган сезги ва идрокнинг ўхшашлигини белгилайди.

Амалий фаолият, фан ва техниканинг ривожланиб бориши инсонга ҳар хил воситалар, асбоб ва ускуналар яратиш ва ҳиссий билиш чегарасини кенгайтириш имкониятини беради. Демак сезги, ундан кейин идрок объектив оламнинг субъектив образини ҳосил қиласи. Тасаввур – мавҳум тафаккурга ўтишдаги охирги босқичдир. У нарса ва ҳодисаларнинг аввалги таъсири натижасида хотирамизда қолган тасаввурларнинг қайтадан эсга олинниши билан боғлиқдир. Тасаввурдаги янги образлар илгариги образлар билан таққослаш орқали юзага келиш мумкин. У мавҳум тафаккур учун асос бўлади.

Идрок қилинаётган нарса ва ҳодисалар ички қонуниятли боғланишларни очиш учун мавҳум тафаккурга ўтиши керак. Мавҳум тафаккур эса воқеани чуқур билишга имконият яратади. Ҳиссий билиш аниқ нарсалар образини ҳосил қиласи, лекин у ҳодисалар моҳиятини очиб бера олмайди. Демак

ходисалар моҳиятини билиш учун айрим нарсаларга эмас, кўп нарсаларга хос бўлган умумийликни топмоқ керак.

Шундай қилиб, ҳиссий билиш билан мавҳум тафаккур бир бутун билиш жараёнининг сифат жиҳатдан турлича бўлган ва айни вақтда бир-бири билан боғлиқ бўлган босқичлариdir.

Мавҳум тафаккур ҳиссий билишдан келиб чиқади, жонли билиш эса қонуният билан ўсиб, мавҳум тафаккурга асос солади. Мантиқий билиш –билишнинг ривожланишидаги сифат жиҳатидан янги, юқори поғонасиdir. Мантиқий билишда инсон мантиқий тафаккур ёрдамида воқеаликнинг ривожланиш қонуниятларини билиб олади.

Бизга маълумки, сезги образлари ташқи оламнинг инъикосидир, яъни ташқи олам сезгимизга қандай таъсир қиласа шундайлигича акс этилади. Лекин тафаккур образларида бошқачароқ, унда ташқи оламнинг ички моҳияти, алоқа ва боғланишлари ҳамда ривожланиш қонун ва қонуниятлари акс этади. Тафаккур образининг учта асосий хусусияти бор.

1. Тафаккур образлари мавҳумлик хусусиятга эга, яъни тафаккур образлари ҳосил бўлиши учун ифода қилинаётган ташқи олам бевосита кўз олдимиизда бўлиши шарт эмас. Тафаккурга хос бўлган ана шу жараён – абстракция дейилади.

2. Тафаккур образлари умумлашган хусусиятга эга. Умумлаштириш эса бизга таъсир этаётган нарса ёки ходисанинг сифат ва хусусиятларидағи муҳим бўлмаган иккинчи даражалиларини четга суриб асосий томонларини таққослаш ва фикран бир-бири билан боғланишdir.

3. Тафаккур образлари тил билан боғлангандир. Билиш жараёнида пайдо бўлаётган ҳар бир тушунча тил орқали рўёбга чиқадиган онг омилиdir.

Мавҳум тафаккур шакллари тушунча, муҳокама, хулосадир. Тушунча тафаккурнинг алоҳида шакли бўлиб, у ташқи дунё нарса ва ходисаларининг умумий, зарурий томонларини акс эттиради. Тушунча – аниқ нарса ва ходисаларнинг сифати, моҳияти ва муайянлигини мияда алоҳида шаклда акс этишиdir. Унда ходисадаги асосий томонлари умумлаштирилади. Масалан, материя тушунчаси умуман материянинг белгиларидан қатъий назар, уларнинг асосий белгиси – моддийлиги материя тушунчасида акс эттирилади. Жумладан, дараҳт деганда тол, терак, олма ва бошқа дараҳтлар турлари ва белгиларидан фикран узоклашамиз ва улар учун энг умумий белгиларни оламиз.

Фандаги тушунчалар ҳам худди шундай. Ҳар бир фаннинг ўзига хос тушунчалари бор. Ҳар бир фанни билиш, тушуниш фандаги тушунчаларни билиш демакдир. Тушунча мазмунан объективдир.

Муҳокама – ҳукм орқали объектив дунёдаги қонуниятлар онгда акс эттирилади. Якка муҳокама айрим далилларда ўз аксини топса, умумий муҳокама умумий қонунларни ифода этади. Масалан, энергиянинг яланиш шакли ёки ҳар бир ҳаракат шаклининг биридан иккинчисига ўтиши ҳақидаги қонунлар.

Биринчи мисол, табиатнинг айрим томонига тўғри келса, иккинчиси умумий қонунни акс эттиради. Демак, муҳокама – ҳукм бирор нарса ёки ходиса мушоҳада ҳақида бирор нима дейиш, уни тасдиқлаш ёки инкор этишdir.

Тафаккурнинг учинчи шакли мантиқий, ақлий хулоса чиқаришdir. Хулоса бир ёки бир неча муҳокамадан келиб чиқувчи билимдир. У орқали илгари маълум бўлган билимлар асосида янги билим пайдо бўлади.

Мантиқий ақлий – хулосада муҳокамалар мажмуаси бир-бирига боғланиб янги бир хулоса келиб чиқади. Бундай хулосага асос бўлган икки муҳокама далил деб аталади. Демак, ақлий хулоса фикрни таққослайди, боғлайди, мавҳум тафаккур содир бўлиш жараёнини ифодалайди. Шундай қилиб инсониятнинг барча билимлари сезги материалларини умулаштириш орқали ҳосил бўлади.

Билишдаги ҳиссий ва рационал-мантиқий жиҳатларининг роли масаласини ҳал қилинишида сенсуализм ёки рационализмга берилиш масалани бир ёқлама тушунтиришга олиб келади. Семсуалистлар ҳиссий билишни юқори қўядилар, мантиқий тафаккурнинг ролига етарли баҳо бермайдилар. Рационалистлар эса аксинча, мавхум тафаккурлар ҳаддан ташқари юқори кўтариб, ҳиссий билишнинг ролини камситар эдилар.

Мадомики, ҳиссий билиш билан мантиқий билиш биргаликда майдонга чиқар, ҳамда бир-бирини тўлдирада ва бойитар экан, билишда сезгилар берадиган маълумотларга ҳам, ақлий хулосаларга ҳам менсимаслик билан қарашиб мумкин эмас.

Сезги органларимиз орқали биз нарсаларнинг хоссасини, хусусиятларини ҳис қиласиз, ақлий билиш туфайли биз уларнинг моддий асосини моҳиятини билишга муюссар бўламиз.

“Билки, – деб ёзади Абу Наср Фаробий², – оламда субстанция (жавҳар) ва акциденция (жавҳар бўлмаган) ҳамда субстанция, акциденцияни яратувчи марҳаматли ижодкордан бошқа ҳеч нарса йўқдир”. Акциденцияни беш сезги ҳис этади, улар ўртасида ҳеч қандай восита йўқдир... Субстанцияни фақат ақл қабул қиласи ва бунда акциденция ақл учун восита бўлиб хизмат қиласи. Ақл ранглар остида шу рангга эга бўлган нарса борлигини овоз кетидан овоз келаётган нарса мавжудлигини билади. Ақлнинг бошқа сезгилар билан муносабати ҳам шунинг кабидир.

Билиш жараёни мураккаб, кўп қиррали жараёндир. У албатта субъектнинг қобилияти изланувчанлиги, мантиқий тафаккурнинг хусусияти, воқеалик ходисаларини кузатиш, унинг моҳиятини очишида ҳам бир нарса ва ходисага ижодий ёндашишни талаб қиласи.

Ижод инсоннинг фан, техника, маданият ва бошқа соҳаларда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган янгилик яратиш, кашф этиш фаолияти бўлиб, мураккаб руҳий жараёндир. Унда инсон тафаккури, хотираси, тасаввури, дикқати, иродаси фаол иштирок этади, бутун билими, тажрибаси, истеъоди намоён бўлади.

Ижод жараёнида бошқалар томонидан кўлга киритилган билимлар чукур атрофлича, танқидий равишда ўрганилади, таҳлил этилади, кузатишлар ҳисоблашлар ўтказилади, мантиқий хулосалар чиқарилади. Хулосаларнинг тўғри ёки нотўғри эканлиги тажрибада синалади.

Ижодий изланиш натижасида келиб чиқсан билим мазмуни турли шаклларда – бадиий асар, математик формула, назария қонун ва бошқалар орқали жамиятга тақдим этилади. Улардан жамият баҳраманд бўлсагина ҳақиқий тўлиқ ижод бўлади. Ижод – фан, техника, маданиятни бойитади, билимни ривожлантиради.

Одамларнинг истеъодод ва қобилиятларини намоён этиш учун барча шарт-шароитлар яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилиш... маънавий потенциални илдам ривожлантириш, умуман ижоднинг барча турларини ривожлантириш орқали республиканинг мустақиллигини ва равнақ топишини таъминлаш керак. (И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1993 йил 47-бет). Тарихий тажриба шуни кўрсатадики, фақат уюшган бозоргина бугунги кунда ҳалқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб бера олади, янгиликларга сезгир қиласи, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуғларини дадил ва гайрат билан жорий этади. Ўз ишининг устасига, касб маҳоратига муносаб баҳо беради. (И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура 1993. 60-61 бетлар).

4.Ҳар бир тарихий даврда инсон ўзининг амалий фаолияти натижасида объектив оламни тўлиқ ва аниқ акс эттирувчи билимга эга бўлиб боради. Билим эса объектив реалликка мос келадими ёки йўқми? Бу масалани ҳал қилишда ҳақиқат тўғрисидаги таълимот ўз ифодасини топади. Бу таълимот эса ўз-ўзидан ҳақиқат нима? деган масалани ҳал қилишни талаб қиласи. Ҳақиқат масаласини илмий тарзда ҳал

² Абу Наср Фаробий “Фозил одамлар шахри” 174-бет.

қилишнинг ягона йўли инсон билимлари билан объектив оламдаги реал нарса ва ходисалар, уларнинг сифат ва хусусиятлари ўртасидаги муносабатни ёритишидир. Шундай экан, ҳақиқат объектив воқеликка мос келувчи нарса ва ходисаларнинг реал ҳолатдаги мазмунини сифат ва хусусиятларини тўғри акс этирувчи ҳамда амалиётда синалган билимлардир.

Инсон сезгилари унинг онгидан ташқаридаги объектив оламнинг инъикосини ҳосил қиласди. Объектив оламнинг мавжудлигини эътироф этиш билан унинг тўғри инъикосининг ҳосил бўлиши объектив ҳақиқатдан иборатdir. Ёки бошқача қилиб айтганда объектив ҳақиқат инсон ва инсониятга боғлиқ бўлмаган объектив мазмундир. Масалан, табиат ва жамият қонунлари объектив ҳақиқатdir. Чунки бу қонунлар инсонга боғлиқ бўлмаган ҳолда, ундан ташқарida мавжуд, бу қонунларни инсон бекор қила оламайди, ўз ихтиёри билан ўзгартира олмайди. Объектив ҳақиқат тўғрисидаги тушунчани объектив реаллик ҳақидаги тушунча билан бир дейиш мумкин эмас. Объектив ҳақиқат бизнинг онгимиздан ташқарida мавжуд бўлган объектив реалликни онгимизда тўғри инъикосидир. Диалектика билимлар абадий бўлмай улар такомиллашиб боради, нисбий ҳақиқатдан мутлоқ ҳақиқатга боради деб тушунтиради. Ҳақиқатдан ҳам оламда инсон била оламидиган нарса йўқ. Шунинг учун ҳам билиш жараёнининг ривожланиши чексиз у бирор чегарада тўхтатиши мумкин эмас. Инсон эришган янги билим учун зарур босқич ҳисобланади. Демак, мутлоқ ва нисбий ҳақиқатлар диалектик муносабатда бўлади. Инсон тафаккури ўз табиатига кўра мутлоқ ҳақиқатни очиш имкониятига эга деб, мутлоқ ҳақиқат нисбий ҳақиқатлар йиғиндиларидан ташкил топганлигини кўрсатади. Ҳар бир фан соҳасида янги кашфиётлар мутлоқ ҳақиқатга ҳисса қўшади ва бу кашфиёт нисбий чегарага эга, яъни кенгайиши, ривожланиши мумкин.

Ҳар бир нисбий ҳақиқатда мутлоқ ҳақиқат элементи, зарраси бор. Чунки унда моддий дунёнинг маълум томонлари акс этади. Нисбий ҳақиқат объектив оламнинг инсон онгидан тўғри инъикос этишидир. Амалиёт ва фан тараққиётида бу ҳақиқат тобора такомиллашиб боради. Демак, объектив оламни тахминан тўғри инъикос этирадиган, тўла ва аниқ бўлмаган инсон билимининг сўнгти тараққиёти жараёнида аниқланиши ва чуқурлашиши тобора тўлароқ бўлиб борадиган илмий билимлар (қоида, тушунча ва назариялар) нисбий ҳақиқатdir.

Нисбий ҳақиқатни эътироф қилиш мутлоқ ҳақиқатни инкор этиш эмас. Чунки бизнинг билимларимиз тайёр ёки қотиб қолган билим бўлмай, мутлоқ ҳақиқатни билиш нисбий ҳақиқатларни билиш билан боради. Мутлоқ ҳақиқат бирданига билиб олинмайди, балки тўлиқ бўлмаган тахминий, яъни нисбий ҳақиқатлар орқали билинади. (Материя тузилиши ҳақида).

Инсон ҳамма вақт табиатни охиригача билиш томон яқинлашиб боради, лекин у моддий олам қонун ва ходисаларини тўла-тўқис билиш даражасига эриша олмайди. Бунинг сабаби шуки, табиат чексиз, у тўхтовсиз ҳаракатда, ривожланишда, ўзгаришда. Инсон билими эса ҳеч қачон моддий оламни бутунлай қамраб ола олмайди. Шунинг учун ҳам инсон билимининг мутлоқ ҳақиқатга яқинлашуви нисбийдир. Бундан бизнинг ҳамма билимларимиз нисбий экан, уларда объектив мазмун йўқ экан, деган хуросага келмаслик керак. Ҳар қандай ҳақиқат нисбийлигига қарамай, унда мутлоқ ҳақиқат элементлари сақланади. Мутлоқ ва нисбий ҳақиқатларни бир-бирига қарама-қарши қўймай балки уларни ажралмас, бир бутун ҳолда олиб ўрганмоқ зарур. Мутлоқ ва нисбий ҳақиқатларни диалектик муносабатини билиш, догматизм, агностицизм, релятивизмга қарши курашда катта аҳамиятга эга. Догматизм ва релятивизм ҳақиқат ва унинг моҳиятини бир ёклама ҳал қилувчи, унинг абсолют ва нисбий томонларини бир-биридан ажратиб ташлашга ҳаракат қилувчи таълимотdir. Догматизм инсон билимларининг конкрет вақти, шароитлари, билиш имкониятлари билан боғлиқ бўлган нисбий томонини инкор этади, ҳар бир билимини ўзгартирмайдиган, ривожлантириш, такомиллаштириш, тўлдириш мумкин бўлмаган сўнгти маррадаги ҳақиқат деб тушунилади. Шу асосда улар инсон билимларида нисбий томонлар мувжудлиги бутунлай инкор этилади. Догматизм вакиллари кўрсатишича ҳосил бўлган билимларни тўлдириш ва ривожлантиришнинг хожати йўқ. Ҳар қандай билимни ҳамма вақт конкрет шароитларини ҳисобга олмай амалда қўллай бериш мумкин эмас. Негаки

догматиклар конкрет тарихий шароит ва вазиятлар доим ўзгариб туришини инкор этадилар, баъзан назарий қоидаларни кўр-кўрона ёдлаб олиб, ҳар қандай шароитда бемалол қўллай бериш мумкин деб ҳисоблайдилар.

Релятивизм вакиллари эса инсон билимларининг фақат нисбий томонларини тан олиб, мутлоқ ҳақиқатни эса бутунлай инкор этадилар. Уларнинг фикрича нисбийлик инсон билимларининг бир томонгина эмас, ҳаммасига хос эмиш. Бу таълимот билимларимизнинг ҳаммасини нисбий деб ҳисоблаш орқали унда инсон онгига боғлиқ бўлмаган воқеликни тўғри акс эттирувчи ҳақиқат мавжудлигини ҳам инкор этади.

Релятивизм асосан ҳар бир конкрет тарихий шароитдаги билиш имкониятлари билан боғлангандир. Биз ҳар бир объектив нарса ва ходисани маълум тажриба, малака, билиш, техника воситалари асосида биламиз. Лекин юқоридаги билиш имкониятлари ҳар бир тарихий даврда бизни қизиқтирган нарсаларнинг ҳаммасини тўла ва мукаммал билишга имкон бермайди. Шу туфайли ҳар бир даврдаги билимлар мажмуасида маълум нисбий томонлар бўлиши табиийдир. Релятивизм илмий билиш ва практика учун заарли таълимотдир. Релятивизм, скептицизм, агностицизм, схолостикага олиб боради. Ҳақиқат тўғрисидаги таълимотларнинг яна бир жиҳати бор, у ҳам бўлса ҳақиқатнинг конкретлиги масаласидир. Ҳақиқат абстракт бўлиши мумкин эмас, у доим конкрет бўлади.

Ҳақиқатнинг конкретлигидан ҳар бир билим назарий таълимот маълум вақт, шароит, давр, ўрин учун тўғридир, деган маънони билдиради. биз юқорида инсон билимининг ягона обьекти бўлган моддий олам нарса ва ходисалар доимо ўсиб, ўзгариб, янгилаб туришини кўрдик.

Инсон обьектив оламни ўз амалий фаолиятида маълум тарихий ва илмий имкониятлар асосида олиб боради, илмий ҳақиқатлар аниқ тарихий шароит билан боғлиқ бўлиб, аниқ шаклда намоён бўлади, ҳақиқат мавҳум бўлмай аниқ бўлади. масалан, мустақил Ўзбекистоннинг ички сиёсатининг негизи ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини куриш, унга ўтиш муқаррар давр амри бўлиб, обьектив ҳақиқатдир.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш фақат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фарновонлигининг сифат жиҳатдан тубдан юқори даражасига эришиш услуги ва воситаларидир. (И.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 61-бет).

5. Билиш одам боласининг туғилишидан бошланади, табиат ва ижтимоий муҳитга мослашиш, унга фаол таъсир ўтказиш жароёнида у такомилашиб боради. Инсон билимини, унда борлиқ қандай ҳолда инъикос этганлигига қараб, оддий (кундалик) ва илмий билимларга ажратиш мумкин.

Оддий (кундалик) билиш кишиларнинг одатдаги ўз кундалик ҳаётларида борлиқдаги предмет ва ходисаларни бевосита ўз сезги аъзолари ва тафакурлари орқали билишдир. У кишиларнинг кундалик ҳаётий тажрибалари, малакалари ва амалий ишлари орқали ҳосил бўлади. Оддий билиш ҳамма кишиларга хос билишдир.

Илмий билиш эса, оддий (кундалик) билишдан фарқланиб, у борлиқдаги предмет ва ходисаларнинг қонунятларини, уларнинг моҳиятини билишдир. Илмий билиш, фанда илмий тадқиқотлар ва илмий изланишлар олиб бориш асосида амалга ошади. Шу сабабли илмий билиш узоқ давом этадиган, муайян усуллар ва йўллар билан амалга ошириладиган мураккаб, зиддиятли билишдир.

Шу туфайли илмий билиш билан ҳамма кишилар эмас, балки бир гурух ёки алоҳида кишилар: тадқиқотчилар, олимларгина шуғулланадилар.

Илмий билиш учун тадқиқотчи ўрганаётган предмет ва ходисаларнинг ҳамма томонларини, алоқадорлик ва боғланишларини бирга олиб ўрганиши лозим бўлади. Гарчи бунга у ҳеч қачон тўла-

тўқис эриша олмаса ҳам, лекин бу ҳар томонлама ўрганиш талаби уни хатоликлардан ва бир томонламаликлардан сақлаб қолади.

Илмий билиш предмет ва ходисаларни “ўз ҳаракатида” “жонли” ҳолатда, “ҳаёт ҳолатда”, ўзгариб ва ривожланиб туришида билишни талаб қилади. Илмий билиш натижасида ҳосил қилинган билимларнинг маълум тизимлари фанларни вужудга келтиради.

Ҳар бир билим системасида илмий этиқод жараёнида келиб чиқсан муаммо ёки масалаларнинг кўйилиши ва ҳал қилишда маҳсус усуслардан фойдаланилади. Улар эса тарихий аниқ билиш жараёнида вужудга келади, ривожланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир фаннинг ўз предмети ва тадқиқот усули мавжуддирки, улар ўзи ўрганаётган объектга нисбатан маҳсус амалий ва назарий тадқиқот усули асосида ёндошади.

Илмий билимнинг бир-бири билан узвий боғланган, бири иккинчисин тўлдирадиган иккита даражаси мавжуд, уларга эмпирик ва назарий даражалар киради. Илмий билимнинг эмпирик даражаси кишиларнинг эҳитиёжларини қондириш жараёнини уларнинг кундалик тажрибалари асосида қўлга киритилган маълумотларга таянган ҳолда оламда рўй бераётган ходисаларни билишга қаратилган. Илмий билишнинг эмпирик даражаси уч босқичдан иборат бўлиб, унинг биринчи босқичида алоҳида ўрганадиган ҳодисалар хақида тўпланган билимлар ҳосил бўлади. Унинг иккинчи босқичида мазкур билимлар умумлаштирилиб ҳодисаларнинг ўртасидаги алоқа ва боғланишлар аниқланади. Ниҳоят эмпирик даражанинг учинчи босқичда нарса ва ходисаларга хос эмпирик қонунлар аниқланади. Шу билан эмпирик даражада туттилади. Унинг натижасида йиғилган маълумотлар билимнинг назарий даражасига замин, пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Илмий билишнинг назарий даражасида илгари тўпланган маълумотлар асосида оламдаги нарса ва ходисаларнинг алоҳида шакиллари эмас балки кенг микдордаги бир қанча ходисалар ўртасидаги алоқадорлик ва тараққиёт қонуниятлари аниқланади. Мазкур асосий қонунлар бир қанча эмпирик қонунларнинг йиғиндисидан таркиб топган бўлиб, оламнинг илмий манзарасини ифодалайдиган назария ва концепцияларда намоён бўлади. Билишнинг назарий даражаси бир қатор хусусиятларга эга. Улар қўйидагилардан иборат;

1. назарий билимлар ўзининг умумийлиги ва мавхумлиги билан ажралиб туради;
2. назарий билимлар яхлит ва тизимли билимлар ҳисобланади;
3. у фалсафий билимлар билан яқинлиги билан тавсифланади;
4. эмпирик билимларга нисбатан мукаммал билимлар ҳисобланаб, ходисаларнинг мазмун-моҳиятини атрофлича ва чуқур акс эттиради.

Илмий билишнинг эмпирик ва назарий даражалари бир-биридан оламдаги нарса ва ходисаларни ўрганиш жараёнида фойдаланадиган илмий усувлари билан ҳам фарқланади.

Илмий билишнинг эмпирик даражасида қўйидаги усувлар кенг қўлланилади: Кузатиш, ўлчаш, таққослаш, илмий тажриба (эксперимент).

Билимнинг назарий даражасида эса мавхумлик ва аниқлик, аксиоматик, тарихийлик ва мантиқийлик идеаллаштириш ва бошқа усувлар қўлланилади. Шу билан бирга илмий билишнинг иккала даражаси учун умумий бўлган усувлар ҳам мавжуд бўлиб булар: **анализ ва синтез, индукция ва дедукция, аналогия, моделлаштириш, тизимлаш**.

Шундай қилиб, илмий билиш бир-бири билан узвий боғланган, бир-бирини тўлдирадиган эмпирик ва назарий даражалардан таркиб топган бўлиб, оламдаги нарса ва ходисалар ўртасидаги алоқадорлик ва тараққиёт қонунларини билиш, уларга онгли равишда ёндашиш имкониятини беради. Билиш жараёнида қўлга киритилиб, фалсафий ғоялар билан бойитилган илмий ахборотлар кишиларнинг дунёқарашини шакллантириш, уларнинг бунёдкорлик фаолиятини оширишда қудратли маънавий куч ҳисобланади.

4. Гносеологияда ҳақиқат тушунчаси мұхым ўрин тутади. **Ҳақиқат** инсон билимларининг воқеликка мұвоғиқ келишидір. Ҳақиқатни очиш ёки илмий ҳақиқаттаға эришиш ҳар қандай илмий билишнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Ҳақиқат ўзининг мазмунига күра мутлақ ва нисбий бўлиши мумкин. Фан ҳақиқати ҳамиша нисбий характерга эга бўлиб, уларнинг мажмуасидан мутлақ ҳақиқат вужудга келади.

Ҳақиқат ўз мазмунига кўра ҳамиша объективдир. Яъни унинг мавжудлиги айрим кишиларнинг хоҳиши-иродасига боғлиқ эмасдир. Масалан, Ўзбекистоннинг миллий мустақиллиги объектив ҳақиқатдир. Айрим кишиларнинг бу мустақилликни тан олиш ёки олмаслигидан қатъи назар, бу ҳақиқат ўз мазмунини сақлаб қолаверади. Ҳақиқатни атайин бузиш ёки сохталаштириш охир-оқибатда фош бўлади ва ўз қадрини йўқотади. Шунингдек, ҳақиқат ҳеч қачон мавҳум эмасдир. У ҳамиша конкретдир. Ҳегель сўзлари билан айтганда, нимаики воқе бўлса, у ҳақиқатдир, ҳақиқат — воқеликдир. Ҳақиқат мазмунининг конкрет характери жой, вақт ва шароитни эътиборга олишни талаб этади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Фалсафа тарихида билиш масаласи қандай ҳал қилинганд?
2. Билиш нима? Билишнинг асосий босқичлари нималардан иборат?
3. Ҳиссий ва мантиқий билишнинг хусусиятлари, шакллари ҳақида сўзлаб беринг.
4. Ҳақиқат нима?
5. Нисбий ҳамда мутлоқ ҳақиқатларни ўзаро муносабатлари қандай?
6. Ҳақиқатнинг мезонлари ҳақида нималар дея оласиз?
7. Амалиётнинг билиш жараёнидаги аҳамияти нималардан иборат?
8. Илмий билишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
9. Илмий билишнинг эмпирик даражасини тавсифлаб беринг.
10. Билишнинг эмпирик даражаси қайси усуллардан фойдаланилади?
11. Илмий билишнинг назарий даражасининг хусусиятлари ҳақида сўзланг.
12. Назарий билишнинг шаклларига нималар киради?

Адабиётлар:

36. Каримов И.А. Асарлар туплами. 1-19 жиллар. - Т.: Ўзбекистон, 1996-2011.
37. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
38. Назаров Қ. Аксиология – қадриятлар фалсафаси. -Т.: ЎФМЖ, 2004.
39. Назаров Қ.Н. Билиш фалсафаси. – Т.: Университет, 2005.
40. Назаров Қ. Ғоялар фалсафаси. – Т.: Академия, 2011.
41. Соифназаров И. Курс лекций по философии. – Т.: 2004.
42. Тўйчиев Б.Т. Социальная философия. Альбом схема –Т.: 2009.
43. Фалсафа асослари. Назаров Қ таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2005.155-184-6
44. Falsafa. Mamashokirov S. Tahriri ostida. -Т.: Sharq, 2005.
45. Falsafa. Ахмедова М. таҳрири остида.-Т.: УФМЖ, 2006.

9-Мавзу: Билиш методологияси: асосий тушунчалар

Режа:

- 1.Метод ва методология тушунчаси
- 2.Фан ва фалсафа методлари
- 3.Ахборатлашувнинг фалсафавий асослари
- 4.Фалсафада тушуниш ва тушунтириш

Таянч тушунчалар:

Софистика, эклектика, метафизика, диалектика, синергетика, кузатиш, таккослаиш, эксперимент, абстрактлик, конкретлик, анализ, синтез, индукция, дедукция, тирихийлик, мантикийлик, аналогия.

Бизни ўраб турган дунё нарса ва ходисалари кўп қиррали, кўп сифатлилик хусусиятига эга уларни бирдан тушуниш мумкин эмас. Шунинг учун билишнинг методологияси бизга билишнинг умумий усули ва тафаккур усулини ривожланиш конунларини асослаб беради. Хар бир аник фаннинг узи куллайдиган хусусий усувлари туфайли билим системаси чукурлашиб борса умумий усулни тадбик килиш оркали эса билиш муайян издан боради.

Билишнинг фалсафий усули реал оламни билишнинг энг умумий усули булиб, у барча фанлар учун методологиядир. Бу усул оламдаги барча нарса ва ходисаларнинг узаро боғликлиги ва алокадорлиги, узгариш ва ривожланиши сабабларини ва мохиятини очиб берадиган илмий методологик куролдир.

Фалсафа тарихида турлича, тафаккур услуби хакикатни очиб бера оладиган универсал услуб урнини босишга харакат килар эди. Лекин уларнинг хаммаси хам тарихий тараккиёт жараёнида давр талабига жавоб бера олмаганлиги учун инкор этилди. Софистик тафаккур хам шулар жумласидандир.

Софистлар табиий тилнинг катор камчиликлари, жумладан амонимия, амфиболия сузларни нотугри боглаш, икки маъноли талаффуз, фикрни ифодаланишнинг грамматик шакллари ва хакозолардан фойдаланиб, ёлгондакам хакикат никоби остида хакикий билимларни ёлгон билан алмаштиришга уринадилар.

Шу сабабли софистикани Фаробий "Сохта донолик"деб, изохлади. Софистик тафаккурда мухокама юритилаётган нарсанинг моддий асоси олинмасдан мавхум тушунчалар доираси билан чегараланиб колади.

Софистик тафаккурдан фарқли метафизик тафаккур, **асосан** нарсалар билан фикр юритади. Мана шу маънода тафаккурнинг метафизик услуби софистик тафаккурни инкор этади.

Табиат предметларнинг мукаммал урганиш уларнинг мохиятини чукуррок, очиб боришига интилиш-метофизик тафаккур услубининг ижобий томонини ташкил этади.

Метафизик тафаккур услубининг асосий камчилиги шундан иборатки, табиатдаги нарса ва ходисаларни бир-бири билан ўзаро боғликликда, уларнинг узлуксиз ўзгариш ва ривожланишда эканлигини кўра билмаслиги ва кўришни хам истамаслигидир.

Эклектика мухим ва мухим бўлмаган, асосий ва иккинчи даражали боғланишлар ўртасидаги фаркни хисобга олмайдиган, нарсаларнинг турли-туман, купинча карама-карши томонларини, тамойилсиз кушиб юборадиган методологик услубдир. Обектив дунё нарса ва ходисалардаги аюла ва муносабатлар мажмуудан аник тарихий алокадорликда, аник харакатда, ўзгариш ва ривожланишда асосий хал килувчи алокадорликни ажратади, билмаслик, электик тафаккурнинг асосий методологик нуксонидир.

Диалектика (ёки диалектик тафаккур услуб). Диалектика юонча «диалегамон»-сухбат олиб бормок, мунозара кilmok дегани булиб, дастлаб бахслашув асосида хакикатга эришиш усулини ифодалаган. Кейинчалик фалсафанинг дунёни билиш, тушунтириш усули сифатида кулланилган.

Диалектик тафаккур услуги ё моддий асосидан ажратилган курук тушунчаларни бир томонлама бурттирувчи ёки нарсалар, тушунчаларнинг харакати диалектикасини хисобга олмайдиган софистик ва метафизик тафаккур услугидан фарқ килиб, нарсалар ва уларнинг фикрий образларини узвий бирликда олиб карайди. Шунинг учун диалектик тафаккур софистик хамда метафизик тафаккурга хос камчиликлардан холидир. Диалектик тафаккурда нарсалар билан уларнинг мантикий образлари булган тушунчаларнинг аниклиги билишнинг табиий харакат шакли булиб, бунда субъектив диалектика объектив диалектиканинг маъноси сифатида намоён булади.

Диалектик тафаккур оламдаги хар кандай нарса ёки ходисани урганишга уларнинг хамма томон ва бoggанишларини шунингдек унинг бошка нарсалар ва ходисалар билан узаро муносабатларини хисобга олишни талаб этади.

Диалектик фикрлаш усули оламдаги нарса ва ходисаларни факат узаро алокада ва бир-бирини таказо килишда олиб карамасдан, балки харакатда, узгаришда ва ривожланишда карашни талаб килади. Бу хам диалектиканинг мухим тамойилларидан бири булиб хисобланади.

Диалектик тафаккурлаш усулининг яна бир мухим тамойиллари шундан иборатки хар кандай нарса ва ходисаларни тахлил килишда, урганишда унга аник **тарихий** ёндошмокни таказо этади. Нарса ва ходисаларнинг моҳиятини билиш учун уни теварак-атрофдаги мухит шароит, жой, вактга бoggан холда урганиш максадга мувофиқдир. Аник-тарихий ёндошиш коидасини эътиборга олмаслик назария ва амалиётда бир томонламаликка олиб келиши мукаррар.

Диалектиканинг мазкур тамойили илмий билиш ва амалиётда катта методологик рол уйнайди. Нарса ва ходисаларга аник-тарихий ёндошиш уларнинг ривожига таъсир курсатадиган омилларни тараккий этиш йуналишларини белгилаб олиш имкониятини яратади.

Диалектик тафаккур нарса ва ходисаларнинг **моҳияти**, уларнинг бир-бири билан алокадорлиги ва ривожланиш конуниятларини фалсафий конунлар, тушунчалари тизими ёрдамида ечиб беради. Диалектиканинг конун ва тушунчалари вокеликдаги нарса ва ходисаларнинг энг умумий алокасини акс эттириб, уларнинг тараккиёт конунларини билиш ва амалда юз берадиган ходисаларни онгли тахлил килиш имкониятини яратади.

XX асрда фанда синергетик услуг тушунчаси пайдо булди. Синергетика юононча суздан олинган булиб у хамкорликда таъсир утказиш маъноларини англатади.

Синергетик ёндашувлар очик системалардаги тартибга тушмаган, бекарор, нотенг, чизиксиз муносабатларни тадқик этишда кул келади. Нотенглик ва колипидаги барча жараёнларнинг табиий холати экан, демак уз-узини ташкиллаш нотенглик жараёнларнинг табиий интилишини англатади. Бу **услуб** табиат ва жамиятдаги тартибсиз холатлар кандай килиб уз-узидан тартибга тушишини англаб олиш имконини беради. Оламни фалсафий билишга ёрдам берадиган бу услугни ифодалаштириб, уни диалектик услуг урнига куйиш хам, бу услуг фактатиашунослик фанлари учун этиборли деб караш хам хатодир. Синергетик услугни уз урнига куллаш вокеликдаги тартибсиз холатларнинг уз-узидан тартибга тушиш конуниятларини билиб олишга ёрдам беради.

Назарий даражанинг усулларига: аксимотик усул, гипотетик-дедуктив усул, абстрактликдан конкретликка кутарилиш, тарихийлик ва мантикийлик ва бошкаларни курсатиш мумкин.

Энди илмий билишни ана шу ва бошка усулларини куриб чиқдиз. Кузатиш-вокеликдаги нарса ва ходисаларни муайян максадга мувофик картилган хиссий билиш усулидир. Кузатишнинг кай даражада билишни куйилган максаднинг аниклигига кузатилаётган нарса ва ходисалар хакида, олдиндан билимга эга булишга бояликдир. Кузатишда субъект асбоблардан фойдаланади. Асбоб

кузатиш даражасини кенгайтиради, кузатилаётган нарсани идрок килиш кобилиятини кучайтиради. Кузатиш бевосита (асбобсиз) ёки воситали (асбоб билан) олиб борилади. Кузатиш жараёнида субъект объективнинг микдор ва сифат жихатларини иникос эттиради ва аниклаб олади. Улчаш билиш жараёнида нарсанинг микдор тавсифномасини аниклаш усулидир. Улчов одатда урганилаётган предметни аникайд этилган хосса ва белгиларга эга булган бошка бирон бир предмет билан нисбатлаш йули оркали амалга оширилади. Улчаш усули оркали предметларнинг хоссаларини масалан, мустахкамлигини, мураккаблигини ва бошка томонларни аниклаш мумкин.

Таккослаш билимларнинг шаклланиши, ривожланишида алохиди бир боскичdir. Изланувчи аввалги маълум билимларга таянган холда изланаётган обектга хос булган ухшаш ва фаркли томонларни таккослаш оркали аниклади.

Бу усул маълум даражада физика, математика, кимё, геология, биология ва бошка фан соҳаларида кенг кулланилади. Таккослаш бир нарса ёки ходисанинг иккинчи бир нарса ёки ходисадан фаркли ва ухшаш томонларини хамда уларнинг муносабатларини урганиш усули хисобланади.

Эксперимент — тажрибада синаб куриш оркали фанда ходисаларнинг билиш фаолиятида тадқик килиш, урганиш усули хисобланади. Эксперимент обьектни тегишли тажрибада мосламаларни татбик килиш оркали обьектга тасир курсатиш, изланувчи эксперимент усулини куллаш орақали узини кизиктирган обьектнинг томонларини урганиш учун унга фаол таъсир курсатади бунинг учун сунъий шароитлар яратади, шу шароитда текшириш олиб боради, маълумотлар туплайди. Эксперимент усул ходисаларнинг мухим белгилари ва хусусиятлари, уларнинг бошка нарса ва жодисалар билан муносабати алока ва багланишларнинг чукуррок урганишга имконият яратади. Бу усул изланувчига табиий шароитда кузатиш оркали хосил килиш мумкин булмаган билимларни олиш имкониятини беради. Кузатиш эксперимент билан узвий багланган. Илмий тадқикотнинг соҳаларига караб тадқик килинувчи предметларнинг табиатига караб экспериментлар фикрий эксперимент хам булиши мумкин. Биз куриб чиркан билиш усувлари деярли билишнинг эмпирик даражасига хос булган усувлардир.

Билишнинг назарий даражасида аксиоматик, гипотетик-дедуктив, абстрактликдан конкретликка кутарилиш, тарихийлик ва мантикийлик, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, аналогия, идеаллаштириш, моделлаштириш, тизимлаш ва бошка усувлар кулланилади.

Назарий билиш доирасининг усувларидан аксиоматик усул тадқикотнинг аксиомаларга асосланиб назарий хulosалар чикириш усулидир. Асос килиб олинган аксиомалар эса муайян назарий тизимда исботланмай хакикий деб кабул килинади. Назарий билимлар тула равища аксиомалардан дедуктив йул билан чикирилади.

Аксиоматик усулга якинрок булган, лекин ундан фарқ килувчи гинотетик-дедуктив усул булиб, бу усулнинг асоси аксиома эмас, балки тажриба маълумотлари мажмуидир. Гипотеза усули тажриба оркали илмий тадқикотларда тасдиқланиш ёки нотугри булиб чикиши мумкин. Гинотеза илмий тадқикот жараёнини маълум йуналишга йуналтиради, янги-янги далилларни ва маълумотларни туплашга ёрдам беради.

Назарий билишнинг вазифаси урганилаётган ходисани турли-туман багланишларни конкрет урами деб тасаввур килиш мумкин. Назарий тадқикот ана шу багланишларни ажратади ва маълум илмий абстракциялар ёрдамида акс эттиради. Бирок бундай абстракцияларнинг оддий туплами хали ходисани табиати, уни ишлаш жараёнларини ва ривожланишини ифодалаб бера олмайди. Бунинг учун обьектни бутунлигича хамма алока ва багланишларининг мураккаблиги билан хаёлан тасаввур килиш зарур.

Тадқикотниниг бундай усули абстраклиқдан конкретлиқка кутарилиш дейилади. Уни қуллашда тадқикотчи аввало урганаётган обьетнинг асосий алокасини топади, кейин боскичма-боскич уни турли шароитларда урганишни кузата бориб янги бөгланишларни очади, улар уртсидаги узаро алокадорликни аниклади ва урганилаётган обьектни мохиятини тула очиб беради.

Тарихийлик ва мантикийлик обьектив дуне тараккиёт жараёнининг муҳим хусусиятларини билиш усулидир. Тарихийлик усули нарса ва ходисаларнинг руй бериш вакти, дарви, аник вужудга келиши, ривожланишини билиш усулидир. Хар бир ходисани тарихий нұктай назарда, аник тажриба асосига бөглаб урганмок зарур. Тарихийлик усулининг узига хос хусуситати тарихий харакатни унинг бутун бойлиги билан пайкаб олишга интилишдир. Хар бир нарсаныннинг тарихини очиб бериш унинг тараккиётидаги асосий тарихий боскичлар, уларнинг алокаларини ажратиб курсатишни талаб килади. Буниниг учун эса унинг мохияти хакида назарий билим булиши керак. Мантикий усул предметнинг мазмунини назарий шаклда тадқик килиш усули хисобланади. Бу усул тадқикот обьектининг энг муҳим алокаларини билиб олишга имкон беради.

Мантикий билиш усули обьектив реалликни, унинг алокаларини бутун ранг-баранглигини акс эттириш вазифасини бажаради. Тафаккур услуби орқали вужудга келган назарий билимлар нисбатан тугалланган билимлар тизими булиб, бу тизим уз тарккаиёти жараённида узгариб боради. Мантикий тафаккур услубида кур-курана харакат булмайди, балки у билимларни умумлаштириди, тарихийликни тасодифий четланишлардан саклади. Тадқикотниниг тарихийлик ва мантикийлик усуллари узаро диалектик бөгланишща. Тарихийлик ва мантикийлик диалектик бирликда аник тарихий билимлар асосида хар бир воқеалик тарихини асосий йұналишлари ва ривожланиш конуниятларини аниклаш мүмкінлегини тақидлайди.

Юкорида куриб утилған илмий билиш усулларидан ташкари инсон билишнинг хар кандай куриниши учун умумий булған усуллар хам мавжуд булиб, абстракция, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, аналогия, моделлаштириш ва бошқалар.

Абстракция (мавхум тасаввур) – предметларнинг муайян муносабатдаги муҳим хоссаларини билиш усулидир. Абстракциялаш ходиса, нарсанынг хоссаларини, муносабатларини тараккиёт боскичларини фикран билиш усулидир. Абстракциялаш усули анализ (тахлил килиш) ва синтез (умумлаштириш) воситаларини уз ичига олади. Анализ ва синтез дунёни билиш жараённида ишлатиладиган узаро бир-бири билан боғланған усуллардир.

Анализда урганилаётган нарса ва ходиса фикр майда булакларга, яъни элементларга булинади ва улар уртасидаги бөгланишлар узаро муносабат ва таъсир урганилади. Лекин бу усул билан шу нарсаларни тула билиш мүмкін эмас, шунинг учун у синтез йули билан тулдирилади.

Синтез анализнинг натижаларига сүяниб, нарса ва ходисаларнинг бир бутун сифатини урганади. Синтез анализ натижасида фикран булған элементларни кайтадан тиклаш, уларни бирлаштириш, илгариги яхлитликни фикран вужудга келтириш усулидир.

Анализ тадқикот жараённида билишнинг тайёргарлик куриш боскичи хисобланса, синтез уни яқунлайди. Анализ ва синтез натижасида умумий тушунча, мухокамалар таркиб топади, улар ёрдамида урганилаётган сифат ва муайян конуниятлар аникланади, шаклланади.

Билиш жараённида индукция ва дедукциянинг хам роли катта. Индукция ва дедукция аклий хулосанынг асосий шакли булиб, билиш жараённида маълумдан номаълумга тамон булған фикр харакатини ифодалайди.

Индукция айрим фикрий билишдан умумий, хулосалар чиқаришда кулланиладиган мухокама усули. Хусусийликни урганиб, умумийлик билиб олинади. Умумийлик нарса ва ходисалар билан

узвий алокада булади. Билишда индуктив усул асосида конуниятлар очилади, тушунчалар майдонга келади. Бу усул нарса ва ходисаларнинг сабабий багланышларини текшириш усули хисобланади. Индукция дедукция билан мустахкам багланган.

Дедукция умумийликдан хусусийликка олиб борувчи мантикий усул, фандаги назариялар дедуктив усул натижасида юзага келади. Бу усул асосан далилий материаллар туплаш натижасида уларни чукур урганиш, тизимга солища кулланилади. Дедуктив усул турли шакллар: аксиоматик, гипотетик-дедуктив усул шаклида учрайди. Дедуктив усул аклий хулоса читкаришнинг барча шаклари билан, биринчи навбатда, индукция билан баглангандир. Индукция ва дедуктив усуллари

бир-бири билан диалектик баглангандир, улар бир-бирларини тулдиради. Шунинг учун уларни бир-бирига қдрама-карши ёки ажратиб кадраш асло мумкин эмас.

Аналогия (мослик, айнанлик, ухашлик) нарса ва ходисалар бирор хусусиятларининг ухашлигини урганиш усули. Бу усул ёрдамида икки предметнинг ухаш хусусиятлари урганилади.

Идеаллаштириш билиш жараёнида объектив кулай-лаштириш усули. Бу усулда реал объект идеал объект билан алмаштирилади. Бу усул табиат фанларининг тадқикот усули хисобланади. Масалан, физикада шундай усул оркали физик объектлар: идеал газ, мутлок каттик жисм, мутлок кора жисм, геометрия фани урганаётган объектлар, тугри чизиш, квадрат, шар ва бошкаларни идеаллаштирилган объектлар деб караш мумкин. Идеаллаштириш усули реал предмет эга булмаган хоссаларни урганиш усули хисобланади. У реалликнинг нисбатан ишончли манзарасини хосил колишга ёрдам беради. Бу хол амалий максад учун етарли хисобланади.

Моделлаштириш борликни билвосита урганишга асосланган **илмий** усуллар. Моделлаштириш асосида тадқик килинаётган объект билан унинг модели уртасидаги ухашлик, мувофикалик ётади. Моделлаштириш усули илмий тадқикот жараёнини енгиллаштиради, баъзи холларда мураккаб объектларни урганишнинг ягона воситаси хисобланади. Бу усул урганиш кийин булган объектларни тадқик этишда кулланилади. Масалан, йирик физик Борнинг атом модели атомнинг мураккаб хусусиятларини аниклашга имкон беради. Бу усул объектнинг фактат маълум хусусият ва муносабатларинигина эмас, балки янги хусусият ва муносабатларини хам аниклаш усули хисобланади.

Моделлар икки хил: моддий ва гоявий булиши мумкин. Моддий нарсалардан ясалган моделлар моддий моделлар дейилади. Бу моделлар объектларнинг тараккиёт жушкинлигини, уларнинг мөхиятини ифодаловчи зарурий, конуний алокаларни, муносабатларни кайта хосил киласи. Гоявий моделлар эса гоя шаклида мавжуд булиши мумкин. Масалан, математик моделлаш физик жараенларнинг математик ифодаларидир. Математик моделлаш объектни яхлит текшириш ва тадқикот куламини урганиш имконини беради. Кибернетик мосламалар, ЭХМлар шу усул асосида вужудга келган.

Хозирги илмий билиш жараёнида кенг кулланиладиган усул-тизимлаш усулидир. Мураккаб объектларни илмий билишда бу усул кулланилади. Тизимлаш усули уз ичига муаян тарзда узаро багланган ва бир кадар яхлитликни ташкил этадиган урсурлар мажмуини урганишни олади. Бу усул асосида урганилаётган ёки изланаётган объектнинг бошқа объект билан умумий багланышлари, муносабатлари очилади. Хар бир тадқик обьекти ва уни ташкил этувчи унсурлар бир бутун тизим деб олинсин, шу тизимни ташкил этувчи хар бир унсур бир-бири билан узининг тутган урни вакти ва имкониятларига кўра функционал боғланган. Бу унсурлардан бирининг узгариши иккинчисининг хам узгаришига олиб келади. Шунинг учун хам бу унсурларни урганиш тизимлаш усулига асосланади. Хар бир тизимни урганишда уни бошка тизимлар билан биргаликда олиб караш керак. Лекин бу

тизимларни бирданига, бир вактда билиш мумкин эмас, бирок уларни билиш, бир-биридан ажратиш, ўзаро боғлиқликда олиб караш мумкин.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Метод ва методология деганда нимани тушунасиз?
2. Диалектик методни мохиятини сузлаб беринг?.
3. Метафизик методни авзаллик ва камчиликлари нималардан иборат?
4. Софистик ва эклектик усусларни мохиятини сузлаб беринг?
5. Синергетика хакида нималарни биласиз?
6. Илмий билишинг эмперик даражасида кандай усуслар кулланилади?
7. Илмий билишниниг назарий даражасида кандай усуслар кулланилади?

Адабиётлар рўйхати

46. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.:Ўзбекистон, 2010.
47. Каримов И.А. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
48. Фалсафа асослари. Назаров Қ таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2005. 184-202, 243-254 бетлар.
49. Falsafa. Mamashokirov S. Tahriri ostida. -T.: Sharq, 2005.
50. Falsafa. Ахмедова М. таҳрири остида.-Т.: УФМЖ, 2006.
51. Фалсафа (ўқув қўлланма) Шарқ нашр., 1999 йил 417-433 бетлар.
52. Шермуҳамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси.-Т.: Университет, 2005.
53. Shermuxamedova N. Falsafa va fan metodologiyasi – T.: Axborot texnologiyalari, 2008.
54. Шермуҳамедова Н.А. Гносеология – билиш фалсафаси. -Т.:“Ношир”, 2011.
55. . Гуннар Скирбек, Нильс Гилье Фалсафа тарихи «Шарқ» нашр., 2001 йил, 625-688 бетлар.

10-Мавзу: Жамиятнинг фалсафий тахлили

Режа:

- 1.Жамиятнинг фалсафавий тахлили
- 2.Фалсафий антропология
- 3.Аксиология-қадриятлар фалсафаси
- 4.Фаолият фалсафаси (праксеология)

Таянч тушунчалар:

Жамият, ижтимоий муносабатлар, моддий ҳаёт, маънавий ҳаёт, жамиятни таркибий тузилиши, демократик жамият, фуқаролик жамияти. Маданият, қадрият, цивилизация.

1. Жамият — табиатнинг бир қисми, яъни ижтимоий борлиқ бўлиб, одамлар уюшмасининг маҳсус шакли, кишилар ўртасида амал қиладиган жуда кўплаб муносабатлар йифиндиси, деган турлича таърифлар ҳам бор. Жамият муттасил равишда ривожланувчи, такомиллашиб борувчи мураккаб тизимдир. Ҳар бир янги даврда жамият моҳиятини билиш зарурати вужудга келади. Миллий мустақиллик туфайли жамият моҳиятини янгича идрок этиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Президент Ислом Каримовнинг қатор асарларида жамият моҳиятини янгича тушунишнинг услубий асослари яратилди.

Жамият моддий ва маънавий омиллар бирлигидан иборат. Ҳозирга қадар адабиётларда моддий ва маънавий ҳаёт бир-биридан кескин фарқланар эди. Моддий ҳаёт тадқиқига кўпроқ эътибор берилар. Ҳолбуки, жамиятнинг туб моҳияти уни ташкил этувчи инсон моҳияти билан узвий боғлиқ. Ҳудди инсон танасини унинг руҳидан ажратиб бўлмагани сингари, жамиятнинг моддий ва маънавий жиҳатларини ҳам бир-биридан ажратиш ва уларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиш мантиққа зиддир. Президент Ислом Каримов асарларида жамиятнинг моддий ва маънавий манфаатларини уйғунлаштириш ижтимоий тараққиёт асоси экани таъкидланган. Инсон маънавиятини юксалтириш орқалигина иқтисодий ривожланишга эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврда аҳоли маънавиятини юксалтиришга, миллий ғоя ва мафкура асосларини шакллантиришга катта эътибор бериляпти. Зоро, кишилар иқтисодий жиҳатдан қашшоқ бўлгани учун илмсиз бўлмайди, балки, аксинча — илмсиз бўлгани учун қашшоқ бўлади. Шунинг учун юртимизда ҳалқ маънавиятини юксалтириш орқали иқтисодий фаровонликни таъминлашга катта эътибор бериляпти.

Жамиятнинг вужудга келиши. Кишиларни оила бўлиб, жамоа бўлиб уюшишга нима мажбур килган, деган масала қадим замонларданоқ улуғ мутафаккирлар эътиборини жалб этган. Бу масалани диний тушуниш — уни илоҳий куч, худо билан боғлаб изоҳлашдир.

Инсоннинг моддий эҳтиёжлари озиқ-овқатлар, кийим-кечак, уй-жой, транспорт воситалари, ўзини ҳимоялаш, зурриёт қолдириш кабилардан иборатdir. Маънавий эҳтиёжларга оламни билиш, ўзликни англаш, дунёқараш, донишмандликка интилиш, билим, санъат, ғоя, мафкура гўзаллик билан, маънавий камолот йўлидаги интилишлар киради. Инсоннинг асл моҳияти моддий эҳтиёжларни маданий шаклларда қондирилишида яққол намоён бўлади. **Жамиятнинг моддий ҳаётига қуйидагилар киради:**

- кишиларнинг яшаши, шахс сифатида камол топиши учун зарур бўлган иқтисодий шартшароитлар;
- озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, ёқилғи, коммуникация воситалари;
- моддий неъматлар ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнида кишилар ўртасида амал қиладиган иқтисодий муносабатлар мажмуи;
- моддий бойликлар, табиий захиралар.

Жамиятнинг маънавий ҳаётига оламни тушуниш, жамият ва инсон тўғрисидаги қарашлар, назариялар, таълимотлар, ғоялар, мафкура, ижтимоий онг шакллари, таълим-тарбия, ахборот воситалари, маданият, илм-фан муассасалари ва бошқалар киради.

2. Жамият тараққиёти тўғрисидаги назариялар.

Фалсафа олам ва одам тараққиётининг энг умумий қонунлари, одамнинг оламдаги ўрни тўғрисида баҳс юритади. Олам мураккаб, у турли-туман кўринишларга эга. Жамият оламнинг энг мураккаб кўринишларидан бири. Биз аввалги дарсларда фалсафанинг таркибий қисми-антропология билан танишдик. Унда инсон моддий олам тараққиётининг бевосита давоми, табиий эволюциясининг маҳсулим ва кўриниши; ҳозирги замон одами Homo Sapiens тараққиёти жамиятнинг шаклланиши ва тараққиёти ҳамдир деган хulosага келдик. Бугун жамиятни фалсафий англаш асослари билан танишамиз. Жамият нима, унинг моҳияти қандай, жамият тараққиёти қандай тарзда кечган, деган саволларга жавоб берамиз. Биз аъзоси бўлган ҳозирги замон фукаролик жамиятнинг ўзига хос жиҳатлари хақида фикр юритамиз.

Қадимий даврдан то ҳозирга қадар яратилган жамият хақидаги қарашларни уч-йўналишда ўрганиш мумкин:

А схема-1



Дастлабки жамият ҳақидаги қарошлар диний нүктәи – назардан бўлган. Унга кўра олам, ундаги барча нарса ва ҳодисалар, шу жумладан жамият ва инсон ҳам илохиёт томонидан яратилган. Жамиятдаги барча жараёнлар, ўзгаришлар сабабларини илохиётдан кидирмоқ лозим. Кишиллар хаётининг барча тамонлари илохий кучлар таъсирида кечади, шунинг учун ҳам кишилар бу кучларга эътиқод килишлари лозим.

Кишилик жамияти қадимдан бошлаб турли илмий билим соҳалари вакиллари томонидан ўрганилган. Иқтисодиёт соҳасидаги билимларни жамият иқтисодиётини ўрганиш орқали, тарих соҳасидаги билимлар турли тарихий даврларда кечган ижтимоий – тарихий жараёнларни ўрганиш орқали ҳосил бўлган. Умуман олганда, жамиятни турли-туман фан соҳалари ўрганади.

Қадимий юонон файласуфи Аристотель жамиятни ўрганиш билан боғлиқ бўлган фанларни ишлаб чиқкан ва “метафизика” деб номлаган. Бу фанлар орасида сиёсатга алоҳида ўрин берган. Унинг фикрича, жамият сёсий мавжудотлардан ташкил топган.

Амир Темурнинг “Темур тузук”ларида жамият, унинг иқтисодий, сиёсий ҳаёти, жамият ҳаётини ташкил этиш тўғрисида қимматли маълумотлар берилган. Ҳозирда жамият муаммоси ижтимоий-гуманитар фанлар: тарих, иқтисодиёт назарияси, маънавият асослари, хукуқшунослик, сиёсатшунослик кабилар томонидан ўрганилмоқда.

Жамият ҳақидаги илмий-фалсафий қараашлар Марказий Осиёлик буюк мутафаккир олимлар томонидан илгари сурилган. Буюк олим Абу Наср Форобий асарларида жамият муаммоси чуқур фалсафиј тахлил қилинган. У жамиятнинг келиб чиқиши асосида табиий эҳтиёжни қондириш ётади, деган назарияни илгари сурган. Табиий эҳтиёж килишларни бирлашишишга, жамоага уюшувига, ўзаро ёрдамга олиб келган. Ўзаро ёрдам туфайли эҳтиёжлар қондирилгна. Кишилар ўртасидаги ўзаро ёрдам жамиятни келтириб чиқарган. Инсоният жамияти турли халқлардан ташкил топган бшлиб, улар ўзаро бир-бирларидан тиллари, урф-одатлари, малаакалари, хусусиятлари билан фарқланадилар.

Фарбий давлатларни фозил ва жоҳилларга ажратади. Фозил шаҳар юксак Этикали ва маърифатли киши тамонидан бошқарилиб, бу дават шаҳар ахолисининг ўзаро кўмаклашувига, бир-бирига ёрдам беришга асосланади. “Одамларга нисбатдан уларни бирлашириб турувчи ибтидо - инсонийликдир. Шу туфайли одамлар одамзод туркумига оид бўлгани учун ҳам ўзаро тинчиликда яшамоқлари лозим”. (Абу Наср Фаробий, Фозил одамлар шахри. Т., 1993 186-бет)

Абу Али ибн Сино “Ишорат ва тарбиҳот” асарида инсон ўз шаҳсий талаблари жиҳатидан бошқалардан, ажралган ҳолда яшай олмайди, чунки у инсониятнинг бошқа вакиллари билан муносабатда бўлибгина, уларни кондириши мумкин”, деб хисоблади. У инсонларнинг жамиятда тутган ўрнига кўра З гурухга бўлади:

а) Давлат идораларда ҳизмат қилувчи ва жамиятни бошқариш иши билан туғулланувчилар. б) Хожат ва зарурӣ машғулотларни ишлаб чиқарувчилар. в) Давлатни кўриклиш, уни турли ташқи хужумлардан сақлашни таъминлайдиган харбийлар.

Ибн Сино жамиятнинг пайдо бўлиши кишиларнинг бирдамликка бўлган табиий эҳтиёжидан келиб чиққанлигини кўрсатган.

Абу Райхон Беруний биринчилардан бўлиб цивилизацияларнинг пайдо бўлишида табиий – географик мухитнинг тутган ўрнини асослашга уринган.

У жамиятни “идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти азият чекканларнинг хуқуқларини химоя қилиш, бирорларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдан иборат” деб билган. Алишер Навоий ўз асарларида “идеал жамият” қиёфасини чизган.

19 – асрнинг ўрталарига келиб жамият, унинг истиқболини ўрганиш хаётий заруриятга айланди. Фарбий Европанинг Т.Спенсер (1820-1907), Дюрхгейм (1858-1917) Гегель, М. Вебер, В. Парено сингари олимлари Маркс, Энгельс жамият тараққиёти табиий – тарихий жараён, муракқаб ижтимоий тизим сифатида тадқиқ этдилар.

Жамиятни фалсафий тахсил килиш ўзининг бир қатор тамойилларига кўра илмий тахлил килишдан фарқланади.

Фалсафа бошқа фанлардан фарқли равища жамият тахлилида қўйидаги тамойилларга асосланади:

1. Жамият бир бутун яхший оламнинг таркибий қисми, борлиқ, табиатнинг ўзига хос кўриниши, одамлар уюшмасининг маҳсус шакли.

2. Жамият бир бутунликни, яхлитликни ташкил этувчи ижтимоий тизимдир.

Фалсафа жамиятни ўрганганда уни яхлитлик сифатида олиб ўрганади ва унинг мавжудлиги, тараққиёт қонунларини очиб беради.

3. Фалсафа жамиятнинг барча тамонлари орасидаги алоқадорликлар ва тараққиётни тадқик этади.

4. Фалсафа жамият ҳам олам каби узлуксиз харакатда, ўзгаришда, тараққиётда деб билади. (Қараш схема 2)

Схема 2


Жамият инсонлар учрашувдан иборат бўлган бирлик. Жамият – мақсадлари, орзу-интилишлари, яшаш тарзлари муштарак бўлган одамлар

Жамиятни фалсафий тахлили

Кишилараро алоқа ва муносабатлар ижтимоий муносабатлар, деб юритилади.

Жамият яхлит тизим сифатида моддий ва маънавий омиллар бирлигига ташкил топган.

Схема 3.



Жамият ҳаёти мураккаб тузилишга эга жамият ҳаётининг асосий соҳалари деганда иқтисодий, ижтимоӣ, сиёсий, маънавий соҳалар назарда тутилади.

Схема 4




Иқтисодий ҳаёт соҳаси жамиятдаги мавжуд ишлаб чиқаришни назарда тутади.

Жамиятнинг иқтисодий ҳаёт соҳаси моддий неъматларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараёнларда ўз ифодасини топади. Ижтимоий – сиёсий ҳаёт соҳаси жамиятдаги турли бирликлар, ижтимоий гурухлар ва улар орасидаги ижтимоий муносабатларни, кишилар бирлигининг тарихий шаклларини ўз ичига қамраб олади. Жамиятнинг маънавий ҳаёт соҳаси унда мавжуд бўлган маънавий ишлаб чиқариш ва унинг натижалари (хилма-хил қарашлар, ғоялар, таълимотлар, сиёсат, ахлок, фан, дин, тил, адабиёт, санъат, таълим – тарбия соҳалари)ни қамраб олади.

Жамиятнинг ижтимоий – сиёсий ҳаёти унинг таркибий тузилишида ўз ифодасини топади.

Схема 5



Жамиятнинг шаклланиши ва тараққиёти табиий – тарихий жараёндир.


Жамият ўз – ўзидан шаклланган ва узлуксиз тараққий этиб борувчи ижтимоий организмдир. Жамиятнинг шаклланиши, ўзгариши тараққиёти табиат сингари қонуний жараён. жамият қонунлари табиат қонунларидан сифат жихатдан фарқланади, улар қуидагилар. Биринчидан, табиат қонунлари оламдаги предмет ва ҳодисалар, тибиий ҳодиса кучларнинг ўзаро таъсири шаклида намоён бўлса, ижтимоий тараққиёт қонунлари эса онгга эга бўлган кишиларнинг фаолияти орқали намоён бўлади.

Иккинчидан, узоқ амал қилувчи табиат қонунларидан фарқ қилувчи жамият қонунлари қисқароқ вақт ичida амал қилиш хусусиятига эга. Ижтимоий жараёнларнинг хусусиятларидан яна бири – уларнинг биологик қонуниятлар ва бошқа табиат ҳодисаларига қараганда юкори тезлиқда ривожланишидир. Табиатда шароитнинг ўзгариши билан янги қонунларнинг келиб чиқиши одатда узоқ воқтда, миллион ёки миллиард йилларда амалга ошади, Ижтимоий ҳаётда эса ахвол бошқача бўлиб, бу шароитлар нисбатан тез ўзгаради. Кишилик жамиятининг кўпгина қонунлари табиат қонунларидан фарқли ўлароқ, меълум тарихий даврдагина амал қиласди, кейин улар уз ўринларини бошқа янги қонунларга бўшатиб берадилар. Бу ҳол инсонлар уларни бекор қилганликлари учун эмас, балки бу қонунлар амал қилувчи шароитлар ўзгарганлиги натижасида юз беради.

Учинчидан, табатда янги қонуннинг қашф қилиниши ва қўлланиши анча текис амалга ошади ва бевосита ижтимоий ларзаларга олиб келмайди. Табиат қонунларини қашф қилиш ва фойдаланиш ишлаб чиқаришни ривожланиши ва техниканинг таомиллашиши эҳтиёжларидан келиб чиқади. Шунинг учун турли эътиқодли кишилар табиат қонунларини очишлари ва ўз фойдалари учун ишлатишлари мумкин. Ижтимоий тараққиёт қонунлари эса, аксинча, кишиларнинг, жамиятдаги синflарнинг, турли гурух ва табакаларнинг муносабатларини қамраб олиб тўридан – тўғри, уларнинг манфаатларига таъсир қилмасдан қола олмади. Кишилар буни англаши ёки англамаслигидан қатъи

назар, улар иқтисодий тараққиёт қонунларининг талабини бажарадилар, бунда уларнинг фаолияти тарихий қонуниятга мос келади ва улар ўз мақсадларига эриша оладилар ёки бу талабларни бажармайдилар, бунда жамият тараққиётида ихтилофлар ва ижтимоий лорзалар юз беради. Табиат ва жамият қонунлари ўртасида фарклар билан бирга яна бир муштараклик шуни, биосферанинг ноосфера босқичига ўтиши қонуний жараён бўлиб, буни англаб фаолият йўналиш белгилаш табиат (ер)ни ҳам жамиятни ҳам муқарар ҳалокатдан сақлаб қолади. Хазирги вақтда жамият тараққиёти тўғрисида турли назариялар мавжуд. Булар қўйидагилар:

Жамият тараққиёти тўғрисидаги назариллар



Цивилизацион ёндашув – жамият маданий – тарихий ўзига хослигини ва қатор босқичларга бўлинишини таъкидлайди.

Инглиз файласуфа А. Тойнби (1889-1975) тарихий билишда 13 цивилизацияни фарқлайди. Цивилизация пайдо бўлиши ва таназули турли минтақаларда, турли халқларда турлича кечади. Тарих ўзига хос хусусиятларга эга бўлган алоҳида цивилизациялар тарихидан иборат у Ўрта Осиё цивилизациясига алоҳида ўрин берган ҳар бир цивилизация ўз тараққиётида бир неча босқичдан ўтади:

- пайдо бўлиш
- усиш
- таназзул
- барҳам топиш.

4 – масала. Давлат – жамиятни бошқариш тартибга солиш ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган алоҳида бир муассасадир. Давлат умуминсоний қадрият, инсоният маънавий тараққиётининг мухим ютуғидир.

Жамият маънавий салоҳиётининг юксалиб бориши билан сиёсий бошқариш шакллари ва усуллари ҳам токомиллашиб боради. Ўзгарган тарихий шароитда давлатнинг мохияти, мазмuni ва вазифаларига янгича ёндашиш зарурати вужудга келади. Мустакиллик йилларида миллий давлатчилик анъаналарининг тикланиши билан давлатнинг ташкилотчилик, бош ислоҳотчилик фаолияти янгича мазмун ва аҳамият касб этади.

Президент И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг ўзбек модели концепциясининг амалга оширилишида давлат ҳал қилувчи ўрин тутади. Мамлакатимизнинг сиёсий, хуқуқий ҳаётида амалга оширилаётган туб ислоҳатлар сиёсий бошқарувни янада топомиллаштиришга, юртимизда хуқуқий демократк жамият барпо этишга, кучл давлотдан кучли жамиятга ўтишга қаратилгандир.

Жамият ҳаётида турли жамоалар, ташкилот ва уюшмалар ҳам фаолият кўрсатади. Уларни шартли равишда давлат ва нодавлат ташкилотларига ажратиш мумкин. Уларга сиёсий партиялар, сиёсий харакатлар, касоба уюшмалари, ёшлар уюшмалари, турли жамғармалар, хотин-кизлар ташкилотлари, фахрийлар уюшмаси, махалла қўмиталари ва бошқалар қиради. мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳатлар инсон салоҳиятини янада юксалтиришга, юртимизда фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилгандир.

Демократик жамиятни барпо этиш – Ўзбекистон тараққиётининг бош мақсади. Демократик жамият иқтисодий бозор мунособатлари орқали бошқарилади. Ижтимоий рақобат, манфаатдорлик иқтисодий ривожланиш қонунияти. Демократик жамият демократик маърифатли хуқуқий давлатсиз шаклланаолмайди.

“Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устивор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топширишига монелик қилмайди, аксинча ёрдам беради. Шахс манфаатларига, унинг хуқуқ ва эркинликларининг тўла даражада рўёбга чиқишига қўмаклашади”. (Ислом Каримов)

Фуқаролик жамияти мамлакатнинг ҳар бир фуқаросига иқтисодий ва сиёсий турмушини ўз ихтиёри асосида қуришга тўла эркинликни таъминловчи жамият.

Фуқаролик жамиятини хусусиятлари:

1. Фуқаролик жамияти мураккаб таркибий элементлардан ташкил топган.
2. Бу жамиятда давлат фаолияти юзасидан фуқарларнинг тўла назорати ўрнатилади.
3. Давлатнинг кўпгина вазифалари махаллий жойларда фуқароларнинг ўз – ўзини бошқариш органлари, жамоат бирлашмаларига, нодавлат ташкилотларига ўтказилади.

Бундай жамият асосларини барпо этиш кишиларнинг юксак сийсий ва хуқуқий маданияти, ижтимоий – сиёсий фаолиятига таянади. Мамлакатимизда маҳалла ҳокимият органларининг ташкил этилиши, улар вақолатининг купайтирилиши халқимизнинг ўз-ўзини бошқариш, идора этиш маданиятини шакллантиришда мухим аҳамият касб этади. Махалла кишиларда яхши инсоний фазилатларни камол топтириш, ўз-ўзини бошқариш, демократик қадрияятларни рўёбга чиқариш мактабидир.

Юртимизда бундай жамиятни барпо этиш баркамол инсон шахсини шакллантиришни талаб этади. Ўз навбатида, маънавий етук авлод жамият тараққиётига салмоқли хисса қўшади.

Фалсафий тафаккур тарихида жамиятнинг моҳияти ва ривожланишига оид турли назариялар мавжуд. Хусусан, немис файласуфи Ҳегел жамиятнинг шаклланиши ва ривожланиш сабабларини мутлақ руҳнинг ривожланиши билан, Л. Фейербах дин билан боғлаган, ижтимоий тараққиёт сабабларини диний онг тараққиётидан излаган. Француз мутафаккири О. Конт жамиятнинг ривожланиш сабабларини инсоният маънавий тараққиётининг уч босқичи (теологик, метафизик, позитив босқичлар) билан изоҳлаган. К. Маркс жамиятнинг ривожланиш сабабларини синфий кураш ва инқилобий ўзгаришлар билан боғлаган, барча ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни синфий нуқтаи назардан тушунтирган. Ижтимоий зиддиятларни сунъий равишида мутлақлаштирган ва зиддиятларни ҳал этишнинг асосий усули сифатида ижтимоий инқилобни амалга оширишни, мулкдорлар синфини тугатишни таклиф этган. Ижтимоий амалиёт бундай назариянинг бир ёқлама ва хато эканини кўрсатди.

Жамият тараққиёти кўп босқичли жараён экани тўғрисидаги қарашлар АҚШ файласуфи О. Тоффлер томонидан илгари сурилган. Бундай қарашга кўра жамиятлар тараққиётига биноан, агарар жамият, индустрисал жамият, постиндустриал жамиятга ажратилган. Адабиётларда жамият тараққиёти

борасида цивилизацияли ёндашув ғояси илгари суримоқда. Бундай ёндашувга кўра ҳар бир халқ ўзининг бетакрор, ноёб, ўзига хос ва ўзига мос турмуш тарзини сақлаб қолган ҳолда, бошқа халқлар тажрибаларидан ижодий фойдаланиш орқали ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос моделини яратади.

3. Инсон - фалсафанинг бош мавзуси. Инсоннинг яралиши, моҳияти ва жамиятда тутган ўрни фалсафий муаммолар тизимида мухим ўрин тутади. Турли фалсафий таълимотларда бу масалалар турлича талқин этиб келинган. Шундай бўлиши табиий ҳам эди, чунки инсон моҳияттан ижтимоий-тарихий ва маданий мавжудот сифатида ҳар бир янги тарихий шароитда ўзлигини чукурроқ англашга, инсоний моҳиятини рўёбга чиқаришга интилаверади.

Сукротнинг «Ўзлигингни бил» деган ҳикматли сўзи ҳар бир тарихий даврда янгича аҳамият касб этади. Инсонда бутун олам ва жамиятнинг моҳияти мужассамлашгандир. Улуғ мутасаввуб Абдулхолик Фиждувоний инсонни «кичик олам» деб ҳисоблаган.

Инсон-ўзида биологик, ижтимоий ва психик хусусиятларни мужассамлаштирган онгли мавжудот. Инсоннинг биологик хусусиятларига овқатланиш, ҳимояланиш, зурриёт қолдириш, шароитга мослашиш кабилар хос.

Инсон бошқа мавжудотлардан социал хусусиятлари билан ажralиб туради. Чунончи, тил, муомала, рамзий белгилар, билим, онг, маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимлаш, истеъмол қилиш, бошқариш, ўз-ўзини идора этиш, бадиий ижод, ахлок, нутқ, тафаккур, қадриятлар, табу (рухсат ва таъкиқлаш) шулар жумласидандир.

Инсоннинг психик хусусиятларига руҳий кечинмалар, ҳайратланиш, ғам-ташвиш, қайғу, изтироб чекиш, завқланиш, кайфият кабилар киради.

Инсон шу хусусиятлари орқали яхлит бир тизимни ташкил этади. У яхлит мавжудот сифатида ўз эҳтиёжларини қондиради ва инсоният давомийлигини таъминлайди. Инсонга хос бўлган биологик хусусиятларни ижтимоий хусусиятлардан устун қўйиш ёки психологик хусусиятларни бўрттириш унинг моҳиятини бузуб талқин этишга, бир ёқламаликка олиб келади.

Инсон моҳиятини фалсафий жиҳатдан чукурроқ таҳлил қилишда шахс, индивид, индивидуаллик тушунчаларининг моҳиятини билиш ва уларни бир — биридан фарқлаш мухимdir. **Шахс** ўзида социал сифатларни мужассамлаштирган инсонни ифода этади.

4. Инсон тарихнинг яратувчиси сифатида табиат тараққиётидаги узлуксизликни таъминлайди. У ўз билими, тажрибаси ва ютуқларини келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиради; табиат ва жамиятни қайта қуради ва такомиллаштиради. Инсон ўз ақли туфайли бутун коинот, табиат тараққиётида буюк яратувчи куч сифатида намоён бўлади, ўз тарихини яратади, уни авайлаб-асрайди. Инсон фаолияти ва тажрибалари жамиятнинг такомиллашуви ва кишиларнинг ҳар томонлама камол топиши учун манба бўлиб хизмат қиласиди.

Табиат ва жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, яратувчилик моҳияти, олий мавжудот экани, ворисликнинг давомийлигини таъминлаши барча ижобий ва фойдали ютуқларни сақлаши ва тарғиб этиши каби хусусияти ва қобилияти туфайли инсон муқаддас ва табаррук қадрият ҳисобланади.

Инсонни ўрганадиган фан — антропология деб юритилади.

Антропология инсон моҳиятини, унинг табиат ва жамиятдаги ўрнини, ўзига хос хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланади. Антропологияда инсон моҳиятини тўлароқ очиш учун «мен», «онг», «шахс», «руҳ» тушунчалари кўлланади. «Мен» — инсоннинг ўзлигини ташки оламдан, реал борлиқдан фарқлашидир. «Мен» онг туфайлигина ўзини бошқа борлиқдан фарқлайди. Бошқа нарсалар инсонга бегона воқелик бўлиб туюлади. Шахс инсоннинг мустақиллигини ифода этади.

Инсоннинг жамиятидаги ўрни, қадр-қиммати борасида миллий истиқлол ўз олдига қўйдагиларни мақсад ва вазифа қилиб қўяди:

- инсоннинг қадр-қимматини жойига қўйиш;
- инсон учун баҳтли ҳаёт шароитларини яратиш;

- инсоннинг ўзлигини англаши, ижтимоий бурч ва вазифаларини адо этиши, соғлом авлодлар узлуксизлигини таъминлаши, келгуси авлодларга яхши хотиралар қолдириши ва иймон-эътиқоди бутун бўлиши учун қулай шароитлар яратиш.

Инсон моҳиятини фалсафий билиш улкан тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Инсон фалсафаси ҳар бир янги тарихий даврда инсон моҳияти, унинг жамиятда тутган ўрни ва аҳамиятини чуқурроқ англашга ёрдам беради. Инсонга хос хусусият ва фазилатларни билиш орқали талаба ўзида шундай сифатларни шакллантиришга интилади.

3-савол. Қадриятлар – жамият тараққиёти асосий омилларидан ҳисобланади.

Қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат, элат ва ижтимоий гурӯхларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиласидиган ва шу туфайли улар тамонидан баҳоланиб қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари, ҳодисалари мажмуини тушунмоғимиз лозим.

Мазкур таърифдан кўриниб турганидек, қадриятлар, биринчидан мавжуд бўлган табиат ва жамият неъматлари, ҳодисаларини ифодалайди: иккинчидан, уларни қадрият туркумiga киритиш ва киритмаслик кишиларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари, орзу-умидлари билан белгиланади; учинчидан, табиат ва жамият неъматлари, ҳодисаларнинг қадрият туркумiga киритилишининг асосий сабаби – кишилар уларни қадрлайдилар, авайлаб – асрайдилар, чунки бу қадриятлар уларнинг шахсий ва ижтимоий турмушларини бойитади.

Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади. Қадриятлар кишиларнинг турли соҳадаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолият учун фойда келтирадиган нарса ва ҳодисалар мажмуи билан боғлик равища юзага келади. Сўнгра аста-секин субъект фаолиятининг орта бериши оқибатида нисбий мустақил соҳа тарзида амал қила бошлайди. Табиат ва жамият ҳодисалари инсон фаолияти натижасида, унинг эҳтиёжларини қондирганлиги туфайли қадрият сирасига киритилади.

Қадриятлар ўз моҳиятига кўра бир неча турга бўлинади. Инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади. Инсон йўқ жойда бирор нарсанинг қадр-қиммати туғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам инсон қадр – қимматини эъзозлаш, унинг турмушини яхшилаш, билими ва моддий савиясини ривожлантириш, соғлигини сақлаш, ҳаётини химоя қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишини ташкил этади.

Қадриятларнинг турларидан яна бири табиий қадриятлар ҳисобланади. Инсон эҳтиёжларини қондирниша табиий қадриятларнинг аҳамияти каттадир. Табиий қадриятларга ер усти ва ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўрмонлар, ўсимликлар ва ҳайвонот олами киради.

Моддий қадриятларга инсон меҳнати, хатти-харакати, ақл заковати билан яратилган турли-туман моддий бойликлар, завод ва фабрикалар, ишлаб чиқариш кучлари, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар, турар-жой, мол-мулк ва шу кабилар моддий қадриятларга киради. Моддий қадриятларнинг негизини асосан мулк ташкил этади.

Маданий-маърифий қадриятлар ҳам инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эгадир. Маданий-маърифий қадриятларга илмий-техникавий ва интелектуал имкониятлар, маориф, таълим-тарбия, тиббий хизмат, миллий мерос, диний қадриятлар, маданият дурдоналари, тил, адабиёт, санъат, тарихий-маданий ёдгорликлар ва бошқалар киради.

Қадриятларнинг турларидан яна бири аҳлоқий қадриятлардир. Аҳлоқий қадриятлар кишиларнинг бир-бирларига, ўзлари мансуб жамоага, Ватанга нисбатан бўлган муносабатларда намоён бўлади. Жамият тараққиёти, инсон ҳаётида ижтимоий-сиёсий қадриятлар алоҳида ўрин тутади. Эркинлик, тинчлик, биродарлик инсоният томонидан ҳамиша эъзозланиб, қадрланиб келган.

Инсоннинг эркинлиги, унинг шон-шуҳрати ва қадр-қиммати жамиятимизнинг олий қадриятидир. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бу тўғрисида шундай сўзлар ёзилган: “Ўзбекистон Республикаси демократия, умуминсоний принципларига асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз хукуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик хукуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”³.

Жаҳон халқлари томонидан эътироф этилган “Инсон хукуқлари ва эркинликлари деклорация”сига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳар бир инсоннинг фуқаролик, шахсий хукуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий хукуқлари кафолатланган, фуқороларнинг бурчлари белгилаб қўйилган.

Ижтимоий-сиёсий қадрияtlар ичида истиқлол туфайли қўлга киритилган барқарорлик, тинчлик, тотувлик аҳамият касб этади.

Қадрияtlар амал қилиш доирасига кўра миллий, мінтақавий ва умуминсоний турларга бўлинади.

Миллий қадрияtlар мураккаб ижтимоий-руҳий ҳодиса бўлиб, у миллатнинг тили, маданияти, тарихи, урф-одатлари, анъаналарини, жамики моддий ва маънавий бойликларини, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча томонларини қамраб олади.

Инсоннинг қайси миллатга мансуб эканлиги хақидаги тасаввур фақат ғоягина эмас, балки туйғу ҳамdir. Бу туйғу кишида миллатнинг тарихи, руҳияти, хозирги холати ва хусусиятини тушуниш, ҳис қилиш шаклида мужассамлашган бўлади. Инсонда миллий онг ва ғурур бўлмаса, у ўзининг қайси миллатга мансублигини ҳис этмаса, унинг миллий қадрияtlарини англашини тассавур қилиш қийин. Токи миллатлар, миллий мағкуралар мавжуд экан, миллий муносабатлар ҳам, миллий хис-туйғулар ҳам, миллий қадрияtlар ҳам сақланиб қолаверади.

Ҳар бир руҳан соғлом кишида ўз қадр-қимматини сақлаш, ўзини хурмат қилиш туйғуси мавжуд. Ҳар бир миллатда ҳам худди шу ҳолатни кузатиш мумкин. Миллатларнинг ўзлигини англаш жараёни такомиллашган сари миллий манфаатлар ҳам, миллий қадрияtlар ҳам кучайиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Мінтақавий қадрияtlар – иқтисодиёти, маданияти, тарихи, тили, урф-одат ва анъаналари муштарак бўлган халқлар манфаатларига хизмат қиласиган табиий ва ижтимоий ҳодисалар мажмуини ташкил этади.

Мінтақавий қадрияtlарга мисол сифатида Ўрта Осиё худудида истиқомат қилувчи ўзбек, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман халқларига хос бўлган қадрияtlарни эслатиб ўтишимиз мумкин. Буюк Турон диёрида униб-ўсган мазкур халқларнинг тарихи, тили, маданияти, дини, урф-одати ва анъаналарида жуда кўп умумийлик мавжуд.

Умуминсоний қадрияtlар миллий ва мінтақавий қадрияtlардан мазмуни жиҳатидан чуқур ва кенг бўлиб, умумбашарий аҳамият касб этади. Умуминсоний қадрияtlар жаҳондаги барча миллатлар, элатлар ва халқларнинг мақсад ва инитилишларига мувофиқ келади.

Умуминсоний қадрияtlар туркумiga инсоният цивилизациясининг тараққиёт билан боғлик бўлган умумбашарий муаммолари киради. Улардан энг асосийлари Ер юзида илм-фанни тараққий эттитириш, тинчликни сақлаш, ядрорий қуролланиш пойгасини тўхтатиш, халқaro хавфсизликни таъминлаш, турли касалликларнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, қашшоқлик ва соводсизликка барҳам бериш, саноат хом ашёси, энергия манбалари ва бошқалар билан таъминлаш.

³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 11-бет

Қадриятларнинг барча турлари инсоннинг фаровон ҳаёт кечириши, эркин яшashi, маънавий – ахлоқий камол топиши учун хизмат қиладиган воситалар бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қадриятларни авайлаб асраш, уларни қўриқлаш, юксалтириш ҳар бир шахс ҳаётида ҳам жамият тараққиётида ҳам албатта катта аҳамият касб этади.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда қадриятларга умуминсоний тамойиллар асосида ёндошиш шаклланди. Бундай қарашнинг вужудга келиши, қадриятларнинг ижтимоий ва маънавий янгиланиши, жамият аъзоларининг камолоти ҳамда ёшлар тарбиясидаги аҳамияти масалаларига давлат миқёсида юксак эътибор кўрсатилаётганлиги мазкур соҳа ривожининг бош йўналишидир. Қадриятлар мустақилликни мустаҳкамлаш борасидаги ижобий жараёнлар, уларга нисбатан масъулиятни янада оширишни тақазо қилмоқда.

Мустақиллик туфайлигина мамлакатнинг қадриятлар мажмуасини жаҳон тизимининг teng хуқуқли ва ҳақиқий қисмига айлантиради. Шу сабабдан ҳам истиқлол янги қадриятлар тизимини шакллантиришни тақазо қилди. Бу зарурият эса қадриятларни қайта баҳолаш, юртимизда шарқона, азалий ва умуминсоний кадрлаш мезонлари устивор бўлган ҳаёт тарзини шакллантириш жараёни билан уйғунлашиб кетди. Қадриятлар соҳасидаги ўзгаришларга эътибор ва бу борадаги янги тамойиллардаги таълим-тарбияда фойдаланиш эҳтиёжи ошаётганлигининг сабаби ҳам ана шунда.

Такрорлаш учун саволлар

1. Жамият деганда нимани тушунасиз?
2. Жамиятга хос белгиларни сананг.
3. Жамиятнинг келиб чиқиши тўғрисидаги қандай назарияларни биласиз?
4. Фуқаролик жамияти нима?
5. Жамиятнинг ривожланишида маънавият қандай ўрин тутади?
6. Жамиятнинг тадрижий ривожланиши деганда нимани тушунасиз?
7. Инсон нима учун фалсафанинг бош мавзуси деб каралади?
8. Шахс деганда нимани тушунасиз?
9. Антропология фанининг маъноси ва вазифалари нималардан иборат?
10. Инсон танаси ва руҳининг ўзаро боғлиқлиги ва улар ўртасидаги фарқлар нималарда намоён бўлади?
11. Истиқлоннинг инсонпарварлик моҳияти нималарда кўринади?

Адабиётлар:

56. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.:Ўзбекистон, 2010.
57. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
58. Фалсафа асослари. Назаров Қ таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2005. 300-308 бетлар, 318-328 бетлар.
59. Falsafa. Mamashokirov S. Tahriri ostida. -T.: Sharq, 2005.
60. Falsafa. Ахмедова М. таҳрири остида.-Т.: УФМЖ, 2006.
61. Нурматова М. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. - Т.: Университет, 2009.
62. Хусанов Б., Ғуламов В. Муомала маданияти. Дарслик. -Т.: Иктисад- молия, 2009.

11-Мавзу: Глобаллашувнинг фалсафавий муаммолари

Режа:

- 1.Глобаллашув ходисаси. Глобалистика
- 2.Глобал муаммолар, уларнинг асосий йўналишлари ва намоён бўлиш хусусияти
- 3.Глобал муаммоларнинг Ўзбекистон ижтимоий ҳаётига таъсири
- 4.Глобал муаммоларни ҳал қилишда хусусий ва умумий манфаатлар

Таянч тушунчалар:

Башорат, эксперт баҳолаш, экстрополяция, тарихий аналогия, интеграция, Хамкорлик, умумбашарий муаммолар.

1. Ҳозирги пайтда инсониятга хафв солиб турган умумбашарий муаммолар деганда бутун дунё, барча давлатлар ва халқларнинг иштирокисиз ечиш мумкин бўлмаган муаммоларга айтилади.

Бундай муаммолар қуидагилардир:

- термоядро уруши хавфининг олдини олиш ва куролланишни бартарф этиш;
- жаҳон иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётнинг ўсиши учун қулай шарт-шароит яратиш;
- иқтисодий қолоқликни тугатиш; ер юзида қашшоқлик ва очликка барҳам бериш;
- табиий бойликлардан оқилона ва комплекс ёндашган ҳолда фойдаланиш;
- инсониятнинг баҳт-саодати йўлида фан-техника ютуқларидан фойдаланиш учун халқаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш; (энг хавфли касалликларга қарши кураш, космосни ўзлаштириш;
- дунё океан бойликлари ва имкониятларидан унумлироқ фойдаланиш; озон қатламиининг йўқолиш хавфининг олдини олиш ва ҳ.к.);
- инсоният ва унинг келажаги тўғрисидаги ўзаро ҳамкорлиқда жиддий тадқиқотлар олиб бориш; киши организмининг тобора тез суръатлари билан ўзгараётган сунъий ва табиий мұхитга мослашиш жараёнини илмий таҳлил қилиш.

Инсоният олдида ана шу хилдаги муаммоларнинг кўндаланг туриб қолишининг ўзиёқ кишилик цивилизацияси ўта мураккаб, ўта қалтис бир жараённи бошидан кечираётганлигидан дарак беради. Умумбашарий муаммоларнинг баъзи бир гуруҳлари мавжудки, уларни ҳал қилишнинг ўзидаёқ бутун планетамиздаги ижтимоий ҳаётнинг кейинги минг йилликдаги аниқ манзарасини чизиб бериш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиши мумкин. Бундай муаммолар шартли равишда уч гуруҳга ажратилади:

Биринчидан, ҳозирги пайтдаги мавжуд ижтимоий кучлар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар (ижтимоий-иқтисодий системалар ўртасидаги, минтақавий зиддиятлар, давлатлар, миллий ва диний низолар ва ҳ.к.) бўлиб, булар шартли равишда «интерсоциал» муаммолар деб ҳисобланади. Улар уруш ва тинчлик, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва шу кабиларни ҳам қамраб олади.

Иккинчидан, «Инсон ва жамият» ўртасидаги муносабат билан боғлиқ муаммолар бўлиб, буларга илмий-техника тараққиёти (ИТТ); маориф ва маданият; аҳоли кўпайишининг тез суръатлар билан илдам кетиши («Демографик портлаш», кишилар саломатлигини сақлаш, киши организмининг ниҳоятда тез ўзгариб бораётган ижтимоий мұхитга мослашиши) шунингдек, инсониятнинг келажаги каби масалаларни киритиш мумкин.

Учинчидан, «инсон — табиат» муносабатларига эса хом-ашё ресурсларини тежаш, аҳолини озиқ — овқат ва ичимлик суви билан таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш каби муаммолар киради. Бу гуруҳ муаммолар ижтимоий омиллар тасирида вужудга келади, уларни ҳал қилишда эса ижтимоий

омилларнинг ўрнини ва аҳамиятини тўғри англаган ҳолдагина масаланинг туб моҳиятини тушуниш мумкин.

Инсониятнинг келажаги тўғрисида тарихда турли-туман башоратлар мавжуд, улар бир неча хилларга бўлинади. Масалан, ҳалқимизнинг ilk тарихий қадриятларидан бўлган муқаддас «Авесто» ёзма ёдгорлиги ҳам умумий бир тарзда инсониятнинг келгуси истиқболини башорат қилиб, кишиларни муштарак мақсадлар томон йўналтиришга ҳаракат қилган. Бундай башоратлар диний мазмунга асосланган бўлиб, ўз даври учун катта аҳамият касб этган эди. «Авесто»да Зардўшт ўлимидан сўнг 3000 йил ўтгандан кейин, эркин фаровонлик замони келади, Ахура Мазда кудрати Ахриман ёвузлиги устидан тўла ғалаб қозонади, дея ишонч билдирилган эди.

Иккинчи хил башоратлар ўрта асрларда кенг тарқалган, ҳозирда ҳам Фарб мамлакатларида кенг шуҳрат қозонаётган бир қатор Фарб футурологияси мазмунига эга. Фарб футурологиясининг машҳур намояндадаридан фон Карман, Е. Шервин, Г. Кан ва бошқалар инсониятнинг келгуси истиқболини, асосан, ядро ҳалокати ёки бошқа бир умумбашарий глобал муаммолар билан боғлаб пессимитик манзараларни чизиб кўрсатишга уринадилар.

Кишилик жамиятининг келгуси истиқболи тўғрисида жиддий илмий башоратлар орасида 1968 йилда А. Печчеи томонидан асос солинган «Рим клуби» аъзолари бўлган Ж. Форрестер, Д. Медоуз, Я. Тинберган, А. Кинг ва бошқалар томонидан тайёрланган ҳисботларнинг илмий аҳамияти ниҳоятда катта. Уларда инсониятнинг келгуси истиқболини шубҳа остида қолдираётган умубашарий муаммолар кўламининг кенгайиб бориши, кишилар томонидан табиатга қилинаётган зуғумнинг мудҳиш оқибатлари қандай бўлиши тўғрисида жиддий мулоҳазалар юритилади. «Рим клуби» аъзолари томонидан қилинган башоратлар илмий-фалсафий мазмунга эга бўлиб, унда асосан тажриба синовидан ўтган билимлар ва мантиқ қонунлари ва категорияларига суянган ҳолда инсониятнинг келажаги тўғрисида муҳим илмий хуросалар баён қилинган.

2. Ўзбекистон ва глобал муаммолар. Мамлакатимизнинг келажаги тўғрисидаги илмий-фалсафий башорат Президентимиз И. Каримов томонидан «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» ва бошқа бир қатор асарларида асосли равищда баён қилиб берилган. Бу асарларда Ўзбекистоннинг минтақамиздаги ўзига хос ўрни, улкан табиий ресурслари, демографик омил ва инсон салоҳиятини инобатга олиб, бой маънавий меросимиз, тарихий тажриба, миллий қадриятларимизга асосланиб, яқин келажакда мамлакатимиз, шубҳасиз ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўринга эга бўлиши кераклиги башорат қилинган. Ислом Каримов тўғри таъкидлагани каби: «Жаҳон цивилизацияси хазинасига улкан ҳисса қўшган бой тарихимиз, буюк маданиятмиз, кўп авлодлар ҳаёти давомида вужудга келган беқиёс табиий ва ақлий имкониятларимиз, ҳалқимизнинг юксак маданияти ва ахлоқий қадриятларимиз, заминимизда яшаётган одамларнинг меҳнатсеварлиги, саховатлилиги, бағрикенлиги ва жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллашга бўлган истаги бунинг гаровидир».

Албатта, мамлакатимизда собиқ Иттифоқдан мерос қолган энг глобал муаммо — Орол фожиаси эканлигини биламиз. Бу борада республикамиз минтақадаги давлатлар орасида кўпдан-кўп ташаббусларни ўртага ташлаб келмоқда. Шу билан бирга мамлакатимиз аҳолиси ҳам муттасил ўсиб бормоқда.

Ўзбекистон ўз аҳолиси ўсиш билан боғлиқ масалаларни, айтиш мумкинки, муваффақиятли ҳал қилишга киришди. Президентимизнинг бозор муносабатларига ўтишда аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш сиёсати, республикамизда бўлиши мумкин бўлган ижтимоий тенгизликтин олдини олишга хизмат қилди.

Кейинги пайтларда республика ҳукумати оналарнинг соғлигини муҳофаза қилиш, туғилган хар бир чақалоқ олдида ота ва онанинг, қолаверса, жамиятнинг жавобгарлик ҳиссини ошириш борасида, шунингдек фарзанднинг ота-она ва Ватан ҳамда ҳалқи олдидаги бурчларини чуқур англашлари учун жуда катта маънавий рағбатлантирувчи тадбирлар ишлаб чиққанлиги ўта муҳим аҳамият касб этди. Шу

мақсадда «Соғлом авлод» жамғармасининг тузилиши, «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис этилиши фикримизнинг далили бўлади.

3. Бугунги кунда ўзбек халқининг қадриятлари асосида ёш авлод дунёкараши шакллантирилганда, шубҳасиз аждодларимизнинг ўз Ватани, табиий мұхитга бўлган меҳр-муҳаббатли бўлиш каби муққадас туйғусининг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтаётганлигини ва бу мерос олдида чуқур масъулият ҳисси бўлиши зарур эканлигини ҳисобга олиш лозим.

Такрорлаш учун саволлар

1. Умумбашарий муаммоларнинг вужудга келиш сабаблари нимада?
2. Илмий-техника тараққиёти ва унинг социал оқибатлари нималарда намоён бўлмоқда?
3. Умумбашарий муаммоларда демографик омилнинг ўрни қандай?
4. «Демографик портлаш» тушунчаси ҳақида нима дёя оласиз?

Адабиётлар:

63. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.:Ўзбекистон, 2010.
64. Каримов.И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфизликка таҲид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» Т. 1997 йил. 3-134 бетлар.
65. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
66. Фалсафа асослари. Назаров К таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2005. 337-348 бетлар.
67. Falsafa. Mamashokirov S. Tahriri ostida. -T.: Sharq, 2005.
68. Falsafa. Ахмедова М. таҳрири остида.-Т.: ЎФМЖ, 2006.
69. Юсупов.У. «Қўшнинг тинч-сен тинч». «Меҳнат», «Ўзбекистон». 2000 й.3-21 бетлар.

12-Мавзу: “Этика” фанининг предмети, моҳияти, унинг асосий белгилари ва тузилмаси.

Режа:

1. Ахлоқшуносликнинг фан сифатида тажрибавий-баёний, фалсафий-назарий, мезоний-меъёрий ҳусусиятлари.
- 2.Ахлоқшуносликнинг замонавий фанлар билан алоқаси: ахлоқшунослик ва фалсафа ва бош.
- 3.Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида ахлоқшуносликнинг жамият ижтимоий-маънавий хаётидаги ўрни.
- 4.XXI асрда умумжаҳон миқёсида этосферани (ахлоқий мухитни) яратишга хизмат қилиш ахлоқшунослик фанининг энг долзарб вазифаларидан экани.

Таянч тушунчалар

Эзгулик, Ёвузлик, Фазилат, Иллат, Рум, Ихтиёр эркинлиги, Изтироб, Адолат, Донишмандлик, Дўстлик.

1. Этиканинг (этика) қадим замонларда пайдо бўлиб, шаклланиб ва ривожланиб, бизнинг давримизгача ўз аҳамиятини сақлаб келаётган энг қизиқарли ва энг мухим инсоншунослик фанларидан биридир. Этика фанининг номи ахлоқ сўзидан келиб чиқкан бўлиб, бу тушунча тўғрисида адабиётлардан ҳозирча ягона қарашлар йўқ. Айрим адабиётларда Этика кишиларнинг ҳар бир жамиятга хос хулқ нормалари мажмуи дейилса, бошқаларда эса Этика ижтимоий онг шаклларидан бири социал тартиб-қоида бўлиб, бу тартиб-қоида истисносиз ҳамма соҳаларда кишиларнинг ҳатти-ҳаракатини тартибга солиш вазифасини бажаради дейилади. Бунинг боиси энг аввало Этика сўзининг кўп маъноли

ва кўп қиррали эканлиги билан изоҳланади. Этика арабча хулқ сўзининг кўплигидан ва лотинча «mores» сўзидан олиниб, одоб, автор, феъл деган маъноларни англатади. Худи шунингдек рус тилида ишлатиладиган «морель» сўзи «мочея» сўзидан олинган бўлиб, уҳам ахлоқ маъносини билдиради, «мораль» сўзи рус тилида ишлатиладиган «нравственность» деган сўзининг синонимии деган фикрлар ҳам мавжуд. Этика кишиларнинг, ҳар бир кишининг оилада, жамоада, жамоатчилик жойларида, умуман жамиятда юриш-туриши, яшаш қоидалари, феъл-автори, ҳатти-ҳаракатларининг жамини ифодалайди. Этика юончча «ethos» сўзидан олинган бўлиб, одат, одоб, расм-руsum, феъл (характер) маъноларини билдиради. Ушбу тушунча биринчи марта машхур Юон файласуфи ва мутафаккири Арасту (Аристотель, э.о.384-322 йй) томонидан Этиканинг синонимии сифатида ишлатилаги.

Бу терминни кейинчалик қатъий маъноли тушунча сифатида эрамиздан олдинги IV асрда пайдо бўлган ва асосчиси Китионлик Зенон (э.о.336-264 йй) стоиклар (грекча stois-tўпланадиган жой, портик) илми муомалага киритганлар. Этика тушунчаси ҳозирги адабиётларда кишилар муомаласида асосан қўйидаги уч маънода қўлланилади:

Биринчидан, кундалик ҳаёт муомаласида этика оддий тилда Этика, одоб, хулқ-автор маъноларини англатади;

Иккинчидан, маълум бир ижтимоий гурухлар, касб-хунар ёки ихтисосликлар, чунончи дворянлар этикаси, савдогарлар этикаси, тадбиркорлар этикаси, ўқитувчилар этикаси, шифокорлар этикаси, раҳбарлар этикаси ваш у кабиларни билдиради.

Учинчидан, асосан ва кўпчилик ҳолда кишиларнинг Этика-одобини, хулқини, феъл-авторини ўрганувчи фанни этика, яъни Этика деб юритилади.

Худди шунингдек кундалик ҳаётда ва адабиётларда Этика ва этика тушунчалар билан бир қаторда одоб тушунчаси ҳам ишлатилади.

«Одоб» (арбча «адаб» сўзининг кўплиги) хулқ-автори, юриш-туриш маданиятнинг ташқи ва ички жиҳатларни ифодалайдиган тушунча. У кишиларнинг ҳатти-ҳаракатида, ўзаро муносабатида (оила. меҳнат жамоаси ва турли маросимларда) намоён бўлади.

Одоб кишининг жамоат орасида ўзини қандай тутиши, одамлар билан қай йўсинда муомала қилиши, ўз турмуши ва бўш вақтини қандай ташкил қилиши, инсон ташқиёфаси қандай бўлиши лозимлигига оид қоидалар (масалан, шарму-ҳаё, камтарлик, хушмуомалалик, озодалик сингарилар)ни ўз ичига олади. Одоб таълим-тарбия, амалий тажриба жараёнида шаклланади. Шарқнинг улкан одоб-ахлоқ назариётчиларидан бўлган Хусайн воиз Кошифий «Ахлоқий Муҳсиний» асарида одобни қўйидагича таърифлаган эди:

«Одоб - бу қалбни ёмон сўзлардан ва ножӯя хулқдан сақлай олиш, ўзини ва ўзгаларни ҳам хурмат қила билиш, шу билан бирга ўзини ва ўзгаларнинг обрўсини туширмасликдир». Воиз Кошифий одоб тушунчасини кенг маънода тушунади, ёмон сўзларни айтмаслик, хулқни тарбиялай олиш, ўзини бошқариш ва ўзгаларни хурмат қилишни Ахлоқийлик деб атаган эди.

Одоб – кишиларнинг ҳаёт ва турмушларига нисбатан белгилаб берилган муайян Ахлоқий чегара ёки меъёр десак бўлади. Анна шу чегарадан чиқмай муомала муносабатида бўлган, шу меъёрга риоя қилган одамни одобли, яхши хурбияли, ҳақиқий, чин инсон дейилади. Аксинча ҳолда одобсиз, тарбиясиз, ёмон одам деб айтилади. Одоб Этикаса нисбатан тор тушунча бўлиб, у ўз навбатида барча ахлоқий фазилатларнинг юзага чиқиши намоён бўлишидир. Одобни ўрганувчи ва ўргатувчи фанни «Одобрение», «Доброе», «Согласие» деб атайдилар.

Демак, Этика, этика, одоб ўзаро боғлиқ ва маълум даражада фарқ қилувчи тушунчалар бўлиб, барчаси инсоннинг ҳатти-ҳаракатини, юриш-туришини, бошқа одамлар билан муносабатини оиласда,

жамоада, жамоатчилик жойларда ўзини тутиши кабиларни ифодалайди. Одатда буларни умумий фалсафий маъноад Этика, кундалик ҳаётда, турмушда одоб, хулқ, феъл-автор ва уларни ўрганувчи фанни (илмни) этика ёки Этика деб юритилади. Шундай қилиб, Этика кишиларнинг яхшилик ва ёмонликка нисбатан муносабатини намоён этадиган ва тарихан таркиб топган хулқ-автор, юриш-туриш ва ҳатти-харакатини ифодалайдиган, уларнинг бир-бирига ва жамиятга бўлган муносабатларини акс эттирадиган ҳамда ўзаро ихтиёрий тарзда амалга ошадиган норма ва қоидалар йигиндисидир.

Буюк мутафаккирлар, олимлар ва давлат арбоблари ҳам Этикаقا худи шундай таъриф-тавсифлар берганлар. Таниқли рус файласуфи В.Г.белинский (1811-1848) Этика нима? У нимадан иборат бўлмоғи керак? Деган саволлар қўйиб, қуйидаги жавобни келтириб, этикага шундай таъриф берган:

«Кишиларнинг қадр-қиммати ва унинг юксак мавқеига қатъий, чуқур эътиқод, унга қизғин сўнмас, ишончdir. Шу эътиқод, шу ишонч жамики башарият эзгулигининг, барча амалий ишларнинг қайнар булоғидир» Чех халқпарвар педагоги ва жамоат арбоби Я.А. Коменский (1592-1675) фикрича: «Ахлоқийлик деганда биз фақат ташқи муомалани қўзда тутмаймиз, балки ниятнинг бутун ички моҳиятини тушунамиз». Марказий Осиёning буюк мутафаккири Абу Наср Фаробий (873-950) айтганидек: «Дархтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча хислатлари ҳам ахлоқий тарбия билан якунланади». Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний (1878-1934) ёзганидек, «Тарбия бизлар учун ё хаёт, ё момот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир».

Этиканинг моҳиятини тушунишида президентимиз И.Каримовнинг айтган қуйидаги фикр0мулоҳазалар айниҳимдир.

Юрбошимиз таъкидлаганидек: «Аслини олганда, Этика маънавиятнинг ўзаги. Инсон Этикаи шунчаки салом-алиқ, хушмуомалалиқдан иборат эмас. Этика – бу аввало инсоғ ва адолат туйғуси, иймон, ҳалоллик дегани»; «Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин»; «... Виждон билан, иймон билан, диёнат билан ўйнашиб бўлмайди»;

«Мехр-оқибат, мурувват бўлмаган жамият ҳалокатга маҳкумдир». «Хар ким савоб иш қилсин, ҳар кун савоб иш қилсин»; «Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қайтади», дейдилар ваҳоқазо. Буюк мутафаккирларимиз ва олимларимизнинг ҳамда Президентимизнинг юкоридаги фикрлари Этикани қуйидагича таърифлаш имкониятини беради: Этика деб кишиларнинг яхшилик ва ёмонликка муносабатини намоён этадиган ва тарихан таркиб топган хулқ-автор, уларнинг юриш-туришини, ўзларини тутишини, феъл-авторини, хулқ-одобини, ўзаро бир-бирига, меҳнатга ижтимоий фаолиятга, оиласа, жамоага, бошка ижтимоий бирлашмаларга, жамоатчиликка, Ватанга, миллатга, жамиятга бўлган муносабатларини ифодаловчи ҳамда ҳатти-харакатини тартибга солиш, бошқаришга хизмат қилувчи ҳис-туйғулари, эҳтиёжлари, талаблари, баҳолашлари, қоидалари, тамойилларининг жамига айтилади.

Қисқа қилиб айтганда Этика деб кишиларнинг юриш-турушлари ўзаро бир-бирига, меҳнатга, оиласа, Ватанга бўлган тарихий муайян муносабатлари, қоидалари ва тамойилларининг жамига айтилади. Этиканинг илк, дастлабка, қуви, турмушдаги босқичи одоб ёки хулқ одобдир. Этика хулқ-одоб, феъл-автор Этика ёки этика фанининг баҳс мавзуи (предмети)ни ташкил этади.

1.2. Этика (этика) нинг обьекти одам, инсон, шахсdir. Бироқ Этика кишилар ҳаёти ва фаолиятларининг барча жиҳатларини эмас, балки муаян бир соҳаси, яъни одобини, хулқини, феъл-атфорини, юриш-туришини, ўзаро муносабатини, табиат, жамият ва унинг ҳодисаларига бўлган муносабатларини ўрганади.

Худди шу маънода Этика (этика)нинг баҳс мавзуи муаммо сифатида оддий кишилардан тортиб буюк мутафаккирларимиз, зиёлиларимиз, давлат арбобларимизгача қизиқтириб келган. Чунончи Арасту Этика (этика)ни Этикани ўрганадиган амалий фан, жамият ҳақидаги фанлардан бири деб ҳисоблаган.

Стоиклар Этика (этика)ни алоҳидан фан сифатида ажратиб, уни кўпинча инсон табиати хақидаги фан деб тушунган эдилар.

Нидерландия файласуфи Б.Спиноза (1632-1677) ўзининг «Этика» асарида ушбу фанни субстанция (моҳият) ва унинг модуслари (хусусиятлари) тўғрисидаги таълимот дегани. Француз маърифатпарвар-файласуфи П.А.Гольбах (1723-1793): «Этика одамларо мавжуд бўлган муносабатлар ваш у муносабатлардан келиб чиқадиган масъулияtlар хақидаги фан», - деган эди.

Немис файласуфи И.Кант (1774-1884) Этика (этика)ни зарур нарсалар тўғрисидаги фан деб билган. Кўзга кўринган немис файласуфи Г.В.Ф.Гегель (1770-1831) эса Этика (Этика)ни ўз-ўзидан ривожланувчи мутлоқ ғоя (абсолют идея) хақидаги фан деган.

Этиканинг бахс мавзуи Шарқ, хусусан Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистон мутафаккирларининг диққат эътиборида бўлиб келган. Масалан, буюк мутафаккир, қомусий олим, тиббиёт илмининг отаси ва устози Абу Али ибн Сино (980-1037) шу хақда тўхталиб: «Этика ҳар бир киши учун ўз-ўзини идора қилиш илмидир», -деб баҳолаган эди. Буюк мутафаккир, шоир ва давлат арбоби А.Навоий (1441-1501) Этика мавзуига янада кучлироқ ургу бериб, ўзининг «Махбуб-ул-қулуб» («Қўнгиллар севгани») асарида қўйидагича ёзган эди: «Вафосизда ҳаёй йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ, агар кимда бу икки сифат бўлмаса, унда иймон ҳам йўқ». XIII-XIV асрда яшаб ижод этган таниқли Этикашунос олим Мажид Хавоғий Этика ҳақида фан, яъни Этика, оила ҳақида фан, шаҳар қурилиши ва нормалар ҳақидаги фандир». деб таърифлаган. (мутафаккирлар Этика ва адолат ҳақида. Тошкент, «Адолат», 1995, 17 бет)

Буюк шоир, драматург, маърианпарвар ва давлат арбоби А.Авлоний (1878-1943) ўзининг «Туркий гулистон ёхуд Этика» (1913) асари Этика мавзуи ҳақида:

«Инсонларни яхшиликка чақиравчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдир. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисол ила баён қиласурган китобни Этика дейилур» - деган эди.

Худди шунингдек ахлорқшунослик (этика) бахс мавзуи ҳақида луғатлар дарслклар, ўқув қўлланмаларида ҳам турли хил таърифлар бор. «Қисқача сиёсий луғат» («Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент 1975, 296 бет) шундай дейилган: «Этика – алоҳида социал ходиса ва ижтимоий онг шаклларидан бири бўлган Этиканинг табиати ва моҳиятларини ўрганувчи фалсафий фан». «Қисқача философик луғатда» («Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент 1873, 363 бет) бу тўғрида қўйидагича айтилган: этика – Этика назарияси, бирон Этика системаси (тизимини) ҳамда яхшилик ва ёмонликни, адолат бурч, виждон, баҳт, хаётнинг маъносини Бирон тарзда илмий асослаш» демакдир.

«Философия луғати» (Ўзбекистон нашриёти Тошкент – 1976, 595 бет) да: «Этика... энг қадимги назарий фанлар бири, у Этикани ўрганади» дейилган.

«Ўзбек шўролар энтиклопедияси» (Тошкент 1979, жилд 13, 306 бет) да қўйидагича таъриф берилган:

«Этика ижтимоий онг формаси бўлган инсон ҳаётининг муҳим томонларидан ҳисобланган Этика, одоб масалаларини ўрганувчи фалсафий фан» деб айтилган. Е.Г.Федеренконинг «... этика асослари» (ўқитувчи нашриёти, Тошкент 1976, 5 бет) ўқув қулланмасида бу тўғрида қўйидагича ёзилган:

«Этика бу Этика «хулқ» назарияси бўлиб, кишиларнинг Ахлоқий ҳаётини ўрганадиган, Ахлоқий ходисаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятларини очиб берадиган энг қадимги инсоншунослик фанларидан биридир».

Фалсафа фанлари доктори, профессор А.ортиқов «Этика асослари» курсидан лекциялар текстларида (Тошкент-1999, 3-бет). Ушбу муаммо шундай илмий ифодаланган:

«Этика деб Этика, хулқ-одоб, Ахлоқий онг ҳақидаги буларнинг пайдо бўлиши, тараққиёт босқичлари, инсон ҳаёти фаолиятининг энг муҳим жиҳатлари, кишларнинг Ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг йўл, усул, воситалари ҳақидаги таълимотлар системасига айтилади. Этиканинг тарифи анна шундан иборат».

Этика (Этика)нинг баҳс мавзуи ҳақида юқорида келтирилган нуқтаи назарларнинг ижобий томонлари ва камчиликларини умумлаштириб, бизнингча қуидагича таърифлаш мумкин:

Этика ёки этика деб инсон ва инсоният ҳаёт фаолиятининг муҳим жиҳатлари бўлган Этика, хулқ-одоб, феъл-атвор, уларнинг моҳияти, пайдо бўлиши, тараққиёт босқичлари ва ривожланиш қонуниятлари, мақсадлари, вазифалари ва аҳамияти, ҳамда улар тўғрисидаги қарашлар, назариялар, таълимотларни ўрганувчи фалсафий фанга айтилади. Қисқа қилиб айтганда, Этика ёки этика Этиканинг моҳияти, хусусияти ва ривожланиши, мақсади, вазифалари ва аҳамияти ҳақидаги фалсафий фандир. Этика (этика) ўз баҳс мавзуини яхшилик ва ёмонлик, бурч, виждон, ор-номус, шаъан, қадр-қиммат, баҳт-саодат инсон ҳаётининг моҳияти, мазмуни ва маъноси каби тушунчалар (категориялар), инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, жамоавийлик сингари тамойиллар (принциплар), ҳалоллик, поклик, ростгўйлик, дўстлик, вафодорликка ўхшаш Ахлоқий қоидалар (нормалар) воситаси билан очиб беради ва асослайди. Булар тўғрисида маҳсус мавзуда фикр юритилади.

Этика (этика) ўз баҳс мавзуини ўрганишда фалсафа, эстетика, педагогика, психология, маданиятшунослиқ, тарих, сиёsatшунослиқ, социология, тилшунослиқ, архиология, экология каби фанлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганади. Борлиқ, табиат, жамият, инсон тафаккур каби мураккаб ҳодисаларнинг моҳияти ва энг умумий ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги фан бўлган фалсафа Этиканинг назарий, илмий-методологик (услубий) асосини ташкил қилади. Бошқа гуманитар фанлар ҳам Этикака ўз баҳс мавзуини чукурроқ ва ҳар тарафлама ўрганиш ва умумлаштиришларда далиллар, фактлар ҳамда материаллар беради. Бу жараёнда Этика баҳс мавзуига кўра нисбий мустақиллигини сақлаб қолиб, билимлар тизимида ўзига хос ва ижобий ўринни эгаллаб қолади.

Этика ўз баҳс мавзуини икки-умумий ва хусусий йўналишларда ўрганади. Шунга мувофиқ Этикада умумий, тарихий, норматив-аксиологик (қадриятий), касб-хунар, ахлобия Этикашунослиги деган назарий ва амалий бўлимлар ҳам шаклланган. Умумий Этика Этиканинг табиати, моҳияти, хусусиятлари, унинг таркибий заррачалари ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини илмий асослайди, Ахлоқий фаолият ва Ахлоқий муносабатлар ривожланиши хусусиятларини, Этика тараққиётидаги ижтимоийлик, тарихийлик, замонавийлик, умуминсоний ва миллий жиҳатларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида унинг ҳозирги ҳолати ва тараққиёти йўналишлари муаммоларини ўрганади. Тарихий Этика Этиканинг тарихий шаклларини, унинг тарихий тараққиёт қонуниятларини ва хусусиятларини, Ахлоқий таълимотларнинг тарихдаги ўрнини тадқиқ этади. Норматив-аксиологик Этика Этика қоидаларини Ахлоқий зарурийлик талабларини Ахлоқий онгнинг асосий тушунчалари сифатида қараб, уларнинг ижобий аҳамияти, қиммати жиҳатидан ўрганиш ва асослаш билан кизиқади.

Касбий Этика у ёки бу касб-хунар, ихтисослиг ёки раҳбарлиги фаолияти доирасида кишиларнинг Ахлоқий хусусиятлари билан шуғулланади. Ахлоқий тарбиянинг Ахлоқий назарияси тарбия жараёнда Ахлоқий омиллардан самарали фойдаланиш йўллари, шакллари ва воситаларини белгилаш масалаларини умумлаштиради. Этиканинг муҳим бир вазифасиинсонлар ва жамиятнинг келгусидаги эзгу Ахлоқий орзулари, мақсадлари, эзгу-ниятларини шарқлаб беришdir. Чунки инсонлар юксак ахлоузларсиз яшай олмайдилар. Буларнинг ҳамаси Этиканинг инсонлар ва жамият ҳаётида бени катта аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

Атоқли педагог А.авлоний: «Этика илмини ўқиб, билиб амал қилган кишилар ўзининг ким экани, жаноби ҳақ на учун халқ қилганин, ер юзида нима иш учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни, яхши ишларнинг қадрини, қумматини билмас. Ўз айбини билур, икрор килуб, тузатмакга саъй ва қўшиш қилган киши чин баҳодир ва пахлавон кишидир». Демак, Этика, одоб ва этика қоидаларини били шва уларга тўла амал қилиш кишиларнинг ўзаро ҳурмат-эхтиром билан тинч-тотув яшашини таъминлайди. Аксинча ҳолда, яъни Этикаقا, одобга, этикага кам ва етарли эътибор берилмаган одамда, оиласда беандишаликлар, бебурдликлар ваш у кабилар мавжуд жойда салбий, ножӯя Ахлоқий фазилатлар юзага келади ва авж олади, одамлар орасидан ҳурмат, меҳроқибат кўтарилади, ҳаёт аста-секин издан чиқа бориб, ижтимоий ҳаётнинг жиддий тўсқинига айланади.

Этиканинг асосий ва муҳим вазифаси кишиларнинг хулқи, одоби, юриш-туриши, муомаласининг моҳиятини, хусусиятларини ва тараққиёт қонунларини очиб беришдан иборат. Этика худи шунингдек этиканинг тушунчалари (яхшилик ва ёмонлик, адолат, баҳт, виждон, бурч ва ҳоказо) тамойилларини (инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, байналминаллик, хамкорлик ва ҳоказо) Этика мезонлари (нормалари) жумладан хушмуомалалик, ширинаханлик, ҳалоллик, ростғгўйлик, камтарлик чидамлилик, ҳимматлилик, самимилик, дўстлик, шарму-ҳаё ва ҳоказоларни илмий-амалий асослаб беради. Этиканинг Яна бир муҳим вазифаси инсонларнинг Ахлоқий тарбиясини амалга ошириш, Ахлоқий камолотини шаклланишга хизмат қилишдир. Этиканинг Яна бир вазифаси, инсонлар ва жамият ҳаётидаги Этикасизлик иллатларининг барча кўринишларини бартараф қилиш ва уларни бартараф этиш йўллари ҳамда воситаларини изохлаб беришдан иборат. «Ёмон ишларнинг тескарисини қилиб, яхши бўлдим» деган экан Луқмони Ҳаким. Яна «одобни беодобдан ўрган» дейдилар. Албатта, беодобдан ўрганиладиган нарсанинг ўзи йўқ, лекин бировларнинг хатоси, гуноҳини салбий хислатларини такрорламаган киши энг олий одамдир. Бундай одамнинг Ахлоқийлигининг ўзи бир кутлуғ иш бўлса, бировларнинг Этикасизлигини такрорламаганлиги учун икки карра улуғдир. Чунки беодобнинг қилиғи, ҳатти-харакатлари, феъл-атвори одоб доирасидан ташқарида бўлгани учун унинг килаётган одобсизликларини кўриб, шундай қиликларни ҳатти-харакатларни такрорламаслик, бу одобдандир. Демак, беодобдан ўрганилган одоб унинг беодобликларини пайқай билиш ва уларни ўз ҳаётида қилмаслиkdir. Демак Этика Фани инсон турмуши ва фаолияти, жамият ҳаётида ҳар томонлама муҳим аҳамиятга эга бўлган фанлардан биридир.

1.3. Этика ахлоқий, тарихий ва замонавий ҳодиса ҳамда ижтимоий онгнинг ўзига хос шаклларидан бири деб асослайди. Этиканинг ижтимоийлиги шундаки, кишиларнинг Этика-одоби, феъл-атвори, муомаласи, юксак маънавий фазилатлари ижтимоий ҳаётдан ташқарида, инсонлар ўртасида муносабатлардан четда шаклланиши ва ривожланиши мумкин эмас. Бундан бир неча ўн йил муқаддам ўрмон четида адашиб қолган уч нафар болани айиклар ўрмонга олиб кетади. Болалар айиклар билан яшашади. Вақт ўтиши билан улар икки оёқлаб юрсаларда, югуришни, сакрашни, озиқ-овқат топиб ейишни, табиат ҳодисаларидан сақланиши, айикларга ўхшаш ўкиришни табиий ҳолда ўрганадилар. Бирок улар кейинчалик тўрт оёқлаб юрсаларда, кишилик жамиятидан ташқарида ҳайвонлар орасида яшаганликлари учун сўзлаш қобилиятини йўқотишади. Бундан кўринадики, агар инсон кишилик жамиятида яшамас экан, у ҳақиқий маънодаги шахс, худи шунингдек Этика одобли бўла олмайди, демак, Этика ижтимоий ҳодисадир. Этика ахоқнинг бу жиҳатини, умуман Этикани Яна бир канча тушунчалар-Ахлоқий онг, қарашлар, Ахлоқий фаолият, Ахлоқий баҳолаш, Ахлоқий ҳиссиёт, Ахлоқий муносабатлар Ахлоқий тарбия воситасида янада кенгроқ ва чукуррроқ ўрганади. Ахлоқий онг кишиларнинг жамиятдаги Ахлоқий ҳатти-харакатлари, юриш-туришлари, яшаш қоидалари, тамойиллари, шунингдек уларнинг ўзаро бир-бирларига ҳамда ижтимоий гурухларга, жамиятга бўлган муносабатларини ифодаловчи қарашлари тасаввурлари, назарияларининг жамидир.

Ахлоқий қарашлар Ахлоқий онг, Этика, одобнинг мазмуни, моҳияти, жамиятдаги кишилар ҳаёти, фаолияти, тараққиётидаги ўрни, аҳамияти тўғрисидаги қарашлар ғояларнинг тизимиdir.

Ахлоқий онг ва Ахлоқий қарашлар Ахлоқий фаолият билан узвий боғланган.Ахлоқий фаолият деб ўзига хос Ахлоқий мотив, сабаб, интилиш билан, яъни яхшилик қилиш, бурчга содик ҳолда ҳаракат қилиш, муайян Ахлоқий идеалларни амалга ошириш мақсадида қилинган ҳаракатларга айтилади. Кишиларнинг Ахлоқий фаолияти жараёнида улар ўртасида шаклланадиган, мавжуд бўладиган алоқалар, боғланишлар, муносабатларнинг тизими Ахлоқий муносабатлар дейилади.(Батафсил қаранг: Фалсафадан ваъз матнлари. Тошкент-1995, 236-237-бетлар) Ахлоқий фаолиятда Ахлоқий ҳиссиётлар, Ахлоқий баҳолашлар, Ахлоқий идеаллар, Ахлоқий маданият кабиларнинг аҳамияти катта. Ахлоқий ҳиссиёт-инсоннинг, шахснинг жамият ва ўз атрофидаги кишиларга муносабатини ифодалайдиган кечинмалар турини англатади. Масалан, инсоннинг ва шахснинг ўз қадр-қиммати ҳисси, ижтимоий бурч ҳисси, ватанпарварлик, ўртоқлик, жамоавийлик ҳисси ва хаказо кабилар. Ахлоқий баҳолаш-социал воқеликнинг турли ҳодисаларини ва кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини улар қандай Ахлоқий аҳамиятга эга бўлишига қараб, маъқуллаш ёки қоралашдир. Умумий тарзда Ахлоқий баҳолаш яхшилик ва ёмонлик тушунчаларида амалга оширилади. Ахлоқий идеал (мақсад, орзу, истак) юксак Этикани шахс ривожининг мақсади бўлган мукаммал Ахлоқий муносабатлар тўғрисидаги назарий асосланган режалари, тасаввурлари, қарашлари жамиини билдиради. Ахлоқий идеал-киши ёки гуруҳнинг интилиши ва ҳатти-ҳаракатини белгилаб берувчи намуна, олий мақсад, Бирон-бир ниманинг камолидир. Кишиларнинг кундалик турмушидаги ҳатти-ҳаракатини белгилаб берувчи Ахлоқий қоидалардан фарқли ўлароқ Ахлоқий идеал-кишиларнинг маънавий-Ахлоқий тарбияси ва ўзини-ўзи тарбиялаш оқибат мақсадини белгилаб беради, унинг интилиши лозим бўлган олий намунани яратади. Масалан, маърифатпарвар Ахлоқий идеали, умуминсоний Ахлоқий идеал, демократик жамият Ахлоқий идеал ива хакозо. Кишиларда Ахлоқий онг, Ахлоқий мақсадлар, Ахлоқий муносабатлар Ахлоқий тарбия воситаси билан амалга оширилади. Ахлоқий тарбия Этиканинг энг мухим тушунчаларидан бири бўлиб, унга қуйидаги таъриф-тавсиф бериш мумкин: Ахлоқий тарбия деб инсон фарзандига туғилгандан то умрининг охиригача инсонга хос барча ижобий Ахлоқий фазилатларни сингдириб, уни баркамол инсон қилишга айтилади. Ахлоқий тарбия одатда кўпинча кишиларни илм, билим беришдан бошланиши ваш у жараёнда ёнма-ён (параллел) ва биргалиқда амалга оширилиши сабабли таълим-тарбия деган атама кўпроқ ишлатилади. Этиканинг ижтимоийлигини тушунишда Ахлоқий маданиятнинг аҳамияти катта. Ахлоқий маданият-Этика, Ахлоқий онг ёрдамида шаклланади. Уларни бир-биридан ажратиш ноўриндир. Ахлоқий онг - қарашлар, ғоялар ва ҳиссиётлар йиғиндиси ва уларнинг инсон онгида акс этиши бўлса, Ахлоқий маданият анна шу акс этилган нарсалар инсон характеристига, табиатига сингиб, амалий фаолиятда нимоён бўлишидир. Ахлоқий маданиятда Ахлоқийликнинг назарий жиҳатлари ўз аксини топади ваш у билан бир қаторда, у англанган Ахлоқий фаолият билан узвий боғланиб кетади. Ахлоқий маданият тарихий таркиб топган Ахлоқий норма ва қоидаларни давр нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилиб, аниқ шарт-шароитлар асосида ривожлантиришда ифодалайди. Шу жиҳатдан Ахлоқий маданият Ахлоқий қадриятдан фарқ қиласи. Айни вақтда Этика Ахлоқий қадриятга суюнади ва Ахлоқий маданиятга манба бўлиб хизмат қиласи. Ахлоқий маданият мустақил фалсафий категория бўлиб, Этика, Ахлоқий онг каби тушунчалар билан узвий боғлиқ ва бир бутунликни ташкил қиласи, Ахлоқий назарияни амалиёт билан боғлайди, кишилардаги Ахлоқий қарашлар, ғоялар, ички-кечинма ва ҳиссиётларнинг қай даражада англанганлангини билдиради ҳамда бу инсоннинг Ахлоқий етуклигини кўрсатиб, маънавий эҳтиёжига айланганлигини кўрсатади. Бевосита анна шундан Ахлоқий маданиятнинг моҳияти ва ривожланиш хусусияти келиб чиқади. Бу тушунчаларнинг ҳаммаси Этиканинг ижтимоийлигининг моҳиятини ва хусусиятини очиб беришга хизмат қиласи. Этика Этикани тарихий ҳодиса деб ўрганади ва ўргатади. Чунки Этика бирданига пайдо бўлмаган у қадим (ибтидоий) даврларда ёқ вужудга келиб, бир қанча тарихий босқичларни ўтиб, ўзгариб, алмашиниб, ривожланиб, тараққий қилиб, хозирги даврда ҳам янада такомиллашиб бормоқда. Этика тарихий ўзгаришининг ижтимоий ва маънавий манбалари бўлиб кишиларнинг шахсий ва умумий манфаатлари, орзу-истаклари, меҳнат, социал мухит, жамоатчилик фикри, илм-маърифат, дин ҳисобланади. Инсонлар ва жамият ҳаётида Этиканинг, унинг тамойиллари, тушунчалари ва қоидаларининг тарихи ўзгариб, алмашиниб, ривожланиб, тараққий этиб бориши

жараёнини Этика (этика) да Ахлоқий прогресс (тараққиёт) дейилади. Бу жараёнда Ахлоқий тизимлар ва таълимотлар бирданига ўзгариб, йўқолиб кетмайди. Инсоният Хамиша ўтган авлодлар Этикаидаги ижобий жихатларни сақлаб, мустаҳкамлаб ривожлантиради, яъни доимо меросдан фойдаланилади. Ахлоқий мерос деб қадим замонлардан бери аждодларимиз ота-боболаримиздан бизгача етиб келган Ахлоқий бойликлар Ахлоқий ўғитлар, пант-насихатлар, ғоялар, таълимотлар, оиласлар, тамойиллар жамиини тушунамиз. Этика айни вақтда замонавий ходисадир, чунки Этика бошқа ижтимоий – маънавий ходисалар сингари жамиятдаги сиёсий – ижтимоий, иқтисодий, фан-техника, санъат маданият касби соҳалардаги ютуқларни ўзида акс эттиради. Этика Этика ижтимоий ходиса сифатида умуминсоний ва миллий жихатларга эга деб ҳисоблайди. Саломлашиш, хушмуомалалик, мурувват, раҳм-шавқат, яхшилик, адолат, тинчлик, бурч, виждон, ор-номус, баҳт-саодат, Ватанин ва миллатни севиш, тинчлик учун кураш, табиатни асраш, ер юзида илм-фанни тараққий эттириш, ядрорий қуролларни пойгасини йўқотиш, ҳалқаро хавфсизликни таъминлаш турли касаликларнинг олдини олиш, қашшоқлик ва саводсизликка барҳам бериш кабилар умуминсоний Ахлоқий қадриятларга киради. Этиканинг миллий жихатлари муайян миллат (ҳалқ, элат) нинг ҳаёти, турмуш тарзи, тили, маданияти, урф-одатлари, анъаналари Билан боғлиқ бўлган Ахлоқий қоидалар ва қадриятлар Билан боғлиқ холда намоён бўлади. Президентимиз Каримов И.А. таъкидлаганидек: «Катталарни ҳурматкилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очик кўнгиллик, миллатидан қатий назар одамларга хайриҳоҳлик Билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. Ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-мухаббат меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат эҳтиром Ўзбекистон ахолисига хос фазилатлардир». (Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент – 1992, Ўзбекистон, 11 бет) Таъқитланганларнинг ҳаммаси Этика ҳам ўзига хос ижтимоий онг шаклларидан бири эканлигини ва у алоҳида, бальзи кишиларга эмас, балки жамиятдаги барча кишиларга хос бўлиб уларнинг ижтимоий ҳаётдаги хатти _аракатлари, юриш-туришлари, ўзаро бир-бирига ҳамда ижтимоий бирлашмаларга бўлган муносабатларни ифодалайди ҳамда тартибга солиб, инсонлар ҳаётида тарбияловчи омил сифатида мухим аҳамиятга эга. Этика фан сифатида ўзининг мақсадлари вазифаларига эга. Этиканинг асосий мақсади юксак Ахлоқий фазилатли, Ахлоқий камолотни ўзида мужассамлаштирган етук инсонларни вояга етказиш ва тарбиялашга хизмат қилишдан иборат. Бунга Этика ўз вазифалари билан муносиб хисса қўшади. Этиканинг мухим вазифаларидан билиш, билишлик бўлиб, унинг мақсади Этиканинг моҳияти, хусусиятлари жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини чукур ва ҳар тарафлама асослаб беради. Бу фан асосларини билмаган киши баркамол бўла олмайди. Чунки Этика (этика) назарияси ва амалиётидагина Этиканинг том моҳияти, хулқ – одобнинг қоида, таълимот, ғоя, дастур, ўғит, панд-насихат, даъват, чеклаш, таъқиқатлашлари баён этилган бўлади. Уларни пухта ўзлаштириб, хулқ-одоб дастурига, хатти-харакат низомига, қисқа Этика кодексига айлантириб олган шахсгина чин маънодаги юксак Этикали, бой маънавий фазилатли, зиёли мутахасис бўлиши мумкин ва лозим. шунингтучун ҳам А.Авлоний: «Этика илмини ўкув, билуб амал қилган кишилар ўзининг Ким эканини, жаноби хақ на учун ҳалқ қиласинин, ер юзида нима иш қилмак учун юрганин билур. Бир киши ўзидан хабардор бўлмаса, илмни, уламони, яхши кишиларни, яхши нарсаларни, яхши ишларнинг қадрини, қимматини билмас», - деб ёзган эди. Этиканинг мухим хусусияти унинг ижтимоий онг шакли эканлигидир, чунки Этика-одоб қоидалари ҳаммаси бир киши томонидан битилмайди. Инсоният тарихидаги бутун тажрибалри, урф-одатларга суюнган холда Этика-одоб яратилади. Бинобарин, улар барча, канкрем инсонлар ва инсониятнинг ҳаётий тажрибаларининг умумлашган бой маҳсулидир. Шу маъноад Этика жамиятдаги барча кишиларга хос ижтимоий онг шаклидир. Буларнинг ҳаммаси Этиканинг мураккаб ижтимоий жараён эканлигини ифодалайди.

1.4. мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий-иктисодий ва маънавий вазифаларини ҳал этиш, келажакда Ўзбекистонни буюк давлатга айлантириш ҳар бир фуқаросининг, айниқса ёшларимизнинг Ахлоқий онги, фаолияти ва тарбияси даражасига ҳамма омиллардан кўра кўпроқ боғлиқ. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги ҳужжатларидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа

қонунларида Ўзбекистон Республикаси президенти фармонларида ва Вазирлар Мажхамасининг қарорларида, Президентимиз Каримов И.А. асарлари, китоблари, рисолалари, нутқлари, саволжавобларидан Этика-одоб масалалари ва муаммоларига мухим ахамият берилмоқда. Юрт бошимиз ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (Тошкент, Ўзбекистон, 1997, 137 бет) асарида маънавий Ахлоқий омилларини Мустақил Ўзбекистоннинг келажакдаги тараққиётидаги ахамиятига тўхталиб, шундай деб ёзади: «Бирон – бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва Ахлоқий қадриятларни ривожлантирумай ҳамда мустахкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди». Шу боисдан ҳам юрт бошимиз «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» маъruzасида: «Биз фарзандларимизнинг баркамол руҳий дунёси учун, уларнинг маънавий-Ахлоқий жихатдан етук жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғуришимиз, курашмоғимиз зарур», - деган мухим вазифани қўйди. Бинобарин, ўзбек халқи, мамлакатимизнинг барча миллат ва элатлари орзу қилаётган буюк давлатни бунёд этиш барча фуқаролардан, энг аввало ёшлардан ирова имон-эътиқод, миллий ғурур туйғуси, буюк аждодларимиздан қолган Ахлоқий меросга содик бўлиш, хуллас юксак фазилат эгаси ва Ахлоқий камолотга эришишни талаб қиласди. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» да ёш авлодни ва бўлажак мутахасисларнинг маънавий-Ахлоқий тарбиясига катта ахамият берилган. Чунончи, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» нинг маънавий - Ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар, деб аталган бандида: «Ёш авлодни маънавий-Ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маъданий-тариҳий анъаналарига, урф-одатлри ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни хар томонлама камол топтиришни устиворлиги таъмиранади», (55 бет) дейилган. Бугунги кунда республикамиз мустақиллигининг 8 йилдан ошикроқ истиқлол йўлидан бориша бир қатор ютуқлар ҳамда турли эски мағкуравий иллатлар диний экстремизм, диний фундаментализм, ваҳҳобийлик, террорчilik каби иллатлар ва хавфхатарларга қарши курашиб, кўп миллатли республикамиз халқларининг тинчлигини таъминлаш, маънавий-Ахлоқий бирлигига эришмоқда.

Тақрорлаш учун саволлар

1. Сомирликлар ва бобилликларнинг ахлоқий қарашлари нималарда ифодаланган?
2. «Пхатотеп ўғитлари»да қандай ахлоқий муаммолар ўртага ташланади?
3. «Авесто»нинг ахлоқий аҳамияти нималарда кўринади?
4. Ведачилик ахлоқшунослигига асосий эътибор нималарга қаратилади?
5. Буддачилик таълимотининг демократик хусусиятлари нималарда акс этади?
6. Даочилик ахлоқшунослигидаги ўзига хослик қай тарзда намоён бўлади?
7. Конфуций ва унинг издошлари илгари сурган асосий ғоялар нималардан иборат?
8. Арастугача бўлган қадимги Юнон ахлоқшунослигининг ўзига хослиги нималарда акс этган?
9. Арасту ахлоқий таълимотининг мумтозлик моҳияти нимада?
10. Эпикур таълимотида изтиробдан қочиш муаммоси қандай талқин этилган?
11. Қадимги Румо мутафаккирларининг ахлоқий қарашларида қандай мухим муаммолар кўтарилган?

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик

- жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
 3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
 4. Абдулла Шер. Ахлокшунослик. Дарслик. -Т.: ЎзФМЖ, 2010.
 5. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. / К. Назаров таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2004
 6. Муҳаммаджонова Л., Жадид мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари. - Т.: УзМУ. 2007.
 7. Нурматова М. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. - Т.: Университет, 2009.
 8. Хусанов Б., Ғуламов В. Муомала маданияти. Дарслик. -Т.: Иктисад- молия, 2009.
 9. Конфуций. Панд -ўгитлар. “Соғлом авлод учун” журнали, 1997 йил, 5-6- сонлар.
 10. Аристотель. Никомахова этика. // Аристотель. Сочинения в 4-х томах, том 1, Москва, «Мысль», 1983.
 11. Хайдеггер М. Учения Платона об истине // Историко-философский ежегодник. Москва, «Наука», 1986.

13-Мавзу: Ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар Дунё ҳалкларининг ахлоқий менталитети

Режас:

- 1.Этиканинг келиб чиқиш тарихи инсоният тарихининг ажралмас қисми.
- 2.Ахлоқий эркинлик ва Ахлоқий тарбия тушунчаларининг узвий боғлиқлиги.
- 3.Этика тузулмаси ахлоқий онг кишиларнинг кундалик хатти-ҳаракатлари, уларнинг ҳулқида. Амалий ҳаётида намоён бўлиши.
- 4.Ахлоқий муносабатлар ва уларнинг асосий вазифалари.

Таянч тушнчалар

Ихтиёр эркинлиги, Ахлоқий танлов, Масъулият, Ахлоқий тараққиёт, Ахлоқ тузилмаси, Ахлоқ оңг (англаш), Ахлоқий ҳиссиёт, Алоқий муносабатлар, мақсад ва восита.

Аввало, шуни айтиш керакки, инсоннинг пайдо бўлиши энг баҳсли муаммолардан бири хисобланади. Бу борада бир-бирига қарама-қарши икки қараш мавжуд. Бири – диний, иккинчиси – даҳрийча қараш. Диний – эътиқодий нұқтаи назардан одамни Худо яратган. Даҳрийча қараш эса буни инкор этиб, одамни табиат яратган, у табиатни бир қисми, деган ғояни илгари суради. Улар орасида инглиз табииётшуноси Чарлз Дарвин (1809-1882) фикрлари алоҳида эътиборга молик.

Дарвин табиий турларнинг танлов йўли билан келиб чиқиши ҳақидаги эволюцион таълимотни яратди. У одам билан одамсимон маймунларнинг қардошлигини исботлашга уринди, бироқ у тўғридан-тўғри одам маймундан тарқалган жонзод, деган фикрни айтган эмас. Шунингдек, Дарвин дархий бўлмаган, ҳамма қатори насронийлик қонун – қоидаларига амал қилиб яшаган. Бунинг устига унинг ўзи Кембриж университети қошидаги Исо коллежини тугатган.

Дархийча қарашни Дарвин номи билан боғлаб иш кўриш яқин-яқингача «социалистик лагерь» худудига кирган мамлакатларда расмий, давлат ёндашуви сифатида ҳукм суреб келди. Тоталитар тузумга асосланган бу давлатлар таназзулга учрагач, яна инсонни Худо яратган деган фикр уларда етакчилик мавқенини эгаллади.

Умуман олганда, инсоннинг интеллектуал тарихда, ҳатто нисбатан дахрийлик асри бўлмиш XX асрда ҳам, инсонни Худо яратган, деган фикр камида тўқсон фоизни ташкил этади. Биз ҳам анна шу кўпчилик тамонидамиз. Айни пайтда, камчилик билдирган ва билдираётган аксилфикр ҳам яшаш хукуқига эга эканини тан оламиз. Республикасим Президенти Ислом Каримовнинг мана бу гаплари бизнинг фикрларимиз учун эътиборли хулоса бўла олади деб ўйлаймиз.

«Шу ўринда таъкидламоқчи эдимки, **дунёвийлик**, айrim ақидапараст кимсаларнинг даъволаридан фарқли ўлароқ, асло **дахрийлик** эмас. Биз бундай нотўғри ва ғаразли талқинларга мутлақо қаршимиз».

Агар дикқат қилсак, асrimиз мутафаккирининг фикри Қурони карим «Бақара» сурасида марҳамат қилинган қўйидаги оятларга ҳамоҳангидир: «30. Эсланг (Эй Муҳаммад), Парвардигоримиз фаришталарга: «Мен Ерда (Одамни) халифа (ёрдамчи), қилмоқчиман», деганида, улар айтдилар: У ерда бузғунчилик қиласидиган, қонлар тўқадиган кимсани (халифа) қиласанми? Ҳолбуки, биз ҳамду сано айтиш билан сени улуғлаймиз ва сенинг номингни мудом пок тутамиз». (Аллоҳ) айтди: «Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан». 31. ва у зот Одамга барча нарсаларнинг исмларини ўргатди. Сўнgra уларни фаришталарга рўбарў қилиб, деди: «агар халифаликка биз ҳақдормиз деган сўзларингиз рост бўлса, мана бу нарсаларнинг исмларини Менга билдиринг!». 32. Улар айтдилар: Эй пок Парвардигор, биз фақат Сен билдирган нарсаларнигина биламиз. Албатта Сен ўзинг илму ҳикмат соҳибисан. 33. (Аллоҳ): «эй Одам, буларга у нарсаларнинг исмларини билдири», деган. (Одам) уларга барча нарсаларнинг исмларини билдирганидан кейин (Аллоҳ) айтди: «Сизларга, Мен Еру осмонларнинг сирларини ва сизлар ошкор қилган ва яширган нарсаларни биламан, демаганмидим?». 34. Эсланг (Эй Муҳаммад), Биз фаришталарга Одамга таъзим қилинг, дейишимиз билан саждага эгилдилар. Фақат Иблис кибр ва ор қилиб – кофирлардан бўлди.

Ваҳоланки, сажда бунгача фақат тангригагина бажо келтирилар эди. Демак, Худо бу билан барча мавжудодлардан олий, даража нуктаи назардан ўзидан кейин турадиган буюк зотни яратганини эълон этди. Одам – Худонинг ердаги халифаси.

Одам ҳам. Аллоҳга нисбатан халифадир: то у қиёматга қадар, яъни Тангри даргоҳига боргунгача наботовт ва ҳайвонот олами устидан ҳукмронлик қилиб туради.

Ҳукмронлик қилиш учун, табиийки, муайян даражада эркинликка, эркин ҳаракатни ихтиёр этиш хукуқига эга бўлиш, фалсафий ибора билан айтганда, ихтиёр эркинлиги зарур. Ана шу ихтиёр эркинлиги фақат инсонга берилган. Фаришталар бундай маънавий неъматдан маҳрум – улар фақат Аллоҳнинг буруғини бажарадилар. Лекин инсондаги ихтиёр қилиш эркинлиги ҳам чекланган – у Аллоҳ томонидан Қуръони каримда умумий тарзда белгилаб берилган доираадагина мавжуд бўлиши керак. Шу боис мутлақ эркинлик инсонга эмас фақат Яратганга хос.

Инсондаги ихтиёр эркинлиги зарурат талаби билан нисбийлашади. Акс ҳолда, муайян бир ё бир неча инсон ёки гуруҳнинг бетийиқ эркин ихтиёри нафақат бошқа инсонлар ва гуруҳлар, балки наботовт, ҳайвонат олами, бутун Дунё учун фожеага айланиши мумкин. Ихтиёр эркинлигини бундай чеклашнинг, ақлга бўйсундиришнинг асосой воситаси аҳлоқдир.

Шундай қилиб, аҳлоқ – олий мавжудотга ато этилган олий неъмат. Яъни аҳлоқнинг келиб чиқиши илоҳий манбадандир.

Ихтиёр эркинлиги туфайли инсон ҳар қадамда аҳлоқий танлов муаммосига дуч келади. Бу муаммо инсонда маъсулият ҳисси мавжудлигидан далолат беради. Масъулиятни ўзгалар ва ўз виждони олдида жавобгарликни сезмаган киши хоҳлаган ишга қўл уруши мумкин – уни ўз қилмишининг оқибати қизиқтирамайди, у фақат манфаат устуворлигини тан олади, холос. Ундей одамни аҳлоқсиз деб атайдилар. Зоро инсон ё эзгуликни, ё ёвузликни танлаши туфайли ниманидир ихтиёр этади.

Даслабки аҳлоқий қонун – қоидалар ана шу танловни рўёбга чиқаришга, яна ҳам аниқрок айтганда, уни осонроқ амалга оширишга хизмат қиласди, илк аҳлоқий қоида «Ўзингга раво кўрмаган нарсани бошқага раво кўрма» мазмунида дунёга келган. Унинг ҳозирги замондаги эквиваленти «Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга ур», «Ўзингни эр билсанг, ўзгани Шер бил» каби мақолларда акс этган. «Аҳлоқнинг олтин қоидаси» деб аталган ушбу қоида, бизнингча, энг қадимий аҳлоқий талаблардандин.

Даслабки аҳлоқий қонун – қоидалар муқаддас китобларда ўз аксини топган зўравонлика зўравонлик билан жавоб бермаслик тамойили асосида яратилган.

Инсон аҳлоқий ҳаётининг асоси бўлган ана шу қонун – қоидалар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган йўқ. Одамлар уларни оғир мажбурият деб билмасдан, дил-дилидан бажарадиган замоннинг тезроқ келиши учун тинмай ҳаракат қилишлари аҳлоқий тараққиётдан далолатдир. Зоро, ана шу йўлда одам комил инсон бўлиб етишади.

Инсоният тарихида аҳлоқий тараққиёт бўлган ва у давом этиб келмоқда. Тўғри, бу давом этиш қатъий тадрижийликка эга эмас. У гоҳо сусайиш, баъзан эса бироз ортга чекиниш, баъзан бир қанча муддат қоим туриш ҳусусиятларига эга. Лекин катта даврлар ва тарихий оралиқларни олиб қарайдиган бўлсак, аҳлоқий тараққиётнинг мавжуд эканига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. Мустабит тузумлар ва шахслар келтириб чиқарган аҳлоқий таназзулларнинг ҳаммаси қисқа муддатли ҳамда ўткинчи ходисалардир. Зоро, инсоннинг асосий моҳияти ўзини ва ўз жамиятини тараққий эттириб бориш билан белгиланади. Аҳлоқ эса ана шу тараққиётдан ҳеч қачон четда турмайди.

Аҳлоқ тузулмасини, уч омил – асосдан иборат деб хисоблайдилар. Булар – аҳлоқий онг, аҳлоқий ҳиссиёт ва аҳлоқий хатти-ҳаракатлар. Жуда кўп ҳолларда аҳлоқ тузулмасидаги мазкур уч омил-унсурнинг бирортасиз аҳлоқ тушунчасини тасаввур қилиб бўлмайди. Бошқача айтганда, аҳлоқни инсон кўзи олдида гавдалантиручи аҳлоқий муносабатларнинг ҳис этиш ва аҳлоқий онг иштирокисиз юзага чиқиши, яъни мавжуд бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳолат аҳлоқий ҳиссиётга ҳам, аҳлоқий онгга ҳам тааллуқли. Зоро, тузулмадаги бу уч унсур-омил бир-бирисиз камдан-кам мавжуд бўлади, доимо бир-бирини тақозо қиласди.

Тузулмада пойdevor унсур сифатида аҳлоқий ҳиссиёт ёки аҳлоқий ҳис этиш намоён бўлади. тўғри, жуда кўп ҳолларда бирор-бир аҳлоқий қарорнинг амалга ошуви узоқ ёки қисқа вақт мабойнида ўша қарор оқибатлари тўғрисида онгли равища хулоса чиқаришга, уларни аввалдан англаб этишга уриниш билан боғлиқ бўлади, яъни биз ўз хатти-ҳаракатларимизни аҳлоқий англаш элагидан ўtkазиб, фаолият кўрсатамиз. Лекин ўша англаб амалга оширилган аҳлоқий қарор тубида, сўзсиз, аҳлоқий ҳиссиёт ётади. Демак, аҳлоқий ҳис этиш аҳлоқий англаш учун материал вазифасини ўтайди.

Бизнинг аҳлоқий ҳаётимиз, барча аҳлоқий тажрибаларимиз, аҳлоқий фаолиятимиз ана шу уч омил асосида рўёбга чиқади. Аҳлоқий, кодексларимиз, меъёрларимиз ва тамойилларимиз уларга асосланган. Лекин алдов, ёлғон, сохталиқ ва тоталитар зуғум ҳуқумронлик қиласган даврларда ёки мамлакатларда аҳлоқий ҳиссиёт, аҳлоқий онг, аҳлоқий муносабатлар қабул этилган кодекслар, меъёрлар ҳамда тамойилларга кўпинча тўғри келмайди. Расмий аҳлоқий қонун-қоидалар билан ҳақиқий аҳлоқий интилишлар орасида маънавий жарлик пайдо бўлади, тилда бу қонун-қоидалар кўкларга кўтарилиган ҳолда, дилда, ич-ичдан уларга қаршилик ҳукм суради. Натижада жамият учун фожеа бўлган аҳлоқий сўз билан аҳлоқий фаолиятнинг алоҳида-алоҳида мавжудлиги рўй беради.

Аҳлоқий қадриялар, муштарак аҳлоқий тушунчалар, аҳлоқий тамойил ва меъёрлар барча минтақалар ҳамда миллатлар учун бир хил маъно касб этади. Чунончи, муҳаббат, эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, виждон, бурч, инсонпарварлик, одамийлик, баҳт, тўғрилик, ростгўйлик, сахийлик ва баҳиллик сингари фазилат ҳамда иллатлар том маънода умуминсоний ходисалардир. Зоро, ўзбекча

эзгулик ёки ёвузык, инглизча виждон, французча инсонпарварлик, арабча ёлғон, дейиш мумкинми? Албатта йўқ.

3.1. Ҳар бир фан сингари Этиканинг ҳам тушунчалари (категориялар) бўлиб, улар кишиларнинг бирбирларига, оиласа, жамоага, жамиятга бўлган муносабатларини ифодалайди ҳамда инсонларни тўғри йўлга солишга, теварак-атрофда юз бераётган ҳодисаларни баҳолашга ҳамда улардан хуросалар чиқаришга имкон беради. Этика категориялари орасидан энг кўп тарқалгани, энг кўп қўлланиладиган яхшилик ва ёмонликдир.

Яхшилик деб кишиларнинг меҳнатсеварлик, ҳалоллик, мардлик, инсонийлик, олийжаноблик, одамларга, ҳалқа, жамиятга нафи, меҳр-муҳаббати, ҳиммати, муруввати, оғирини енгил қилиш, раҳм-шафқати ва уларга зиён-захмат етказмаслик сингари ижобий ҳатти-харакатларга айтилади. Этика яхшилик тушунчасининг конкрет тарихий мазмунига, инсониятнинг олға қараб ҳаракат қилишига, меҳнаткашларни ва барча инсонларни ҳимоя қилишига имкон берадиган ва уларнинг ижодий кучларининг бемалол ривожланиши ҳамда қўлланилишига имконият туғдирадиган жами ижобий, Ахлоқий фазилатларни киритади. Яхшилик деганда, муайян синф, ижтимоий гурӯҳ, партия, давлат, жамоага, шахсга, инсонга бериладаган Ахлоқий баҳо, фазилат ифодаланади,

Ёмонлик эса кишиларнинг дангасалик, текинхўрлик, заракунандалик, золимлик, майхўрлик, гиёҳвандлик, дилозорлик, ҳасадгўйлик, тухматчилик, иғвогарлик, ғийбатчилик, бузуклик каби салбий ҳатти-харакатларига айтилади. Яхшиликни эзгулик, ҳимматлилик деб юритилади. Ёмонликни эса ёвузык деб юритилади. Этиканинг муҳим тушунчаларидан бири адолат, адолатлилик бўлиб уларнинг мазмунида поклик, тўғрилик ҳақиқат мужассамлашади. Адолат тушунчаси инсоний муносабатларда инсоф, диёнат, тенглик, ҳаққонийлик, рағбатнинг зарурий ўлчовларидир. Демак, адолат деб кишилар ўртасидаги муносабатларда тенгликни, тўғриликни, ҳақиқатни, ҳаққонийликни, покликни ифодаловчи ҳатти-харакатларнинг жамига айтилади. Инсоният яратилгандан бери адолатни қадрлаб ва адолат учун курашиб яшаб келмоқда. Чунки адолат бўлган жой гуллаб яшнайди, ҳалқ эркис бўлади. Аксинча адолат оёқ ости қилинган жойларда эса разолат ҳукм суриб, жамият ва одамлар тубанликка юз тутган. Арасту Искандарга қилган насиҳатларида: "Билгилки, адолат буюк қудратли худонинг ер юзидағи ўлчовидир, унинг ёрдамида заиф бўлган ҳақ, одам кучли бўлган ноҳақдан ўз ҳакини олади", — деган эди. Соҳибқирон Амир Темур ўз ҳаёти ва фаолиятида "Куч адолатда" деган сермазмун ҳикматга амал қилган. Донолар ҳикматларига амал қилган юртбошимиз И. А. Каримов адолат машъаласини баланд кўтариб, ундан ўз ҳалқини баҳраманд этмоқда. Унинг мунаvvар ёғдуларидан, адолат нуридан баҳра топган ҳалқимиз Ватан богини обод килиб, тинч ва осойишта ҳаёт кечирмоқда.

Этиканинг муҳим тушунчаларидан бири бурч бўлиб, у кишиларнинг жамиятда ўз вазифаларини бажариш одамларга ва ижтимоий ҳаётга тўғри муносабатда бўлиш каби фазилатларини ифодалайди. Бурч деб инсоннинг, шахснинг, кишилар, оила, Ватан, миллат, жамият олдидаги мажбурияти, маъсулияти, содиқлиги, онглилигини ифодаловчи ҳатти-харакатларнинг жамига айтилади. Ўз бурчига содиқлик ҳар бир кишига обрў, шон-шараф келтиради. Ҳар бир инсон ўз бурчига содиқлиги ўзига, жамиятга, Ватанга, миллатга, меҳнатга, оиласа, фарзандига, жамоага бўлган муносабатида намоён бўлади. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлиланган тантанали нутқида "Шароф Рашидов ўз ҳалқига ва ватанига фидоий фарзанд эди, у ўз ҳалқининг эртасини ва келажагини ҳаммадан кўпроқ ўйларди. Энг оғир шароитда ҳам Шароф Рашидов ҳалқига фарзандлик бурчини қўлдан келганча адо этди", деб таъкидлаган эди. Бугунгина кунда мустакил Ўзбекистон фуқароларининг бурчи чинакам ижтимоий жамият қуриш ва баркамол инсонни тарбиялаш бўлмоғи лозим. Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Президентимиз И.А. Каримов асаларида фуқароларнинг ўз бурчларини бажаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Республикамиз асосий қомусининг 11 бобида барча фуқароларнинг конституцияда белгилаб қуйилган бурчларини бажаришга қонунларга амал

этишга, бошқа кишиларнинг хуқуқлари эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилишга Ўзбекистон халқининг тарихий маданий ва маънавий меросини авайлаб асрашга, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга, қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йигинларни тўлашга мажбурдирлар ва Ўзбекистон Республикасини химоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси хар бир фуқаросининг бурчидир деб таъкидланади.

Этиканинг ғоят муҳим тушунчаси виждан ва виждонийликдир. Виждан ва виждонийлик деб инсоннинг ўз хулқини муайян жамият Этика қоидалари нуқтаи-назаридан туриб Ахлоқий баҳолаши ва назорат қилиши, ўз хатти-ҳаракатларини ва бу хатти-ҳаракатларга боғлик бўлган ҳис-туйғуларни, кечинмаларни ўзида таҳлил этишга айтилади. Виждан ва виждонийлик инсоя учун ғоят зарурий, қимматли Ахлоқий фазилатdir, унинг ўз мезони ва баҳоси бор. Виждан қувониш, енгил тортиш, изтиробдан қутулиш, хижолатдан фориғ ва юзи ёруғ бўлиш каби ижобий ҳис-туйғулар, шунингдек салбий кечинмалар тавба, узр сўраш, изтироб чекиш, пушаймон ва хижолат бўлиш, уялиш каби салбий кечинма, ҳис-туйғуларда, хатти-ҳаракатларда намоён бўлади. Виждан инсон хатти-ҳаракатларининг энг хаққоний, жуда холис, ғоят поклик ҳакамидир. Шу боис юртбошимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек "...Виждан билан, иймон билан, диёнат билан ўйнашиб бўлмайди". Виждонизлик эса бениҳоя шармандалиқ, ўта салбий, ғоят уятли иллатдир.

Этиканинг муҳим тушунчаларидан бири қадр-қиммат бўлиб, уни гоҳида иззат-нафс, ор-номус ҳам деб юритадилар. Қадр-қиммат ёки ор-номус деб инсоннинг жамиятдаги ўз қимматини, иззат-нафси, шаъни, шарафи, шон-шуҳратини англашни, аждодлар, оила ва миллат шаънига доғ тушурмасликни ва уларнинг жамият томонидан тан олиниши ҳамда эътироф этилишига айтилади. У шахсий, ижтимоий, миллий, қасбкор шарафи, йигитлик шаъни, қизлик номуси, иззат, хурмат, ишонч, рағбат, мақтов, тақдарлов, нишонлаш, хотирлаш, номини абадийлаштириш ва ҳоказо каби Ахлоқий фазилатларда намоён бўлади ҳамда бу тушунчаларда инсоннинг, халқнинг ҳаётида ҳамда фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз И.А. Каримов сўзлари билан айтганда: “Ўз иззати ва қадрини билган халқина бошқаларнинг ҳам иззат ва қадрини жойига қўйишга қодир бўлади”. Бу сўзлар хар бир конкрет одам ва шахсга ҳамда раҳбарга ҳам таълуқлидир.

Этиканинг ғоят муҳим тушунчаларига ҳаётнинг маъноси ва мазмuni, баҳт-саодатдир. Ҳаётнинг маъноси деб онгли инсоннинг яшашдан қўзлаган мақсади, унинг умри, ҳаёт фаолиятининг умумий йуналишини англатувчи жараёнларга айтилади. Ҳаётнинг маъноси инсоннинг ўз олдига қўйган мақсади, ҳаётда қўзлаган манфаати ва белгилаган вазифаларида намоён бўлади. Инсон ҳаётининг маъноси — бу унинг ҳаётининг бутун бош йулидирки, кишининг конкрет мақсадлари ана шунга боғлик бўлади, Инсон фақат еб-ичиш, зурриёт қолдириш тирик эмас, меҳнат қилиш, жамиятда яшаш, ўзидан бошқа кишилар билан ижтимоий муносабатда бўлиш жараёнида у инсон сифатида шаклланади, ўсиб-унади, талант ва истеъдодларини намоён қиласи. Рус шоири А. Блок: “Инсон ҳаётининг маъноси тиниб-тинчимаслик ва доимий ташвишдан иборатлигини тушунган одам калта фаҳмликдан кутулган бўлади”, — деган эди. Демак, инсон ҳаётининг маъноси дунёга келиб, униб-ўсиб, оила кўриб, фарзандларни тарбиялаб, ўзи, оиласи, Ватани, миллати, жамияти учун ижодий меҳнат қилиб, ўз умрини фаровон, гўзал, қизиқарли, мақсадга мувофиқ қилиб ўтказишдан иборат. Бинобарин, ҳаётнинг маъноси ейиш, ичиш, кийиниш, лаззатланишдан иборат бўлмай, балки буларга эришишлик учун яшаш, меҳнат қилиш, ижод қилишдан иборат. Ҳаётнинг мазмuni инсон ҳаётининг қандай кечганлигини ифодалайди. Инсон ҳаётининг мазмuni деганда инсоннинг жамият ҳаётидаги ўз ўрни ва аҳамиятини белгиловчи бутун фаолияти (аввалги, ҳозирги ва келажакдаги) асосий мазмун англаш даражаси ҳамда унинг намоён бўлиш даражаси тушунилади. Хуллас, ўз ҳаётини, унинг маъноси ва мазмuni мақсади, гўзал ва баҳтли қилишга эришмоға лозим. Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Ҳар бир одам “Мен кимман ўзи. Бу дунёга нимага келдим? Дунёга келиб нима иш қилдим?”, — деб ўзидан сўрайди.

Шу саволларга бемалол жавоб бермоқ учун у умри давомида савоб ишларни кўпроқ, килмоққз шошилмоғи керак”. Инсон ҳаётининг олий мақсади баҳт-саодатга эришишдир. Хўш, баҳт нима? Оддий сўз билан айтганда баҳт бу инсоннинг орзу-истаклари, мақсадларига етишиб яшашидир. Ёки бошқача

қилиб айтганда, баҳт, баҳтлилик ҳар бир кишининг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг қондирилганлиги, ўз мақсадлари, орзу-истакларининг рӯёбга чиққанлиги, ҳаётдан, ўз хатти-ҳаракатларидан маънавий қониқиши оқибатида ҳосил бўладиган олий неъматdir. Баҳт тушунчаси хилмалар. Ватан баҳти, шахс баҳти, меҳнат баҳти, ёр баҳти, оила баҳти, фарзанд баҳти, қарилек баҳти ва бошқалар. Лекин буларнинг ҳаммаси, инсон баҳти, унинг фаровон, тўқ, соғлом оила ва фарзандли бўлиб, узок умр кўриши кабиларда кўринади. Қадимда бир донишманддан "Одамни нима баҳтли қиласи, бойлики ёки шон-шуҳратми?" — деб сўрабдилар. "Бойлик ҳам, шон-шуҳрат ҳам одамни баҳтли қила олмайди. Танжони соғ гадо ҳар қандай бой одамдан баҳтлироқдир" — деб жавоб берибди донишманд. Инсоннинг баҳтли бўлишида сиҳат-саломатлик билан бирга ёшликтан яхши, аъло ўқиши, касб-хунар эгаллаш, ижтимоий фойдали меҳнат килиш, оилали, уйли-жойли, фарзандли бўлишга, жамоа ва жамиятда обрўга эга бўлиш ва ҳоказо шартларнинг аҳамияти катта. Жумладан, Президентимиз И.А. Каримов айтганидек: "Фарзанд кўриб, ота бўлиш, она бўлиш баҳтдир". Айни пайтда ҳамма нарсаси бўла туриб, обрўси бўлмаган инсон дунёда энг баҳтсиздир. Демак, баҳт деб инсон эга бўлиши лозим бўлган соғлом, ўз ҳаётининг беками-кўстлиги, маънавияти, Этикали, обрў-эътиборли, барқарор, хушчакчак, бокий умр кечиришига айтилади. Инсонга баҳт ўз-ўзидан келмайди. ўйибдан келадиган баҳт йўқ. Баҳтни совға қилиб бўлмайди. Ҳар бир инсон ўз баҳтини ҳалол меҳнати, тинч-тотув яшаши, касбкор, илм-фан, техника ютукларини эгаллаши билан топади. Демак, баҳт-инсонлар орасидан муносаб ўрин топиш, ўзининг ҳалол меҳнати, ўзгаларнинг юкини енгил қилиш, она ҳалқи орасида номи ардоқ билан тилга олиниши, эл фаровонлиги учун қўшган ҳиссаси, келажак авлодларга қолдира олган тухфасидир. Баҳт ҳар бир кишининг баҳтлилиги давлати, мамлакати, жамиятининг таракқиёти даражаси, мустақил ёки қарамлиги, тинч ёки нотинчлиги, ижтимоий тузумнинг хусусияти, табиий оғатлардан ҳоли ёки ҳоли эмаслиги, экологик вазияти ва ҳоказоларга боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Масалан, бир неча ўн йиллардан бери боши уруш-жанжал, можаролардан чиқмаётган

Афғонистон, Тожикистон, Чеченистон фуқароларининг ҳаётини баҳтли деб бўлмайди. Баҳт бу, факат ўз баҳти учун, балки ўзгаларни баҳтли қилиш ва уларнинг баҳтли бўлиши учун курашиш демакдир. "Ўз баҳtingни ўзгаларнинг баҳтидан қидир" деган ҳикмат бежиз айтилмаган. "Ер юзида лоақал биргина бўлса ҳам баҳтсиз яшаётганини кўриб туриб, хотиржам яшаш ва баҳтли бўлиш мумкин эмас", — деган эди венгер математиги Больяй Яноши.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий таракқиёти, фуқароларимизнинг ижодий меҳнати уларни ҳаммасининг ва ҳар бирининг баҳтли ҳаётини таъминлайди.

Этика Этикани, Ахлоқий муносабатларни, Ахлоқий талабларни бир мунча умумий тарзда ифодаловчи Ахлоқий онг шакллари сифатида намоён бўлувчи Ахлоқий тамойиллар (принциплар) воситаси билан ўрганади. Этиканинг тамойилларига инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва ҳамкорлик, Ахлоқий (юявийлик) кабияар хиради. Инсонпарварлик (гуманизм) — кишиларга нисбатан меҳр-оқибатли, муруватли, химматли, ҳурматли бўлиш, кишиларга яхшилик қилиш, киши гуноҳ қилганда ҳам уни кечириш, уни тушунишга ҳаракат қилиш, кишининг шарм ва мустақиллигини ҳурматлаш демакдир.

Инсонпарварлик одамзот пайдо бўлгандан бери пайдо бўлган шахсий, факат инсонгагина хос онгли фазилатdir. Инсонпарварлик (гуманизм) деб одамларга меҳр-оқибат билан қарашиб, уларни ҳурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини ошириш, маънавий камолатини юксалтириш, баҳтли, сифатли, эркин, озод, дахлсиз яшашини таъминлаш, келажаги ҳақида ҚамҚўрлик қилиш каби мақсад ва ғоялар билан суғорилган кишиларнинг хатти-ҳаракатлари ҳамда фазилатларнинг жамига айтилади. Инсонпарварлик ҳамма вакт кишилар ҳаёти ва фаолиятининг зарурий шарти бўлиб келган. Француз маърифатпарвари Ж. Ж. Руссо: "Одамлар, инсонпарвар бўлинг! Бу сизнинг биринчи бурчингиз", — деган эди. Буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий

"Одами эрсанг демагил одами,

Ониким йўх халқ ғамидин-ғами” — деган даъвати ҳозирги кунгача ҳаётимизнинг шиорларидан бўлиб турибди. Бинобарин, инсонпарварлик, якка-ёлғиз фахрийларга, ногиронларга, серфарзанд оилаларга, кўмакка мухтож

бошқа фуқароларга бугунги Ўзбекистонда давлат миқёсидағи анъаналар сафидан тобора кенгроқ жой олмоқда, Чунки юртбошимиз Каримов И.А. таъкидлашича: “Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир... Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва ёруғлик, болаларга меҳр, катталарга хурмат, яқинларга ва бошқаларнинг қайғусига ҳамдардлик мужассамлашгандир”. Халқимизнинг, миллатимизнинг, республикамиз барча фуқароларининг, давлатимизнинг инсонпарварлиги ҳозирги ҳаётимиздан тобора чукурроқ, ўрин олаётганadolat, сиҳат-саломатлик, фидойилик, болапарварлик, соғлом авлод учун кураш, тинч-тотув яшашни таъминлаш кабиларда намоен бўлмоқда. Этиканинг муҳим тамоийларидан бири меҳнатсеварлик, яъни инсоннинг моддий ва маънавий бойлик яратишга ва кўпайтиришга ҳамда умуминсоний фарованиелик ва тараққиётини таъминлашга қаратилган фаолиятидир. Меҳнатсеварлик — киши камолатининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. У кишиларни мухтожликдан, юрак сиқилишидан, Ахлоқий бузилишдан сақлади. Меҳнатсеварлик туфайли одамда обрў-эътибор ортади, кишидан яхши ном қолади, унинг ҳаёти сермазмун, сержило ва баракали бўлади. Бинобарин, бугунги кунда Ўзбекистон мустақиллигини мустахкамлаш учун мамлакатимиз барча фуқароларида, айниқса ёшларда меҳнатсеварликни қарор топтириш ва улар ҳаётига сингдириш ҳар қачонгидан ҳам долзарб вазифадир. Президентимиз Каримов И.А. таъкидлаганидек: "Буюк давлатни кўзлаб, порлоқ келажак учун, фарзандларимиз иқболи учун, авлодларга озод ва обод Ватан қолдирмоқ учун яшаш ва ҳалол меҳнат килиш Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳар бир кимсанинг муқаддас бурчидир".

Этиканинг муҳим тушунчаларидан бири ватанпарварлик, Ватан туйғуси, Ватанни севишdir. Ватанпарварликнинг жуда кўп таъриф-тавсифлари бор. Этикада ватанпарварлик деб инсоннинг ўз Ватанига меҳр-муҳаббати, унга садоқати, унинг ўтмиши, ҳозири ва келажаги билан фахрланиши ҳамда ватан манфаатлари йўлида хизмат қилишга тайёр туриши каби хатти-ҳаракатлари ва фазилатларига айтилади. Инсон учун Ватандан, она-юртдан, туғилиб ўсган, кучоғида меҳнат қилиб, яйраб-яшнаётган жойдан юксакрок бойлик йўқ. Чунки ҳар биримиз кишлоғимизсиз ва шаҳаримизсиз, туманимизсиз ва вилоятимизсиз ва ниҳоят бутун Ўзбекистонсиз яшай олмайсиз. Шу боисдан ҳар биримиз Ўзбекистонни севишимиз ҳам фарз, ҳам карзди. Бинобарин, бугунги мустақиллик даврида Президентимиз Каримов И.А. таъкидлаганидек: “Ватаннинг ҳар бир асл фарзанди ўзини ота юртнинг ажралмас бўллаги деб ҳис этаяпти ва бундан фахрланаяпти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан биринчиси ана шу десак, асло янглишмаган бўламиз”.

Этиканинг муҳим тушунчаларидан бири байналмилал ва халқаро ҳамкорлиқдир. Байналмилалчилик арабча “байналмилал” —миллатлараро сўзидан олинган бўлиб, жаҳондаги ёки муайян мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг тенглиги, ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигини ифодалайди. Байналмилаллик миллий чекланиш ва шовинизм (бир миллатнинг иккинчи миллат устидан хукмронлиги) га бутунлай қарама-қаршидир. Байналмилаллик ғоялари ҳамиша кишиларни ва мутафаккирларни ғоят даражада жалб қилиб келган.

Немис мутафаккири Г. Э. Лессинг (1729-1781); “Дунёдаги барча халқлар ҳар жиҳатдан ҳам тенгмантенг, бири иккинчисидан ортиқ эмас”, — деган эди. Шарқда “Кирқта элат бирлашса, душман кучи кирқилур”, деган мақол бор. Бинобарин, миллатлар бошқа халқларнинг ютуқларидан фойдаланмай туриб ривожлана олмайдилар. Барча халқларнинг ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий юксалиш тарихи бир-бирлари билан чирмашиб кетган. Шунинг учун ҳам ҳар бир миллат ўз доирасида чекланиб қолмай, бошқа миллатлар ва халқлар билан биргаликда тараққий қилади. Демак, мамлакатимизда биронта ҳам миллат, элат бошқа миллат ва элатлардан, умумий жаҳон цивилизациясидан ажралган ҳолда тараққий қила олмайди. Бу тарихимизда кўплаб исботланганидек, бугунги мустақиллигимиз шароитида янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки Ўзбекистонда ўзбеклар билан бирга 130 га яқин миллат ва элатлар вакиллари

яшаб, меҳнат келмоқда. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек: "ҳаётимизнинг ўзи турли миллат, эътиқод ва дин вакиллари ўртасида ўзаро хурмат хукм сурган шароитдагина умумий хонадонимиз, умумий келажагимиз, фарзандларимиз келажагини куриш мумкинлигини қўрсатиб турибди".

Этик ғоявийлик кишининг, шахснинг ўзини-ўзи англаш одоби ва ҳаётий фаолиятининг муҳим тамойилларидан бирини қўрсатувчи Ахлоқий фазилатдир. Ахлоқий ғоявийлик кишининг маълум маънавий-Ахлоқий ғояга берилганлигини қўрсатади, киши шунга асосан ўз хатти-ҳаракатини белгилайди, ўз умрини шу ғояга бағишлишини ифодалайди.

3.3 Этика Этиканинг, Ахлоқий муносабатларнинг нормалари (намуналари, меъёрлари, мезонлари) ни ҳам асослаб беради. Этика мезонлари у ёки бу ижтимоий бирлик: шахс, оила, миллат, жамият ва ҳоказолар Этикаи талабларининг энг оддий шаклларини билдиради. Буларга хушмуомалалик ва ширинсуҳанлик, ҳалоллик ва ростгўйлик, камтарлик, фаҳр ва ифтихор, олийхимматлилик, самимийлик ва дўстликка садоқат, шарму-ҳаёл сингари Этика-одобнинг ижобий ҳамда иғвогарлик ва ғийбатчилик, ҳасадгўйлик ва тухматчилик, мақтанчоқлик ва такаббурлик, ёлғончилик ва қаллоблик, иккиозламачилик, мунофиқлик, хиёнатчилик, душманлик, баҳиллик ва зикналик, эзмалик ва лақмалик, жоҳиллик ва нодонлик, худбинлик ва айёрлик, қасдлашиш ва калака-мазах қилиш каби салбий ифодалари киради. Хушмуомалалик инсоннинг кишиларга хурмат, самимий, ёқимли, мулоимлик билан ифодаланадиган хатти-ҳаракатлари ва фазилатларидир. Хушмуомалалик ширинсуҳанлик деб юритилади. "Бизда хушмуомалаликдан ҳам кўра қимматга тушадиган ва қадр-қиммати баланд бошқа нарса йўқ", - деб ёзган эди, испан ёзувчиси М.С. Сервантес (1547-1616). Хушмуомалалик кишининг чинакам маърифатли ва маънавиятли эканлигидан далолат беради. Хушмуомалаликниң акси қўполлик, дағаллик, ҳақоратлаш ва сўкинишdir. Ҳаётда кишиларга, дўстларга хушмуомалалик билан муносабатда бўлиш кўпроқ муҳимдир. Инсонлар ҳаётида ҳалоллик ва ростгўйлик сингари Этика мезонлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Уларни инсон Ахлоқий соғлигининг кўзгуси дейиш мумкин. Чунки уларда кишининг Ахлоқий эътиқоди ҳам, максадлари ҳам, хатти-ҳаракатлари ҳам худди ойнадагидек акс этиб туради. Ҳалоллик киши хатти-ҳаракатларининг ва хулқининг тўғрилиги, қатъийлиги, самимийлиги билан ифодаланади. Ҳалоллик энг олийжаноб фазилат бўлиб, у ҳақиқат олдида чекинмайди; унга интилиш қанчалик қийин бўлмасин, нопок, харом, соҳтакорликлардан жирканишdir, уларга йўл қўймаслиқdir. Ҳалолликка энг яқини фазилат ростгўйлик бўлиб, уни ҳақгўйлик ҳам деб атайдилар. Инсоннинг ростгўйлиги, ҳақиқатни севиши, аччиқ бўлса ҳам ундан юз ўтираслиги, ёлғончиликка йўл қўймаслиги унинг Ахлоқий баркамоллигининг синов тоши (эталони) дир. Бинобарий, ҳалоллик ва ростгўйлик инсон ва жамият учун ғоят зарурӣ Ахлоқий фазилатдир. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонинг мустақиллик ва бозор иқтисодиёти йўлидан боришида барча фуқаролар, айниқса ёшлар фаолиятида ҳалоллик ва ростгўйликни қарор топтириш катта аҳамиятга эга. Инсон ахлоқий қиёфасини ифодаловчи мезонлардан бири камтарлик бўлиб, у кишининг содда табиатлигини, бошқалардан ўзини устун қўймаслигига, кишиларнинг ҳаётий тажрибаларига, билимига, ҳис-туйғуларига хурмат тарзида намоён бўладиган хатти-ҳаракатларини ифодалайди. Камтар одам ҳеч қачон ўзини бирор кишидан, қўпчиликдан, ҳалқдан устун қўймайди. Аксинча у ҳалқ билан доимо бир тан, бир жон бўлиб яшайди ва у кишига куч бағишлиайди. Шунинг учун ҳам "Камтар кам бўлмас", "Камтарга камол", — дейди доно ҳалқимиз. Исбот талаб қилмайдиган бу ҳақиқат бир неча минг йилликларнинг синовидан ўтиб келмоқда. Аммо камтар бўламан деб ўз қадр-қимматини ерга урмаслик, иззат-нафсини поймол қилдирмаслик лозим. ҳатто ортиқча камтарлик пинҳона такаббурлик (гердайиш) бўлиб чиқиши мумкин. Демак, камтарлик инсонга обрў, куч-куvvват бахш этадиган, обрў-эътиборини оширадиган ва уни такаббурлик, мақтанчоқлик, димоғдорлик, манманлик, менсимаслик каби қусурлардан холос қиласиган фазилатлардир. Бу ибратли мезон билан кишининг иродалилиги, чидамлилиги, сабр-тоқатлилиги ҳам ҳамоҳанг ва яқинидир. Демак, камтаринлик, иродалилик, чидамлилик инсон учун Қоят зарур ва фойдали Ахлоқий фазилатлардир.

Этиканинг мезонларидан яна бири шарм-ҳаёл бўлиб, у кишиларнинг нафси тийиш, ёмонликни тарқ этиш, беҳаёлардан ўзини олиб қочиш, эҳтиёткорлик қилиш ва уялиш, номус, шарафини сақлаш кабиларни англатади. Унинг аксини оддий тилда беҳаёлик, уятсизлик, шармисорлик дейилади. Шарму-

ҳаёл ҳар бир инсон учун, миллатимиз учун, айниқса ёшларимизга нон билан сувдек зарур бўлган ибратли мезондир. Қалбга доҚ-тушуриб куйгандан кўра бетнинг қизаргани афзал. Президентимиз И. А. Каримов ўзбек ҳалқига азалдан хос бўлган шарм-ҳаёл, меҳр-оқибатга юксак баҳо бериб, бундай деган эди: "Аввалом бор биз ўзимизни англашимиз, ўзбек деган номни улуғлашимиз керак. Яна айтаман, биз Шарқданмиз, Осиёликмиз... Бизнинг ҳалқимиздаги шарм-ҳаёл, меҳр-оқибат яна қайси ҳалқда бор? Бу сўзларни бошқа тилга таржима қилиб бўлмайди". Шарм-ҳаёл, андишалик билан боғлик бўлиб, у кишининг оқибатни ўйлаб, юз хотир қилиб қиласидан ҳатти-ҳаракатларини ифодалайди. Лекин андишалик ҳамиша маъқул эмас. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек: "Биз андиша, ўзбекчилик, мусулмончилик деган тушунчаларни ўзига ниқоб қилиб олган ана шу қусурлардан бутунлай ҳоли, бутунлай ҳалос бўлишимиз керак. Андиша ўз йўли билан, лекин инсон энг аввало журъатли ва жасур бўлиши керак. Дард яширилса, оқибати ёмон бўлади, мадда бойлаб кетади. Ўз дардимизни ўзимиз ошкор этишимиз, ўз вақтида чора топишимиш, тузатишимиш, бу ҳар кунлик оддий одатимизга айланиши зарур".

Этиканинг оддий мезонларидан яна бири ҳимматлилик бўлиб, унинг мазмунида кишиларнинг саховати, покизалига, муҳтожларга ғамхўрлиги, ёрдами кабилар ётади. Одамнинг одамийлиги унинг ҳимматида, меҳр-муҳаббати, сахийлигида намоён бўлади. Президентимиз Каримов И.А. таъкидлаганидек: "Савоб ва хайрия деган мукаддас тушунчалар жуда кенг. Бозору мозорларни обод қилиш, бева-бечораларга, муҳтож оиласидан ёрдам курсатиш керак".

Этиканинг энг муҳим мезонларидан дўстлик бўлиб, кишиларнинг ўзаро ёрдамини, ҳамкорлигини, яқинлиги, ҳатти-ҳаракатлари ва фазилатларини ифодалайди. Дўстлик кишилар ўртасидаги қизиқиши ва манфаатлар, мақсадлар бирлигига, ўзаро яқинликка мосланадиган муносабатdir. Мустаҳкам, чинакам, бокий умр дўстлик ҳамиша оғир, машақкатли дамларда юзага келади. Ҳакиқий дўст садоқати муҳтожликда, қийинчиликда, мушкулотда, баҳтсизликда синалади. Ҳакиқий дўстсиз кишининг ҳаёти тўлақонли ва мазмунли бўла олмайди. Шу боисдан ҳалқимиз "Дўстсиз киши — қўлсиз киши", "Дўстлик баҳтиёрлик пойдевори", — дейди. Севикли шоиримиз Эркии Воҳидов ҳам: "Дўст билан обод уйинг, гар бўлса у вайрона ҳам, деб бежис айтмаган. Шунингдек ҳаётда чинакам, ҳакиқий, вафодор дўстларни отртириш, асраш, авайлаш жуда муҳим. Дўстлик вафодорлик билан боғлик. Вафодорлик дўстликка садоқатлиликни, маънавий бирликда, ҳамкорликда, меҳр-оқибатлиликда, жасоратлиликда намоён бўлади. Вафодор инсонлар ва дўстлар ҳар қандай вазиятда ҳам бир-биридан дўстлик ришталарини узмайдилар ва бир-бирлари учун жон-фидо этишдан ҳеч қачон тоймайдилар. Инсонлар ва дўстлик, садоқат ва вафодорлик туйғуларини намойиш этиб элини, юртини ва ўзларини ҳам ҳалокатдан ҳалос этадилар. Шу боисдан ҳам тарихимизда бўлгани сингари мустаҳкам даврида Ўзбекистон фуқароларининг дўстлигини ва вафодорлигини қарор топтириш ҳамда мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Оддий Этика-одобнинг салбий мезонларидан бири иғвогарлик бўлиб, кишининг бирор кимсага нисбатан бўхтон қилиши, унда бўлмаган қусурларни, ҳар хил уйдирмалар, номаъқул гапларни тарқатиши, қоралаши, ғирт ёлғон кирдикорларни ўйлаб топиб, унинг шаънига фиску-фасодларни тўкиб чиқаришдир. Иғвогарлик кўпинча, сиртдан, орқа ва ортдан, ғойибона ва пинҳона бўлади. ғийбатчилик кишининг ҳасад, қўраолмаслик, алдаш, маккорлик, риёкорлик, ғаразгўйлик ярамас феъл-авторини билдиради. ӯйибатчиликка ҳасадгўйлик яқин бўлиб, у кишининг муваффакиятини кўра олмаслик, изтиробга тушиш, фиску-фужурлар билан боғлик салбий ҳатти-ҳаракатлардир. Тухматчилик кишини яхши билмай, бирорнинг гапига лақиллаб ишониб, унга бўхтонлар, фиску фасодлар ёғдиришидир.

Мақтанчоқлик ўз хислату фазилатларини кўз-кўз қилиб, кўп гапириб, ўз яхшилигини миннат қилиб юрган одамнинг салбий ҳатти-ҳаракатлариридир. Такаббурлик кишининг манманлик, калондимоғлик, шуҳратпарастлик каби ўта салбий феъл-авторидир. Ёлғончилик кишининг далилсиз, исботсиз, асоссиз гапириши ва уларни тарқатишидир. Қаллоблик кишининг турмушда муттаҳамлиги, алдамчилик, ғаламислик, қабиҳлик билан боғлик салбий ҳаракатлариридир. Иккизозламачилик кишини кўрганда мақтаб, кетгандан кейин унга маломат, уйдурмалар ёғдиришидир. Мунофиқлик ҳеч нарсадан, ҳаром-ҳаришдан,

ёлғон-яшиқдан жирканмай қилинган хатти-ҳаракатларидир. Юкоридагиларнинг ҳаммаси Этиканинг мезонларини ифодалайди.

3.4. Ўзбекистоннинг мустақиллига ва бозор иқтисодиёти шароитида Этиканинг тушунчалари, қоидалари ва мезонларини ҳаётда, кишилар турмуши ва онгида қарор топтириш ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этмоқда. Мустақиллик даврида адолатлилик, ватанпарварлик, ҳалқлар дўстлиги, ҳалоллик ва ростгўйлик каби меъёрларни ҳалқимизга сингдириш хозирги даврнинг муҳим вазифаларига айланмокда. Чунки Президент Каримов И.А. таъкидлаганидек: "Биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатпарвар демократик давлат қуришга интиламиз. Адолатта интилиш ҳалқимизнинг маънавий руҳий дунёсига мос келадиган энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимиға сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак.

Энди

Ўзбекистон

мустақил

бўлди.

Унинг ҳар бир фуқароси, ҳар бир ўғил-қизи Ватанга содик, садоқатли бўлишини бурч деб билмоғи керак. Хуллас, юртбошимиз Каримов И.А. таълим берадиганидек: "Катталарни хурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиққўнгиллилик, миллатидан қатъий назар одамларга хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар кулфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади.

Такрорлаш учун саволлар

1. Ахлоқнинг келиб чиқиши ҳакидаги икки хил фикрнинг асосий моҳияти нимада?
2. Ихтиёр эркинлиги нима?
3. Алоқий танлов нималарга асосланади?
4. Дастрлабки ахлоқий қонун-коидалар қандай ахлоқий талабларни ўз ичига олади?
5. Ахлоқий тараққиёт, умуман, борми?
6. Ахлоқ тузилмаси қандай унсурлардан ташкил топади?
7. Алоқнинг умуминсоний, минтақавий ва миллий хусусиятлари нималарда кўринади?

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
4. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Дарслик. -Т.: ЎзФМЖ, 2010.
5. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавхалар. / К. Назаров таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2004
6. Мухаммаджонова Л., Жадид мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари. - Т.: УзМУ. 2007.
7. Нурматова М. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. - Т.: Университет, 2009.
8. Хусанов Б., Фуламов В. Муомала маданияти. Дарслик. -Т.: Иктисод- молия, 2009.
9. Нурматова М. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. - Т.: Университет, 2009.
10. Хусанов Б., Фуламов В. Муомала маданияти. Дарслик. -Т.: Иктисод- молия, 2009.
11. . Шер А. Шарқ фалсафаси ва экзистенциячилик. «Соғлом авлод учун» журнали, 1999 йил, 1-сон.
12. . Шопенгауэр А. Свобода воли и нравственность. М., «Республика», 1992.

14-Мавзу: Никох, оила ва давлатнинг ахлоқий асослари. Шахс ахлоқий тарбияси

Режа:

1. Оила ва никоҳнинг моҳияти ҳамда жамият тараққиётида ўрни ва аҳамияти.
2. Оила ва никоҳ муносабатларининг ахлоқий асослари.
3. Оиланинг шахс ахлоқий камолатидаги ўрни ва аҳамияти.
4. Ўзбекистон мустақиллига ва бозор иқтисодиёти шароитидаги оила ва никоҳ муносабатларининг ахлоқий асосларини мустаҳкамланиши ҳамда уни янада такомиллаштириш муаммолари.

Таянч тушунчалар

Мухаббат ва нафрат, Эзгулик ва ёвузлик, Яхшилик ва ёмонлик, Адолат, Виждон, Бурч, Номус, Идеал, Инсонпарварлик, Эркпарварлик, Ватанпарварлик, Миллатпарварлик, Тинчликпарварлик, Жўмардлик, ҳалоллик, Ростгўйлик, Хушмуомалалик, Камтарлик.

Инсоннинг ҳаёти ва турмушкида, айниқса ёш авлоднинг камолот топишида, Ахлоқий вояга етишида оиланинг ўрни ва вазифаси бекиёсdir. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек: "Бола туғилган кунидан бошлаб оила мухитида яшайди. Оиласа хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, хис этади". Ютробошимиз яна уқтирганидек: "Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли авъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму-хаё', меҳру-окибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланган". Бас шундай экан, оила ва никоҳ нима, уларнинг моҳияти, мақсади ва аҳамиятини билиш ҳар бир фуқаро, ҳар бир бўлажак мутахассис, ёш авлоддан тортиб кекса кишиларгача билиши зарур ва муҳимdir.

Хўш, оила ва никоҳ нима? Оила сўзининг луғавий маъноси ҳақида ҳар хил нуқтаи назарлар бор. Масалан, Римликларда "оила" сўзи (Familia) дастлабки мулк эгасига бўйсунадиган шахслар (бу шахслар мулкининг бир қисми ҳисобланган; мулк эгасининг ўз болалари, хотини, асир, сотиб олинган ёки мерос бўлиб ўтган қуллар ҳам ҳисобга кирган) мажмуини билдирган. "Ота" сўзи ҳам дастлаб ҳозирги маънодага отани эмас, балки ўзига қарашли оиланинг хўжаси ёки эгаси деган сўзни англатган. "Оила"нинг луғавий маъноси бошқа бир манбада қуидагича изоҳланади: "Оила асли арабча "аёлманд, ниёзманд" маъноларини англатувчи "оил" сўзидан чиққанлиги "Фарҳанги забони тожикийда қайд этилган. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" да ҳам бу сўзнинг арабчалиги таъкидланиб, "эр-хотин, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи, хонадон" маъносидагина изоҳланади. Ҳар иккала изоҳда ҳам сўздаги маъно юки оналик булоғидан сув ичган ҳолда шаклланганлиги етарли ифодаланмаган. Бу жиҳатдан М. Фасмернинг "Рус тилининг этимологик луғати"да бу сўзга берган изоҳи ажралиб туради. У "семья" сўзи украинча "хотин" маъносини англатувчи "семьца" сўзидан келиб чиққан бўлиб, аслида "урғочи-самка" маъносини англатганини, ниҳоят эр ва хотин қўшилуви асосидаги бирлашувини англата бошлаганини қайд этади. Арабчада "завжा" дейилиб, унинг эркак билан қўшилувидан бола-чақа оламга келиб, аёлмандлик юзага келган, бинобарин оила шаклланган". (Сафаров О, Маҳмудов М. Оила маънавияти. Тошкент, "Маънавият", 1998, 11-бет.)

"Оила" сўзининг луғавий маъноси унинг моҳиятини англашда ва таъкидлашда муҳим негиз бўлади. Адабиётларда оиланинг турли таърифлари мавжуд. Шундан энг мукаммали қўйидагидир: Оила — кишиларнинг табиий-биологик (жинсий муносабатлар, бола туғиши), иқтисодий (мулкий муносабатлар, уй-рўзгорни бошқариш), хуқукий (масалан, никоҳни давлат йўли билан қайд этиш), маънавий (эр-хотин, отана ва болалар ўртасидаги меҳр-муҳаббат туйғуси ва бошқа) муносабатларига асосланган ижтимоий бирлиги". (Ўзбек совет энциклопедияси 8-жилд) Профессор А. Ортиковнинг маъруза матнларида, ёш олима Ф. Примованнинг оила ҳақида қўйидаги янада мукаммалроқ таърифи келтирилган: "Оила жамиятнинг тарихий

тараққиёт жараёнида, унинг давомийлигини таъминловчи табиий-биологик, ижтимоий эҳтиёжларнинг қонунияти асосида шаклланиб, такомиллашган кишиларнинг ижтимоий-иктисодий, хуқуқий, маънавий-Ахлоқий муносабатларига асосланган барқарор ижтимоий бирлигидан иборат". (Ортиков А. "Этика асослари" курсидан лекция текстлари. Тошкент — 1999, 95-бет.) Дарҳақиқат, оила эрхотин, уларнинг бола-чақалари, энг яқин туғишганларидан иборат кишилар гурухи, бошқача айтганда хонадонидир. Чунки оила жуфтлик қонуни асосида юзага келади, бир эркакнинг ўзи ёхуд бир аёлнинг ўзи оила бўла олмайди. Колаверса, оила фақат эр ва хотиндангина иборат эмас. Оила эр-хотиндан ташқари эрнинг ота-онаси, яъни қайнота ва қайноналар, фарзандлар, ука ва сингиллардан иборат кўп бўғинли хонадон. Унинг ҳар бир аъзоси ўз мавқеига эга, шу оиланинг ички интизомига буйсуниб яшайди. Шу маънода оила жамият ичидаги жамиятдир. Бу жамиятнинг ўз салтанати бор: Бунда минглаб тасодифлар жараёнида эр-хотин муҳаббати синовдан ўтади, шу синов жараёнида улар бир-бирларини чукурроқ тушуна боради, бир-бирларини қадрлашни ўрнига қўядиган бўлади, бир-бирларига кечиримли бўлишади, эротага, хотин-онага айланади, фарзандларни тарбиялаб элга қўшади, орзу-хавас кўради. Шу маънода оила инсон хаётига тўқислик бахш этади, жамиятнинг муқаддас маскани сифатида садоқат сарчашмасига айланади. Оила ана шу асосларга таянган ҳолда кишилик тафаккури ва ижтимоий ҳаракатишишг улуғ кашфиёти бўлди. Демак, оила-жамиятнинг асосий бўғини, ячейкаси бўлиб, унда эр-хотинлик, ота-оналиқ, фарзандларнинг ва туғишганларнинг ўзаро шахсий қариндошлиқ ва мулкий мақсадлари, манфаатлари ва хукуклари билан боғлиқ муносабатлар мужассамлашгандир. Кишилар учун муқаддас даргоҳ бўлган оила инсонларнинг табиий, иктисодий, ижтимоий, хуқуқий ва маънавий муносабатлари замирида вужудга келади. Албатта оила жуфтлик қонуни асосида юзага келади. Бу жараёнда энг аввало иккала жинс ўртасидаги келишув, яъни никоҳ асосий рол ўйнайди. Чунки оила тақдири расмий-никоҳий тус олишидан бошланади, шундагина эр-хотин олдида, хотин эр олдида, улар ота-она сифатида фарзандлару қавм-қариндошлар, маҳалла-кўй, қисқаси жамият олдида, ўз навбатида фарзандлар ҳам ўз ота-оналари ва эл олдида маъсулият сезадилар ва бурчли эканликларини ҳис этиб яшайдилар.

Хўш, никоҳ нима? Никоҳ ҳам арабча сўз бўлиб, "Ўзбек тилининг изоҳли луҚати"да: Эр-хотинликни шариат йўли билан расмийлаштириш маросими ва шу маросимда домулла томонидан ўқиладиган шартнома маъносига эга эканлиги қайд этилган". Бошқа луғатларда ҳам никоҳ "Эр-хотинликнинг юридик (хуқуқий) равища расмийлаштирилган оилавий иттифоқи, "иждевож, никоҳ аҳди", "эр-хотинлик, уйланиш" маъноларида ишлатилган. (Қаранг: Сафаров О, Маҳмудов М. Оила маънавияти. 15-бет.)

Никоҳ, тўғрисида ҳам турли таърифлар бор. Шундан энг маъкули қуйидаги таърифдир: "Никоҳ, икки жинсдаги шахсларнинг оилавий муносабатларда иштирок этиш учун ўзаро аҳдлашувидир". (Давлат ва хуқуқ, асослари. Изоҳли луғат. Тошкент, "Ўқитувчи", 1996, 49-бет.) Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) бўлимида тузилади ва расмийлаштирилади. Демак, Никоҳ-оиланинг фақат хуқуқий асоси бўлиб, эркак билан аёлнинг бир-бирига ва болаларига, яъни бир оиласа мансуб кишиларнинг бир-бирлари олдида ва жамият олдида хуқуқ ва мажбуриятларини, Ахлоқий ва хуқуқий маъсулиятини белгилайдиган оилавий иттифоқидир. Демак, оила никоҳ асосида вужудга келади. Лекин оила ва никоҳ айнан бир тушунчалар эмас. Оила-никоҳ ва қон-қардошлиқ билан боғланган кишиларнинг тарихан шаклланган иттифоқидир, энг аввало эр ва хотин, ота-оналар билан болалар ўртасидаги муносабатлардир. Никоҳ-оиланинг фақат хуқуқий асоси бўлиб, бир оиласа мансуб кишиларнинг, энг аввало эр ва хотиннинг ва фарзандларнинг бир-бирлари олдида хуқуқ ва мажбуриятларини, Ахлоқий ва хуқуқий маъсулиятини ифодалайди. Оила ва никоҳ тарихий ҳодиса бўлиб, улар жамиятнинг келиб чиқиши ва тараққиётида азалдан мавжуд бўлмаган. Оиланинг келиб чиқиши ҳали батамом ойдинлаштирилган эмас. Бу тўғрида турлича нуқтаи-назарлар мавжуд. Мутахассисларнинг аксариятининг фикрича оила ва никоҳ муносабатларининг эволюцияси қуйидагича юз берган: Ибтидоий тузумининг аввалида (илк ва сўнгги палеолит чегараларида) умуман оила ва никоҳ бўлмаган, у даврда промискуитет деб номланган тартибсиз жинсий алоқалар одати ҳукм сурган, яъни тўдадаги ҳар бир аёл барча эркакларники ва ҳар бир эркак барча аёлларники ҳисобланган. Кейин бу алоқалар ўрнини гурухий никоҳ эгаллаган. Гурухий никоҳда бир уруғдаги ҳамма эркаклар бошқа уруғнинг барча аёлларига эр

бўлиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Сўнгра эса мазкур жамият оиласининг асосий шакли сифатида жуфт оила пайдо бўлган. Жуфт никоҳда эса эр хотин ҳисобланган эркак ва аёл уз уруқларида яшаган. Бу оила қариндошлини оталикни, ота томонидан (оталик даври), она томонидан (оналик даври) ҳам ҳисоблаб борган, лекин бу оилаларда ҳали эр хотин никоҳи барқарор, алоҳида хўжаликка эга эмас эди. Бу даврда (бронза даври бошланиши ва темир даврида) табиий фактор ўз вазифасини тугаллади, яъни жинсий муносабатлар доирасида қон қардошлар истисно қилинди, жинсий муносабатлар фақат бир эркак ва бир аёл муносабатларига айланган никоҳда хотин эр билан яшаш учун унинг уруқига кўчуб ўтган. Моногам (якка никоҳлик) оила пайдо бўлди. Ниҳоят индивидуал оила бўлиб, бу кичик оилада никоҳ эр хотинни ҳамда уларнинг болаларини бир бири билан мустаҳкам боғлайди. Бу ҳолат хусусий мулкчилик ривожлана бошлаб ибтидоий жамоа тузуми емирилаётган даврга тўғри келади. Оила шакллари никоҳ характеристига қараб бир биридан фарқ қиласди: Полигам (кўп никоҳлик) ва моногам (бир никоҳлик) оила; ҳукмронлик кимнинг кўлида бўлишига қараб оила патриархал (ота ёки ака укаларнинг бири томонидан бошқариладиган) матриархал (она томонидан бошқариладиган), демократик (эр хотиннинг тенглигига асосланган) оилага бўлинади. Ҳозирги жамият оиласи "демократик" олианинг типик шаклидир.

Машҳур америка файласуфи Жорж Сактайяна (1803-1952) таъкидлаганидек: "Оила, бу — табиатнинг шоҳ асарларидан бирига айланди". Француз ёзувчиси В. М. Гюго (1802-1885): "Оила жамиятнинг дуру гавҳари", — деган эди. Буюк татар олими Ризоуддин ибн Фахруддин (1848-1917) ўзининг асримизнинг бошларида ёзиб, Этика, одоб, оила масаласига кўп эътибор килган "Оила" асарида шундай деган эди: "Миллатлар шарафини юқори мартабага кўтарадиган нарса миллионлар ила саналмоқда бўлган аскарлару дунёда энг буюк ва зўр бўлган кемалар эмас, балки энг оз эътибор берадиганимиз ё бўлмаса хеч бир замон эътибор бермасдан келадиганимиз бўлмиш оиладир. Оила низомсиз бўлса, унинг ёмон оқибати бутун миллатга таъсир этар ва шу сабабдан фазилат ерига разолат, тараққиёт ўрнига тубанлик негиз кўрап. Худонинг ўзи арасинку, агарда бир миллатга бундай ҳол рўбару келса, у миллат китобининг сўнгги варақи очулқусидир". (Ризоуддин ибн Фахруддин. Оила. Тошкент "Мехнат" —1991 й, 7-бет.)

Оила -Жамият тараққиётига фаол таъсир кўрсатувчи ижтимоий ҳодисадир. Унинг энг муҳим социал вазифалари қаторига инсон зотини давом эттириш, оила аъзоларининг турмуш майшатини, бўш вақтини қондиришни уюштириш кабилар киради. "Оила ҳақида гапирав эканмиз, — деб таъкидлаган эди Президентимиз И. А. Каримов, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадаган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор". Хуллас, оила жамиятнинг энг кичик ячейкаси ва асосий бўғинидир. Унда кишилик уруғини давом эттириш ва уни тарбиялаш вазифалари амалга оширилади.

Оилавий муносабатлар маълум ҳуқуқий ва Ахлокий асосларга эга. Бу масалалар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган "Оила кодекси"да батафсил баён қилинган бўлиб, уларнинг асосий вазифалари оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва хурмат, ҳамжиҳатлик, бир бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги ҳисси асосида кўришдан, бирон бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик аралashiшига йўл қўймаслик, оила аъзолари ўз ҳуқуқларига тўсқинликсиз амалга оширишини ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат. Оилавий турмушда ота оналар қуидаги ҳуқуқларга эга бўлади ва бажарилиши уларнинг бурчлари ҳисобланади:

- 1) болаларга исм-шариф ва фамилия кўйиш;
- 2) уларнинг фуқаролигини ва миллатини белгилаш;
- 3) ўз болаларига вакиллик қилиш, яъни улар ҳали ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз эканлар, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

4) ўз болаларининг истиқомат жойларини белгилаш ва уларни қонунсиз ушлаб турган шахслардан талаб қилиб олиш;

5) ўз болаларини тарбиялаш, уларга нафақалар бериш ва ҳоказо.

Ота-она ўз боласига қарамаса, ташлаб кетса, жиноят йўлига ўтиб бурчларини бажармаса улар оталиқ, оналик ҳукуқларидан маҳрум этилиши мумкин ҳамда улар кейинчалик фарзандларидан нафақа олиш ҳукуқларидан ҳам маҳрум бўладилар. Ўз навбатида фарзандлар ҳам ота-оналарининг олдида ўз бурчларини бажаришлари шарт бўлиб, буларга меҳнат қобилиятини йўқотганда, касал бўлганда, боқувчисиз қолган ота-оналарга ғамхўрлик қилиш ва ҳоказолар киради.

Оилавий муносабатлар Ахлоқий асосларга ҳам эга. Президентимиз Каримов И.А. таъкидлаганидек: "Оила муқарарлигини таъминловчи биринчи омил — Она, ахли аёлнинг покизалиги, оқилалиги, меҳр-муруввати, садоқоти ва вафодорлигидир". Оиланинг энг муҳим Ахлоқий асосларига севги-муҳаббат, вафодорлик, меҳр-оқибатлилик, иззат-хурматли бўлиш кабилар киради. Оиланинг асосий бош Ахлоқий асосини икки жинсга мансуб кишиларнинг эркак ва аёлнинг севги ва муҳаббати, бир-бирини англаган ҳолда биргаликда яшаш ва кўпайиш истагининг; жамиятни тўлдириш, яъни инсон зотини кўпайтириш, ўз авлод аждодини давомийлигини саклаш, энг муҳими уларни иқтисодий ва маънавий-Ахлоқий жиҳатдан мукаммаллаштириш йўлида биргаликда қиласиган хатти-ҳаракатларининг жамидир. Оилавий Этика асосини икки жинс ўртасидаги севги-муҳаббат ташкил қиласи. Илмий тадқикотларда севги-муҳаббатнинг тўла маънодаги таърифлари йўқ. Фалсафий қомусада: Севги-шахснинг бошқа шахсга бегараз ва бекиёс интилишида намоён бўлувчи ҳиссиётидир, деб таърифланади. (Философская энциклопедия. М, 1964, 165-бет.) Этикага оид қўлланмалар ва луғатларда севги-муҳаббат кишиларнинг ўзаро манфаатдорлига ва майлига асосланган ҳиссиёти, икки жинсдаги ёшнинг бир-бирига мойил бўлиши, бир-бирини бир қарашнинг ўзида тушуна билиши, бир-бирига ҳамиша ён босишлари, бир-бирларини бутун умр бўйи ардоқлашларидир. (Қаранг: Узоков X, Гозиев Э, Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси, Тошкент, "Ўқитувчи", 1992 й, 69, 75-76 бетлар). Профессор А. Ортиковнинг таъкидлашича севги –муҳаббатнинг учта: табиий (биологик), ижтимоий ва шахсий мезонлари бор. Масалан, муҳаббатнинг табиий мезонига севишганларнинг никоҳ ҳақида қонунида белгиланган ёшга етганлиги, уларнинг ёшидаги яқинлиги, ҳар икки жинснинг соғломлиги ва ҳоказолар киради. Севгининг ижтимоий мезонига севишганлар ота-онасининг ижтимоий-иқтисодий, моддий ахволи, чунончи бўлғуси келин-куёвлар тўйини қилишга тайёрлик даражаси, уларга маҳсус ёки қулай хоналарнинг мавжудлиги, келин ихтиёрига маҳр белгилашга имконият бор-йўклиги, бўлғуси оилани моддий жиҳатдан таъминлашга тайёр ва тайёр эмаслиги ва ҳоказо масалалар киради. Севги-муҳаббатнинг шахсий мезонларига севишганларнинг оилавий муносабатларга хос дунёвий ва диний дастурлардан хабардорлиги, уларнинг бир-бирларини ҳар томонлама яхши билишлари ва ҳоказолар киради. Ана шу уч омилга озми кўпми жавоб берадиган севги абадийдир, уларга мос келмайдигани вақтинчалик, ўткинчидир. Ана шу уч мезонга жавоб берувчи йигит ва қиз оила куришга ҳақлидир. Оиланинг Ахлоқий асосини вафодорлик фазилати бўлиб, бундай эркак ва аёллар ҳар қандай чигал вазиятда ҳам дўстлик ришталарини узмайдилар, бир-бирлари учун керак бўлса жон фидо қилишдан ҳам қайтмайдилар, улар орасида ғоят кучли маънавий бойлик ва содиклик, ҳамкору ҳамнафаслик вужудга келади. (Қаранг: А. Ортиков. "Этика асослари" курсидан лекциялар текстлари. 95-96 бетлар) Оиланинг Ахлоқий асосини меҳр-оқибатли бўлиш, бир-бирига иззат-хурмат кўрсатиш ҳам ташкил этади. Оилавий ҳаётда бундай фазилатлар бўлмаса, бундай оила азоб ва машаққат масканига айланади. Шунинг учун меҳр-оқибатли бўлиш, бир-бирларига иззат-хурмат кўрсатиш ҳар бир эркак ва аёлнинг ҳамда фарзандларининг муқаддас бурчидир.

Инсоннинг, айниқса ёш авлоднинг Ахлоқий камол топишида оиланинг ўрни ва роли бениҳоя катта. Президентимиз Каримов И.А. таъкидлаганидек: "Ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланади". "Оила Этикаи ва одоби" номли тўплам муаллифлари X. Узоков, Э. Гозиев, Л. Орирова оила ва Этика масала ҳақида кенг ва

теран фикрлар юритиб, жумладан бундай ёзганлар: "Оила ижтимоий-тарихий хусусиятга ва муайян тузилишга эга бўлган ижтимоий гуруҳнинг кўринишидир". Уларнинг жуда тўғри фикрича, оила жамиятнинг бошлангич хужайраси, ўғил-қизларнинг Этикаи, маданий даражаси, қобилияти, ақл-заковати, фикр-юритиши, хаёллари, мулоқати, хулк-автори, эътиқоди ва илмий дунёкараши кабиларга юқори даражада тарбиявий таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлган нур, зиё макондир.

Оилада фарзандлар тарбиясида асосий ўринни ота-она, ундан кейинги ўринни ўрта ва олий мактаб, сўнгра маҳалла, ёшлар ишләётган жамоа, оммавий ахборот воситалари ўйнаши лозим. Бу жараёнда ҳар бир оиланинг мавқеи, иқтисодий жихатдан таъминланганлиги, оилавий сарф-харажатлар, уй хўжалигини юритиш, оилавий урф-одатлар, расм-руслар, қариндошлар ва бошқалар билан борди-келди муносабатлари, фарзандлар тарбияси ҳақидаги Шарқ мутафаккирлари, ўзбек маърифатпарварлари ўйтлари ва таълимотларини ўқиши ҳамда уларни ҳаётда кўллаш ўкув ва меҳнат жамоалари, маданият ва санъат муассасалари газета, журнал, радио, телевидение ва ҳоказо касблар катта рол ўйнайди.

Мустақил Ўзбекистон таракқиёти ва бозор иқтисодиёти шароитида оилани мустаҳкамлаш ҳамда такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, биринчидан, Ўзбекистон аҳолисининг деярли ярми мактабгача ва мактаб ёшидаги болалардир; Иккинчидан, соғлом авлод ўстириш-келажагимиз гаровидир. Учинчидан, бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг баҳту-саодати, фазлу-камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қиласи, узини аямайди. Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла, юрт мустаҳкам бўлсагина давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Тўртинчидан, Республикаизда 3,5 миллиондан зиёдрок оила бор. Ҳар йили 200 мингдан ортиқ оила ташкил топаяпти; 700 минг гўдак дунёга келяпти. Шу боисдан мустақиллигимизнинг юксалиши ва бозор иқтисодиётини шакллантириш даврида оилани мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор беришоқда. Мустақиллик муносабати билан ўзбекларнинг оилавий ҳаётида тақиқ остида бўлган баъзи хусусиятларни тиклаш масаласи ҳозир ҳал қилинмоқда. Жумладан, ҳовли жойларни куришда миллий хусусиятлар ички ва ташки ҳовлилардан иборат қилинмоқда. Худди шунингдек "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис этилиши, оилаларни ижтимоий ҳимоялашнинг кучайтирилганлиги, оналик ва болалик тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилинаётганлиги, 1998 йилни оила йили, 1999 йилни аёллар йили деб эълон қилиниши, Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитасининг ташкил топиши ва унинг фаолиятининг кенгайиб бораётганлиги, Ўзбекистон Республикасида болалар жамғармасининг ташкил этилиши, "Оила" Республика илмий амалий марказининг ишлай бошлаганлиги ва ҳоказолар фикримизнинг далилидир. Буларнинг ҳаммаси Президентимиз Каримов И.А.нинг "Хотин қизларга муносабати жамиятимизнинг маънавий, Ахлоқий етуклигининг ўлчови бўлиб хизмат қилиши керак" деган кўрсатмаларининг амалга ошиralаётганлигининг ифодасидир.

Такрорлаш учун саволлар

1. Мухаббатнинг ахлоқшунослик мезоний тушунчаси (категорияси) сифатидаги моцияти нимада?
2. Эзгулик ва ёвузлик мезоний тушунчаларининг ижтимоийлик хусусиятлари нимада?
3. Яхшилик ва ёмонликнинг эзгулик ва ёвузликдан фарқи нималарда кўринади?
4. Адолатнинг жамият ва шахс ахлоқий ҳаётидаги ўрни қандай хусусиятлар билан белгиланади?
5. Нима учун Виждон ахлоқшуносликнинг энг муҳим мезоний тушунчаларидан ҳисобланади?
6. Бурч тушунчасининг ахлоқий мохиятини қандай изоҳлаш мумкин?
7. Номус тушунчасининг ахлоқий ҳаётидаги ахамияти нима билан белгиланади?
8. Идеалнинг мохияти ва инсон ҳаётида тутган ўрни қай тарзда намоён бўлади?
9. Ахлоқий тамойилларнинг инсон камолотига таъсири қай тарзда рўй беради?
10. Шахс ҳаётида алоқий меъёрлар қандай ўрин тутади?

Адабиётлар:

70. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.:Ўзбекистон, 2010.
71. Каримов И.А. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
72. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас қуч. -Т.: Маънавият, 2008.
73. Абдулла Шер. Ахлокшунослиқ. Дарслик. -Т.: ЎзФМЖ, 2010.
74. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавхалар. / К. Назаров таҳрири остида. -Т.: Шарқ, 2004
75. Мухаммаджонова Л., Жадид мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари. - Т.: УзМУ. 2007.
76. Нурматова М. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. - Т.: Университет, 2009.
77. Хусанов Б., Ғуламов В. Муомала маданияти. Дарслик. -Т.: Иктисад- молия, 2009.

15-Мавзу: Эстетиканинг предмети, мақсади ва вазифалари. “Эстетика”нинг структураси.

Режа:

- 1.“Эстетика” - нафосатни ўрганувчи қадимий фан. “Эстетика” фанининг обьекти ва фалсафий моҳияти.
2. “Эстетика” ҳақидаги қарашлар тарихи.
- 3“Эстетика” ва ижтимоий фанларнинг ўзаро алоқадорлиги.(фалсафа, этика, тарих, миллий гоя, педагогика ва бош.фанлар).
- 4.Эстетик фаолиятнинг турлари: халқ ижоди ва профессионал ижодий фаолият, бадиий фаолият ва унинг эстетик табиати, илмий фаолия ижодий фаолият, техник фаолият.

Таянч тушунчалар:

Эстетика,нафосат,гўзаллик, борлиқ, табиат, инсон,жамият,санъат.

Оlamдаги маҳлуқотлар орасида ақл-идрок соҳиби бўлган Одамга ёруғликни қоронғуликдан (қунни тундан), рангларни (оқни қорадан) фарқлай олиш, кулишни ва фожиани: мушоҳада этиш, кўйингки, нафосат, гўзаллик, эзгулик, улуғворлик, олижаноблик оламига интилиш билан бирга хунуклик, худбинлик, лоқайдлик, жоҳиллик, пасткашлик каби иллатларга қарши кураш олиб бориш қобилияти инъом этилган. Инсон шу қобиляти туфайли ўзлигини англаб, комиллик сари интилиб келмоқда. Инсоннинг ўзига, ўзи яшаётган турмуш муҳитига ҳаводек зарур бўлган гўзаллик, нафосат дунёсини яратишдаги машаққатли меҳнати туфайли шу қадар улуғвор аҳамиятга молик бўлган маънавий бойликлар вужудга келлиш, уларга ҳайрат билан боқиб, инсоннинг ақл-нафосат қудратига таҳсинлар айтамиз.

Нафосат ва гўзаллик дунёси шу қадар хилма-хил, ранго-ранг, жозибали, эҳтиросли, мўъжизали, сехрлики, унда моддий гўзаллик билан маънавий гўзаллик уйғун ҳолда чирой очиб туради. Инсоннинг нафосат оламини англашга интилиш атроф-воқеликни англашга интилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Инсон моддий гўзаллик дунёсини бунёд этиш жараёнida маънавий гўзалликларни ҳам кашф эта борган, яъни нафосат оламининг яратилиши жараёни уни англаш, мушоҳада этиш жараёни билан уйғунликда содир бўлган.

Нафосат оламини яратиш билан бир қаторда уни англаш, идрок этиш, ўзлаштириш мақсади, яъни нафосат оламини тадқиқ ва таҳлил этиш зарурияти пайдо бўлди. Диний маҳалда бу зарурият нафосат (эстетика) соҳасидаги билим ва тажрибаларни тўплашга имкон яратди. Нафосат одамни ўрганади, тадқиқ ва таҳлил этиш заруриятини воқеликка айлантириш, мазкур соҳада илмий тадқиқот ишлари

олиб бориши, унинг моҳиятини одамларга англатиш, ўқитиш каби маҳсус вазифаларни эстетика фани ва ўкув дарси бажаради.

«Эстетика» атамаси юононча «эстезис», яъни ҳиссиёт, сезиш, ҳаяжон, қўзғаш маъноларига эга бўлган сўздан олинган. Лекин бу сўз тор мазмун доирадан аллақачонлар чиқиб кетган. Аслини олганда эстетика фани ва ўкув дарси фалсафий билимлар мажмууда ўзига хос, алоҳида ахамиятта молик бўлиб, у бир томондан инсоннинг атроф-мухит, воқеликка, гўзаллик ва хунуклик қадриятлари доирасидаги оламни яратиш жараёнидага фаолиятини намоён этади.

Эстетика фанининг бу икки томони мутаносиблиги ниҳоят даражада мураккаб тизимга эга бўлиб, уни соддалаштириб қолипга солишга уринишлар кўп ҳолларда кулгили вазиятларга олиб келади. Унинг бир томонини бўрттириб, иккинчи томонини унга бўйсундириб қўйиш ҳам эстетика фани моҳиятини бузилишига олиб келади. Масалан, атроф-воқеликни гўзаллик мезони билан баҳолашни бўрттириб юбориш эстетикани фақат «гўзаллик фалсафаси» қолипига зўрлаб сифдиришга, инсон бадиий фаолияти соҳасини эса фақат «санъат фалсафаси» даражасига тушириб юборишга сабаб бўлади.

Эстетиканинг фан, кейинчалик эса ўкув дарси сифатида шаклланиш жараёnlарида уни бир қатор мустақил билим соҳаларига бўлиб юборишлар, яъни эстетикани «эстетик қадриятлар назарияси», «эстетик идрок этиш назарияси» ва «умумий санъат назарияси» соҳаларига ажратиб ўрганиш ҳамда ўқитиш мақсадга мувофиқ деб кўрсатилган эди.

Инсоннинг эстетик фаоллиги моддий фаолияти билан, аксинча, унинг бадиий фаолияти эстетик (рааллиги билан баб-баробар деган ақида тарққиёт моҳиятида ўзини окламади. Аслида бу икки нисбий мустақил мақомга эга бўлган инсон фаолияти соҳалари ўзаро шу қадар чирманиб кетганки, уларни бир-биризиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Инсоннинг эстетик фаоллиги жараёнида табиат ва жамият қадриятлари муносабатлари тизимидағи эстетик хусусиятлар (гўзаллик ва хунуклик, улуғворлик ва пасткашлиқ, фохишилик ва кулгилилик) қонуниятлари намоён бўлади. Инсоннинг эстетик фаоллиги сифати ва даражаси эса эстетик қадриятлар билан эстетик баҳолаш қобилияти, эстетик идрок этиш билан эстетик амалиёт ўрталаридағи узвий алоқадорлик маданиятнинг барча соҳаларидаги бадиий ва эстетик ўзаро боғлиқлик мезонлари билан ўлчанади.

Эстетика фани ҳеч вақт фақат атроф-воқеликни эстетик ва бадиий идрок этиш қонуниятларини ўрганиш билан чегараланиб қолмай, у тадқиқ ва таҳлил ишларини истиқбол мақсад-манфаатларига йўналтириб турган. Эстетиканинг ис-тиқболга мўлжалланганлиги шу билан изохланадики, у воқеликни нафосат нуқтаи назаридан баҳолашда, бадиий мезон ўлчовларини илмий жиҳатдан ишлаб чишиб, амалий фаолиятга татбиқ этишда ўз ифодасини топади.

Инсоннинг эстетик тафаккури шаклланиб, ривожланиб, такомиллашиб боргани сари унинг ихтимоий-руҳий, мағкуравий-гоявий, сиёсий-маънавий интилишлари ҳам тобора тиниклашиб беради. Чунки, эстетик тафаккур инсоннинг мақсад-манфаатларини эстетик-бадиий воситаларда назарий асослаб беради, эстетик маданият ва бадиий амалиёт асосларини ўрганиш, таҳлил қилиш билан бойитади, эстетик назарияларнинг фалсафий асосларини очиб беради, воқеликни эстетик инъикос этиш жараёnlарини кўрсатиб беради.

Шундай қилиб, эстетика фани ва ўкув дарси воқеликни эстетик мушоҳада этиши ва бадиий ижод жараёnlарининг узвий мутаносиблигини намоён қиласи ва ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, эстетика — бу нафосат алами, санъат ва бадиий ижод жараёnlари қонуниятларини ҳис-туйгу, сезги-идрок қилиши воситалари орқали ўрганадиган ва ўргатадиган фандир.

Эстетика мавзуи билан бевосита алоқадор бўлган «эстетик муносабатлар», «борлиқни эстетик ўзлаштириш», «эстетик баҳолаш», «эстетик тафаккур», «эстетик фаолият», каби ўзаро яқин, маънодош бир қатор тушунчалар бор. Улар орасидаги «борлиқни эстетик ўзлаштириш» тушунчаси қолган «эстетик

муносабат», «эстетик билиш», «эстетик тафаккур», «эстетик фаолият» тушунчаларини ҳам қамраб олади. Шу боис эстетика фани инсоният томонидан борлиқни эстетик ўзлаштириш мөхияти ва қонуниятларини ўрганади десак түғрироқ бўлади. Борлиқни эстетик ўзлаштириш эса санъатнинг асосий мазмунини ташкил этади. Шу боис эстетика фани санъатнинг асосий-услубий методологик замини бўлиб хизмат қиласди.

Эстетиканинг борлиқни эстетик ўзлаштириш моҳияти ва қонуниятлари хақидага фан сифатидаги ўзига хос бир қатор фазилатлари ҳам бор. Эстетика фани инсон теварак-атрофидаги моддий ва маънавий бойликларнинг барчасини қамраб олишга, инсон фаолиятининг барча жабҳаларидаги нафосат оламни санъат барча турлари воситасида чукур ўрганишга даъват этади. Санъат эса эстетик бойликларни яратиш манбаидир. Санъатни илмий жиҳатдан тахлил ва тадқиқ этиш баробарида эса эстетик фаолиятнинг барча кўринишларига илмий жиҳатдан ёндашиш учун замин яратилади. Шу боис санъат ва бадиий ижоднинг табиати ва моҳиятини ўрганиш, қоиуниятларини ўзлаштириш гўзаллик — нафосат (эстетика)нинг барча сифат даражаларини ўрганиш учун калит вазифасини ўтайди. Бу жабҳаларга санъатнинг умумий назарияси (санъатнинг табиати, моҳияти, тараққиёти ва фаолиятининг муштарак қонунларини англатувчи), эстетика фанининг хусусий-услубий асосларига оид тадқиқотлар (мавзуи, илмий мақоми, бурч вазифалари, усул-услубларининг ўзаро муносабати масалалари), моддий бойликлар яратиш эстетикаси (мехнат қилиш жараёнида моддий ишлаб чиқариш шароити ва маҳсулида эстетик жиҳатлар масалалари), муҳандислик-лойиҳачилик фаолияти ва илмий-тадқиқот ишлари соҳасида эстетик жиҳатлар, табиат эстетикаси (табиатга муносабат масаласида ўзига хосликларни англаш ва табиатдан фойдаланшпга оид эстетик омиллар), инсоний муносабатлар эстетикаси, кундалик турмуш ва одоб эстетикаси каби бир қанча соҳаларни киритиш мақсадга мувоғивдир. Ҳозир жаҳон эстетика фанида бу жабҳаларнинг ҳар бири эстетика таркибиға кирувчи мустақил маҳсус ўқув курслари дара-жасига кўтарилган. Эстетика фани эса бу маҳсус ўқув курсларининг услубий-методологик асосини ташкил этади.

Эстетика фани фалсафий билимлар тизимида ўзига хос ўрин эгаллади. У энг аввало, фалсафий бўлиб, унинг назарий ва услубий асосларини фалсафий тафаккур назарияси ва тарихи ташкил қиласди. Масалан, воқеликни эстетик ва бадиий ўзлаштиради жараёнларини, ўрганишда холислик, тарихий ёндашиш, билиш жараёнида амалий тажрибанинг аҳамияти каби услубий асосни кўллаш ижобий самараларга олиб келиши мумкин.

Билиш назарияси воситасида санъатнинг билиш табиати, воқеликни бадиий-рамзий ифодалаш билан илмий тадхик этиш ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва ўзаро фаразлар, воқеликни бадиий воситалар орқали тасвирлашнинг ижодий табиати, санъат асарларидағи шартлилик ва бадиий хақиҳат каби эстетика фанининг жуда кўп назарий ҳамда услубий асослари муаммоларини ечиш, уларга жавоб излаб топиш мумкин.

Билиш назариясининг бошқа ақидалари — ижтимоий онгнинг нисбий мустақиллиги, маънавий ҳаёт хилма-хил шаклларининг ўзаро бир-бирига таъсир ўтказиши, иқтисодий замин билан ижтимоий онг турли шакллари ўртасидаги билвосита алоқадорлик ва боғлиқлик каби масалалар ҳам эстетик онг, бадиий ижод ва санъат табиати ҳамда хусусиятларини илмий тушунишга ёрдам беради.

Айни маҳалда эстетика фани мустақил билим соҳасини ташкил этган ҳолда у фалсафанинг равнақ топиб боришига ҳам ўзининг хиссасини қўшади. Масалан, билиш назариясининг янада ривожланиб, мазмунан бойиб боришида бадий билиш ҳам муҳим ўрин тутади. Билиш назарияси, бадиий маданият қадриятлари, воқеликка эстетик муносабат, эстетик тушунчалар, айниқса ижтимоий онг, унинг нисбий мустақиллиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам кўп жихатдан санъат билан боғлиқдир.

Эстетика фани мазмунан социология — кенг ижтимоий билимлар доираси билан алоқадордир. Эстетика социология фани билан уч таркибий қисм орқали боғланади: биринчидан, ижтимоий воқеа ва ҳодисалар ҳамда жараёнларнинг услубий асоси ҳисобланган умумсоциология назарияси эстетиканинг ҳам илмий-назарий асоси бўлиб хизмат қилади; иккинчидан, социология ижтимоий воқеа-ҳодисаларнинг хусусий, алоҳида, нисбий мустақил соҳалари (сиёсат, давлатлар, миллатлар, санъат турлари ва кўринишлари)ни қамраб олган ҳолда эстетика ва бадий ижод жараёнларининг айrim жабхалари билан узвий боғлиқлика намоён бўлади; учнинчидан, аниқ социологик тадқиқотлар орқали олинадиган дастлабки ижтимоий ахборотлар (маълумот — билимлар) эстетик ва бадий фаолият жараёнларни ҳам қамраб олади.

Шундай қилиб, эстетика социологиянинг барча билиш даражалари билан у ёки бу кўринишларда ўзаро алоқадорликда бўлиб, бу алоқадорлик хилма-хил йўналишларда намоён бўлади. Масалан, эстетика умумсоциологик назарияга таянган ҳолда ўзининг гоявий-мафкуравий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-Ахлоқий йўналишлари ва мақсадларини шакллантиради. Социология санъат билан жамият ўртасидаги турли-туман алоқаларни тадқиқ этади. Лекин санъат социологияси эстетиканинг социологик муаммолари билан тўла қўшилиб кетмайди. Чунки, санъат социологияси билан эстетиканинг социологик муаммолари ўртасида катта фарқ бор. Эстетика нафаҳат санъат, балки воқелик-ни эстетик ўзлаштиришнинг барча шаклларига тааллуқли бўлган социологик масалалар ечими билан ҳам шуғулланади. Яна бир фарқ шуки, эстетик мўлжал ҳамиша санъатнинг хусусиятларини очишга қаратилган бўлади. Санъат социологаясининг асосий вазифаси эса умумсоциологик қонунларнинг санъат соҳасида амал қилишидир. Шунингдек, санъат социологаясининг тушунча во-ситалари ҳам ўзига хосдир. Масалан, «жамиятнинг бадий ҳаёти» тушунчаси соф эстетикадан кўра кўпроқ социологияга тааллуқлидир. Эстетиканинг социологик муаммолари билан социологая фанининг айrim соҳалари ўртасидаги фарқ ва чегаралар шартли бўлиб, санъатнинг ижтимоий хусусиятларни тадқиқ қилишда мазкур фарқлар ва чегаралар йўқолиб кетиши мумкин.

Социология билан эстетика фанининг узвий боғлиқлиги бўш вақт тизимида санъатнинг ўрни шахснинг эстетик маданияти билан меҳнат фаолияти ўртасидаги алоқадорликка тааллуқли бўлган маълумот ва ахборотларни жамлаш ва илмий қайта ишлаб чиҳишда яққол кўзга ташланади.

Эстетика фани руҳияшунослик (психология) фани билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Буни эстетика тафаккур тараққиётининг барча босқичларида кузатамиз. Бу яқинликнинг асоси шундаки, воқеликка эстетик муносабатнинг барча томон-лари эстетик дид ёки эстетик ҳис-туйғу, бадий ижод ёки бадий идрок қилиш жараёнларинийг ҳаммаси руҳият мезони билан ўлчанади. Чунки, эстетика у ёки бу даражада инсоннинг руҳий, ҳис-туйғу ҳолатини ифодалайди.

Руҳилишунослик фани эстетик муносабатларнинг барча томойларини, жумладан, бадий ижод ва идрок жараёнларини амалий ва назарий жиҳатдан тадқиқ этади. Айни маҳалда эстетика фани инсон руҳий ҳаётининг энг мураккаб ва нозик томонларвни қамраб олади. Эстетиканинг тарквбий қисмларини руҳиятишунослик фанининг эришган ютуқлари ва хулосаларидан кенг фойдаланмасдан туриб тасаввур этиб бўлмайди. Айни пайтда шуни ҳам унутмас-лик керакки, санъатнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда руҳиятишунослик фанининг ахамияти қанчалик катта булмасин, у ҳеч вақт эстетика фанининг ўрнини боса олмайди. Зоро, ўтмишда ва ҳозирда воқеликка эстетик муносабатининг бутун бир соҳасига руҳиятишунослик ақидаларини бош мезон қилиб олиб, эстетикани мустақил фан сифатида четга суриб қўйишига мойиллик сезилади.

Эстетика фанининг ҳозирги даврга хос хусусиятларидан бири шуки, бу соҳага кибернетика, семиотика (белгилар тизимларини қиёсий ўрганиш билан шуғулланувчи билим соҳаси) ва математика каби фанларнинг усул ва восита-лари ҳам изчил кириб ўрнатаяпти.

Эстетика санъат ва бадиий фаолият турли шакл кўринишларни ўрганадиган билим соҳалари учун услубий асос бўлиб хизмат қиласи экан, айни маҳалда у адабиётшунослик, мусиқашунослик, театршунослик, Этика каби фанлар билан ҳамкорлик қилиш жараёнида ривожланиб боради. Бу ҳамкорлик энг аввало мазкур фанларнинг ҳам санъат умумий назариясига амал қилишида кўринади. Масалан, санъатнинг хусусий назарияси адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат ва бошқа ижод соҳаларининг хусусиятларини тадқиқ этса, санъатнинг умумий назарияси санъатнинг барча турлари, бадиий ижод барча соҳалари амал қиладиган қонуниятларнинг умумий белгиларини ўрганади. Лекин санъатнинг умумий белгалари соф ҳолда мавжуд бўлмаслиги, улар айрим савъат турлари хусусиятлари орқали ифодаланишни инобатга олиб айтиш мумкинки, эстетика ўзининг умумий хулосаларини ишлаб чиқишида санъат-шуносликнинг айрим-айрим билим соҳалари эришган, илмий маълумотларга таянади.

Эстетика санъатшунослик билиш соҳалари учун бошлангич назарий ва услубий асос бўлиб хизмат қиласи. Эстетикасиз санъатшунослик бўлолмайди, яъни у айрим воқеа-ҳодисалар шарҳи билан шугулланишга мажбур бўлиб қолади. Шуни эътиборга олиш керакки, эстетика хусусий санъатшуносликнинг унумий қонуниятлари, энг аввало, нафосат табиати ва эстетик ТИМСОЛ қонуниятларини ўзида намоён қиласи.

Эстетик гоялар даставвал қадимги Шарқ ўлкаларида, жумладан, Миср, Месопотамия, Бобил, Ҳиндистон, Хитой, Эрон ва Турон мамлакатларида вужудга келди. Яқин-яқинларгача «эстетик гоялар ватани қадимги Юнонистондир» деган сўзларга ишонар эдик. Қадимги Шарқ эстетикасининг тарихий мероси атайлаб кўздан пинхон тутилгани, ҳатто кам ўрганилганлиги сабабли «оврупо худбинлик» («европо-центризм») уйдирма ақидалари зўр бериб илгари сурилди.

Қадимги Шарқ мамлакатларининг ҳалқлари бизга мерос қилиб қолдирган ёзувлари (Миххат, финикия алифбоси), Урхун-Енисей битиклари, Хоразм алифбоси, қиммат-баҳо маъданлардан олинган санъат асарлари (Мисрда фиръавн Тутанхамон маҳбарасидан топилган асори-атиқалар, Амударё хазинаси, Доро I тасвири солинган олтин танглар, скифлар олтин буюмлари ва бошқалар), улуғвор меъморчилик обидалари (Бобил минораси, қадимги Хоразм бадиий маданияти қолдиқлари, Ҳиндистон ва Хитой хукмдорлари саройлари, ибодатхоналар деворларидағи тасвирий санъат ва хайкалтарошлиқ асарлари) бу мамлакатларда бадиий маданият юксак тараққий эттанини кўрсатади. Илк эстетик қараш ва гоялар коҳинлар томонидан баён қилинганлигини' бугун биз бу мамлакатлар ҳалқлари қўлзма меросидан, оғзаки ҳалқ ижоди намуналаридан биламиз. Афсуски, мазкур бой эстетик мерос ҳозиргача деярли ўрганилмаган ва илмий шарҳланмаган.

Қадимги Юнонистон зиёлиларидан Геродот Шарқ мамлакатларининг кўпларида бўлиб, улар хақида ўз тарихий асарларида баён қилган қадимги Шарқ эстетик қарашларини ўрганиб, уларни умумлаштириб, назарий жихатдан янада бойитиб баён этиш, бошқа ҳаёт жабхаларида бўлганидек, эстетик қарашлар тарихида ҳам қадимги Шарқ мамлакатлари эришган ютуклар заминида Оврупо мамлакатлари бадиий маданияти таркиб топганлигани эътироф этиш вақти келди.

Қадимги Юнон санъаткорлари ва файласуфлари қадимги Шарқ бадиий маданияти меросига таянган ҳолда эстетик гоялар ва фикр-мулоҳазаларни ишлаб чиқдилар. Шу асосда тартибга солинган эстетик назария ўзидан кейин вужудга келган турли-туман эстетик мактаблар ҳамда оқимларни замин бўлиб хизмат қилди.

Қадимги кушон эстетик таълимотининг ибтидоси машҳур математик олим ва файласуф Пифагор (э. а. 6—5- асрлар) номи ва у яратган мактаб билан боғлиқ. Пифагор ва унинг шогирдлари барча нарсаларнинг моддий рақамлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари ташкил этади, коинот яхлитлигига ҳам рақам ақидаси ётади, деб уқтиридилар. Улар мазкур қарашларини нафосат оламига ҳам татбиқ этиб, эстетик тафаккурни бойитишга ўз хиссаларини кўшдилар. Пифагорчиларнинг нафосат асослари,

мусиқавий ҳамоҳанглик асослари, яъни «хилма-хил овозли томонларнинг келишуви» умумбашарий ҳамоҳанглик (гармония) эканлиги ҳақидаги қарашлар ва ғоялари эстетик тафаккур тарихида муҳим ўрин тутади.

Қадимги эстетика тафаккурида моддий дунёчилик (материалистик) йўналишни Гераклит (э. а. 540—480- йиллар) бошлаб берган эди. У. нафосат хоссалари моддий дунёнинг ўзидан келиб чиқкан, нафосат ҳамоҳангликни англатади, ҳамоҳанглик эса қарама-қаршиликлар бирлигини ташкил этади деб кўрсатди ва нафосатнинг нисбийлиги ғоясини илгари сурди.

Демокрит (э. а. 460—370- йиллар) гўзалликни ҳар томонлар мослиги (симметрия)да деб билди ва уни меъёр тушунчаси билан боғлади, у санъат инсоннинг дастлабки эҳтиёжлари қондирилгандағи ва вужудга келади, деб уқтириди. Демокрит санъатнинг моҳиятини воқеликка тақлид қилиш (мимесис)да кўрди.

Суқрот (э. а. 470—399- йиллар) таълимотида гўзаллик коинотдан инсон турмушига, унинг ички кечинмаларига кўчирилган бўлиб, гўзаллик ва эзгулик бирлиги ёки ҳозирги таъбир билан айтганда эстетика ва Этика бирлиги етакчи РОЛ сифатида баён қилишади. Суқрот эстетик тасаввурларнинг нисбийлиги ғоясини илгари суриб, эстетик ва манфаатли белгилар ўртасидаги яқин алоқадорлик мавжудлигини кўрсатиб берди.

Афлотун (э. а. 427—347- йиллар) эстетика гўзаллик фалсафаси, ҳам санъат фалсафаси сифатида таърифланади. Афлотун фикрича, нафосат манбанин ав-вало ғоялар ташкил этади. Ҳис-туйғу берадиган барча нарсаларни абадий, ўзгармас ғоя «ёритиб турган»дагина гўзаллик кашф этилади. Унинг фикрича гўзал ўта ҳиссиётли бўлтани туфайли унинг моҳиятини ҳис-туйғу билан эмас, балки ақл-идроқ билан англаш мумкин.

Санъатга оид қарашларида ижодий жараён у, санъатни қандайдир пасткашлик уринишлари сифатида таърифлаб, уни нарсалардан кўчирилган нусха, нарсаларнинг ўзи эса ғояларнинг хира нусхасидир, деб уқтиради.

Афлотун қарашларида эстетик тарбия назарияси муҳим ўрин тутади. У санъатаинғ одамларга нисбатан ўтказа оладиган таъсир кучини тан оладжи лекин бу таъсир кучи салбий, бузғунчи хусусиятга эга, деб таъкидлайди. Шу боис Афлотун истиқболда орзу қилган давлат мағқурасида мусикадан бошқа барча санъат турларини тилга олмайди, мусиқанинг ҳам факат «ҳарбийча жаранглайдиган», «мар-дона» шаклларига ўрин ажратади. Шундай қилиб, Афлотуннинг санъатга ва эстетик тарбияга доир қарашлари таркидунёчилик, қаттиқ қўллик рухи билан сугорилган.

Қадимги юонон эстетика назариясининг чўққиси ва якуни сифатида Арасту (э. а. 384—322-йиллар) эстетик таълимоти катта аҳамият касб этади. Арасту фикрича, нафосат асосини моддий дунёдаги нарсалар ташкил қиласи, нафосат ана шу нарсаларнинг тартиблилиқ, мувофиқлилиқ, уйғунлик, яхлитлик хоссаларида намоён бўлади.

Санъат амалиёти Арасту эстетикасининг ҳаётбаш манбаидир. Буюк мутафаккир ана шу амалиёт билан узвий боғланган назарий қоидалар яратди.

Арасту эстетик таълимотида Демокритнинг воқеликка тақлид қилиш (мимесис) ҳақидаги ғояси янада ривожлантирилди. У санъатни воқеликка — одамлар, нарсалар ва инсон фаолиятига тақлид қилиш воситаси сифатида баҳолаб, санъатни идроқ қилишда ҳиссиз бўладиган шодликни тасвирланган нарсаларни таниганликдан чиқадиган натижага билан боғлади. Арасту санъатнинг инсон руҳига ўтказадиган таъсир кучига алоҳида эътибор бериб, унинг Ахлоқий қудратини, олижаноб фазилатлар яратиш кучини, воқеликни англаш хизматини улуғлади.

Фожиали воқеа-ходисалар заминида Арасту ваҳима, даҳшат, раҳм-шафқат орқали инсон рухини поклантириш («катарсё») таълимотини илгари суради. Бундан ташқари унинг эстетик қарашларида воқелик билан бадиий маданият мутаносиблиги муаммолари, инсон ва санъат, инсон ва бадиий ижод масалалари кенг ўрин эгаллаган. Шуни алоҳида таъкидлаш даркорки, Арасту эстетика назариясида биринчи бўлиб уни турлар, хиллар, кўринишларга ажратган олимдир.

Тит Лукрецкий Кар (э.а. 99—55- йиллар) «Нарсалар табиати ҳақида»ги асарида қадимга Рим эстетикасидаги моддий дунёчилик санъаттннг «зурурият» эхтиёж)дан табиий келиб чиққанлигини уқтириб, унинг маърифатчилик аҳамиятини кўрсатиб берди.

Шарқ Ўрта асрлар эстетик тафаккури Араб ва Ажам (Эрон, Мовароуннахр), Хитой, Ҳиндистон мамлакатлари бадиий маданияти ва санъати равнақи билан боғлиқ. Оврупо мамлакатларида черков эстетик фаолиятини, олий нафосатини факат илоҳий эътиқод билан чамбарчас боғлаб, эркин бадиий ижодни шафқатсиз бостирган ва қувгин қилган бир шароитда Шарқ мамлакатларида эстетик қарашлар илғор мақсад эҳтиёжлар, маърифат ва ко-миллик йўлида ривожланди. Бу қарашлар ислом дини, бадиий маданияти равнақ топиши заминида вужудга келган Шарқ Уйғониш даври, хусусан Марказий Осиё Уйғониш даври руҳи билан чамбарчас боғлиқдикда тараққий этди.

Марказий Осиё Уйғониш даврининг забардаст мутаффаккирлари Мусо Хоразмий, Ахмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Лутфий, Навоий, Беҳзод, Бобур, Машраб ва бошқа жуда кўп ижодкорларнинг эстетик қарашлари моҳиятини нафосат билан маънавий-Ахлоқий қадриятларнинг мутаносиблигини вужудга келтириш ғояси ташкил этади.

Оврупо Уйғониш даврида эстетик тафаккур капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг бевосита таъсири остида ривожлана бошлади. Тарихий тарақкый аҳамияттаги касб этган буржуя инсонпарварлик ғоялари кенг тарқалиб боргани сари, табиий ва аниқ фанлар, адабиёт ва санъят буюк муваффакиятларга эришиб боргани сари эстетик қарашлар ва гоялар ҳам шу қадар тез суръатлар билан ривожланиб борди.

Европа уйғониш даври эстетикасининг муҳим хусусияти шуки, унинг моҳияти ва мазмуни юксак инсонпарварлик рухи билан сугорилган ва у бадиий амалиёт билан чамбарчас боғланиб кетган эди.

Европа уйғониш даврининг буюк ижодкорлари Леонардо да Винчи, Рафаэль Санти, Микеланжело, Дюрер, Сервантес, Шекспир ва бошқалар эстетик тафаккур ривожланишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Айниқса, буюк мусаввир, истеъодли муҳандис, атоқли табиатшунос олим Леонардо да Винчи эстетик қарашларида воқеий дунёни билишда санъатнинг аҳамиятига, унинг ўзига хос ҳусусиятларини эътибордан қочирмасликка даъват этди.

Такрорлаш учун саволлар

1. Эстетика фанининг вужудга келиши тарихи ҳақида маълумот беринг?
 2. Гўзаллик фалсафаси нима?
 3. Эстетикани фалсафий моҳиятини тушунтириб беринг?
 4. Ўрта асрлар мусулмон шарқида вужудга келган эстетик тафаккур ҳақида нималарни биласиз?
 5. XIX-XX асрларда вужудга келган эстетик тараққиёт ҳақида тушунча беринг?
 6. Гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик, кулгилилиқ, мұжизавийлик, уйғунлик, нозиклик каби тушунчалар қандай боғланган?
 7. “Нафосат-эстетика фанининг ўрганиш обьекти сифатида” мавзусида структурали-мантикий схема тузинг.
 8. Арасту, Фаробий, Навоий, Бобур, А.Баумгартен, Ф.Ҳегел, Лайбниц қандай алоқадорликка эга.
 9. Ҳиссий идрок этиш, гўзаллик фалсафаси, санъат фалсафаси, бадиий ижод фалсафаси бу сўзларда нима ифодаланган.

Адабиётлар:

78. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
 79. Каримов И.А. Адабиётга эътибор - маънавиятга, келажакка эътибор. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
 80. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чукурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халкимизнинг хаёт даражасини ошириш - барча ишларимизнинг мезони ва максадидир. 15-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2007.
 81. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010.
 82. Каримов И.А. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
83. Абдулла Шер, Баходир Хусанов. Эстетика. 2-нашр. /услубий қўлланма. - Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010.
 84. Курбанмамадов А. Из истории эстетической мысли в Средней Азии (эпоха древности и раннего средневековья). /Учебное пособие - Т.: НУУЗ, 2007.
 85. Умаров М. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи. /дарслик - Т.: Янги аср авлоди, 2009.
 86. Умаров Э. Эстетика (Нафосатшунослик). /Дарслик. - Т.: Ўзбекистон, 1995.

16-Мавзу: Эстетиканинг асосий категориялари

Режа:

- 1.“Эстетика” категорияларининг фалсафий мазмуни ва моҳияти.
- 2.Фалсафа тарихида эстетика категориялари ҳақидаги тасаввурларнинг хилма-хиллиги.
- 3.Эстетиканинг асосий тушунчалари. Эстетик онг ва унинг таркибий қисмлари.

Таянч тушунчалар:

Гўзаллик категорияси. Гўзаллик ҳақидаги тасаввурнинг ўзгарувчанлиги. Улуғворлик категорияси. Улуғворликка миқдор ва миқёснинг таъсири. Улуғворликнинг санъатда намоён бўлиши. Улуғворликнинг тубанлик, худбинлик, сотқинлик билан зиддияти. Фожеавийлик (трагедия) категорияси. Фалсафа тарихида эстетика категориялари ҳақидаги тасаввурларнинг хилма-хиллиги. Эстетик онг ва унинг таркибий қисмлари.

Эстетик онг—маънавий-рухий воеа-ходисалар мажмуи булиб, улар ижтимоий хаёт заминида вужудга келадиган эстетик фикр, эстетик хис, эстетик дид, эстетик орзу, эстетик караш, эстетик назария тизимини яратади. Эстетик онг ижтимоий хаёт заминида унинг Билан мутаносиб тарзда узгариб, ривожланиб, такомиллашиб боради. Эстетик онг жамият хаётида гурухий манфаатлар ифодаси тарзида хам намоён бўлади. Лекин бу холл жамиятнинг турли соҳаларида турлича, масалан, мафкура соҳасида эстетик карашлар, орзу-умид назарияларида узига хос акс этади. Рухий-маънавий соҳаларда эса гурухий манфаатларга нисбатан анча мустакил тарзда намоён булади.

Эстетик онг ижтимоий онгнинг баъзи шаклларидан оркада колиши мумкин. Масалан, ижтимоий хаётда сиёсий етукликтининг юксак даражасигача кутарилган, лекин эстетик диди оркада колган, турли соҳта маҳсулотни bemalol истеъмол килаверадиган одамларни куриш мумкин.

Эстетик онгнинг нисбий мустакиллиги куринишиларидан бири ворисийлигидир. Чунки Янги эстетик карашлар, гоялар, назариялар буш ерда вужудга келмайди. Улар жамиятнинг олдинги эстетик ва бадиий равнаки натижасида жамланган хиссий ва аклий хосилалар, билимлар захирасининг давоми сифатида амал киладилар.

Эстетик онг ижтимоий хаёт инъикоси булиб, жамият хаётида муҳим урин тутади, жамият хаётига хар томонлама таъсир утказади. Эстетик онг ижтимоий онгнинг маҳсус шакли сифатида эстетик фаолият Билан узвий боғлик булиб, эстетик фаолият жараённида шаклланади, карор топади. Эстетик онг аслида эстетик фаолият маҳсулидир.

Жамиятнинг эстетик онги мураккаб тизимли, харакатчан, узаро узвий алокадорликда булган бир катор кисмлардан иборат булади. Эстетик онгнинг тургун ва уйгун кисмлари- булар **эстетик хислар, орзулар, карашлар, назариялардир.**

Эстетик хис туйгу- бизни ураб турган воеани эстетик жихатдан хис этиш жихатидан хис этиш кобилиятидир Унинг гузаллигини уйгунлиги сезишидир Эстетик хис туйгунинг асосий органлари куриш ва эшитишдир

Эстетик дид - оламни гузаллигини тезда англашади Эстетик дид замирида эстетик дид замирида эстетик хис туйгу ётади Эстетик дид деганда биз бирор соҳага мойиллигини сезамиз Эстетик дид воеа ходисаларнинг эстетик сифитларини инсон томонидан идрок этмок ва баҳолаш жараёнидир Эстетик дид деганда биз хакикий гузал нарсаларни табиат ижтимоий хаёт ва санъат ходисаларини хакикий эстетик хислатларини бевосита дастлабки куришда чуқур анализ килиб утирмай хис этиш, ажратса билишни тушунамиз Эстетик хис ва эстетик дидни тарбиялаш мумкин

Эстетик орзу мавжуд нарса ходисаларни эмас, гузаллик хакидаги энг юксак орзулари, уйлаган режалари Жамият равнаки билан чамбарчас боғлик Хар бир даврнинг уз эстетик орзуга эга булган инсонлари булади Эстетик орзу бу инсоннинг гузаллик хакидаги тасаввурларининг энг юксак ифодасидир

Эстетик фикр - инсонни маълум бир эстетик принцип, билимларга асосланган эстетик фикрлари булади Эстетик фикрлар эстетик дид ва мулоҳаза эмас, балки унинг оғзаки формасидир Эстетик фикр оддий сезги кечинмалари эмас, балки маълум эстетик принципларга, эстетика соҳасини моҳиятини чуқур тушунишги асосланган баҳо беришдир

Эстетик караш ва назариялар эстетикани гоявий асосини ташкил этади Эстетик карашлар деганда биз илмий жихатдан асосланган назарий жихатдан асосланган хамда озми-купми изчилик билан олиб бориладиган методология фалсафий база билан боғлик булган билимлар тушунчалар принципларнинг озми –купми мукаммал ва изчил системасини тушунамиз Кенг, тугал вамустакил система характерига эга булган эстетик карашларни **эстетик назария** деб атаемиз

Фожеалилик ва кулгалалак узаро боғликлигини хаётнинг мураккаблиги, зиддиятлиги, харакатчанлигидан келиб чикиб, уларни санъат ёрдамида яхширок англаймиз. Санъат хаммиз. Санъат хамтик кирраларини бадиий англишга бирданига эришгани йук.

Санъат асарларида фожеалилик ва кулгилилик яхлит намоён булиди. Фожеали ёки кулгили холат инсоннинг у ёки бу хатти-харакати натижасида пайдо булади, бу хатти-харакат турли – туман хаётий кучлар тукнашуви жараённида вужудга келади, ривожланади. Шу тарика улар вокелик ва инсон орзулари уртасидаги низоли муносабатларни очиб беради.

Фожеалилик ва кулгилилилк бошка эстетик тушунчалардан канчалик фарк килмасидан, уларни гузаллик ва хунуклик каби ижтимоий эстетик орзулар билан боглик холда, уларнинг тарихий ва нисбий табиатини инобатга олган холда мушохада килиш зарур булади.

1. Санъат бу – воқеликни бадиий тимсоллар воситаси билан ижтимоий акс эттириш, ишни кўзини билиш ва маҳорит кўрсатиш жараёнидир. Ҳар қандай ишнинг ўзи ва у талаб қиладиган маҳорат даражаси маъноларда кўлланилади.

Санъат бу – инсон ақл идроки меҳнати билан вужудга келган, ижод қилинган нарсалар. Санъат инсон фаолиятининг ижодкорлик турини англатиб, ҳар бир санъат асарида шахснинг ўзига хос истеъоди номоён бўлади. Санъат обьекти бўлиб бутун ижтимоий ҳаёт ўзининг хилма хил кўринишлари билан майдонга чиқади, унда кишиларнинг юриш туриши марказий ўрин тутади.

Санъат жуда қадим замонлардан, меҳнат тараққиёти натижасида номоён бўлади. Меҳнат жараёнида инсон тафаккури камол топди, гўзаллик қулайлик ва фойдалийлик тушунчалари кенгайди. Синфий жамият вужудгаша келиши билан эжса ижтимоий тараққиётда катта ўзгаришлар содир бўлди: ақлий меҳнат жисмоний меҳнатдан ажralиб чиқа бошлади. Бу эса фан ва санъат ривожида муҳим аҳамият касб этади. Профессионал санъат ва санъаткорлар шу даврда пайдо бўлда. Санъат эса ўзининг специфик ҳусусиятини, синфийлигини номоён этиб, хукумрон синфининг идиалогиясини тарғиб этувчи кучли ғоявий қуролга айланди лекин шунга қарамай омма орасида этишиб чиқсан истеъодли ижодкорлар меҳнаткаш ҳалқ оммасиниг орзу истаклари, уларнинг гўзаллик ва ҳуджбинлик, олийжаноблик ва инсонпарварлик ҳақидаги тушукнчаларни ифода этувчи асарлар яратди. Ҳалқнинг турмуши хулқ ва одатлари, ютуқ ва мағлубиятлари уларнинг асарларида ўз ифодасини топди. Ҳар бир даврда мавжуд бўлган анашундай санъат ҳаёт гўзалликларини тасвирлаб, одамларда юксак хислат ва фазилатларини камол топтириди, уларни тенглик, озодлик биродарлик, ёрқин келажакка интилиш йўлидаги курашга даъват этди.

2. Санъат тарихий тараққиёт жараёнида ҳамиша ижтимоий эҳтиёжларни қондириб келган. Санъат ижтимоий ҳаётнинг мураккаб, рангоранг муносабатлари билан алоқадор бўлиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам меҳнатнинг алоҳида тури, ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришнинг маҳсус соҳаси, ижтимоий онгнинг бир шакли, ўзига хос билим соҳаси, ижодий фаолиятнинг бир кўриниши сифатида амал қилинади.

Санъат биринчи навбатда ижтимоий онг шаклидир, унинг бошқа барча тавсифлари анашу сифатидан келиб чиқади ва шу таҳлилга асосланади.

Санъат ижтимоий туркум жараёнлари билан боғлиқ. Буни қадимги одамларнинг моддий ва маънавий бойликлар яратишда яни ўзларига маъқул, ўзларига хуш келадиган нарсалар яратишга бўлган иштиёкларида яққол кўзга ташланади. Ижтимоий турмуш санъатнинг ривожланишига бевосита таъсир ўткиза борди, кейинчалик эса ижтимоий тузилмалар фалсафий диний сиёсий қарашлар, аҳлоқий қоидалар, маънавий қадирятлар орқали ҳам таъсир ўтказиб борди.

Санъат ижтимоий ҳаётнинг мустақил бир соҳаси бўлиб ўзига хос қонуниятлари, вазифаларига кўра у алоҳида жамият бирлигини ифодалайди. Санат жамиятнинг барча томонларига таъсир ўтказади, ижтимоий онгнинг барча шакллари билан алоқага киришади, ҳаётнинг турли жабҳаларида одамлар фаолият олиб боришларини рағбатлантиради.

3. Санъат билан ижтимоий ҳаётни боғлаб турадиган жуда кўп воситачи ҳалқалар мавжуд ҳар қандай бадиий ходиса – муайян асар, услубий йўналиш бўлсин, улар вужудга келиши ва

ривожланишида диний, ахлоқий амалларнинг таъсир кучи даражаси билан белгиланади, баҳоланади, ўлчанади.

Санатнинг тараққиёти ёки таназзули, унинг у ёки бу тури қўринишининг ёрқин ифода топиши аниқ ижтимоий муносабатлар табиатига, муайян гуруҳий кучлар нисбатига, мафкуравий ҳаёт ҳусусиятларига, жамиятда шаҳс эгаллаб турган мақомига боғлиқдир.

Санъатнинг жамият ҳаётида нисбий мустақил амал қилиши ворисийлик қонуниятининг номоён бўлиши билан боғлиқ. Ворисийлик фақат санъатга ҳос бўлган ҳодиса эмас. Ў ижтимоий онгнинг ҳамма шакилларига тааъллуқлидир. Ворисийлик жамият моддий асоси билан боғлиқ бўлган сиёсий ва хуқуқий онг соҳаларида кўпроқ номоён бўлади.

Санъат турлари бир – бирининг ўрнини боса олмайди : уларнинг ҳар бири мустақил ўзига нодир ва бетакрор бўлиб, воқеликнинг бир томонини акс эттиради.

Санъат ҳодисаларининг аниқ туйғули қиёфасини акс эттириши ёки акс эттираслигига караб тасвирилар ва тасвирилар бўлмаган қўринишларга ҳам эгадир. Тасвирилар санъат ва ҳайкалторошликда ҳаёт манзаралари воқеликнинг ҳис туйғули қиёфасини яратиш орқали номоён бўлса, адабиёт ва мусиқада ҳаёт манзаралари фикрлар ва туйғулар оқимини умумлаштириш асосида акс эттирилади.

Санъат турлари идрок этиш жиҳатидан ҳам ҳар ҳил қўринишларга бўлинади, улар кўз билан қўриладиган асар бўлиб, томошали санат турлари деб аталади. Уларга тасвирий санъат ҳайкалтарошлик меъморчилик бадиий фото асарлари киради. Тиарт санъати ҳам томошали, ҳам эшитиладиган санъат туридир.

1. Санъат бадиий асар йигиндиси бўлиб, уларда воқеани бадиий инкор этиш – бадиий услуб, бадиий усул эса бадиий ижодий қонунлар асосида рўй беради. Усул тушунчалик услуб тушунчаликдан анча олдин пайдо бўлган. Бадиий услуб мазмунни билан таркибий бирликка эга ҳамда муайян шакл қисмлар бирлиги ва нисбий мўтадиллигини тақозо этади услуб тушунчалик шакл ва мазмун ички боғлиқлиги билан ҳам изоҳланади. Услуб шакл ва мазмун орқали номоён бўлар экан, у бирор ижод усулини танлаб олади. Бадиий услуб ижод усулидан мустасно тарзида амал қилолмаганидек, ижод усули ҳам бадиий услубсиз ифода топа олмайди.

Ижод усули – воқейликни бадиий баҳолаш ва умумлаштириш қоидалари, бадиий услуб эса шакл яратиш қоидалари йигиндиси бўлиб, бадиий усуб моҳиятини англаш учун ижодий усул ҳусусиятларини тушуниб олиш зарурати пайдо бўлади. Ташқи ва ички нафосат ҳамоҳанглиги, меёр туйғусининг беҳатолиги, яҳлитликнинг тугаллиги каби бадиий усульнинг туб белгилари ҳисобланади.

Услуб мустақил мақомга эга бўлсада, муайян ижодий усульдан келиб чиқади. Битта усул бир неча усуллар орқали ифода топади. Навоий, Машраб, Қодирий, Ойбек, Чўлпон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов кабилар ҳилма ҳил бадиий услуб соҳиблари асарлари.

Бадиий услуб тушунчаликни бирон бадиий асарга, айрим бир ижодкор ижодига у ёки бу жанрига нисбатан қўлланилиши мумкин.

Бадиий услубнинг асосий шакли сифатида якка услуб ва муаллф услуби кўпроқ ўрин эгаллаб бормо.

«Якка услуб» «Умумий услуб» дан ажралмаган ҳолда номоён бўлади. У ёки бу умумий услуб – жанр ҳусусиятларига ҳос белгиларни энг истедодли санъаткорлар ижодларини таҳлил қилиш жараёнида кўриш мумкин. «Якка услуб» да бадиий тил, оҳанг, вазн, бадиий тузилма ва оҳанг бирлиги билан белгиланади. Санъаткор бадиий услуби томошабин, ўқувчи, эшитувчи мустақил фикрлашга

йўналтириш, унда бетакрор завқ шавқ уйғотишидир. Муаллиф фикри равшан, равон ифодаланса услуг ҳам сайқал топиб боради.

Бадиий усул тушунчаси кенг маънода ижод йўллари ва воситалари тизимини англатади. Баджий усул санъаткор воқейликни ифодалий тасвир воситалари ёрдамида умумлаштирилиши, баҳолаши жараёнида асосланадиган ғоявий – эстетик қоидалари мажмуидир.

Бадиий усул тарихий мазмунга эга бўлиб, санъат турларининг бадиий ижод йўналишлари билан боғлиқдир.

«Бадиий усул» ва «Бадиий ижод йўналишлари» тушунчалари бир – бирига шу қадар яқинки, баъзан уларнинг чегаралари кўзга ташланмайди. Санъат тарихида классицизм, романтизм, танқидий реализм, янги реализм каби бадиий йўналишлари айни вактда худди шундай бадиий усул турлари мавжуд бўлишини тақозо этади.

Романтизим ижодий усул – йўналиши Франсия инқилобидан кейин ижтимоий сиёсий ва маънавий ҳаётда содир бўлган туб ўзгаришлардан сўнг вужудга келди. Романтизим моҳиятини Буржуа воқелиги юзага келтирган ярамас, ғайриинсоний ақидаларни рад қилиб, унинг ўрнига инсон қадр қимматини ўрнатиш ташкил этади.

XIX – XX аср биринчи яримида бадиий ижоднинг танқидий реализм усул – йўналиши санъат турларининг деярли барча жабҳаларида кенг ва теран номоён биўлди. Мазкур усул – йўналишнинг қарор топиши жараёни мураккаб ва зиддиятли тарзда содир бўлди, унинг давомида аввлги санъат соҳиблари етиша олмаган эстетик воситалар янгича сайқал топди.

Эстетик орзу билан ҳаёт ҳақиқатининг монанд келиши реализмнинг барча шаклларига ҳосдир. Реалист санъаткорлар ўз эстетик орзуларини ҳаёт ҳақиқати орқали қарор топтирадилар, улар ижодида нафосат ва ҳақиқат бир – бири билан қовушиб кетади.

4. Санъат турлари санъатга ҳос бўлган умумий белгиларга эга бўлган ҳолда уларнинг ҳар бири: адабиёт, меъморчилик, мусиқа, тасвирий санъат ва шу кабилар ўзига ҳос кўринишида номоён бўлади.

Санъат турлари ўз тасвирий – ифодали воситалари тизимиға эга. Адабиётда сўз; тасвирий санатда – ранг, ёруғлик, чизиқ, нур – соя ; мусиқада – оҳанг, мақом, вазн ; ҳайкалтарошлиқда – ҳажм, ўлчам ; меъморчиликда – мутаносиблиқ тизимиға амал қилинади.

2. Буюк адабимиз Абдулла Авлонийнинг тарбия ҳақидаги «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё фалокат, ё саодат, ё ҳалокат масаласидур» деган фикрлари тарбиянинг жамият инсоният ҳаётида нечоғлик аҳамият касб этишининг исботидир. Таълим-тарбиянинг бошқа шакллари сингари эстетик тарбия ҳам шахсни, бирор бир ижтимоий гурухни, миллатни тарбиялашда ўрни бекиёсдир. Эстетик тарбия ҳам аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётган умуминсоний ва миллий қадриятлар ҳамда анъаналарини қарор топтиришга, уларни юксалтиришга хизмат қиласди.

Эстетик тарбия кишиларда воқеликдаги ва санъатдаги гўзалликни идрок этиш, тушуниш ва қадрига етиш қобилиятини тарбиялашдир.

Бизга маълумки, ҳар қандай тарбия инсон онгига, ҳис-туйғуларига, ҳатти-ҳаракатларига, ҳалқ авторига, эътиқодига, дунёқарашига таъсир ўтказишни ўз олдига мақсад ва вазифа қилиб қўяди.

Қадимги дунёда тарбия мақсади эстетик асосда намоён бўлган. Масалан, қадимги Юнонда эстетик тарбия мақсади фуқароларни ҳар томонлама камол топишида «Рух ва бадан»

ҳамоҳанглигини қарор топтиришга йўналтирган эди. «Бадан руҳнинг қобиги қачонки руҳ баданни тарк этса бадан ўлади. Руҳни эстетик тарбиялаш зарурлиги таъкидланади.

Антик давр файласуфлари Афлотун ва Арасту каби мутафаккирлар эстетик тарбия ҳақидаги таъминотларида шахсни эстетик тарбия асосида шакллантиришда эстетик тарбия тизимининг Ўрта асрлар шарқи ва Овропада эстетик тарбия илоҳий куч-қудрат манбаи бўлган Аллоҳга эътиқод қилиш ва «бу дунё» ўткинчи арзимас эканлигини инсон шахсига сингдиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Эстетик тарбия ғояларининг илоҳий ва дунёвий моҳиятини кучайтиришга интилиш ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас, зеро, эстетик тарбияда илоҳийлик одамлар меҳнати ва майший ҳаёти билан чамбарчас боғланиб, яъни дунёвийлик билан кўшилиб кетган эди.

Шарқда исломда эстетик тарбия гўзаллик билан боғланиб ўрганилган. Айниқса, сўфиylарда Аллоҳ унинг гўзаллиги, ягоналиги, ҳақлиги, илоҳий ва дунёвий ҳаёт гўзаллиги ҳис қилиш, англаш биринчи ўринда турган. Аллоҳ жамоли, гўзаллиги, зухури, тажаллиси бармеҳрдан ҳар нарсада акс этиб туради.

«Аллоҳ гўзалдир. Шунинг учун у гўзалликни севади». Энг хунук нарсада, мавжудодда ҳам гўзалликни кўра олиш керак. Чунки гўзаллик эстетик тарбиянинг асосини ташкил этади.

2. Эстетик тарбия муаммоларига доимий ва жиддий эътибор инсонни қуршаб олган борлиқдаги гўзалликка ёшлар ва эркин фикрлайдиган ҳар қандай нарсада гўзалликни кашф эта оладиган шахсни тарбиялаш тизимининг ўзига хос асосий хусусиятларидан биридир.

Эстетик тарбиянинг асосий мақсади ҳар томонлама уйғун тараққийпарвар юксак Этикали, меҳнатга ва ижодга берилган ҳаёт гўзаллиги ва санъатни тушунадиган шахсларни тарбиялашга хизмат қиласи.

Адабиёт ва санъат билан узоқ вақт жиддий мулокот натижасида шахснинг аввало санъат асарининг образли эмоционал мазмунидан баҳраманд бўладиган жиҳатлари эстетик ҳиссиёт эҳтиёжлар, муносабатлар, шунингдек уни барча жиҳатлари шахсий ва ижтимоий тушунчалари, дунёқарashi ҳам такомиллашади. Гўзалликни ҳис қилиш уни тушуниш қобилиятида тарбиялаш эстетик тарбиянинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ҳозирги кунда эстетик тарбиянинг асосий вазифаси ҳар томонлама ривожланган ўзида маънавий бойлик (юксак ривожланган маънавий, амалий, назарий эстетик қобилияtlарни) Ахлоқий поклик ва жисмоний камолотни мужассамлаштирган шахсни шакллантириш, ҳаёт, адабиёт ва санъатга эстетик муносабатни, уларга юксак талабчанлик ҳамда объектив баҳолай олиш қобилиятини тарбиялашдан иборат.

Мамлакатимиз табиатидаги, теварак атрофдаги гўзалликларни муносабат ва фандаги гўзалликларни англаш, жисмоний камол топиш ҳам эстетик тарбиянинг асосий воситаларидан ҳисобланади.

Эстетик тарбия шахсини шаклланишда катта ва ҳар томонлама таъсир кўрсатади. Энг аввало санъат асарини идрок этиш тажрибаси ижодий образли тафаккур ривожланишида ёрдам беради.

Авваллари эстетик тарбия ўта тор ва бир томонлама талқин қилинар, яъни уни санъат асарларини тўғри идрок этиш бу билан алоҳида лаззатланиш ёки бирор санъат турини билиб олиш муайян бадиий кўникмаларга эга бўлиш доирасида инъикос эттирган эди. Баъзан эстетик тарбияга одамларда юксак эстетик дид, фаросатни шакллантириш сифатида қаратилган эди. Буларнинг барчаси эстетик тарбиянинг мақсадлари ва вазифалари доирасига киради. Бадиий

тарбия эстетик тарбиянинг таркибий қисми бўлиб, у эстетик тарбиянинг мақсад йўналишларини тўла ифодаламайди. Бадий тарбиянинг асосий мақсади муносабатларни санъат воситаларида, ёрдамида шакллантиришдир. Эстетик тарбия фақат санъат билан чегараланиб қолмайди, балки унинг асосий мазмунини инсоннинг воқеликка эстетик муносабатини фаоллаштириш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Эстетик муносабат ҳаётга истеъмолчилик назари билан қарашдан халос бўлиш, дунёга кенг ва холис қараш, одамларда, табиат воқеа-ҳодисаларида, нарсаларда, энг аввало жамият, инсоният тараққиёти учун хизмат қиласиган ижтимоий аҳамиятли бўлган фазилатларини кўра олиш қобилиятини тарбиялади.

Эстетик тарбия инсоннинг эстетик онгини шакллантириш жараёнида уни Ахлоқий, меҳнат экологик жиҳатлардан ҳам тарбиялаш вазифаларини қамраб олади. Эстетик тарбиянинг Ахлоқий тарбияга таъсири шундаки, нафосат олами эзгулик ва яхшилиқдан, беғаразликдан ажralмаган ҳолда амал қиласи. Эстетик тарбиянинг меҳнат тарбияси билан бирлашиб кетиши асоси шундаки, меҳнат жараёни шахснинг табиий эҳтиёжига айланиб боришида ўз ифодасини топади.

Эстетик тарбия билан экологик тарбия боғлиқлиги эса табиатга беғараз, инсоний муносабатда бўлишда, жамият билан табиат ўрталарида ҳамоҳанг алоқадорлик муносабатларини ўрнатишда намоён бўлади.

Эстетик тарбиянинг эстетик онгни шакллантириш мақсади ва вазифаси кўпроқ ёш авлодга тааллуқли эстетик онгни шакллантириш демакдир. Эстетик томонсиз дунёқараш чала, бирёқлама бўлиб қолиши турган гап, эстетик дунёқараш фалсафий, Ахлоқий ва бошқа дунёқараш соҳаларидан баҳраманд бўлиб, ўз навбатида уларни ҳам бойитиб туради.

3. Муайян жамиядаги ижтимоий қарама-қаршиликлар заифлашиб, ижтимоий тенглик ва ижтимоий адолат қарор топиб боргани сари одамларнинг эстетик тарбия олишлари учун зарур бўлган муайян ижтимоий-сиёсий ва маънавий-Ахлоқий шарт-шароитлар вужудга келади. Моддий-иқтисодий ва умуммаънавий имкониятлар кенгайиб қашшоқлик ва саводсизлик батамом тутатилсагина, жамият ҳаётида эстетик тарбия муҳим омил бўлиб хизмат қиласи.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида қарор топаётган ҳозирги пайтда эстетик тарбиянинг аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Биринчидан, мустақиллик шароитида инсон омилиниң ортиб бориши учун шарт-шароитлар вужудга келяпти, ҳаётнинг барча жабҳаларида фаолият кўрсатаётган одамларнинг эзгу хислат ва фазилатлари, онглилиги, фаоллиги, ижодий яратувчи қобилияtlари сезилиб турибди.

Иккинчидан, Ўзбекистон аҳолисининг аксарият кўпчилигининг умумий маданияти юксалиб бориши жараёнида янги техника ва технологиялар, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш иши тобора такомиллашиб бораяпти.

Учинчидан, янги ишлаб чиқариш муносабатларининг, бозор иқтисодиётининг кенг ўрин эгаллаб бораётганлиги, қонунчиликнинг кенг тарзда ривожланиб амал қилаётганлиги, фуқароларнинг умумий маданияти, айниқса, эстетик маданияти даражасининг ҳам юксалиб боришини тақозо этади.

Тўртинчидан, ҳозирги давр миллий техник инқилоби шароитида электроника, автоматика, кбернетика, информатика каби фанлар ишлаб чиқиш соҳасини тубдан қайта қуришга имконият яратиб бериляпти.

Бу ҳам ишлаб чиқиша банд бўлган одамларнинг рҳий ҳолатини тубдан ўзгаришини касбкорда ижтимоий-руҳий ва Ахлоқий эстетик ҳолатни вужудга келишини тақозо этади.

Бешинчидан, Радиода, кинода, айниқса, оинаи жаҳон каби ахборот воситаларининг турмушдан кенг ўрин олиши натижасида бадиий ахборот ҳажмининг ҳам кескин ортиб бориши эстетик тарбия аҳамиятининг тез суратларда ўсишини таъминлайди.

Мустақил жамиятимиз кишилари жаҳон андозаларига мос келадиган ва ўз миллий хусусиятларини асос қилиб олган янги хуқуқий демократик жамият мафкураси принципларига амал қиласидилар. Шўро мафкурасидан ҳам миллий маҳдудлик, юзакилик, тенгсизлик каби Ахлоқий-ижтимоий иллатлардан қутилиш бутунлай янги жамиятни қуришга ўзини бағишлиш, истиқлол яратган инсоннинг энг зарур ва энг гўзал инсоний бурчи бўлиб келди. Ҳар бир кишининг жамоа олдидаги жавобгарлиги ҳамда жамоанинг ҳар бир аъзо учун жавобгарлиги турмуш тарзимиз асоси бўлади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Эстетик онгнинг асосий унсурлари: эстетик баҳо ва эстетик идеал, эстетик қарашлар ва эстетик назариялар.
2. Эстетик фаолият - меҳнатнинг ўзига хос тури сифатида. Бозор иқтисодиёти шароитида эстетик фаолият.
3. Эстетик категориялар. Гўзаллик ва улуғворлик.
4. Бадиий ижод жараёни ва унинг инсоният такомиллашувидвги аҳамияти..
5. Санъат турлари. Эстетика тарихида санъат турлари туркумлаш муаммоси ва бозор иқтисодиёти шароитида санъат турларининг ўрни.
6. Эстетик категориялар: фожиавийлик ва кулгулилик.
7. Эстетик тарбия ва унинг замонавий йўналишлари ва воситалари.
8. Глобаллашув шароитида талаба ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашда эстетик тарбиянинг аҳамияти.

Адабиётлар:

87. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
88. Каримов И.А. Адабиётга эътибор - маънавиятга, келажакка эътибор. -Т.: Ўзбекистон, 2009.
89. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чукурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халкимизнинг хаёт даражасини ошириш - барча ишларимизнинг мезони ва максадидир. 15-жилд, - Т.: Ўзбекистон, 2007.
90. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010.
91. Каримов И.А. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
92. Абдулла Шер, Баходир Хусанов. Эстетика. 2-нашр. /услубий қўлланма. - Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010.
93. Курбанмамадов А. Из истории эстетической мысли в Средней Азии (эпоха древности и раннего средневековья). /Учебное пособие - Т.:НУУз, 2007.
94. Умаров М. Эстрада ва оммавий томошалар тарихи. /дарслик - Т.: Янги аср авлоди, 2009.

17-Мавзу: Мантиқ фанининг тадқиқот объекти, предмети, вазифалари ва ривожланиш босқичлари

Мантиқ илмининг предмети ва аҳамияти

Режа:

1. Тафаккур мантиқ илмининг ўрганиш обьекти сифатида.
2. Тафаккур шакллари ва қонунлари ҳақида тушунча.
3. Формал мантиқнинг асосий қонулари.
4. Мантиқни ўрганишнинг аҳамияти.

Таянч тушунчалари

Мантиқ, ҳиссий билиш, тафаккур, тафаккур шакли, тафаккур қонуни, тўғри тафаккур, чин фикр, формал мантиқ, диалетик мантиқ, математик мантиқ.

«Мантиқ» тушунчаси уч маънода қўлланади: биринчидан, у обьектив реалликдаги нарса ва ҳодисалар орасидаги энг умумий, зарурий, қонуний алоқадорликлар маъносида («далиллар мантиғи», «тарихий тараққиёт мантиғи»...); иккинчидан, фикрлар алоқадорлиги ва тараққиёти маъносида («фикрлаш мантиғи», «тафаккур мантиғи»...); учинчидан, тафаккур тўғрисидаги фан маъносида («Мантиқ фани»). Биз «мантиқ» деганда, унинг сўнгги кўрсатилган маъносини назарда тутамиз. Мантиқ тафаккур тўғрисидаги фан бўлиб ҳисобланади.

«Логика» грекча «logike» сўзидан олинган бўлиб, сўз, фикр, ақл маъноларини ифодалайди. Яқин ва Ўрта Шарқда бу фан «мантиқ» деб аталади. «Мантиқ» арабча сўздан олинган бўлиб, сўз, фикр, деган маънони ифодалайди.

Тафаккур мураккаб ҳодиса бўлиб, уни турли-туман фанлар ўрганади: физиология, кибернетика, психология, фалсафа ва бошқалар.

Физиология тафаккурнинг моддий, табиий асоси - инсон мияси фаолиятини ўрганади. Уни тафаккурнинг нерв системаси ва бош мия олий нерв фаолияти билан боғлиқлиги ҳамда қандай вужудга келиши масаласи қизиқтиради.

Кибернетика инсон мияси фаолиятининг айрим томонларини моделлаштириш имкониятлари тўғрисида баҳс юритади.

Психология тафаккурга хос психик жараёнлар, индивидуал тафаккурни ўрганади. У фикрлашни табиий жараён сифатида олиб қарайди, фикрлашнинг инсон руҳий ҳолати билан алоқадорлиги тўғрисида баҳс юритади.

Фалсафа - инсон ўз тафаккури билан оламни қай даражада била олиши мумкинлиги муаммосига ўз дикқатини қаратади, тафаккурга инсоннинг оламга фаол муносабати ифодаси сифатида қарайди.

Мантиқнинг ўрганиш обьекти тафаккур ҳисобланади. Мантиқ бошқа фанлардан фарқли ўлароқ тафаккурни оламни билиш усули сифатида ўрганади. Мантиқ фани тафаккур шакллари, усуллари ва қонунлари тўғрисида баҳс юритади.

Мантиқ оламни билиш усули сифатида абстракт тафаккур ва унинг шакллари (тушунча, мушоҳада ва хулоса)ни, шунингдек, тафаккур жараёнида оламнинг инсон онгидаги акс этиш қонунлари (айният, зиддиятлик, учинчиси истисно, етарли асос)ни ўрганади. Ҳозирги замон мантиқ фани таркибига диалектик ва формал (шаклий) мантиқ киради. Диалектик ва формал мантиқ, асосида илмий билиш мантиғи шаклланади.

Мантиқ илми тараққиётини икки босқичга бўлиб ўрганиш мумкин:

1) Аристотель асарларидан бошланган анъанавий ёки классик мантиқ; Бу формал мантиқ деб юритилади.

2) Математик (символик) мантиқ. Ҳозирги даврда мантиқ фанининг турли-туман йўналишлари мавжуд: интуитив мантиқ, конструктив мантиқ, кўп белгили (многозначная) мантиқ, модал мантиқ, релевант мантиқ ва х.к.

Мантиқ фанининг ўзига хос томони шундан иборатки, олам ҳақида олинган ахборотларни тафаккур қонун-қоидалари асосида қайта ишлаш орқали, янги билим ҳосил бўлади.

Мантиқий шакллар, қонун-қоидалар умуминсоний характерга эга. Бунинг маъноси шундан иборатки, инсон қайси тилда сўзлаши, фикр юритишидан қатъий назар, барча учун умумий ҳисобланган мантиқ, талабларига, қонун-қоидаларига амал қилиши зарур. Ана шу шартга риоя қилиш олам ҳақида ҳаққоний билим ҳосил қилишга имкон беради. Мантиқий тафаккур шакллари деганда, фикрнинг тузилиши, унинг таркибий қисмларининг бир-бири билан алоқадорлиги назарда тутилади. Табиий тилда фикрлаш уч шаклда намоён бўлади: 1) тушунча; 2) мушоҳада; 3) хулоса. Тафаккурнинг юқорида кўрсатилган ҳар бир шакли бошқасидан ўзига хос хусусиятларига кўра фарқланади: тушунча оламдаги предмет ва ҳодисаларининг инсон онгидаги фикрий ифодасидир. Масалан: шамол, Марказий Осиё минтақаси.

Мушоҳада (хукм)да предметлар, ҳодисалар, муносабатлар ҳақида нимадир тасдиқланади ёки инкор этилади. Масалан: Айрим сонлар жуфт сонлардир. Айрим дарёларнинг суви лойқа эмас.

Хулоса – мантиқий тафаккур шакли бўлиб, бир ёки бир неча фикр устидаги мантиқий операция янги фикр (билим)нинг ҳосил бўлишига имкон яратади.

Масалан: Барча металлар мураккаб тузилишга эга. Мис - металл. Демак, мис мураккаб тузилишга эга.

Инсон фикр юритиши жараёнида анализ, синтез, индукция, дедукция, аналогия, абстрактлаштириш, умумийлаш каби мантиқий усуллардан фойдаланади.

Инсон тафаккури муайян қонунларга бўйсунади. Мантиқ қонунлари тўғри фикрлаш қонунлари ҳисобланади. Бу қонунларга: 1) айният; 2) зиддиятлилик; 3) учинчиси истисно; 4) етарли асос қонунлари киради.

2. Мантиқ фанининг шаклланиши ва ривожланиши. Ўрта асрларда Ўрта Осиёда мантиқ фанининг ривожланиши

Мантиқ фани қадимдан пайдо бўлган. Мантиқнинг шаклланиши фалсафий илмларнинг шаклланиши билан бевосита боғлиқ. Мантиқ фанининг тарихий ривожланиш босқичлари деганда, кўйидагилар назарда тутилади:

1. Қадимги дунёда мантиқ фани.
2. Ўрта асрларда мантиқ фани.
3. Европада, янги даврда мантиқ фанининг ривожланиши.
4. Мантиқ илмининг ҳозирги тараққиёт босқичи.

Мантиқ илмининг шаклланиши тўғрисидаги маълумотлар шундан далолат берадики, унинг дастлабки илдизлари Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон ва дунёнинг бошқа мамлакатларида пайдо бўлган. Мантиқ дастлаб Ҳиндистонда эрамиздан илгариги иккинчи минг йилликларда шаклланда бошлаган. Эрамизнинг бошларида Ҳиндистонда мантиқ илми мустақил фан сифатида шаклланди. VII асрга мансуб машхур мантиқшунос Ҷармакиртининг мантиққа оид ёзиг қолдирган рисолалари («Мантиқ томчилари» - дарслик, «Мантиқий асос тўғрисида қисқача дарслик», «Мантиқий алоқалар тўғрисидаги тадқиқотлар», «Билимнинг ҳақиқатлиги тўғрисида») шундан далолат беради.

Эрамиздан аввалги V-IV асрларда қадимги Юнонистонда мантиқ мустақил фан сифатида шаклланган. Юнон файласуфи Демокрит (эр.ав. 460-370 йиллар) ўз асарларида «Логос» терминини қўллади ва «логос»ни умуман дунёни ва уни билишнинг асоси сифатида талқин этди. Сукрот мантиқий усувлар ҳақида фикр юритди. Афлотун ўзининг бир қатор диалогларида («Федон», «Театет», «Софист») мантиқий шакллар тўғрисидаги қарашларни баён этади.

Мантиқ тарихига оид адабиётларда Аристотелгача ҳам мантиқ илми ривожланганлиги ҳақида маълумотлар бор. Софистларнинг мантиққа оид қарашлари бунга мисол бўла олади. Софистлар ўта сўзамол, ширинсухан, донишмандлар бўлишган ва ёшларда сўз санъати, исбот ва раддия маҳоратини тарбиялашган. Софистларнинг йирик вакили - Протогар (эр.ав. 480-410) ҳақида маълумотлар бор.

Мантиқ фанининг алоҳида илм соҳаси сифатида шаклланиши буюк юнон файласуфи, мутафаккир Аристотель номи билан бевосита боғлиқ.

Аристотель (эр.ав. 384-322) ўзидан аввалги олимларнинг мантиқ соҳасидаги фикрларини умумлаштириди ва ривожлантириди, мантиқ фанини ишлаб чиқди. Аристотелнинг мантиққа оид асарлари «Органон» деб номланади. Унинг таркибига кирган «Категориялар тўғрисида», «Талқин тўғрисида» («Об истолковании»), «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», «Топика», «Софистик раддиялар тўғрисида» каби рисолаларда мантиқ илми тўғрисидаги фикрлар баён этилган. «Органон» - билиш куроли, усули маъносини англатади.

Аристотель «Категориялар тўғрисида»ги рисоласида тушунчалар тўғрисидаги таълимотни, «Биринчи аналитика»да хулоса чиқариш усувлари - силлогизмлар назариясини, «Иккинчи аналитика»да илмий исботлашнинг асосий тамойилларини ёритди. Аристотелдан сўнг мантиқ қадимий Юнонистонда Стоя мактаби вакиллари Зенон, Хрисипп, ва бошқалар томонидан ривожлантирилди. Мантиқ дастлаб амалий аҳамиятга эга бўлан фан сифатида нотиқлик санъати билан боғлиқ равишда шаклланди ва ривожланди.

Қадимдан то XIX асрнинг ўрталарига қадар Аристотель томонидан асослаб берилган мантиқ «Формал мантиқ», «Классик мантиқ», «Традицион мантиқ» номлари билан аталди.

Ўрта Осиё мутафаккирлари ижодига доир илмий манбаларда мантиқ илми буюк олимлар Муҳаммад Ал-Хоразмий, Муҳаммад Ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ Ал-Хоразмий, Мир Сайид Журжонийлар томонидан ривожлантирилганлиги ҳақида маълумот бор.

Абу Абдуллоҳ Ал-Хоразмийнинг «Мафотих--ал-улум»и, («Илмлар калити») ўзига хос қомусий асар бўлиб, ўз ичига ўша даврдаги деярли барча илм соҳаларини қамраб олган. Ушбу асарда фалсафа,

мантиқ, тиб, илми-нужум, мусиқа фанларининг асослари берилган. Асарнинг иккинчи қисмига 9 бобдан иборат мантиқ киритилган.

Мұхаммад ибн Мусо Хоразмий томонидан математик мантиқнинг асосий түшунчаси - алгоритм ишлаб чиқылған. Алгоритм түшунчаси жонли мушоҳадага асосланиб, микдорлар орасидаги мураккаб муносабатларга оид мұхим хусусиятни ажратиб олиш ва умумлаштириш маъносини ифодалайди. Аввал саноқнинг ўзи, сўнг қатъий, аниқ қоида асосида қўйилған масалани охиригача ечиб берувчи ҳар қандай ҳисоблаш тизими, алгоритм деб аталади. Мантиқ фани ўрта асрларда Ал-Киндий, Закария Розий, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино каби Ўрта Осиё мутафаккирлари томонидан ишлаб чиқылди ва ривожлантирилди.

Бизгача етиб келган адабиётларда Абу Наср Форобий ва Абу Али Ибн Синонинг мантиқ илмидаги муваффақиятлари алоҳида таъкидланган.

Абу Наср Форобий (873-950 йиллар) мантиқ илми тараққиётiga катта ҳисса қўшган буюк мутафаккирdir. У аввало қадимги Юнон фалсафаси ва мантиқини, Аристотелнинг илмий ижодини чуқур ўрганди.

Форобий мантиқка оид «Исагувчи» (Кириш), «Мақулот» (Категория), «Ибора», «Қиёс», «Бурхон», «Жадал», «Сафсата», «Хитоба», «Шеър» деб номланган 9 рисолани яратди. Булардан ташқари «Мантиқ илмиға кириш», «Ақл ҳақида» «Силлогизм» каби рисолаларни ёзди. Форобий мантиқни «тўғри фикрни амалга ошириш, ҳақиқатни қўлга киритиш санъати» - деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, мантиқ шундай бир санъатки, у ҳар доим одам нотиқликда адашиб қоладиган бўлса, тўғри фикрлашга олиб келувчи ва ақл ёрдамида бирон-бир хulosса қилинадиган бўлса, хатолардан асровчи масалаларни ўз ичига олади.

Абу Наср Форобий мантиқни тафаккур тўғрисидаги фан, деб билди. Унинг таълимотича, тафаккур ҳақиқатни билишга хизмат қиласи ва бу йўлда у турли мантиқий шакл ва усуллар: түшунча, хукм, хulosса чиқариш, исботлаш кабилардан фойдаланади. «Мантиқ - деб ёзди Форобий, - фалсафанинг у ёки бу қисмларида қўлланган ҳолларда назарий ва амалий санъатларни қамраб оловчи ҳақиқатни қўлга киритиш асбобидир». Форобий- мантиқнинг асосий түшунчалари, бўлимларини ишлаб чиқишига катта ҳисса қўшди. Унинг мантиқ билан грамматика, мантиқий фикр билан нотиқлик (фикрини баён қилиш) санъатининг боғлиқлиги тўғрисидаги фикрлари диққатга сазовордир.

Форобий мантиқ (логика) илмини саккиз қисмга ажратди: 1) оддий иборалар - түшунчалар; 2) мураккаб иборалар - гап; 3) силлогизмлар - хulosалар, Мантиқнинг қолган бешта қисмини фикр юритишнинг шакл ва усулларига қаратади. Булар а) исботлаш (далиллаш) усули; б) диалектика (ёки баҳолаш) усули; в) софистик (ёки ёлғонни ҳақиқат қилиб кўрсатишга қаратилган) усул; г) нотиқлик; д) шеърият. Бу кўрсатилган усуллар силлогистик санъатнинг турли хилдаги кўринишлари бўлиб исботлашга таянади, деб ҳисоблайди буюк мутафаккир¹.

Мантиқшуносларнинг тан олишича, Форобий ҳақиқатан ҳам араб тилида ижод қилған олимлар ичida биринчи бўлиб мантиқка оид йирик асарлар битган.

Форобий мантиқнинг силлогизмлар тўғрисидаги таълимотини чуқурлаштируди: тил билан мантиқ ўртасидаги бирлик ва тафовутни моҳирона қайд этди. Унинг таъкидлашича, сўзларнинг курилишини ўрганадиган грамматика мантиқ билан ўзаро боғланган. Форобий таълимотида индуктив билиш усули, индуктив хulosалар ҳақида фикр юритилган, Унинг фикрича, дедуктив хulosалаш имконияти индуктив хulosса ютуклари билан бойитилиши лозим.

¹ Абу Наср Форобий. Ихсо-ал-ўлум, -Қохира, 1918, 60-68-бетлар.

Абу Али Ибн Сино (980-1037) Ал-Форобийнинг фалсафа ва мантиққа оид қарашларини ривожлантириди. У мантиққа оид дастлабки билимларини устози Нотилийдан ўрганди. Абу Али Ибн Сино қаламига мансуб «Китоб-аш-шифо»нинг 9-бўлими мантиқнинг муаммоларига бағишланган. (Булар «Ал-Мадҳал», «Ал-Макулот», «Ал-Иборат», «Ал-Қиёс», «Ал-Бурхон», «Ал-Жадал», «Ал-Хитоба», «Аш-Шеър»). Шунингдек, унинг мантиқ соҳасидаги қарашлари «Китоб-ал-нажот», «Китоб-ан-ишорат ва танbihот», «Донишнома» ва бошқа рисолаларида баён этилган.

Ибн Синонинг «Донишнома» асарида мантиқ илмининг тузилиши, қисмлари, тафаккурнинг шакллари, усуллари, қоидалари, мантиқий хатолар каби масалалар ёритилган. Ибн Сино талқинича, мантиқ илми 9 қисмдан иборат.

- 1) Ал-Мадҳал - бу қисм мантиққа кириш, мантиқнинг асосий вазифалари, мантиқнинг билишда тутган ўрни, таркиби масалаларига бағишланган.
- 2) Ал-Мақулот - тафаккурнинг бошланғич тушунчалари, уларнинг нутқ орқали ифодаланиши масалаларини ўз ичига олган.
- 3) Ал-Иборада ҳукм, унинг ифодаланиши, турлари ҳақида баён қилинади.
- 4) Ал-Қиёс қисми хulosса чиқариш, дедуктив хulosса чиқариш, хulosанинг шакллари, қоидалари тўғрисида маълумот беради.
- 5) Ал-Бурхон - исботлаш, унинг моҳияти, вазифаси, турлари, қоидаларига бағишланган.
- 6) Ал-Жадалда - диалектик ҳукмлар номини олган мураккаб ҳукмлар тўғрисидаги билим акс этган.
- 7) Ал-Сафсата-софизм, параллогизмлар – нотўғри ҳукмлар, бошқаларни алдаш, ёлғонни исботлаш усулларига қаратилган.
- 8) Ал-Хитоба-риторика, нотиқлик санъатига бағишланган.¹
- 9) Ал-Шеър - ҳукмлар, шеър ёзиш санъати, унинг вазифасини, масалаларига бағишланган.

Ибн Сино мантиқ деганда, тўғри фикр юритиш, хатолардан сақланиш қоидаларини, маълум билимлардан номаълум билимга ўтиш йўлларини кўрсатадиган фанни тушунади. Унинг фикрича, амалий тафаккур ҳар доим мантиққа муҳтож, у мантиқ ёрдамида мукаммалликка эришади.

Фарбда мантиқ фани инглиз файласуфи Френсис Бэкон (1561-1625) томонидан ривожлантирилди. У ўзининг «Янги органон» асарида билишнинг индуктив методини асослаб берди. У индукцияни билиш усули, деб қаради.

Мантиқ масалалари янги даврда файласуфлар Р.Декарт, Г.Лейбниц, И.Кант дикқатини ўзига тортиди. Машхур немис файласуфи Лейбниц (1646-1716) мантиқ илмининг тутган ўрнига алоҳида эътибор беради. У мантиқни бошқа илмларни исботловчи, кашфиётлар методини ўрганувчи фан, деб таърифлади. Лейбниц мантиқнинг тўртинчи - етарли асос қонунини асослаб берди.

XIX-XX асрдаги математика илмининг тараққиёти мантиқ илмининг янги йўналишларини келтириб чиқарди.

Джон Буль, О-де Морган, Порэцкий асарларида мантиқ илмида математика методларининг тадбик этилиши масалалари ишлаб чиқилди, математик логика шаклланди.

¹ Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т.: 1995, 66-бет.

2. Қаранг: Е.К.Войшвило, М.Г.Дегтярёв. лошка Учебник для вузов – Москва, Гуманитарный издательский центр Владес, 1998 йил, 36-бет.

1. Ҳозирда таркибий қисмларига форма лёки символик мантииқ.

2. Мантииқий семиотика ва методология киради.

Мантиқ илмининг асосини символик ёки формал мантиқ ташкил этади.

4. Билиш ва унинг асосий босқичлари

Мантиқ инсон тафаккурининг шакллари, усуллари, қонун-қоидалари тўғрисида баҳс юритадиган фандир. Инсон тафаккури мураккаб жараён. Бу жараённинг моҳияти, босқичлари фалсафий нуқтаи назардан талқин қилинганда шундай хulosага келиш мумкинки, инсон томонидан оламнинг англаниши (билиш) бир-бирига боғлиқ бўлган икки босқични ўз ичига олади: оламни ҳис қилиш йўли билан билиш; оламни ақл йўли билан билиш. Олам, ундаги предмет ва ҳодисаларни биз аввало сезгиларимиз ёрдамида биламиз. Оламдаги нарсаларнинг онгимиз таъсири натижасида сезгилар ҳосил бўлади. Сезгилар нарса ва ҳодисаларнинг алоҳида томонлари, хусусиятларининг инсон онгидаги инъикосидир. Инсоннинг олам ҳақидаги барча билимларининг биринчи ва дастлабки манбаи - сезги. Сезги туфайли инсон олам билан боғланади. Сезги ташки оламдаги предмет ва ҳодисалар, уларнинг хусусиятларини билиш имконини беради. Сезгилар деганда, кўриш, эшлитиш, там сезиш, хид сезиш, тери сезгиси назарда тутилади. Сезгининг бошқа барча турлари шу сезгилар мазмунидан келиб чиқади. Ҳиссий қабул қилишнинг иккинчи шакли идрок бўлиб ҳисобланади. Оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг инсон онгига акс этиши натижасида вужудга келган предметнинг яхлит образи - идрок ҳисобланади. Тасаввур - ҳиссий қабул қилишнинг ўзига ҳос шакли. У акс этган предметнинг онгда из қолдириши ёки образли хотира, деб ҳам юритилади. Тасаввур инсоннинг олам ҳақидаги билимларининг сақланиши ва мустаҳкамланишига хизмат қиласи, шу билан бир қаторда нарса ва ҳодисаларни билишда муайян ўрин тутади. Тасаввур ҳиссий қабул қилишдан ақлий билишга ўтишда муҳим босқич бўлиб ҳисобланади. Шундай қилиб, сезги, идрок, тасаввур оламни ҳиссий билишнинг асосий шакллариdir. Улар психологиянинг ўрганиш обьекти бўлиб ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сезги, идрок, тасаввур инсон ақлий фаолияти билан чамбарчас алоқадорликда вужудга келади. Бошқача қилиб айтганда, ҳиссий тафаккур шакллари инсон ақли томонидан бошқарилади ва назорат қилинади. Буни шундай тушунмоқ жоизки, ҳиссий билиш инсонда соғ, ақлий билишдан ажralган ҳолда мавжуд бўла олмайди. Ҳиссий ва мантиқий билиш ўзаро бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, бири иккинчисини тақозо этади. Ҳиссий билиш мантиқий билишга ўтишнинг дастлабки зарурий босқичи, мантиқий билиш эса, ҳиссий билиш натижаларининг инсон миясида қайта ишланиши оқибатида вужудга келади. Гарчи, ҳиссий ва мантиқий билиш ягона билиш жараённинг ўзаро бир-бирига боғлиқ икки томонини ташкил этса-да, улар ўзаро бир-бирларидан фарқланадилар:

1. Ҳиссий ва мантиқий билиш ўзига ҳос шаклларда намоён бўлади. Ҳиссий билиш (мушоҳада)нинг шакллари деганда, сезги, идрок, тасаввур назарда тутилади. Мантиқий билиш шаклларига тушунча, мушоҳада (хукм), хulosса киради.

2. Ҳиссий билиш оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг инсон онгига бевосита инъикос этилишидир. Ҳиссий билиш натижасида обьектив оламнинг инсон онгидаги билвосита (яъни, сўзлар, сўз бирикмалар, гаплар воситасидаги) фикрий ифодасидир. Мантиқий билиш ҳиссий билиш натижаларини қайта ишлаш орқали ҳосил бўлади. Тушунча, мушоҳада, хulosса билимларининг тил воситасида ифодаланган шакли ҳисобланади. Тафаккурнинг тил билан узвий боғлиқлиги, унинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Тил тафаккурнинг моддийлашувидир.

3. Аксари ҳолларда ҳиссий билиш оламнинг пассив инъикоси бўлиши мумкин. Ҳиссий билиш инсоннинг хоҳиш - иродасидан қатъий назар ҳосил бўлиши мумкин. Мантиқий билиш инсоннинг онгли, мақсадга йўналтирилган фаолияти натижаси ҳисобланади. Унга кўра, мантиқий билиш оламни

мушоҳада қилиш жараёнида турли-туман саволларнинг келиб чиқиши ва уларга жавоб излаш билан бевосита боғлиқ.

4. Мантиқий билиш, ҳиссий билишдан яна шу билан фарқланадики, нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур, атрофлича очиб беради; улар орасидаги алоқа ва муносабатларни аниқлайди.

5. Мантиқий билишда инсон хилма-хил билиш усусларидан (анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш, абстракциялаш, тушунтириш кабилар) фойдаланади, улар ёрдамида олам ҳақидаги билим - тушунча, муҳокама, хulosаларни ҳосил қиласди. Мантиқий билиш, шунингдек, тушунчаларни умумийлаш ва чегаралаш, бўлиш ва туркумлаш, исботлаш ва рад қилиш, бир фикрдан бошқа бир фикрни ҳосил қилиш каби мантиқий усуслардан фойдаланишини тақозо қиласди.

6. Ҳиссий билиш алоҳида предметлар тўғрисидаги инсоннинг дастлабки билимларини ифодалайди. Мантиқий билишда алоҳида предмет, ҳодисаларнинг умумий томонлари ифода этилади. Мантиқий билиш оламнинг инсон онгига билвосита, умумлашган ҳолда ифода этилишидир.

7. Мантиқий билишдан кўзда тутилган мақсад - чин билимларга (ҳақиқатга) эришишдир. Мантиқий билим тушунча, мушоҳада, хulosалар шаклида намоён бўлади.

Тушунча - предмет, ҳодисалар, уларга хос хусусиятлар, муносабатларнинг ифодаси ҳисобланади. Масалан: «Тошкент» (нарса ифодаси), «Гўзаллик» (белгини ифодалайди), «Тенг» (муносабатни ифодалайди).

Мушоҳада (хукм) - предметлар билан хусусиятлар ўртасидаги алоқадорликни ифодалайди. Хукм (мушоҳада) тушунчалардан ташкил топади. Мушоҳада предмет ёки ҳодиса ҳақида тасдиқ ва инкор шаклида баён этилган фикрdir. Масалан: Одамийлик - юксак Ахлоқий фазилат.

Хулоса – илгариги билим асосида янги билим ҳосил қилишнинг мантиқий усули ҳисобланади. Хулоса фикрлар боғланишидан келиб чиқади. Фикрларнинг боғланиши янги билимни ҳосил қилиш имконини беради. Улар оламдаги нарса ва ҳодисалар алоқадорлигининг инсон онгидаги ифодасидир. Масалан, Металлар иссиқлиқ ўтказади. А)Мис - металл. Б)Демак, мис ҳам иссиқлиқ ўтказади. В)Бунда «А» ва «Б» фикрнинг боғланишидан янги В билим ҳосил бўлади.

5. Тафаккур шакллари. Мантиқ қонунлари

Тафаккур тил воситасида шаклланади. Тафаккур оламни мавҳумлаштириб, умумлаштириб акс эттиради. Мавҳумлик, умумийлик тил воситасида конкретлашади. Тил ёрдамида билимлар ҳосил килинади, тўпланади, авлоддан-авлодга етказилади. Тил-кенг маънода олиб қаралганда, ахборот белгилари тизимини ташкил этади. Унинг асосий вазифаси-ахборотни шакллантириш, тўплаш, етказиш. Тил кишилар орасида муҳим алоқа воситаси ҳисобланади. Тиллар табиий ва сунъий тилларга бўлинади.

Табиий тиллар ёки миллий тиллар тарихан шаклланган товушлар ва графика (ёзув)нинг ахборот белгилари тизимидан иборат. Тафаккур шакллари табиий тиллар асосига қурилади. Табиий тиллар кўп функцияларни бажаради: кишиларнинг илмий ва амалий фаолиятлари жараёнида ўзаро бир-бирлари билан алоқа ва муносабатлар боғлаш имконини беради. Тил туфайли билим, кўникма ва малакалар авлоддан-авлодга ўтади, тил ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Сунъий тиллар табиий тиллар негизида яратилган ахборот белгилари тизимини ташкил қиласди. Сунъий тил хабар, ахборотни аниқ, қисқа, тежамли баён этиш ва узатишга хизмат қиласди. Математика, символик мантиқ, химия, мусиқа, ЭХМ учун алгоритмларда сунъий тиллардан фойдаланилади. Сунъий тил аниқ мазмунга эга бўлган фикрларни белгилар билан алмаштириш ва шу асосда ахборотни ихчамлаштириш, алгоритмлаш имконини беради. Мантиқда ҳам табиий, ҳам

формаллаштирилган сунъий тиллардан фойдаланиб, фикрлар баён этилади. Масалан: «Тошкент - Ўзбекистоннинг пойтахти». Бу фикрни «S-P»дир формуласи орқали ифодалаш мумкин.

Инсоннинг олам ҳақидаги фикрлари қанчалик турли-туман бўлмасин, уларнинг мазмуни ва тузилишида муайян умумийлик бўлади. Фикрлар тузилиши ва мазмунидаги бундай умумийлик мантиқий шакл деб юритилади.

Мантиқий шаклларда фикрлардаги умумийлик табиий (тушунча, мушоҳада, хулосаларнинг сўз ва гаплар воситасида ифодаланиши) ҳамда сунъий (шартли белгилар, формулалар, алгоритмлаш) тарзда ифодаланиши мумкин. Масалан: «Ўсимлик - организм», «Яхшилик - эзгуликнинг боши», «Ўзбекистон – мустақил давлат». Бу берилган мисоллар мушоҳада (хукм) ҳисобланади. Улар ҳар хил мазмунга эга. Лекин, улар мазмун жиҳатидан ўзаро бир-биридан қанчалик фарқланмасинлар, муайян умумийликка эгалар. Ўар уч фикр тасдиқ хукм (мушоҳада)га мисол бўла олади ва уларни «S-P»дир мантиқий шаклида ифодалаш мумкин.

Фикрларнинг тузилишидаги ва боғланишидаги умумийлик мантиқий шаклларда ўз ифодасини топади. Масалан: «Агар электр токи берилмаса, трамвай тўхтайди», «Агар сув танқис бўлса, экин яхши ривожланмайди». Бу ҳар икки мушоҳада мазмун жиҳатидан ўзаро бир-биридан фарқ қиласи, лекин мантиқий тузилишида умумийлик (ўхшашиблик) бор. Ҳар икки ҳукм «агар» сўзи билан бошланган ва уларда S билан P муносабати шарт борлигидан далолат беради.

Шунинг учун ҳам бу ҳар икки ҳукмни; Агар S-P бўлса, S₁-P₁ дир формуласи орқали ифодалаш мумкин. Шундай қилиб, мантиқий шакллар фикрларнинг умумий томонларини ифодалайди. «S - P» дир формуласи тасдиқ мушоҳадани, «S - P эмасдир» инкор мушоҳадани ифодалайди.

Мантиқ қонунлари

Оlamни билишдан мақсад - чин билимлар ҳосил қилиш, яъни ҳақиқатларга эришишдир. Чин билимлар ҳосил қилишнинг икки асосий шарти мавжуд:

1. Олам, ундаги предмет ва ҳодисалар, улар орасидаги алоқадорликларнинг фикрларда тўғри акс этиши (фикрнинг обьектга мувофиқлиги).
2. Тўғри фикрлаш (тафаккур) қонунларини билиш ва уларга риоя қилиш.

Тўғри фикрлаш қонунларилари тафаккур қонунлари - деб юритилади. Тафаккур қонунлари инсоннинг тарихий тараққиёти ва билиш соҳасидаги тажрибаси асосида шаклланган. Тафаккур қонунларида инсонга хос фикрлаш жараёнининг энг оддий, энг умумий хусусиятлари акс этган. Тафаккур қонунлари мухокама жараёнида фикрлар орасидаги муносабатларга таалуқли бўлади. Фикрларнинг тўғри тузилганлиги ва улар орасидаги ички алоқадорлик мантиқ қонунларида ўз ифодасини топади. Мантиқ қонунларига қуйидагилар киради: 1) айният қонуни; 2) зиддиятсизлик қонуни; 3) мустасно қонуни; 4) етарли асос қонуни. Мантиқ қонунлари фақат инсон фикрларигагина татбиқ этиладиган қонунлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам улар тафаккурнинг хусусий қонунлари, деб юритилади. Тафаккур қонунлари фикр – мухокамалар орасидаги энг умумий, зарурий, такрорланадиган, қатъий, ички алоқадорликларни ифодалайди ҳамда мантиқий (яъни тўғри) фикр юритиш йўлларини кўрсатади. Айният, зиддиятсизлик, учинчиси мустасно қонунлари Аристотелнинг «Метафизика» асарида таърифлаб берилган. Етарли асос қонуни немис файласуфи, математик Лейбниц томонидан асосланган. Мантиқ қонунлари мантиқий фикрлашнинг тўғри амалга ошишини таъминлайди.

Айният қонуни

Айният лотинча «Zex identitatis» сўзидан олинган бўлиб, айнан, ўхшаш маъноларни беради. Айният қонуни моддий оламнинг муҳим томони, хусусиятини ифодалайди. Маълумки, олам ўзгариб, доимо ривожланиб туради. Ҳаракат - реалликнинг атрибути ҳисобланади. Лекин узлуксиз кечаётган бу жараёнлар (ҳаракат, ўзгариш, тараққиёт) нарса ва ҳодисалардаги вақтингча сокинликни, мувозанатни инкор этмайди. Нисбий сокинлик, мувозанат мавжудликнинг муҳим томонини ташкил этади. Масалан: уй ер билан биргаликда соатига 1000 км тезликда ўз ўки атрофида ва секундига 36 км тезликда қуёш атрофида айланади. Уйнинг атомлари секундига ўнларча минг километр ҳаракатланади. Вакт ўтиши билан узлуксиз ҳаракат ҳеч нарсани қолдирмайди. Лекин маълум вакт мобайнида нарсалар (масалан, уй) нисбий мувозанатда бўлади. Демак, ҳар бир нарса, ҳодиса қанчалик ўзгаришга учрамасин, унинг асосий хусусиятлари, сифати муайян вакт мобайнида сақланиб қолади. Айнан шу хусусият ўрганилаётган объективнинг бирлигини, айнанлигини, барқарорлигини ифодалайди ва бу нарса бизнинг фикримизда акс этади. Нарса ва ҳодисаларнинг сифат муайянлиги, барқарорлик уларни тадқик қилиш қонуниятларини очиш имкониятини беради.

Айният қонуни нарса ва ҳодисалардаги ўхшашлик, умумий томонларнинг фикрдаги ифодасига таянади. Олам турли-туман қўринишларга эга, ундаги нарса ва ҳодисалар ўзаро қанча фарқланмасин умумийликка, аниқликка эга. Шу умумийлик туфайли инсон уларни ўзаро бир-биридан фарқлайди. Айният нарса ва ҳодисаларнинг маълум муносабатда ўхшашлигини, тенглигини ифодалайди. Масалан: (А)«Тошкент» «Ўзбекистоннинг пойтахти» (Б) тушунчаларини олайлик. Бу ҳар икки (А) ва (Б) тушунча бир маънени ифодалаяпти, бу тушунчалар айният қонунига бўйсунади.

Айният қонунига мувофик, муҳокама, баҳс, мунозара жараёнида ҳар бир фикр айнан бир маънода ишлатилмоғи лозим. Айният қонуни муҳокама жараёнида маълум вакт мобайнида, маълум муносабатда тушунча - фикр ўз маъносини сақлаб қолсин, деган талабни олдинга суради. Аниқ, равshan фикрлашнинг асосий шартлари дегандан уч нарса назарда тутилади. 1) объективнинг бирлиги, айнанлиги; 2) вактнинг айнанлиги; 3) муносабатнинг айнанлиги.

Формал мантиқда айният A-A дир. «A бўлмаган нарса A- эмасdir» тарзида ифодаланади. «Математик» мантиқда айният A→B тарзида ифодаланади. Бунда→импликация белгиси, деб юритилади ва у A ва B орасида маълум муносабат (тенглик, айнанлик) борлигига ишора қиласди. Айният қонуни фанда, санъатда, ҳаётда кенг қўлланилади. Кишиларнинг олам ҳақидаги билимлари нарса ва ҳодисалардаги умумийлик (ўхшашлик)нинг ифодаси сифатида намоён бўлади. Тушунчалар, муҳокамалар, хулосалар шу айниятлик, ўхшашликнинг ифодаси ҳисобланади. Биз нарса ва ҳодисаларнинг миқдорий муайянлигини сонларда «бир», «икки», «уч»... деб, сифат ва хусусиятларни «чиройли», «яшил», «ақлили»..., муносабатларини «катта», «кичик», «тенг»... деб ифода этамиз; нарса ва ҳодисалар, уларнинг ҳоссалари, муносабатлари ҳақида мушоҳада қиласмиз. Фикрлар, мушоҳадалар орасидаги муносабатларни аниқлаш орқали илгариги билимлар асосида, янги билимлар ҳосил қиласмиз. Буларнинг ҳаммаси нарса ва ҳодисалардаги муайянлик, доимийлик, барқарорликнинг инсон онгидаги ифодасидан ўзга нарса эмас. Илмий изланишда айният қонунини билиш муҳим аҳамият касб этади. Фанларда айнанлик, ўхшашлик ўзига хос ифодаланади, масалан, математикадаги тенглик, эквивалентлик, алгоритмлар, ҳозирги ўзбек тилидаги маънодош (эквивалент) сўзлар, кимёдаги кимёвий элементлар, атом оғриликларидағи айнанлик, ўхшашлик ва ҳоказо.

Фанларда ишлаб чиқарилган атамалар, категориялар тафаккурнинг айният қонунига бўйсунади. Илмий изланиш одатда нарса ва ҳодисаларга хос бўлган муҳим томонларни, ички қонуниятларни очишга қаратилган бўлади. Тадқиқотчи шу нарсани унутмаслиги лозимки, ҳар бир нарса қанчалик ўзгаришга учрамасин, маълум вакт мобайнида ўзининг асосий хусусиятларини, ички алоқа ва муносабатларини сақлаб қолади. Айнан шу барқарор томонлар, хусусиятлар, алоқа ва муносабатлар ўрганилаётган объективнинг айнанлиги, ўхшашлигини ифодалайди ва унга хос бўлган ички қонуниятларни очиш имкониятини беради. Нарса ва ҳодисаларни ўрганиш жараёнида уларга

хос бўлган барқарор, ички, муҳим, улар моҳиятидан келиб чиқадиган хусусиятларни аниклашдан ички моҳиятли томонларни билишга қараб борилади. Бунда объектни ўрганиш шартларидан бири - уни бошқа нарса ва ҳодисалардан ажратиб олиб ўрганиш бўлиб ҳисобланади. Кўриниб турибдики, тафаккурда нарсалардаги ўзгаришларгина эмас, балки улардаги сифат муайянлиги, доимийлик, барқарорлик ҳам акс этади.

Илмий изланиш нарса ва ҳодисалар моҳияти, ички қонуниятини аниклаш мақсадида олиб борилади. Бу эса ўз навбатида нарса ва ҳодисаларнинг сифат муайянлиги, нарсалар орасидаги барқарор муносабатларни барқарор фикрлар (тушунча, муҳокама) орқали ифодалашни тақазо этади. Қонуниятлар бир нарса, бир объектга эмас, балки умумга (нарсалар туркумларига), бир қатор объектларга тааллукли бўлади, ҳамда улардаги умунийлик, ўхшашик, айнанлик томонларини ўрганиш орқали очилади.

Айният қонуни илмий муаммо доирасида олиб бориладиган илмий мунозараларда кенг кўлланилади. Бунда илмий мунозарарнинг муваффақияти кўп жиҳатдан мантиқий фикрлаш даражасига, муҳокама этилаётган нарсалар доирасини аниқ белгилашга, муҳокама асосини тўғри аниклашга боғлиқ бўлади.

Айният қонунининг бузилиши «тушунчаларни ўзгартириб қўйишда» намоён бўлиши мумкин. Тушунчани ўзгартириб қўйиш деганда, унинг ҳажмини ўринсиз кенгайтириш ёки торайтириш, мазмунини ўзгартириш (дастлаб бир маънода, кейинчалик бошқа маънода ишлатиш) назарда тутилади. Оқибатда «тушунчани ўзгартириб қўйиш» фикрдаги чалкашликни, ноаниқликни келтириб чиқариши мумкин бўлади. «Тушунчани ўзгартириб қўйиш» муҳокама объектини ўзгартириб юбориш, яъни бир нарса ҳақида фикр юрита бошлаш, уни тугалламасдан бошқа нарсага ўтиб кетиш маъносини билдиради. Муҳокама предметини, тушунчани ўзгартириб юбориш беихтиёр ёки атайлаб амалга оширилиши мумкин.

Айният қонунининг бузилиши тезисни (яъни фикрни) ўзгартириб қўйишда ҳам намоён бўлади. Бирон бир фикрни исботлаш ёки рад этишда онгли, ёки беихтиёр равиша бир фикрни бошқа бир фикр билан алмаштириш «тезисини ўзгартириб қўйиш» деб юритилади.

Тезисни ўзгартириш фанда, сиёсатда ва бошқа соҳаларда кўриниши мумкин. Республикамиз Президенти Каримов И.А. «Ўзбекистан XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» рисоласида XX аср охиридаги кузатилаётган диний уйғониш ижтимоий ҳодисаси устида тўхталиб, «ислом уйғониши» ҳодисасини таҳлил қилишда диннинг маънавий қадриятлари билан дин ниқоби остида сиёсий ва тажовузкор мақсадлар орасидаги фарқни тушуниш ниҳоятда муҳим эканлигини таъкидлаган эди.

Айрим ҳолларда илмий изланишларда айният қонунининг бузилиши натижасида кузатиладиган фикрдаги ноаниқлик, чалкашлик, ғализлик тадқиқот объектини яхши билмасликдан, етарли ўрганмасликдан келиб чиқади.

Аниқлик – тўғри фикрлаш услубининг энг асосий қоидаси. Айният қонуни фикрдаги ноаниқлик – қўп гапирса ҳам, ҳеч нарса демаслик мумкинлигини қўрсатадиган қонундир. Айният ўрганилаётган объект ҳақидаги билимларнинг аниқ, равshan, изчил баён этилишини таъминлайди. Айният фикрдаги аниқлик, нисбий муайянлик, барқарорликнинг ифодаланишидир. Олим, фозил кишилар фикрлаш маданиятлари юқорилиги билан бошқалардан фарқланадилар. Ўз фикрини қисқа, аниқ, равshan баён эта олиш ҳар бир тадқиқотчи олдига қўйиладиган энг асосий талаб ҳисобланади.

Зиддиятсизлик қонуни.

Зиддиятсизлик қонуни ҳақидағи дастлабки маълумотни Платоннинг «Евтидем» номли диалогида учратамиз. Платон бу ҳақда бир нарсанинг ўзи ҳам бўлиши, ҳам бўлмаслиги мумкин эмас, дейди. Аристотель бу қонуннинг моҳиятини ўзаро қарама-қарши фикрлар бир вақтнинг ўзида бараварига чин бўлиши мумкин эмас; айнан бир нарса бошқасига айни нисбатда ҳам мос бўлиши, ҳам мос бўлмаслиги мумкин эмас, деб тушунтирган. Зиддиятсизлик лотинча «*Zex contradictions*» сўзидан олинган. Тафаккурнинг бу қонунини предмет ва ҳодисаларга хос бўлган томонларининг ўхшашлиги, тафовути ва ўзаро боғланишларининг инсон онгидаги инъикоси сифатида баҳоламоқ лозим. Маълумки, оламдаги нарсалар муайян ҳислатларга эга. Бу ҳислатлар предметлар мавжудлигини ифодалайди. Оlam шундай тузилганки, айнан бир нарсанинг ўзи айни бир шароитда, айни бир вақтда маълум хусусиятга ҳам эга бўлиш, ҳам эга бўлмаслиги (масалан, ҳам «оҚ», ҳам «қора» бўлиши) мумкин эмас. Мана шу хусусият мантиқнинг зиддиятсизлик қонунида ўз ифодасини топган. Мазкур қонун тафаккурдаги зиддиятни бартараф этишга қаратилган. Бу қонунга мувофиқ айни бир нарса ҳақида, айни бир вақтнинг ўзида, айни бир нисбатда айтилган икки қарама-қарши фикр бирданига чин бўлиши мумкин эмас: улардан бирининг чинлиги иккинчисининг ҳатолигини келтириб чиқаради. Масалан: А-В дир ва А-В эмасдир деган икки фикр бир вақтнинг ўзида чин бўлиш мумкин эмас. Мухокамада зиддиятлар турли кўринишларда учраши мумкин. Масалан, агар якка тасдиқ маъносида «S-P дир» мушоҳадаси чин бўлса, унинг инкори «S-P эмасдир» хато ҳисобланади. Шунингдек, фикрдаги зиддиятлар умумий тасдиқ ва умумий инкор умумий тасдиқ ва жузъий инкор; умумий инкор ва жузъий тасдиқ фикрлар орасидаги муносабатларда кузатилиши мумкин. Бу кўрсатилган фикрлар ўзаро қарама-қарши бўлиб, уларнинг ҳар иккиси бир вақтнинг ўзида чин бўлиши мумкин эмас. Бир вақтнинг ўзида, бир нисбатда чин бўлиши мумкин бўлмаган фикрлар мантиқда қуйидаги формулалар ёрдамида ифодаланади:

S - P дир ва S - P эмасдир.

Хеч бир S - P эмасдир ва ҳар бир S - P дир.

Хамма S - P дир ва баъзи S - P эмасдир.

Хеч бир S - P эмасдир ва баъзи S - P дир.

Зиддиятсизлик қонунининг ифодаланиш а ва а (а эмас). Бу мантиқда а а формуласи ёрдамида ифодаланади. Зиддиятсизлик қонуни унинг амал қилишдаги шарт-шароитларни яхши билиш, таҳлил қилишни талаб этади. Мантиқ талабларини билиб ёки билмай туриб бузиш ҳақиқатни яшириш, ундан кўркиш, беркиниш, ёлғон фикрларни исботлашга олиб келади.

Зиддиятлилик қонуни тафаккурнинг муҳим хусусияти фикр зиддигига йўл қўймасликни талаб қиласи. Унга кўра бир вақтнинг ўзида бир масала юзасидан, бир нарсага нисбатан икки зид фикрнинг бўлиши мумкин эмас. Лекин турли маънода, турли вақт бирлигига, турли нисбатда бир масалага нисбатан икки зид фикрнинг мавжуд бўлиши мумкин. Зиддиятсизлик қонуни фикр бирлигини, вақт бирлигини, объект бирлигини, нисбат ёки муносабат бирлигини асосий шартлар сифатида қўяди, ҳамда бирон бир саволга бир вақтнинг ўзида ҳам «ҳа» ёки «йўқ» тарзida жавоб бериши мумкин эмаслигини назарда тутади. Зиддиятсизлик қонуни фақат фикрлаш жараёнига тааллуқли. Худди айният қонунидаги сингари бунда ҳам фикрдаги муқимлик, барқарорлик назарда тутилади. Шундан келиб чиқсан ҳолда зиддиятсизлик қонунига кўра айнан бир предмет ҳақида қарама-қарши фикрларни баён этиш мантиқсизлик, деб ҳисобланади. Зиддиятсизлик қонуни оламдаги нарса ва ҳодисаларда рўй бериб турадиган узлуксиз ўзгариш жараёнини инкор этмайди. У фақат фикрдаги зиддиятни инкор этишга қаратилган. Фикр зиддиятини ҳаёт, олам тараққиёти зиддиятидан фарқламоқ керак. Ҳаёт зиддияти тараққиёт манбаи бўлиб ҳисобланади. Оламдаги мавжуд зиддиятлар диалектик зиддиятлардир. Зиддиятсизлик қонуни оламнинг моҳиятини, хусусиятлари, муносабатлари, уларга хос бўлган зиддиятларни изчил, тартибли, бир-бирига зид

бўлмаган фикрларда баён этишни талаб қилади. Тафаккурнинг зиддиятсизлик қонуни борлиқни ва у ҳақидаги инсон фикрларини ўрганишдан келиб чиқкан.

Мантиқий фикрлаш зиддиятларсиз фикрлаш маъносини билдиради.

Тафакурдаги зиддият икки кўринишда намоён бўлади; қарама-қарши (контрап) ва зид (контрадиктор). Контрап лотинча «contrariū» сўзидан олинган бўлиб, қарама-қарши деган маънони ифодалайди. Контрап фикрлар деганда бир-бирига қарама-қарши маънони ифодалайдиган фикрлар назарда тутилади. Қарама-қарши (контрап) муносабатни қуидагича ифодалаш мумкин: Бир нарса ёки ходиса ҳақидаги икки фикр (А ва В) ўзаро бир-бирини инкор этади, бир-бирига қарама-қарши. А фикрнинг чинлиги В нинг хатолигини ёки В нинг чинлиги А нинг хатолигини англатади. Ўар икки (А ва В) фикр бир вақтнинг ўзида хато бўлиши мумкин. Масалан: Барча йигитлар хоккейга қизиқади - А фикр. Ўеч бир йигит хоккейга қизиқмайди - В. Бу контрап фикрлар, Уларнинг ҳар иккиси ҳам хато, чунки ҳақиқий аҳволни тўғри акс эттирмаяпти. Уларнинг хатолиги зарурий равишида учинчи фикрнинг (Баъзи йигитлар хоккейга қизиқади) - чинлигини келтириб чиқаради.

Контрадиктор лотинча «contradictorius» сўзидан олинган бўлиб, зид маънони ифодалайди. Контрадиктор тушунчалар, контрадиктор муҳокамалар деганда бир-бирига тамоман зид фикрлар назарда тутилади.

Мантиқий зиддият сўз зиддияти, фикр зиддияти деб ҳам номланади. Сўз зиддияти одатда инсоннинг ўз нуқтаи-назарига эга эмаслиги, объектни етарли билмаслигидан далолат беради ва оқибатда баён этилган фикр ноаниқ, ҷалқаш, ғализ бўлади; муаллифда иккиланиш сезилиб туради. Ҷалқашлиқ, ноаниқлик, ўз фикрини тўғри ва изчил баён эта билмаслик, фикрдаги зиддият инсон тафаккурида кузатиладиган камчиликлар ҳисобланади.

Зиддиятсиз фикр юритиш қоидаси кишиларга қадимдан маълум бўлган. Марказий Осиё мутафаккирларидан Ал-Фаззолий (1059-1111) зиддиятсизлик инсоннинг барча фикрларига тааллуқли бўлмоғи лозимлигини кўрсатган эди.

Зиддиятсизлик қонунининг моҳиятини чукур анграб олиш, изланишларда илмий муаммони тўғри аниқлаш, унга доир илмий фаразни ишлаб чиқиш, илмий муаммони тадқиқ этишда муҳим ўрин тутади. Зиддиятсизлик тафаккурнинг барча кўринишларида (тушунча, муҳокама, хулоса), фанлар мазмунида ўз ифодасини топади. Масалан: органик ва ноорганик олам, мусбат ва манфий заряд, ўткир, ўтмас ва тўғри бурчак, унли ва ундош товуш, тўғри ва эгри чизиқ, унитар ва федератив давлат, тоталитаризм ва демоктаризм кабилар.

Учинчи истисно қонуни

Учинчиси истисно қонуни маъно жиҳатидан зиддиятсизлик қонунининг бевосита давоми бўлиб, фақат зид (ўзаро бир-бирини тамомила инкор этувчи) фикрларга нисбатан қўлланади. Бу қонун қуидагича таърифланади: бир-бирига зид бўлган икки фикр (муҳокамадан) бирининг чинлиги ҳамиша иккincinnisinинг хатолигини келтириб чиқаради, учинчиси бўлиши мумкин эмас, яъни истисно қилинади. Тафаккурнинг бу қонунини буюк юнон файласуфи Аристотель икки зид фикр орасида учинчисининг бўлиши мумкин эмас, деб таърифлаган. Мантиқнинг бу қонуни белги, хусусият, муносабатнинг нарсага хос эканлигини тасдиқлади ёки инкор этади. Бунда бир нарса ҳақида икки бир-бирига батамом зид фикрлар ўртасидаги муносабатлар назарда тутилади. Масалан: Бу геометрик шакл - ўткир бурчакли учбурчак (A - V дир). Бу геометрик шакл - ўткир бурчакли учбурчак эмас (A - V эмасдир) фикрлари ўзаро зидлик муносабатида. Улар мантиқда A ёки V ёки V эмасдир формуласи билан ифодаланади. Математик мантиқда бу қонун a v a формуласи шаклида берилади. Бунда a ҳар қандай фикрни, «a» унга зид бўлган фикрни, v зидлик белгисини ифодалайди.

Учинчиси истисно қонуни зиддиятсизлик қонуни каби фикрнинг изчил, зиддиятсиз бўлишини талаб этади. Шу билан бир қаторда учинчиси истисно қонуни икки зид фикр бир вактнинг ўзида ҳам чин, ҳам хато бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатади. Учинчиси истисно қонуни обьект, вакт, муносабат айнанлигини тақозо қиласди. Учинчисини истисно этувчи фикрлар сирасига қуидагиларни киритиш мумкин:

-алоҳида нарса ёки ҳодисага нисбатан бирон бир нарсанинг тасдиқланиши ёки инкор этилиши; S - Р дир ва S - P эмасдир. Бу якка тасдиқ ва якка инкор фикрлар орасидаги муносабатни англатади;

-туркумга мансуб нарсалар, ҳодисалар ва алоҳида олинган предмет ҳақидаги ниманидир тасдиқланиши ёки инкор этилишини;

-туркумга мансуб нарсаларга нисбатан ниманидир инкор этилиши ва алоҳида нарсага нисбатан шу белгининг тасдиқланиши.

Учинчиси истисно қонуни фикрларимизнинг аниқ, равшан, зиддиятсиз бўлишини талаб қиласди. Учинчиси истисно қонунининг амал қилиш ҳолатлари турли-туман, ундан алоҳида нарсалар ҳақида фикр юритганда ҳам, мураккаб жараёнларни ўрганганда ҳам фойдаланиш кўзда тутилади. Учинчиси истисно қонуни тўғри фикрлашнинг асосий шартларидан бўлса-да, тўғри тафаккур қилиш, чин билимлар ҳосил қилиш учун унинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун мавжуд нарса ва ҳодисаларни, уларнинг муносабатларини чукур, атрофлича ўрганиш талаб қилинади. Учинчиси истисно қонуни муҳокама жараёнида тўғри хулоса чиқариш имконини беради. Лекин бунинг ўзига хос шарти мавжуд: Учинчиси истисно қонуни зид фикрларгагина тегишли булади. Учинчиси истисно қонунининг илмий изланишларни олиб боришда ўзига хос ўрни бор. У назарий тадқиқотлар жараёнида фикрдаги ноаниқликни, чалкашликни бартараф этишнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади. Унинг ёрдамида инсон билими нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятига қадар чуқурлашиб боради ва таъкидлаш жоизки, зидликнинг томонларидан бири айрим ҳолларда ноаниқ бўлиб қолаверади. Бу ҳол учинчиси истисно қонунининг дихотомияга хос томонларини ҳисобга олишни талаб қиласди. Учинчиси истисно қонуни тадқиқотчидан ўз фикрларини аниқ, равшан, зидликсиз баён этишини, рақибининг фикрларини инкор этишнинг асосларини топишни, ўз нуқтаи-назарига эга бўлишини талаб қиласди. Илмий тадқиқотда ундан фойдаланиш учун бирон-бир фикрни инкор этишнинг ўзи кифоя қилмайди. Шунга эришиш лозимки, тадқиқотчи муайян мавзудаги ўз нуқтаи-назарини баён қилишнинг мантиқий усусларидан фойдалана билсин, далиллар асосида ўз фикрини асослай билсин. Бунинг учун мантиқ қонунларидан ташқари тадқиқот обьектини чукур билиш, у тўғрисидаги мавжуд билимларни ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунда тадқиқотнинг қиймати унда инкор этилган фикрлар билан ўлчанмайди, балки инкор этилган фикрларнинг асоссиз эканлигини исботлайдиган далиллар воситасида муаммога ўз ечимини бериш, ўз мустақил фикрини шакллантириш илмий ижоднинг муваффақиятини таъминлайди.

Етарли асос қонуни

Бизнинг олам, ундаги бирон нарса, ҳодиса ҳақидаги фикримиз чин ёки хато бўлиши мумкин. Фикрнинг чинлиги тафаккурга хос хусусият бўлиб, чин фикрлар ҳақиқатлар, деб юритилади, уларга амалий ва назарий фаолият туфайли эришилади. Чин фикрлаш тўғри фикрлашдир, тўғри фикрлаш аниқлик, равшанлик, изчиллик, зиддиятсизлик билан бир қаторда асосланганликни, исботланганликни талаб қиласди. Бу нарса тафаккурнинг етарли асос қонунида ўз ифодасини топади.

Етарли асос қонуни, немис файласуфи ва мантиқшунос олим Лейбниц (1646-1716) томонидан тавсифлаб берилган. Лекин у ҳақидаги дастлабки фикрлар антик даврга мансуб бўлиб, юонон файласуфлари Левкипп (эр.ав. 500-450) ва Демокрит (эр.ав. 460-370) томонидан баён этилгани маълум. Улар ҳеч қандай нарса бирон-бир асос, сабабсиз пайдо булмайди, ҳамма нарса бирон бир

асос ва зарурият туфайли юзага келади, деб билганилар. Лейбниц нуқтаи-назарича, ҳамма нарса ўз мавжудлигининг муайян асосларига эга. Ҳар бир ҳодиса ҳақидаги фикр етарли асосга эга бўлган тақдирдагина, чин бўлиши мумкин. Ўар қандай чин фикр асосланган бўлмоғи лозим. Фикрнинг асослари деганда реал ва мантиқий асослар назарда тутилади. Фикрнинг чинлиги унда воқеликнинг қанчалик тўғри акс эттирилганлигига боғлиқ. Бу нарса реал асос сифатида номланади. Лекин фикрни асослаш учун ҳар сафар инсон тажрибасига, амалиётига мурожаат қилиш шарт эмас. Етарли асос деганда мантиқий асос назарда тутилади. Инсон олам ҳақида билим ҳосил қилар экан, фақат ўз тажрибасига эмас, балки бошқалар тажрибасига ҳам таянади. Бу тажриба инсоният қўлга киригтан билимларда мужассамлашган бўлади. Илмий билимлар тараққиёти туфайли қонун ва қонуниятлар, аксиомалар, тамойиллар ва бошқа билимлар ишлаб чиқилади ва улар фанлар мазмунидаги ифодаланади. Бу билимлар кишиларнинг одам ҳақидаги янги билимлар ҳосил қилишлари учун етарли асос вазифасини ўтайди. Демак, қандай билим асосланган бўлмоғи лозим, деганда мантиқий асос назарда тутилади. Мантиқий асосланганлик фикрлар изчиллиги, кетма-кетлиги, бир фикрнинг бошқа бир фикрдан келиб чиқиши тарзида кечади. Фикр, мулоҳаза, мушоҳаданинг чинлиги бошқа чинлиги исботланган фикрлар ёрдамида исботлаб берилади. Етарли асос қонуни: агар А фикр чин бўлса, унинг асоси В ҳам чин бўлиши керак, тарзида ифодаланади. Бунда А - фикрни, В - унинг асосини ифодалайди. Илмий тадқиқот фикрлар мужассами, изчиллигига ифодаланади, Бунда бир фикрнинг иккинчисидан, унинг ўз навбатида бошқа фикрдан келиб чиқиши илмий билиш жараёнининг узлуксиз давом этиш имкониятларини ифодалайди. Бу ҳолни мантиқда фикрлар тизимини ифодалайдиган (а-в), (в-с),,, тарзида бериш мумкин. Фикрлар билан уларнинг асоси орасидаги алоқадорлик объектив мазмунга эга, унда оламдаги реал муносабатлар акс этади...

Етарли асос қонунида нарса ва ҳодисалар орасидаги турли боғланишлар акс этади. Масалан: сабабий боғланишлар. Сабабий боғланишларни кенг маънода тушунмоқ жоиз: Асосланган фикр деганда фикрлардаги сабаб – оқибат алоқадорлиги назарда тутилади. Демак, чин билим оламдаги ва фикрдаги алоқадорликларни тўғри акс эттирган билимдир. Инсон билиш жараёнидаги асос сифатида илгаридан ҳосил қилинган фикрлар тизимиға суюниши мумкин. Бу фикрлар тизилмасидаги айрим фикрлар асосни ифодаласа, бошқалари натижани - янги билимни ифодалайди. Шу тариқа фикрнинг тўғрилигини асослаш учун келтирилган фикрлар мантиқий асос, деб юритилади. Реал асос ҳам, мантиқий асос ҳам инсон билимларида мушоҳадалар тарзида намоён бўлади. Объектив реалликда сабабий алоқадорлик воқеалар кетма-кетлигига намоён бўлади. Дастлаб мавжуд, бирон-бир натижага олиб келадиган ҳодиса - сабаб (асос), унинг натижаси – оқибати янги фикр ҳисобланади. Айрим ҳолларда реал мавжуд сабаб ва фикрий асос (муҳокама) ўзаро бир-бирига мувофиқ келиши мумкин. Масалан: ер уст қатламининг музлаши йўл транспорт ҳодисаларининг кўпайишига олиб келади. Лекин ҳар доим ҳам сабаб ва фикрий асос ўзаро мувофиқ, келавермайди.

Аксари ҳолларда билиш жараёни ҳосил қилинган билим (натижани) баён этишдан шу натижанинг мантиқий асосларини келтиришга қараб боради. Мантиқнинг етарли асос қонуни бошқа турдаги муносабатларни (яккалиқ, махсуслик ва умумийлик, бутун ва қисм) ҳам ифодалайди. Инсон бирон-бир нарса ҳақида фикр юритар экан, умумийликдан яккаликка қараб бориш орқали шу нарса ҳақида янги билим ҳосил қилиши мумкин. Бунда умумийликка хос бўлган томонлар, қонуниятлар алоҳида нарса ва ҳодисаларга татбиқ этилади: умумийлик асосни, янги билим эса натижани ифодалайди. Асос билан натижана орасидаги ўзаро боғланиш тушунчалар, мулоҳазалар, хуласалар орасидаги боғланиш ифодаси ҳисобланади: Умумий ва якка тушунчалар, умумий ва якка мушоҳадалар, ҳосил қилинган хуласалар изчиллиги ва кетма-кетлиги тарзидаги боғланишлар бунга мисол бўла олади. Етарли асос қонунига риоя қилиш фикрнинг мантиқли, тартибли, ишонарли бўлишини таъминлайди, чин билимни асоссиз қарашлар, уйдирмалар, ақидалардан ажратиш имконини беради.

Етарли асос қонуни илмий билишда муҳим ўрин тутади. Фанлар мазмуни, қонунлари, тамойиллари, илмий қарашларнинг асосланиш натижаси бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотчи тадқиқот

объектини ўрганиш жараёнида уни ҳосил қилган реал сабаблар, унинг бошқа объектлар билан муносабатларини таҳлил қиласи, илгариги билимлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда ўз қарашларини далиллайди, мантиқий изчилиқда янги хулосалар чиқаради.

Кўриниб турибдики, мантиқ қонунларини билиш ва улардан фойдаланиш илмий изланишда муҳим ўрин тутади. Чунки тадқиқотчига тўғри тафаккур қилиш, бир муҳокамадан бошқа бир муҳокамага ўтиш қоидаларини, ўз фикрларини аниқ, изчил, зиддиятсиз, асосли баён қилиш йўлларини ўргатади.

Илмий ижод ва амалиётнинг туб мақсади чин, объектив мазмунга эга бўлган билимларни ҳосил қилиш ҳисобланади. Чин билим инсондан мантиқ қонунларини билиш билан бир қаторда исботлаш ва рад этиш мантиқий усусларидан унумли фойдаланишни тақозо этади. Илмий билишнинг энг умумий хусусияти шундан иборатки, илмий изланиш натижасида қўлга киритилган билим фан соҳасидаги ютуқ деб ҳисобланиши ва фан мазмунига киритилмоғи учун мантиқий исботлаш талабларига жавоб бермоғи лозим. Исбот ва рад этиш мантиқнинг етарли асос қонунидан келиб чиқадиган мантиқий усуслардир.

Исбот бирон-бир фикрнинг чинлигини бошқа фикрларни келтириш орқали асослашнинг мантиқий услубидир. Аристотель ўз фикрини исботлай олишни инсон тафаккурининг энг муҳим хусусияти деб билган. Қадимги Хинд мантиқшунослари (IV-V асрлар) исботлаш мантиқий усулини чуқур ўрганганлар ҳамда исботлашни қўйидагича тушунтирганлар: фикр (тезис) - асос — далил - хулоса. Тезис (фикр) исботланиш лозим бўлган фикр, асос - унинг чинлигини исботлайдиган фикр; далил - ўхшашликни, умумийликни топиш, хулоса-ҳосил қилинган янги фикр. Ал-Форобий исбот тўғрисидаги билим мантиқнинг асосини ташкил этади деб ҳисоблаган.

Оддий сухбат, илмий мунозара жараёнида кишилар сухбатдошлари, муҳолифларини ўз фикрларига ишонтиришга ҳаракат қилганлар ва ўз нуқтаи-назарларини ҳимоя қилганлар. Бошқа фикрни ҳақиқат эмас, деб ҳисоблаганларини рад этганлар ва бунда исбот ва рад этишнинг мантиқий усусларидан фойдаланганлар.

Инсоният тафаккури тараққиёт шундан далолат берадики, фикрнинг исботланганлик, далилланганлик даражаси унда оламдаги мавжуд нарсалар, ҳодисалар, улар орасидаги алоқадорликларнинг қанчалик тўғри ва ҳар томонлама акс этишга боқлиқ. Нарса ва ҳодисалар алоқадорлиги фикрлар алоқадорлигини келтириб чиқаради. Оламдаги ва фикрдаги алоқадорликлар ҳар доим яққол қўзга ташланавермайди. Фикрлар орасидаги алоқадорликни топа билиш ва шу асосда бирон-бир фикрнинг тўғрилигини асослаш билиш жараёнида муҳим ўрин тутади.

Исбот-исботлаш талаб этилган фикрни тўғри, ҳақиқат деб қабул қилинган фикрдан келтириб чиқариш жараёнини ифодалайди. Исбот ўзига хос тузилишга эга: тезис, аргументлаш ва исбот этиш усуслари (демонстрация) унинг муҳим томонлари бўлиб ҳисобланади.

Тезис - исботланиши лозим бўлган фикр.

Аргумент - тезисни исботлашда қўлланиладиган тўғри фикр, ҳақиқат.

Буни исботлаш асоси, деб ҳам юритилади.

Аргументлар турли кўринишда бўлиши мумкин.

1. Аниқланган, текширилган далил ёки далиллар. Бу далиллар хилма-хил усуслар билан олиниши мумкин.

2. У ёки бу ҳодиса ҳақидаги фанда баён этилган умумлашма фикрлар.

3. Аксиома ва постулатлар. Фанлар, айникса, математика, механика, назарий физика ва ҳоказоларда таърифлардан ташқари аксиомалар мавжуд. Аксиомалар - исбот этилиши талаб қилинмайдиган илмлар.

4. Фанда илгаридан исботланган билимлар: қонун ва теоремалар, физика, химия, биология қонунлари, математикадаги теоремалар аргумент вазифаны ўтайди.

Исботлаш усуулларига демонстрация, индуктив, дедуктив, бевосита ва билвосита исботлаш кабилар киради.

Билимларни ҳосил қилишда исбот билан бир қаторда рад этиш мантикий усулидан ҳам фойдаланилади. Рад этиш ёки раддия бирон-бир фикрнинг хато эканлигини исботлашнинг мантикий услубидир. Одатда бу усулдан бир нарса ҳақидаги қарашларда турли фикрлилик кузатилганда фойдаланилади. Рад этиш тезисга, аргументта, исботлаш усулига қарши қаратилған бўлади. Илмий ижод жараёнида мантиқ қонунлари, исбот ва рад этиш мантикий услулларини билиш муҳим аҳамиятга зга.

Тафаккур қонунлари барқарор фикрлар орасидаги муносабатларни назарда тутади, фикрларни ўзаро тўғри боғлай олиш, бир муҳокамадан иккинчисига ўтиш ва шу асосда тўғри, ишончли фикрларни ҳосил қилиш мкониятларини яратади. Шу маънода мантиқ қонунлари янги билим ҳосил қилишнинг усули бўлиб ҳисобланади.

Оlamни билиш, у ҳақда чин билимлар ҳосил қилиш, илмий тадқиқот ишларини муваффақиятли олиб бориш учун мантиқ ва унинг қонунларини билишнинг ўзи кифоя қилмайди. Olamни билиш учун - уни қандай бўлса, шундайлигича, барча алоқа ва муносабатларини ҳисобга олган ҳолда ҳар томонлама ўрганиш, нарса ва ҳодисаларда узлуксиз тарзда кечадиган ҳаракат, ўзгариш, тараққиётни ҳисобга олиш талаб этилади. Бу нарса тадқиқотчидан диалектика қонун-қоидаларини билишни, оламга диалектик тарзда ёндашишни талаб қиласди. Диалектика кенг қамровли таълимот бўлиб, у оламдаги мураккаб алоқа ва муносабатлар, ўзгариш, тараққиётнигина акс эттириб қолмай, оламни билишнинг энг умумий илмий методи бўлиб ҳисобланади. Диалектика формал мантиқнинг аҳамиятини инкор этмагани ҳолда оламни, ундаги ўзгаришлар, алоқадорликлар, тараққиётни чуқур ва ҳар тарафлама тушунишга ёрдам беради.

Тафаккурга нисбатан қуйиладиган аниқлик, зиддиятсизлик, изчиллик, далилланганлик шартлари нарса ва ҳодисалардаги ўзгаришларни, тараққиётни инкор этмайди, балки бу ҳолатларнинг инсон билимларида тўғри акс этишини назарда тутади. Билишдаги зиддиятсизлик оламдаги мавжуд зиддиятларни инкор этиш эмас, нарса ва ҳодисалар моҳияти, ички алоқадорликларни тушуниш, уларга хос бўлган зиддиятларни таҳлил этишдир; зотан оламнинг бутун сиру-синоати, мураккабликлари ундаги зиддиятларда, ўзгаришларда, муайян сифат ҳолатларидан янги сифат ҳолатларига ўтишларида намоён бўлади. Olam ҳақидаги билимнинг чинлиги унинг асосланганлик даражасига боғлиқ. Шубҳасиз, бунда изчил фикр юритиш, фикрлар муносабатига таянган ҳолда бир фикрдан иккинчи бир фикрни келтириб чиқариш муҳим ўрин тутади. Лекин ҳар қандай чин билим реалликда мавжуд нарса ва ҳодисалар, улар орасидаги алоқа ва муносабатларни ўрганишдан келиб чиқади ва билимнинг тўғрилиги унинг реалликка мос келишида ифодаланади. Илмий тадқиқотлар олиб бориш жараёнида мантиқ қонунларига риоя қилиш йўли билан бир қаторда диалектик тафаккур ҳислатларига эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

5. Мантиқ ва бошқа фанлар

Мантиқ фани бир қатор фанлар билан боғлиқ. Мантиқ, аввало, психология фани билан боғлиқ. Психология - ҳиссий тафаккур, унинг асосий шаклларини инсон руҳий фаолиятининг кўриниши сифатида ўрганади. У инсон фикрлаш жараёнининг бошқа руҳий ҳолатлар билан

боғланишларини тадқиқ этади. Мантиқ эса фикр шакллари, усуллари, тўғри фикрлаш қонунларини ўрганади. Психология алоҳида кишининг индивидуал тафаккурига ўз диққатини қаратади. Мантиқ фикрлашнинг барча учун умумий бўлган томонларини, қонуниятларини ўрганади.

Мантиқ фанига яқин фанлардан бири – тил грамматикаси. Тушунчалар, муҳокамалар структурасини аниқлашда тил соҳасидаги билим муҳим роль ўйнайди. Инсон билимлари тил, нутқ орқали моддийлашади. Грамматика қонунларида ҳар бир миллий тилнинг ўзига хос хусусиятлари акс этади. Мантиқ эса инсонга хос бўлган тўғри тафаккурнинг шакллари ва усулларини ўрганади.

Мантиқ фалсафа билан чамбарчас алоқада. Фалсафа борлиқ ва ундаги нарса, ҳодисалар орасидаги энг ички, умумий, зарурӣ алоқадорликлар тўғрисида баҳс юритади. Фалсафанинг қонун ва категориялари объектив диалектика қонун ва категориялари деб юритилади. Тафаккурга хос бўлган барча томон ва қонуниятларни фақат формал мантиққа таяниб тушунтириш мушкул. Агар диалектик мантиқ оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг универсал алоқадорликлари ва тараққиёти тўғрисида баҳс юритиб, фикрлаш узлуксиз тараққий этиб борувчи жараён эканлигини тушунишга ёрдам берса, формал мантиқ тўғри фикрлаш тартиб-қоидаларини ўргатади. Диалектик мантиқ универсал алоқадорлик ва тараққиёт тўғрисидаги таълимот сифатида бошқа фанлар қатори формал мантиқ учун методологик асос вазифасини ўтайди.

6. Мантиқ фанининг аҳамияти

Мантиқ фан ва инсон амалий фаолияти тараққиётида муҳим ўрин тутади. Бизнинг фикрларимиз муайян шаклларда намоён бўлади ва мантиқ қонунларига бўйсунади. Тафаккур қонунларини билиш ва улардан фойдаланиш кишиларда фикрлаш маданияти такомиллашувининг муҳим омилларидан ҳисобланади. Кенг қамровли фикрлаш, ўз фикрини ихчам, тўғри, эркин баён эта олиш, ўзи ва бошқалар фикрига танқидий қўз билан қараш тафаккур маданиятини ифодаловчи муҳим ҳислатлар ҳисобланади,

Мантиқ инсоннинг оламни тўғри тушунишида муҳим аҳамият касб этади, зотан мантиқий фикрлаш оламни қандай бўлса, шундайлигича ҳар томонлама ўрганиш, барча томонлари ва зиддиятлари билан биргаликда тушуниш, у ҳақда тўғри билимларни ҳосил қилишни назарда тутади.

Мантиқ тўғри, зиддиятсиз, изчил, асосли фикр юритиш йўлларини ўргатади. Тўғри, изчил, асосли фикр юритиш, фикрда зиддиятга йўл қўймаслик инсон илмий ва амалий фаолиятининг барча соҳаларида муҳим аҳамиятга эга.

Тафаккур шакллари, қонунлари ҳақида билимга эга бўлиш педагогик фаолият учун ҳам зарурдир.

Мантиқ илмий ижодда муҳим ўрин тутади. Фикрларнинг моҳияти, улар орасидаги алоқа ва муносабатларни тўғри аниқлаш илмий ижод муваффақиятини таъминлайди, тадқиқот объектини ҳар томонлама, чуқур ўрганиш, уларга хос бўлган қонуниятларни очиш имкониятини беради.

Мантиқ илмий ахборотлар моҳиятини тушуниб етиш, уларни муайян тартибга олиш, ўзлаштириш асосида илмий муаммоларни аниқлаш ва муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беради.

Такрорлаш учун саволлар

1. Тафаккурнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
2. Тафаккур шакли нима?
3. Тафаккур қонуни нима?
4. Формал мантиқ нимани ўрганади?
5. Формал мантиқ тафаккурни ўрганувчи бошқа фанлар билан қандай муносабатда?
6. Формал мантиқни ўрганиш қандай аҳамиятга эга?

Адабиётлар:

96. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010.
97. Каримов И.А. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
98. Ёкубов Т. Математик логика элементлари. - Т.: Уқитувчи, 1996.
99. Тўраев Б.О. Логика: масалалар ва машқлар. -Т., 2009.
100. Хайруллаев М., Хақбердиев М. Мантиқ. - Т.: Ўқитувчи, 1993.
101. Шарипов М. , Файзихўжаева Д. Мантиқ. Ўқув кўлланма, -Т., 2004.
102. Войшвилло Е.К. Понятие как форма мышления. -М.: Изд- во МГУ, 1989.
103. Грядовой В.Н. Логика. Структурированный учебник. -М., 2003.
104. Ивин А.А. Логика. -М., 2003.
105. Ивлев Ю.В. Логика. Учебник для вузов. -М.: Логос, 1998.
106. Курбатов В.И. Логика. - Ростов-на-Дону. Феникс, 1997.
107. Рахимов И.. Логикадан амалий машғулотлар ва методик тавсиялар. - Т.: Узбекисгон, 1988.
108. Логико-гносеологические идеи мислителей Средней Азии. - Т.: Фан, 1981.
109. Логика и компьютер. Моделирование рассуждений и проверка правильности программ. -М.: Наука, 1990.

18-Мавзу: Мантиқ илми ва тил. Формал мантиқнинг асосий қонунлари (тамойиллари).

Режа:

1. Тил-ахборот белгилари системаси.
2. Табиий ва сунъий тиллар, уларнинг ўзаро алоқаси.
3. Тилнинг семантик категориялари.

Таянч тушунчалари:

Тил, тил белгиси, табиий тил, сунъий тил, формаллаштириш, дескриптив атамалар, мантиқий атамалар, пропозиционал функция, мулоҳазалар мантиғи тили, предикатлар мантиғи тили.

1. Тил тафаккур билан узвий боғланган, фикримизнинг бевосита мавжуд бўлишини таъминлайдиган ва кишилар ўртасида алоқа ўрнатишга хизмат қиласидан иборат. Тилни ўрганиш мантиқ фанининг муҳим вазифаларидан бирини ташкил этади. Маълумки, тафаккур оламни мавҳумлаштириб ва умумлаштириб акс этиладиган идеал ҳодисадир. Мавҳум нарсаларни, умумийликни фақат тил ёрдамидагина қайд қилиш мумкин.

Тил ва тафаккурнинг бирлиги нутқда ўз ифодасини топади. Нутқ оғзаки ва ёзма ҳолда мавжуд бўлиб, унда фикримиз моддий шаклга, яъни хиссий идрок этиладиган шаклга киради ва шу тариқа у энди бир шахсга эмас, балки жамиятга тегишли бўлиб қолади.

Тил кишиларнинг ижтимоий меҳнат фаолияти негизида вужудга келган ва ривожлана борган. Ана шунинг учун ҳам у чуқур ижтимоий мазмунга эга ҳамда маданиятимиз ва тарихимизнинг муҳим бир қисмини ташкил этади.

Тил ёрдамида билимлар ҳосил қилинади, тўпланади ва бир авлоддан бошқа авлодга етказиб берилади. Шу тариқа у таълим ва тарбия ишларини амалга оширишга, маданиятизни тараққий эттиришга ёрдам беради.

Белги билиш жараёнида бошқа бир предметнинг вакили вазифасини бажарувчи ҳамда у ҳақда маълум бир хабарлар бериш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва узатишга имконият яратувчи моддий предметдир. Ҳар қандай белги ҳам тил белгиси бўла олмайди. Тилга алоқаси бўлмаган белгилар қаторига нусха-белгилар (масалан, фотография карточкаси, бармоқ изи ва шу кабилар), индекс-белгилар ёки кўрсатувчи белгилар (масалан, бадан ҳароратининг кўтарилиши – касаллик белгиси, тутун – оловнинг белгиси ва шу кабилар) киради.

Тил белгиси символ-рамзлар шаклида мавжуд бўлиб, ўзи ифода қиласидан предметлар билан тузилишига кўра ҳеч қандай ўхашликка эга эмас. Мантиқ ўз эътиборини ана шундай тил белгиларини ўрганишга қаратади.

Тил белгилари ўз маъносига ва мазмунига эга. Тил белгисининг мазмунини у ифода қилаётган, кўрсатаётган обьект ташкил этади. Масалан, «аудитория» сўзи реал мавжуд обьектни - аудиторияни акс эттирувчи фикр мазмунини ифода этади. Тил белгисининг маъносини эса у ифода қилаётган обьектнинг характеристикаси (тавсифи) ташкил этади. Масалан, «Аудитория» сўзининг маъносини « Машғулот ўтказиш учун мўлжалланган хона», «Махсус жихозланган хона» ва шу каби эканлиги ҳақидаги ахборотлар ташкил этади.

Белгиларнинг билишдаги вазифасини ўрганишга Аристотель, Лейбниц каби мутафаккирлар катта эътибор берганлар. Белгилар ҳақидаги таълимотни тараққий эттириш XIX асрда актуал масалага айланган. Мана шу даврда американлик файласуф Чарльз Пирс (1839-1914) белгилар ҳақидаги фан-семиотикага асос солган. Бу фан тил белгисини уч хил йўналиш бўйича анализ қиласиди. Биринчисини **семантика** ташкил қилиб, у белги билан у ифода қилаётган обьект ўртасидаги муносабатни ўрганади. Иккинчиси **прагматика** бўлиб, у кишиларнинг белгиларга муносабатини ҳамда белгилар ёрдамида кишилар ўртасида вужудга келадиган муносабатларни ўрганади. Учинчиси, **синтаксис** дейилиб, у белгилар ўртасидаги муносабатларни (тилни қуриш қоидаларини) ўрганади. Мантиқ фанини кўпроқ тил белгиларининг семантикаси қизиқтиради.

2. Тилнинг иккита тури мавжуд. Улар табиий ва сунъий тиллардир. **Табиий ёки миллий тиллар** тарихан шаклланган товушлар (нутқ) ва графика (ёзув) нинг ахборот белгилари системасидан иборат. Табиий тилнинг алоҳида олинган ҳар қандай белгиси ўз холича ҳеч нарсани ифода қилмайди. Бу белгилар инсон амалий фаолияти ва тафаккури тараққиётининг негизида вужудга келган тил системасига киргандагина маълум бир маъно ва мазмун касб этувчи белгиларга айланади.

Табиий тил обьектив оламнинг турли хил соҳаларига тегишли бўлган предметлар, ҳодисалар ҳамда уларнинг хоссалари ва муносабатларини қамраб олиш ва ифода қилишдек катта имкониятга эга. У семантик жихатдан ёпиқ система ҳисобланади. Бошқача айтганда, табиий тил бошқа тилларга мурожаат қилмаган ҳолда, мустақил равишда ўзини қуриши ва ифода қилиши мумкин.

Шунинг билан бир қаторда, табиий тилдан фойдаланиш билиш жараёнида айрим қийинчиликларни ҳам келтириб чиқаради. Улар қўйидагилар билан боғлиқ: 1) табиий тилдаги сўзларнинг маъноси вақт ўтиши билан ўзгариб туради; 2) табиий тилда бир сўз бир қанча тушунчани ифода қилиши (омонимлар) ёки бир тушунча бир қанча сўзларда ифода қилиниши (синонимлар) мумкин; 3) табиий тилдаги баъзи сўзлар ёрдамида ифода қилинган фикр аниқ маънога эга бўлмай қолади (масалан, «Карим чет тилини яхши билмайди» деган фикрда Каримнинг кимга нисбатан ёки қандай вазифани бажаришга нисбатан чет тилини яхши билмаслиги кўрсатилмаган). Табиий тилдаги мана шу каби ҳодисалардан холи бўлиш учун илмий билишда атамалардан (терминлардан) фойдаланилади. Атама ўзининг қатъий ва аниқ маъносига

эга бўлган сўз бўлиб, бу маъно дефиниция (таъриф) ёрдамида кўрсатилади. Шунингдек, табиий тилда аниқликка сунъий тилдан фойдаланиш йўли билан ҳам эришилади.

Сунъий тил табиий тил негизида яратилган ёрдамчи ахборот белгилари системасидан иборат бўлиб, у мавжуд хабарларни аниқ ҳамда тежамли баён қилиш ва узатиш учун хизмат қиласди. Сунъий тилда сунъий йўл билан яратилган махсус белгилар, яъни символлар-рамзлар ишлатилади. Табиий тилдаги конкрет мазмунга эга бўлган фикрлар илмий билишда ана шундай символлар билан алмаштирилади. Демак, сунъий тил фикримизнинг конкрет мазмунидан четлашган ҳолда, фақат символлар билан иш олиб боришни таъминлайди.

Сунъий тиллар ҳозирги замон фани ва техникасида кенг қўлланилади. Уларнинг айниқса математика, физика, кимё, кибернетика, ҳисоблаш техникаси ва шу каби соҳалар ривожланишида ҳиссаси катта. Сунъий тилларнинг ишлатилишига мисол қилиб математикадаги тўғри бурчакли учбурчак томонларини ифода қилувчи $\cos^2\alpha + \sin^2\alpha = 1$ формуласини, кимёдаги сувни ифода қилувчи H_2O формулани, механикадаги тезликни ифода қилувчи $\vartheta = \frac{S}{t}$ формуласини ва шу кабиларни кўрсатиш мумкин. Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар тузишида эса махсус алгоритмик тиллар ишлатилади. Улар «Алгол – 60», «Алгол – 65», «Фортран», «Кобол», «ПЛ – 1», «Ассемблер», «Бейсик» ва бошқалардан иборат. Сунъий тилдан мантиқ фани ҳам фикримиз тузилишини назарий жиҳатдан анализ қилишда фойдаланади.

Демак, илмий билишда табий тилдан ҳам, сунъий тилдан ҳам фойдаланилади. **Илмий тил** эса табий тил, сунъий тил ва махсус атамалардан ташкил топган бўлади.

Умумий мантиқ ўзининг махсус илмий формаллашган тилига эга. У инсон тафаккурининг тузилишини аниқ ва равshan ҳолда ифода қилиш мақсадида яратилган. Бунинг моҳиятини тушуниш учун формаллаштиришнинг ўзи нима эканлигини аниқлаб олиш зарур.

Формаллаштириш конкрет мазмунга эга бўлган фикрларни символлар билан алмаштириш, яъни пропозиционал функция ҳосил қилиш, формулалар киритиш, мантиқий қоидаларни яратиш орқали тафаккурнинг (фикрнинг) структурасини ифода қилиш демакдир. Тафаккурнинг структураси билан мантиқнинг тилда ифода қилиниши структураси ўртасида ўзаро мувофиқлик мавжуд, яъни ҳар бир конкрет фикр структурасига маълум бир тил структураси мувофиқ келади. Буни пропозиционал функция ҳосил қилиш мисолида кўришимиз мумкин. «Тошкент-Ўзбекистоннинг пойтахти» деган фикрдаги «Тошкент» тушунчасини – S, «Ўзбекистоннинг пойтахти» тушунчасини – P билан алмаштирасак, S-P кўринишига эга бўлган пропозиционал функция ҳосил бўлади. **Пропозиционал функция** ўзгарувчи қийматга эга ифода бўлиб, бу қиймат аргумент билан алмаштирилганда конкрет мазмунли фикр ҳосил бўлади.

Формаллашган тил қўйидаги талабларга жавоб бериши керак.

1. Асосий белгилар аниқ ифода қилинган бўлиши керак. Бу белгилар асосий тушунчалар, атамаларни ифодалайди.

2. Таърифлашнинг барча қоидалари кўрсатилган бўлиши керак. Бу қоидаларга асосланган ҳолда мавжуд белгилар ёрдамида янги, қисқароқ белгилар ҳосил қилинади.

3. Формулаларни тузишнинг барча қоидалари берилган бўлиши керак. Бунга мисол қилиб тушунчалардан гап ҳосил қилиш қоидаларини кўрсатиш мумкин.

4. Хулоса чиқариш қоидаларининг барчаси кўрсатилган бўлиши керак. Бу қўлланиладиган белгиларнинг (сўз, гап, символлар) график усул билан ифодаланишига тегишлидир.

5. Қўлланиладиган белгиларнинг маъносини талқин қилиш қоидалари кўрсатилган бўлиши керак.

Формаллашган тилга эга бўлган мантиқ чин фикрни ифода қилувчи бир формула ёрдамида худди шундай чин фикрни ифода қилувчи бошқа формулани келтириб чиқара олади. Бунда берилган фикрнинг конкрет мазмуни эътиборга олинмайди.

Формаллашган тилнинг устунлиги шундаки, унда мантиқий хулоса чиқаришда кўзда тутилмаган асосларнинг қатнашиб қолиши мумкин эмас. Математика ва мантиқнинг кўп масалалари фақат мана шу йўл билан ечилиши мумкин.

Ниҳоят, формаллашган тилнинг яна бир қимматли томони шундаки, унда бир соҳада яратилган формаллашган тилдан бошқа бир соҳага оид масалаларни ечишда фойдаланиш мумкин. Масалан, мантиқда синфлар билан бўладиган амалларда математика тилидан (қўшиш, кўпайтириш, тўлдириш каби атамалардан ҳамда уларни ифода қилувчи белгилардан) фикр тузилишини ифода қилиш учун фойдаланиш мумкин. Бунда, албатта фойдаланилаётган белгиларга маҳсус маъно берилади.

Формаллашган тилнинг камчилиги эса шундаки, у табиий тилга қараганда объектни юзаки ҳолда ифода қиласи. Ҳозирги даврда мавжуд формаллашган тиллар борлиқнинг ва билишнинг жуда кам соҳаларини қамраб олган. Билишнинг қайси соҳаларида формаллашган тилни яратиш мумкинligини олдиндан айтиш қийин.

Шунингдек, формаллашган тил эмприк тадқиқотларнинг ўрнини боса олмайди. Ана шунинг учун ҳам илмий тил формаллашган тилдан фойдаланиш билан чегараланиб қолиши мумкин эмас.

Шунга қарамасдан формаллашган тил ҳозирги пайтда илмий билишда ва амалий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга. У айниқса фикрнинг тузилишини ўрганишга, унинг мантиқий қийматини, яъни ёки хатолигини аниқлашга тўлиқ қулай шароит яратади. Шунинг учун мантиқнинг формаллашган тилини яратишга ва уни чуқурроқ ўрганишга қизиқиш катта.

3. Тафаккурнинг мантиқий шаклини ўрганишда семантик категориялар муҳим аҳамиятга эга. **Семантик категориялар** тил ифодаларининг синфларидан иборат бўлиб, улар бир-бирларидан қандай объектларни акс эттириши билан фарқ қиласидилар. Асосий семантик категориялар қаторига гап ва унинг таркибида нисбатан мустақил ҳолда мавжуд бўлган қисмлари-дескриптив ва мантиқий атамалар киради.

Гап ҳукмни, саволни ва нормани ифода қилиши мумкин. Ҳукмни ифода қилувчи гап предметга бирорта белгининг (хосса ёки муносабатнинг) хослигини тасдиқлайди ва инкор қиласи. У дарак гапдан иборат.

Гапда предметларни, уларнинг хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи ифодалар дескриптив атамалар дейилади. Дескриптив атамалар предметлар номлари ёки термалар (предметларни, предметлар тўпламини акс эттирувчи ифодалар) ва предикаторларга (предметларнинг хоссалари ва муносабатларини акс эттирувчи ифодалар) бўлинади.

Предметларнинг номлари айрим сўзлар ва сўз бирикмалари бўлиб, улар моддий (планета, электр токи) ва идеал (сезги, тафаккур) предметларни ифодалайди. Предмет номи белгидан иборат бўлганлиги учун ўз мазмуни ва маъносига эга. Номнинг мазмуни предметни ифода қиласи ва мантиқда **денотат** деб аталади. Номнинг маъноси эса предметнинг муҳим, умумий белгиларини ифода қиласи ва **концепт** деб аталади. Масалан, «Аристотель», «Мантиқ фанининг асосчиси», «Топика асарининг муаллифи» каби ифодаларнинг мазмуни бир хил, яъни битта предметни ифодалайди, маъноси эса турли хил, яъни фикр килаётган объектнинг хар хил белгиларини қайд киласи.

Шунингдек, номлар якка («Тошкент шаҳри») ёки умумий («шаҳар») бўлиши мумкин. Бунда якка ном битта предметни, умумий ном эса предметлар синфини акс эттиради.

Предикаторлар гапда кесим ўрнида келиб, ўзи тааллуқли бўлган номнинг миқдорига боғлиқ ҳолда бир ўринли ёки кўп ўринли бўлиши мумкин. Бунда предметнинг хоссасини ифода қилувчи предикаторлар бир ўринли, улар ўртасидаги муносабатларни ифода қилувчи предикатлар кўп ўринли предикаторлар ҳисобланади. Масалан, «Ўзбекистон мустақил республикадир» деган мулоҳазада предикатор бир ўринли, «Ўзбекистон Туркия билан иқтисодий шартнома тузди» деган фикрда «иқтисодий шартнома тузди» предикатори икки ўринли, «Ўзбекистон Сирдарё ва Амударё оралиғида жойлашган» деган фикрда «оралиғида жойлашган» предикатори уч ўринлидир.

Мантиқий атамалар (мантиқий константалар) доимий мантиқий қийматга эга бўлиб, гапда дескриптив атамаларни боғлашда ишлатилади. Улар ўзбек тилида «ва», «ҳам», «ҳамда», «ёки», «ёҳуд», «барча», «хеч бир», «баъзи», «эмас» каби сўзлар орқали ифодаланади ва турли хил (оддий ва мураккаб)

хукмлар, мулоҳазаларни ҳосил қилювчи элементлар хисобланади. Масалан, «Ҳеч бир товар қийматсиз эмас» деган фикрда «ҳеч бир» «эмас» мантиқий атамалар бўлиб, уларсиз дескриптив атамаларни «товар», «қиймат» сўзларини боғлаб бўлмайди.

Мантиқнинг формаллашган тилини яратишда семантик категориялар аниқ таърифланиши ва тавсифланиши керак. Бунга семантик категорияларни конкрет символларда акс эттириш орқали эришиш мумкин.

Ана шу символлар мантиқнинг формаллашган тилининг алифбосини ташкил этади. Мантиқда иккита тил-предикатлар мантиғи тили ва мулоҳазалар мантиғи тили мавжуд.

Мулоҳазалар мантиғи ҳукмларининг ички тузилишини ўрганишдан четлашиб, уларнинг ўзаро мантиқий алоқасини ҳисобга олган ҳолда муҳокама қилиш жараёнини таҳлил қиласиган формаллашган мантиқий системадир. Мулоҳазалар мантиғи тили алифбоси, ифодалар таърифларини ва уларнинг талқин қилинишини ўз ичига олади. Хусусан, бу тил алифбоси қўйидагилардан ташкил топган:

1. p, q, r - пропозициоал ўзгарувчилар, яъни ҳукмлар учун символлар.

2. \wedge - конъюнкция белгиси; у ўзбек тилидаги «ва», «ҳам», «ҳамда» каби боғловчиларга тўғри келади. Масалан, «Маъруза тугади (p) ва унинг муҳокамаси бошланди (q)», деган ҳукмни $p \wedge q$ шаклида ифода қилиш мумкин.

3. \vee - дизюнкция белгиси; у ўзбек тилида «ё», «ёки», «ёҳуд» каби сўзларга тўғри келади. Масалан «Электр токи ё ўзгарувчан (p), ё ўзгармас бўлади (q)», деган ҳукм $p \vee q$ шаклида ёзилади.

4. \rightarrow - импликация белгиси; унга ўзбек тилида «Агар... бўлса, - ... бўлади», деган ифода тўғри келади. Масалан, «Агар талаба мустақил ишласа (p), ўкув материалларини яхши ўзлаштиради (q)» деган ҳукм $p \rightarrow q$ шаклида ёзилади.

5. Эквивалентлик белгиси; унга ўзбек тилида «Фақат ва фақат шундаки...» деган ибора тўғри келади. Масалан, «Фақат жуфт сонларгина (p) 2 га қолдиқсиз бўлинади (q)», деган ҳукм $p \leftrightarrow q$ тарзида ёзилади.

6. \neg — инкор қилиш белгиси. Масалан «Ахмедов Анвар талабадир». (p) деган ҳукм инкор қилинганда «Ахмедов Анвар талаба эмас» $\neg p$ ҳукмига айланади, яъни p ўзининг инкори бўлган $\neg p$ га ўзгаради.

Предикатлар мантиғи – муҳокама жараёнини ҳукмларининг ички тузилишини ҳисобга олган ҳолда ўрганувчи формаллашган мантиқий системадир. Предикатлар мантиғи алифбоси мулоҳазалар мантиғи алифбосига янги символлар қўшиш орқали ҳосил қилинади.⁴ Улар қўйидагилар:

1. a, b, c, \dots , - предмет номларини ифодаловчи символлар, улар константалар деб аталади.

2. x, y, z, \dots , - предметларнинг умумий номларини билдирувчи символлар.

3. $P^1, Q^1, R^1, \dots, P^n, Q^n, R^n$ – предикаторлар учун символлар; бунда 1-бир ўринли предикаторни, 2-икки ўринли предикаторни, n -н ўринли предикаторларни билдиради.

4. Ҳукмнинг миқдорини билдирувчи символлар: \forall - умумийлик квантори; унга ўзбек тилида «барча», «ҳар бир», «ҳеч бир» каби сўзлар тўғри келади. Масалан, «Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига ёмонлик тиламайди» деган ҳукм $\forall(x)P(x)$ кўринишида ёзилади.

Э - мавжудлик квантори; унга ўзбек тилида «баъзи», «айрим» каби сўзлар тўғри келади. Масалан, «Баъзи кишилар якка тартибда ишлайди» деган ҳукм $\exists(x)P(x)$ кўринишида ёзилади.

⁴ Бу ерда к'рсатилмаган символлар ишлатилганда, уларнинг 3иймати тушунтирилади.

Мулоҳазалар мантиғи ва предикатлар мантиғи натурал хулоса чиқариш системаси (ёки аксиоматик) система сифатида курилиши мумкин.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Тил нима?
2. Тил ва тафаккур ўзаро қандай алоқада?
3. Сунъий тил нима учун керак ва у қандай яратилади?
4. Фикрни формаллаштиришнинг моҳияти нимада? Унинг тафаккур шаклларини ўрганиш учун қандай аҳамияти бор?
5. Тилнинг семантик категориялари нималар?

Адабиётлар:

110. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010.
111. Каримов И.А. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
112. Ёкубов Т. Математик логика элементлари. - Т.: Уқитувчи, 1996.
113. Тўраев Б.О. Логика: масалалар ва машқлар. -Т., 2009.
114. Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. - Т.: Ўқитувчи, 1993.
115. Шарипов М. , Файзихўжаева Д. Мантиқ. Ўқув қўлланма, -Т., 2004.
116. Войшвилло Е.К. Понятие как форма мышления. -М.: Изд- во МГУ, 1989.
117. Грядовой В.Н. Логика. Структурированный учебник. -М., 2003.
118. Ивин А.А. Логика. -М., 2003.
119. Ивлев Ю.В. Логика. Учебник для вузов. -М.: Логос, 1998.
120. Курбатов В.И. Логика. - Ростов-на-Дону. Феникс, 1997.
121. Рахимов И.. Логикадан амалий машғулотлар ва методик тавсиялар. - Т.: Узбекисгон, 1988.
122. Логико-гносеологические идеи мислителей Средней Азии. - Т.: Фан, 1981.
123. Логика и компьютер. Моделирование рассуждений и проверка правильности программ. -М.: Наука, 1990.

19-Мавзу: Тафаккурнинг универсал мантиқий шакллари ва усуллари. Тушунча. Ҳукм. Хулоса чиқариш

Режа:

1. Тушунчаларнинг моҳияти, пайдо қилиш усуллари ва турлари. 2. Мушоҳада – мантиқий билиш шакли сифатида ва унинг асосий турлари.
3. Хулоса чиқаришнинг моҳияти. Хулосанинг тузилиши ва унинг турлари.
4. Муаммо. Фараз. Назария. *Муаммо* ва унинг билишдаги аҳамияти.

Таянч тушунчалари

Тушунча, тушунчанинг мазмуни, тушунчанинг ҳажми, тушунчанинг мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тескари нисбат қонуни, умумий тушунча, якка тушунча, айирувчи тушунча, тўпловчи тушунча, абстракт тушунча, конкрет тушунча, нисбатсиз тушунчалар, нисбатдош тушунчалар, ижобий тушунча, салбий тушунча, тушунчанинг мантиқий тавсифи, таққосланадиган тушунчалар, таққосланмайдиган тушунчалар,

Ҳукм, гап, субъект, предикат, боғловчи, кванторлар, оддий ҳукм, мураккаб ҳукм, ҳукмда терминлар ҳажми, ҳукмларнинг модаллиги, мантиқий квадрат, савол, жавоб, норма, норматив ҳукмлар. Хулоса

чиқариш, мантиқан келиб чиқиш, асослар, хulosса, асосдан хulosага ўтиш, зарурий хulosса чиқариш, эҳтимолий хulosса чиқариш, дедуктив хulosса чиқариш, индуктив хulosса чиқариш, аналогия, бевосита хulosса чиқариш, билвосита хulosса чиқариш

Тушунча тафаккурнинг илк шакли ҳисобланади. Инсон тушунчалар ёрдамида фикрлайди, ҳамда бир-бири билан ўзаро алоқа қилади. Узок тарихий ривожланиш давомида оламни идрок ва тасаввур қилиш тажрибаларини доимий равишида умумлаштириш тушунчаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Тушунчалар воқеликнинг инсон акс этиши асосида шаклланади. Инсон атрофидаги нарса ва ҳодисаларни ўрганиш жараёнида унинг муҳим, умумий томонларини ажратиб, умумлаштириб боради, натижада турли тушунчалар ҳосил қилинади.

Тушунча тафаккурнинг мураккаб шакли бўлиб, у ҳиссий билишнинг асосий шакллари: сезги, идрок, тасаввурдан фарқ қилади. Агар биз ҳиссий билишда объектив оламдаги алоҳида (якка) нарса, ҳодисаларни онгимизда инъикос эттирасак, тушунчаларда эса якка белгилардан узоқлашилади ва нарса, ҳодисаларнинг умумий томонлари онгимизда акс этади.

Тушунча нарса, ҳодисалар уларнинг муҳим, умумий ва ўзига хос белгиларини инсон онгида яхлит акс эттирадиган тафаккур шаклигадир.

Инсон кундалик ҳаётда турли тушунчалардан фойдаланади. Бу тушунчалар воқеликни инсон онгида акс этиши, асосида шаклланган. «Уй», «дараҳт», «инсон», «қуёш», «сув» ва ҳоказо тушунчалар кундалик ҳаётда кўзга ташланиб турган белгилар асосида ҳосил қилинган. Илмий тушунчалар эса нарса ва ҳодисаларнинг объектив қонуниятларини, зарурий томонларини очиб беради.

Тушунчалар икки хил вазифани бажаради, аввало мушоҳада (хукм)нинг вужудга келиши учун шароит яратади ва унинг элементи сифатида таркибиға киради. Иккинчидан, инсон онгида билимнинг тўлароқ якунини ифодалайди.

Тушунча сўз билан чамбарчас боғлиқ. Билишнинг қуи босқичи бўлмиш ҳиссий билишда объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг образи онгимизда акс этади ва сезги, идрок ва тасаввурлар ҳосил бўлади. Уларда предметларнинг маълум бир томони акс этади. Предметларнинг моҳияти, муҳим хусусиятларини акс эттириш, уларни сўз билан ифодалашни талаб қилади, ҳар қандай сўзда умумийлик бор. Тушунчаларсўз ва сўз бирикмалари ёрдамида реаллашади.

Ўар бир тушунча - бу қўриб, эшишиб, сезиб, ҳидлаб бўлмайдиган фикр шаклидир. Инсон тафаккури тил билан қандай боғланган бўлса, тушунча ҳам сўз билан шундай боғлиқдир. Сўздан ажралган ҳеч қандай тушунча йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Сўз тушунчанинг моддий-материал қобиғидир.

Тушунча оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг асосий белгиларини акс эттиради, лекин уни ифодалаш шакли турлича бўлиши мумкин. Масалан, «қалам» тушунчаси турли тилларда турлича ифодага эга, лекин у қайси тилда бўлмасин, битта предметни ифодалайди. Тушунчалар тилда сўз ёки сўз бирикмаларида ифодаланади ва «ном» деб аталади. Ном якка ёки бир синфга мансуб предметларни акс эттириши мумкин. Тушунча билан сўз бир нарса эмас. Сўз-тил категорияси; тушунча тафаккур категориясидир. Агар тушунчада нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти, асосий белгилари, хусусиятлари, муносабатлари ифодаланса, сўз эса буюмларнинг номини ифодалайди. Маълумки, нарса ва ҳодисаларнинг табиати уларнинг номи билан умумийликка эга эмас. Агар улар бир умумийликка эга бўлганда эди, бир буюм ҳамма жаҳон халқлари тилларида бир ном билан аталган бўлар эди.

Ҳиссий билишда оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг индивидуал томонлари акс этади, тушунчаларда эса умумийлик ифодаланади. Тушунча ва тасаввур ўртасидаги ҳам фарқлари бор.

Агар биз маълум бир гурух кишиларига бирор предмет образини (масалан, шкаф) тасаввур этишларини ва ушбу тасаввурларини қоғозга туширишларини сўрасак, уларнинг қоғозга туширган тасаввурлари бир бирига мос эмаслигини кўрамиз. Ҳар бир шахс предметни (шкафни) индивидуал ўзига хослик асосида тасаввур этади. Биз ушбу шахсларнинг предмет (шкаф) ҳақидаги индивидуал тасаввурларидаги предметнинг (шкафнинг) ранги, материали, шакли, улардаги полкалар сони, нимага хизмат қилиши каби белгиларидан четланиб, шкафлар учун хос умумий белги, яъни шкаф - бу кийим, идиш, китоб ва бошқаларни сақлаш учун хизмат қилувчи буюм десак, бу алоҳида қайсиdir шкаф бўлмай, балки ҳамма шкафлар учун хос бўлган умумий белгини кўрсатади. Демак, тасаввурда индивидуаллик, тушунчада умумийлик мавжуд.

Тушунчалар уларда ифодаланган нарса, ҳодисаларнинг муҳим белгилари асосида юзага келади. Бизни ўраб турган нарса, ҳодисалар кўплаб белгиларга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Кишилик жамияти тарихида тушунчани изоҳлашда у ифодалаган алоҳида нарсаларнинг хусусий белгилари йиғиндиси билан уйғунлаштиришга ҳаракатлар бўлган. Нарса ва ҳодисалар чексиз белгиларга эга, тушунчада эса факат уларнинг моҳиятини, хусусиятини ифодалайдиган муҳим белгилари назарда тутилади.

Нарса ва ҳодисалардаги, белгиларни биз аввало икки гурухга, яъни муҳим ва муҳим бўлмаган белгиларга ажратамиз. Муҳим бўлмаган белгиларнинг йўқолиши ёки ўзгариши фикр қилинаётган предметнинг асосий сифатлари (юк кўтариши, тезлиги ва ҳоказо) ўзгаришига олиб келмайди.

Аксинча, муҳим белгилар нарса ёки ҳодисаларга ҳар қандай ҳолатда ҳам хос бўлиб, ушбу белгиларсиз предметнинг мавжудлиги ҳақида фикр юритиши мумкин эмас. Масалан, миллатнинг муҳим белгиси тил бирлигидир. Бошқа муҳим белгилари бўлса-ю, лекин тил бирлиги белгиси бўлмаса, у миллат бўла олмайди.

Тушунчаларнинг муҳим ва муҳим бўлмаган белгилари нисбий характерга эга, чунки вақт ўтиши билан илгари муҳим ҳисобланган белги номухим белгига айланиши ёки аксинча бўлиши мумкин.

Биз ҳаётда қўллайдиган турли хил тушунчаларни ҳосил қилиш учун уларнинг муҳим ва умумий белгиларини топишимиз лозим. Бунда турли мантикий усувлардан фойдаланилади. Мантикий усувларга: таққослаш, анализ ва синтез, абстракциялаш, умумлаштириш кабилар киради. Кишилар қадим даврлардан ушбу мантикий усувлардан фойдаланиб, тушунчалар ҳосил қилганлар.

Таққослаш – тушунча ҳосил қилишнинг мантикий усулидир. Оламдаги нарса ва ҳодисаларни билиш, тушуниш дастлаб таққослаш асосида боради. Таққослаш шундай мантикий усулки, унинг ёрдамида объектив дунёдаги нарса ва ҳодисалар орасидаги ўхшашлик ёки фарқлар аниқланади. Таққослаш натижалари чин бўлиши учун қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим:

а) ҳамма вақт ҳам ҳақиқатда, бор ўзаро реал боғланишда бўлган буюмларни таққослаш лозим;

б) таққослаш чин бўлиши учун, қандай белгига кўра таққослашимиз олдиндан маълум бўлиши шарт;

в) ҳамма вақт икки бир неча буюмни бир умумий белги асосида, айнан бир нисбатда таққослаш керак;

г) ҳар қандай таққослаш тасодифий, дуч келган белгиларга қараб эмас, балки таққосланадиган буюмлар учун мұхим ақамиятга эга бўлган белгилар асосида бўлиши лозим.

Тушунчаларни ҳосил қилишда анализ ва синтез мантикий усулидан фойдаланилади.

Ташқи оламдаги, нарса ва ҳодисаларни билиш, улар ҳақида тушунча ҳосил қилиш, асосий белгиларни топиш уларни фикран бўлакларга ажратишни талаб қиласди. Бунда биз мантикий усуллардан бири бўлмиш - анализдан фойдаланамиз.

Анализ шундай мантикий усулки, бу усул ёрдами билан нарса ва ҳодисаларни фикран қисмларга бўламиз, уларнинг айрим қисм ва хусусиятларини ажратамиз ва билиб оламиз. Анализ бир синфга киравчи бир жиҳатдан ўхшаш, қолган жиҳатлардан фарқ қиласди гапни предмет ва воқеаларни ўрганишда ёрдам беради. Масалан, «Мантиқ» курсини эгаллаш учун бу курсни фикран қисмларга бўлиб оламиз. Дастреб тушунчаларни, кейин мушоҳадаларни (хукмларни), сўнгра хулоса чиқариш ва бошқаларни ўрганамиз. Лекин фикрлаш жараёнида нарсаларни билиш учун анализнинг ўзи кифоя қиласди. Чунки анализ предметни ўрганишдаги дастребки қадамдир. «Мантиқ» фани ҳақида тўлиқ билимга эга бўлиш учун ҳар бир қисм билан алоҳида танишиб чиқишининг ўзи кифоя қиласди, чунки биз юқорида қайд қиласган қисмларни ўзаро бирлаштириб бир бутун ҳолга келтирганимиздан кейингина «мантиқ» фани ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўламиз. Демак, фикрлаш жараёнида анализ-синтез билан чамбарчас боғлиқ келади.

Синтез шундай мантикий усулларни, бу усул ёрдамида қисмларни фикран бирлаштирамиз ва бир бутун ҳолга келтирамиз. Абстракциялаш – тушунчаларни ҳосил қилишнинг мантикий усулидир.

Абстракциялашда оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим муқим белгиларини фикран ажратиб оламиз ва ҳозирча зарур бўлмаган белгиларни назардан четда қолдирамиз. Бу жараён абстракциялаш, шу жараённинг натижаси, абстракция дейилади.

Абстракциялаш жараёнида фикримиз нарса ва ҳодисанинг аниқ белгиларидан узоқлашиб, умумий белгилари томон тўғри ҳаракат қилиш натижасида предметдан йироқлашмайди, балки яқинлашиб боради, ҳамда абстракт тушунчалар ҳосил бўлади. Фанларда қўлланиладиган формация, прогресс, регресс, форма, мазмун, товар, пул ва бошқа тушунчалар мантикий абстракция орқали ҳосил қилинган.

Абстракциялаш умумлаштириш усули билан узвий боғлиқ. Умумлаштириш шундай мантикий усулларни, унда нарса ва ҳодисалар бирор умумий белгига кўра фикран бир мантикий синфга бирлаштирилади. Умумлаштиришда айримликдан умумийликка ўтилади ва умумий тушунча, мушоҳада, назариялар ҳосил қилинади. Ушбу мантикий усул ёрдамида юзага келган тушунчалари бизнинг оламни чуқурроқ акс эттириб, унинг моҳиятини англаб олишимизга ёрдам беради. Ўар қандай умумийлик алоҳидаликсиз мавжуд бўлмайди, унда якка, нарса ва ҳодисаларнинг ўхшаш, умумий белгилари акс этади. Умумлаштириш орқали янги умумийликка тўла тушунчалар ҳосил қилинади. Бундай тушунчаларга ўсимлик, сабзавот, китоб, дарахт ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ҳар қандай тушунча мазмунга ва ҳажмга эга эканлиги билан характерланади. Нарса ва ҳодисаларнинг тушунчада акс этган мұхим белгилари йиғиндинсига тушунча мазмунни дейилади. Масалан: «Ручка» тушунчаси мазмунини ёзиш учун хизмат қилиши, пероли ёки шарикли бўлиши каби белгилари ташкил қиласди. Демак, тушунча мазмуни тушунчада ифодаланаётган нарса ёки ҳодисани объектив равишда инъикос эттиришdir.

Агар нарса ўзгарса, у ҳақидаги тушунча ҳам ўзгариши керак, акс ҳолда тушунча мазмuni билан тушунчада ифодаланган нарса ўртасида номутаносиблик юзага келади.

Нарса ёки ходисанинг асосий белги, хусусиятлари воқеликка мос келмаса, тушунча хато ёки ёлғон дейилади. Тушунчаларда оламдаги нарса, ходисаларнинг асосий белгилари билан бир қаторда уларнинг миқдори (яъни ҳажми) ҳам ифодаланади. Тушунча, ҳажми деб, тушунчада ифодаланаётган нарса, ходисаларнинг йиғиндисига айтилади. Масалан: «Роман» тушунчаси ҳажмига шу вақтгача ёзилган ва ёзилдиган романлар киради. Мантиқда тушунчаларнинг ҳажми ва мазмuni ўртасида тескари нисбат қонуният бор. Бу қонуниятга кўра тушунча ҳажми қанча кенг бўлса, мазмuni шунча тор бўлади, мазмuni қанча кенг бўлса, ҳажми шунча тор бўлади.

Тушунчаларнинг ҳажми ва мазмuni орасидаги тескари нисбат жинс ва тур муносабатидаги тушунчаларга нисбатан тадбиқ қилинади. Ҳажми торроқ тушунча мазмун жиҳатидан кенгроқ бўлади, чунки аввалги ҳажми кенгроқ тушунчада ифодаланган белгилар қаторига янги белгилар қўшилади.

Ҳажми кенгроқ тушунча аксинча кўпроқ предметни ифодалайди, предметлар тури кўпайган сари уларнинг ўхшаш белгилари камайиб боради. Масалан «шеърлар» ва «тўртликлар» тушунчаларини оламиз. Бу икки тушунчадан биринчисининг, яъни «шеърлар» тушунчасининг ҳажми кенг, чунки унинг ҳажмига шеърий асарларнинг ҳаммаси киради. Тўртликлар эса, уларнинг факат бир тури, яъни улар камроқ. Мазмун жиҳатидан эса «тўртликлар» тушунчаси кенг. Чунки «тўртликлар», «шеърлар» эса бўлган белгиларнинг ҳаммасига эга шу билан бирга у тўрт қатор бўлиши каби белгига ҳам эга.

Тушунчалар ҳажм жиҳатдан юқори ва қуи муносабатларга қараб жинс ва тур муносабатларга бўлинади. Ҳамма вақт жинс тушунча тур тушунчаларга нисбатан жинс бўлади, жинсга ҳамма вақт тур ўхшаш белгилари билан итоат этади. Масалан, «мактаб» ва «олий мактаб» тушунчаларида «мактаб» тушунчаси жинс, «олий мактаб» тушунчаси эса тур тушунчадир. Лекин шуни уқтириш керакки, баъзи ҳолда жинс бўлган тушунча, бошқа ҳолда тур бўлиши мумкин. Юқоридаги мисолимиздаги, «олий мактаб» тушунчаси билан «университет» тушунчасини олсан, бу ерда «олий мактаб» тушунчаси жинс «Университет» тур тушунча.

Тушунчаларнинг турлари

Тушунчаларни турларга ажратишда биз уларнинг ҳажми ва мазмунига асосланамиз. Аввало тушунчаларни ҳажм жиҳатдан якка ва умумий тушунчаларга ажратамиз. Якка тушунчалар алоҳида, якка нарса ёки ходисани ифодалайди. Масалан «Ўзбекистон» тушунчасида Марказий Осиёда жойлашган, собиқ СССР нинг парчаланишидан кейин мустақилликни қўлга киритиб, демократик тамойиллар асосида юксалиб бораётган мамлакатни тушунамиз. Демак, ўзига хос белгига эга бўлган алоҳида нарса ёки ходисани ифодалаган тушунча якка тушунча дейилади.

Биз агар «Мустақил давлат» деган тушунчани оладиган бўлсан, ушбу тушунча «Ўзбекистон тушунчасидан фарқ қиласди. «Ўзбекистон» деганда дунёдаги мустақил давлатлардан фақат бирини тушунсан, «мустақил давлат» деганда иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиб, ташқи ва ички сиёsat юритаётган давлатларни тушунамиз. Бу умумий тушунча ҳисобланади.

Умумий тушунчалар бир мантиқий синфга кирувчи ҳамма предметларни ифодалайди.

Умумий тушунчалардан ташқари жамловчи тушунчалар ҳам мавжуд. Жамловчи тушунчанинг белгиси янги белги бўлиб, унинг таркибига кирувчи, жамланувчи элементларда бу белги учрамайди. Масалан «ўрмон», «мажлис», «кутубхона» ва ҳоказо.

Мазмун жиҳатдан тушунчалар конкрет ва абстракт турлари бўлинади. Реал предмет ва ходисаларни акс эттирувчи тушунчалар конкрет тушунчалар, деб аталади. Масалан «уй», «китоб», «дафтар», «студент» кабилар конкрет тушунчалардир. Чунки бу тушунчаларда маълум предмет, ходиса акс эттирилган.

Предметлардан фикран ажратиб олиниб, мавхумлаштирилган маълум хусусият, белгиларни акс эттирган тушунчалар абстракт тушунчалар дейилади. Масалан, «гўзаллик», «ботирлик», «тозалик», «шарм-ҳаё» ва ҳоказолар.

Тушунчалар мазмунига кўра яна нисбатли ва нисбатсиз тушунчаларга бўлинади. Агар бир тушунча иккинчи тушунча орқали билинадиган бўлса, у нисбатли бўлади. Нисбатли тушунчаларга «катта-кичик», «ака-ука», «оқ-қора» каби каби тушунчаларни кўрсатиш мумкин. Тушунча бошқа тушунчаларсиз билинадиган бўлса, бу тушунча нисбатсиз бўлади. Масалан, «шартнома», «давлат», «талаба» ва ҳоказо.

Шунингдек тушунчалар мазмунига кўра яна мусбат ва манфий турларга ажратилади. Бунда биз тушунчада ифодаланаётган предметда бирор белги борлигини тасдиқлаш ёки инкор этишга асосланамиз. Агар тушунчада белги борлиги ифодаланса у мусбат, аксинча белги йўқлиги кўрсатилса, манфий бўлади. Масалан, «эътиқодли», «баҳтли», «инсофли», «интизомли», каби тушунчалар мусбат, «эътиқодсиз», «баҳтсиз», «инсофсиз», «интизомсиз» каби тушунчалар эса манфий тушунчалар жумласига киради. Манфий тушунчалар одатда «сиз», «но», «бе», «эмас» ва бошқа қўшимчалар қўшиш орқали ясалади.

Шундай қилиб тушунчаларнинг қўйидаги асосий туркумлари мавжуд:

- | | |
|------------------------|----------------------------|
| А) якка ва умумий | Г) нисбий ва нисбатсиз |
| Б) жинс ва тур | Д) жамловчи ва жамланмасиз |
| В) конкрет ва абстракт | Ж) мусбат ва манфий |

Умумий тушунчалар таркибига универсал тушунчалар ҳам киради. Билимнинг муайян соҳасига оид, туркумга мансуб тушунчалар универсал тушунчалар дейилади. М, зоологиядаги «ҳайвонлар», ботаникадаги «ўсимликлар» кабилар шулар жумласидандир.

Тушунчаларнинг маҳсус тури категориялардир. Нарса ва ходисалар орасидаги алоқа ва муносабатларнинг инсон онгидаги энг умумий тарзда инъикос эттирадиган илмий тушунчалар категориялар, деб юритилади. Ўар бир фан ўз умумий тушунчалари-категорияларига эга. Фалсафа фанидаги «материя», «мазмун», «сабаб», «борлиқ», «ҳаракат» ва бошқалар; математикадаги «туб сон», «натурал сон», «тенглама», «чексиз сон», «рақам», «дифференциал», «интеграл» кабилар; физикадаги «электр», «нурланиш», «мусбат заряд», «электромагнит майдони», «нисбийлик назарияси» ва бошқалар, адабиёт назариясидаги «образ», «бадиийлик», «ижобий», «салбий» кабилар шулар жумласидандир.

Категориялар инсоннинг билимларининг кенгайишига ёрдам беради.

3.Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар

Биз фалсафа фанини ўрганиш жараёнида объектив оламдаги нарса ходисалар ўзаро бир-бирлари билан алоҳида бир-бирини тақозо қиласиди, оламни англаш учун нарса ва

ходисалар орасидаги алоқадорликларни англаш зарурати ҳақида хулоса ҳосил қилғанмиз. Оламдаги нарса ва ходисалар алоқа ва муносабатлари инсон онгидა акс этади ва тушунчалар орасидаги алоқа ва муносабатларни келтириб чиқаради.

Мантиқ илмида аввало тушунчаларни ҳажм жиҳатидан бир-бирига таққосланадиган ва таққосланмайдиган тушунчаларга ажратамиз. Масалан, «ўқитувчи» билан «зиёли» тушунчалари таққосланадиган, «ўқитувчи» ва «завод» тушунчалари эса таққосланмайдиган тушунчалар қаторига киради.

Биз мантиқ курсида ўзаро ҳажм жиҳатдан таққосланадиган тушунчалар билан иш кўрамиз. Таққосланадиган тушунчалар ўз навбатида сифишидиган ва сифишиждиган тушунчаларга бўлинади. Ўажм жиҳатдан бир-бирига маълум бир даражада алоқаси бўлган тушунчалар сифишидиган тушунчалар дейилади.

Масалан, «китоб» билан «дарслик».

Ўажм жиҳатдан бир-бирига киришмайдиган тушунчалар сифишиждиган тушунчалар дейилади.

Сифишидиган тушунчалар ўртасида: а)айнийлик (мослик); б) қисман мослик; в) бўйсуниш муносабатлари бор.

А) айният муносабати.

Айният муносабатидаги тушунчалар ҳажми жиҳатдан айнан тенг бўлиб, бир предметни икки томондан ифодалайди ва улар мос тушунчалар деб номланади. Мос тушунчаларнинг бирида предметнинг бир белгиси, иккинчи тушунчада эса бошқа белгиси кўрсатилади. Мос тушунчалардан ҳаётда тўғри фойдаланиш фикрни аниқ тушуниш ва кўпроқ маълумот олишга ёрдам беради. Масалан: нотиқ бирор шахс ҳақида гапирав экан, нутқида бир тушунчани бошқа бир тушунча билан алмаштира олса, унинг нутқи мазмунан бойийди ва тингловчиларда қизиқишиш уйғотади.


Масалан: А. Ғазал мулкининг султони

Б. Ўзбек адабий тилининг асосчиси

Бу мисолда А ва Б - мос тушунчалар.

Иккала тушунчалар буюк бобокалонимиз-Алишер Навоийнинг ифодаланган.

Айният муносабатини Эйлер доироси ёрдамида қуйидагича график усулда ифодалаш мумкин. Бу бир хил 2 доиранинг устма-устлигини билдиради.




Б) Тушунчалар ўртасидаги қисман мослик муносабати. Бунда икки груп предметлари ўртасидаги муносабат акс этади, биринчи груп предметларининг маълум бир қисми иккинчи груп предметларининг маълум бир қисмига мос келади. Таъкидлаш жоизки, ушбу муносабатдаги тушунчалар ҳажми жиҳатдан қисман мос келсаларда, лекин мазмун жиҳатидан ҳар-хил бўлади.

Масалан: А. Ишчилар

Б. Рационализаторлар

Ишчиларнинг бир қисми рационализатор рационализаторларнинг бир қисми ишчилар бўлиши мумкин. Қисман мослик муносабати чатишма тушунчаларини келтириб чиқаради.

Қисман мослик муносабатини қўйидаги график усулда ифодалаш мумкин.




В) Бўйсуниш муносабати - кенг ҳажмли тушунча билан тор ҳажмли тушунчалар орасидаги муносабатни ифодалайди. Бунда кенг ҳажмли тушунча-бўйсундирувчи, тор ҳажмли тушунча бўйсунувчи, деб юритилади.

Масалан: А. Фан

Б. Кибернетика,

Берилган мисолдаги А тушунча кенг ҳажмли. Б тушунча (кибернетика) А нинг таркибига киради, тор ҳажмли.

Бўйсуниш муносабати қўйидаги график усулида ифодалаш мумкин:




Сиғишмайдиган тушунчалар ўртасида: а) бирга бўйсуниш; б) қарама-қаршилик; в) зидлик муносабатлари мавжуд.

А) Бирга бўйсуниш муносабатида тушунчалар ўзаро бир-бирини истисно қиласди, лекин улар биргаликда ҳажми кенг бошқа тушунчага бўйсунади.

Масалан: А.Бадиий адабиёт Б.Архитектура В.Амалий санъат

А, Б, В тушунчалари биргаликда нисбатан кенгроқ ҳажмли Д (санъат) тушунчасига бўйсунади. Бунда А, Б, В лар бирга бўйсинувчилар; Д-бирга бўйсундирувчи хисобланади.

Бирга бўйсуниш муносабатини қўйидаги график шаклида ифодалаш мумкин.




Б) Қарама-қаршилик муносабатида тушунчалар предметларда икки қарама-қарши томон мавжудлигини ифодалайди, қарама-қарши муносабатдаги тушунчалар одатда бир-бирини инкор этади. Бир тушунчанинг тўғрилигидан иккинчисининг хатолиги келиб чиқади. Лекин қарама-қаршилик муносабати орасида учинчи бир тушунча бўлишига имкон қолдиради.

Масалан: А.Оқ Б.Қора

Бу мисолда А-Б ни инкор этади, Б ҳам А ни инкор этади. А нинг чинлигидан Б нинг хатолиги келиб чиқади ёки аксинча бўлиши мумкин. Қарама-қаршилик муносабатида учинчи бир тушунча (А1, А2, А3 ёки Б1, Б2, Б3) бўлиши назарда тутилади.

Қарама-қаршилик - муносабатини қўйидаги график усулда ифодалаш мумкин.



В) Зидлик муносабатидаги тушунчалар ҳам қарама-қарши муносабатидаги тушунчалар каби ўзаро бир-бирини инкор қиласди. Қарама-қарши муносабатда иккинчи тушунча аниқ ифодаланади. Зидлик муносабатида инкор этилаётган тушунча ноаниқ бўлиб қолаверади. Муносабати қарама-қарши тушунчалар сингари бир доирага кирсада, инкор этган тушунча доиранинг ноаниқ қисмини ташкил қиласди. Агар қарама-қарши тушунчалар учинчи тушунчага ўрин қолдирса, зид тушунчалар уларга ҳеч қандай ўрин қолдирмайди. Шунинг учун икки зид тушунчанинг бири рост бўлса, иккинчиси албатта хато, учинчиси бўлиши мумкин эмас.

Масалан: Катта – А тушунча

Катта эмас – А эмас


Берилган мисолдаги А тушунчанинг чинлиги Б нинг хатолигини келтириб чиқаради ёки аксинча. Улар бир бирини тамоман инкор этади, учинчисининг бўлиши мумкин эмас.

Зидлик муносабатини қўйидаги график усулда ифодалаш мумкин:

Шундай қилиб, тушунчалар орасидаги муносабатларни қўйидаги график усулда ифодалаш мумкин.

Тушунчалар


Мазмунга кўра



Таққосланадиган тушунчалар


Таққосланмайдиган

Ҳажмига кўра





Сиғишидиган

Сиғишмайдиган



қисман мослик

қарама-қаршилик



4. Тушунчалар устида мантиқий амаллар. Тушунчалар устидаги мантиқий амаллар деганда:
а) тушунчаларни умумлаштириш: б) чегаралаш: в) тушунчаларни бўлиш: г) тушунчаларни таърифлаш назарда тутилади.

Оламнинг моҳиятини англашда фикримиз баъзан ҳажми кенгроқ тушунчадан торроқ тушунчага ҳаракат қилса, баъзан эса аксинча бўлади. Ушбу жараён мантиқ фанида тушунчаларни чегаралаш ва умумлаштириш дейилади.


А) тушунчаларни умумлаштириш деб, торроқ ҳажмдаги тушунчадан кенгроқ ҳажмдаги тушунча томон фикрнинг ҳаракатланишига айтилади. Масалан, «ўқитувчи»-«зиёли»- «кинсон».

Тушунчаларни умумлаштириш натижасида якка тушунчадан, умумий тушунчага қараб борилади. Умумлаштиришнинг чегараси мавжуд. Умумлаштириш натижасида ортиқ умумлаштириш мумкин бўлган тушунчалар ҳосил бўлади. Бундай тушунчалар категориялар дейилади. Категориялар оламдаги нарса, ходисаларнинг энг умумий хусусиятларини, алоқа ва муносабатларини акс эттирувчи умумий тушунчалардир. Ўар бир фан ўзига хос категориялар системасига эга. Масалан, физикада «атом», «молекула», «энергия», «қувват» математикада - сон, тенглама, дифференционал, интеграл ва ҳоказо.

Умумлаштириш мантиқий амални қўйидагича ифодалаш мумкин: Акула (A) – йиртқич балиқ (B) – балиқ (B).

Бу мисолда фикр тор ҳажмдаги тушунчадан кенг ҳажмли тушунчага қарыб борган. Буни А-Б-В мантиқий шаклда ёки график усулда - Эйлер доираси тарзидан ифодалаш мүмкін. Графикдаги стрелка А дан Вға қараб боради ва умумлаштиришни ифодалайди.

Бунда «харакат» (А) тушунчасини чегаралаш орқали «механик харакати» (Б) тушунчаси ҳосил бўлади. Механик харакатнинг бир шакли холос. Шу тарзда чегаралашни давом эттириш мүмкін. Чегаралашни қуйидаги график шаклида ифодалаш мүмкін.



Графикдаги стрелка Адан Гга қараб
боради ва чегаралаш йўналишини
ифодалайди.

Б) Тушунчани чегаралаш

Фикр юритиш жараёнида ҳажми кенг тушунчадан торроқ тушунчага томон бориш тушунчани чегаралаш дейилади. Тушунчаларни чегаралаш натижасида якка тушунчалар ҳосил қилинади. Чегаралаш натижасида ҳосил бўлган тушунчалар «индивиду» тушунчалар дейилади. Масалан, «харакат» тушунчасини шундай чегаралаш мүмкін: ҳаракат (А) - механик ҳаракат (Б) - айланма ҳаракат (В) - ер планетаси ҳаракати (Г)

Ҳаракат - А

Механик ҳаракат - АБ

Айланма ҳаракат - АБВ

Ер планетаси ҳаракати - АБВГ

Тушунчаларни чегаралаш ва умумлаштириш инсоният ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлган фикрлаш операциясидир. Агар умумлаштириш орқали нарса ва ходисаларнинг муҳим, бир-бирига ўхшаш томонларини билсак, чегаралаш орқали эса ҳар бир нарсанинг ўзига хос, конкрет томонларини, ички хусусиятларини биламиз.

В) Тушунчаларни бўлиш.

Тушунчаларнинг ҳажми бўлиш операцияси орқали аниқланади. Тушунчалар ҳажмини аниқлаш мантиқий усули тушунчаларни бўлиш дейилади.

Бўлим деганда тушунчаларда ифодаланган предмет, ходисаларни фикран кичик гурппаларга ажратиш назарда тутилади. Ҳажми Аниқланадиган тушунча бўлинувчи тушунча; бўлиш учун олинган белги-бўлиш асоси, бўлиш натижасида тушунчалар бўлинма дейилади. Тушунчаларни бўлишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак.

1. Тушунчаларни бўлиш бир асос бўйича амалга оширилади. Масалан: учбурчаклар; ўткир бурчакли, ўтмас бурчакли, тўғри бурчакли

2. Тушунчаларни бўлиш мутаносиб бўлмоғи керак. Бунинг маъноси шуки, бўлиш натижасида ҳосил бўлган тур тушунчаларининг ҳажми бўлинувчи (жинс) тушунча ҳажмига тенг бўлмоғи лозим.

Масалан: материқдаги (бўлишуви). Унинг таркиби Европа, Осиё, Африка, Австралия, Америка, Антарктида тушунчалари киради. .

3. Бўлиш натижалари бир-бирини истисно қилиши керак.

Масалан: «табиат» (А)ни бўлиш орқали «жонли табиат» (Б), «жонсиз табиат» (В) ҳосил қиласди.

4. Тушунчаларни бўлишда сакраш бўлмаслиги керак, яъни тушунчаларнинг узок турини эмас, яқин турини олиш керак.

Масалан: гап (А)ни бўлиш орқали, сода гап (Б),

Кўшма гап (В) ҳосил бўлди.

Тушунчаларни бўлишни предметларни қисмларга ажратишдан фарқ қилиш керак. Масалан, «Душанба» ни ҳафта деганда душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума, шанба, якшанба – назарда тутилади. Душанба ҳафтанинг бир куни.

Тушунчаларни билишнинг бир қатор турлари бор. Улар тушунчаларни бўлиш усуслари, деб юритилади. Тушунчаларни бўлиш усусларига: а) жинс тушунчаларни тур тушунчаларига бўлиш; б) дихотомия асосида бўлиш; в) классификация киради.

Тушунчаларни бўлишнинг энг кенг тарқалган усули жинс тушунчаларни тур тушунчаларга бўлиш ҳисобланади.

Тушунчаларни ҳажмга кўра иккита бир-бирини истисно қилувчи зид тушунчаларга ажратиш усули ҳам мавжуд бўлиб, бу дихотомик бўлиш дейилади. Бунда тушунчаларнинг бири иккинчисини истисно қиласди: Масалан, ўқитувчилар: физиклар ва физик эмаслар.

Дихотомик бўлишда бўлинувчи ва бўлинма ўртасида ҳажм жиҳатдан номутаносиблик истисно-қилинади. Бўлиш тўғри амалга оширилса, бўлинувчи ва бўлинма ҳажм жиҳатдан ҳар доим тенг бўлади.

Тушунчаларни бўлишнинг алоҳида тури тасниф-классификациялашдир. Тасниф обьектив оламдаги буюмларни ифодаловчи тушунчаларни ўхшаш белгилари ва тафовутига қараб синф ёки турларга бўлишдан иборат бўлиб, улар турлар системасида қатъий ўринни эгаллади.

Тасниф-обьектив оламдаги предметлар, ходисалар ҳақидаги билимларимизни системалаштириш, маълум бир тартибга солиб ўрганишнинг муҳим усулидир. Амалий эҳтиёж талабларига кўра тушунчаларни бўлиш асосини ўзгартириш мумкин. Таснифда бўлиш асоси нисбатан барқарорлиги, доимилиги билан ажралиб туради.

Мантиқда классификация икки группага: табиий ва сунъийга бўлинади. Табиий классификация илмий тадқиқотнинг натижаси ва муҳим воситаси бўлиб, билиш жараённида катта ахамиятга эга. Табиий классификацияда предметлар энг умумий ва энг муҳим белгилари асосида тақсимланади, гуруппаларга бўлинади. Ушбу усул ўсимликларни ва ҳайвонларни

классификация қилишда айникса кенг қўлланилади. Сунъий классификация эса ташки белгиларга асосланади ва турли-туман предметларни, уларни акс эттирувчи тушунчаларни тартибга солиш учун хизмат қиласди. Табиий классификацияга Менделеевнинг химиявий элементларининг даврий системасини мисол тарзида келтириш мумкин. Кутубхонадаги китобларни алфавит тартибда жойлаштириш ёки XVIII асрдаги швед табиатшунос олими Карл Линнейнинг ўсимликлар классификацияси сунъий классификацияга мисол бўла олади.

Г) тушунчаларни таърифлаш.

Тушунчаларни таърифлаш ҳаётда кенг қўлланадиган мантикий усуздир. Таърифлаш ёрдамида биз таърифланувчи тушунчанинг мазмунини, моҳиятини очамиз. Одатда бирор предметни билганимиздан кейингина унинг мазмунини, асл моҳиятини аниқлаб, фанга янги атама киритамиз. Бунга тушунчада ифодаланган предметнинг асосий белгиларини аниқлаш орқали эришамиз.

Тушунча мазмунини ифодаловчи асосий белгиларини очиб беришга қаратилган мантикий усулага тушунчаларни таърифлаш (дефинация) дейилади. Масалан «квадрат» тушунчасига таъриф беришда унинг асосий белгилари, яъни teng томонли, тўғри бурчакли (тур) тўртбурчак ҳамда геометрик фигура (жинс) орқали таърифлаймиз. Юқоридаги мисолимиздан таърифлашда энг яқин жинс ва тур белгиларини ажратиб олиш кераклиги кўриниб турибди. Агар бу шарт бузилса, таърифлашда биз тушунчада ифодаланган предметларни объектив асосидан маҳрум қилган бўламиз. Жинс ва тур орқали таърифлашда, биринчидан, биз буюмни бошқа жинсдаги буюмлардан, иккинчидан шу жинснинг бошқа турларидан ажратамиз. Тушунчани таърифлашнинг, мантикий усуllibарига: а) яқин жинс ва тур белгиси орқали таъриф; б) генетик таъриф; в) номинал таърифлаш киради.

Яқин жинс ва тур белгилари асосида таърифлашда жинс тушунча маълум хусусиятларга асосланган ҳолда тур тушунчаларга ажратилади.

Генетик таърифда тушунчада ифодаланган предметнинг келиб чиқиши, унинг нимадан тузилганлиги берилади. Шунингдек тушунчада ифодаланган предметнинг пайдо бўлиши, ташкил топиши каби ўзига хос томонларига ахамият берилади. Масалан, нутқ-мехнат жараёнида юзага келган, фикрни ифодалаш учун хизмат қилувчи, инсонларгагина хос бўлган алоқа воситасидир.

Номинал таърифда тушунчани ифодалаган сўз, ном-терминнинг маъноси баён этилади. Нормал ва номинал турларга бўлинади. Номинал шаърифдан реал таъриф аниқлиги билан ажralиб туради. Номинал таърифда биология «био» - ҳаёт, «логос» - фан деган сўздан олинган бўлиб, ҳаёт тўғрисидаги фан десак, реал таърифда «биология» - ҳаёт қонуниятлари ва жонли мавжудотларнинг ўсиши ҳақидаги фандир, деймиз.

Тушунчаларни таърифлаш ҳаётимизда катта ахамият касб этади. Таърифлашнинг ҳамма фанлар учун зарур бўлган мантикий қоидалари мавжуд. Уларга амал қилингандагина таърифда аниқликка эришилади. Бу қоидалар қуйидагилардан иборат:

1. Таърифлаш teng ҳажмли бўлиши керак, яъни таърифланувчи предмет ҳажми билан таърифловчи ҳажми teng бўлиши керак. Агар биз, фалсафа -табиат, жамият ҳақидаги энг умумий билимларни ўрганадиган фандир десак, бу таъриф нотўғри, чунки таърифланувчи тушунчанинг ҳажми таърифловчидан кенг;

2. Таърифлашда энг яқин жинс тушунчани олиш керак. Агар биз санъат ижтимоий онг формаси десак, нотўғри бўлади, чунки «ижтимоий онг формаси» санъатнинг яқин тур белгиси эмас.

3. Таърифда белги фақат таърифланувчи предметга тегишли бўлиши ва унинг барча предметлардан фарқини кўрсатиб бериши керак. Агар биз «балиқ» сувда яшовчи жонзотдир, деб таърифласак, нотўғри бўлади, чунки юқоридаги қоида бузилган ҳисобланади.

4. Таъриф инкор шаклида бўлмаслиги, тушунчада ифодаланган нарса, ҳодисанинг асосий белгилари кўрсатилиши керак. Масалан. «балиқ» - илон эмас, деб таъриф берсак, хато бўлади.

5. Таърифлаш аниқ баён қилинган бўлиши керак. Ноаниқлик нотўғри таърифлашга олиб келади.

Кўринадики, объектив оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини очишда таърифлаш мухим роль ўйнайди.

Мушоҳада-мантиқий билиш шакли сифатида. Мушоҳаданинг тузилиши.

Инсоннинг олам ҳақида ҳосил қиласиган билим шаклларидан бири мушоҳада ҳисобланади. Мушоҳада предметлар, ҳодисалар, уларнинг белгилари, хусусиятлари, муносабатларини тасдиқ ёки инкор шаклида ифодалайдиган фикр шаклидир.

Инсон оламни ўрганиш жараёнида ундаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқа ва муносабатларни пайқайди. Мазкур алоқа ва муносабатлар инсон тафаккурида мушоҳада шаклида акс этади. Мушоҳада тушунчалар орасидаги муносабатлардан келиб чиқади. Масалан: Ер қуёш атрофида айланади.

Ўар қандай мушоҳада чин ёки хато бўлиши мумкин. Агар мушоҳадада акс этган алоқа ва муносабатлар реал дунё, ундаги мавжуд алоқа ва муносабатлар инъикоси бўлса, бундай фикр чин мушоҳада ҳисобланади. Аксинча, мушоҳадада билдирилган фикр борлиқдаги алоқа ва муносабатларни акс эттирамаса, бундай фикр ё чалкаш, ё хато мушоҳада ҳисобланади. Масалан: Ўғрилик - жиноят. Ўғрилик - жиноят эмас. Бу фикрлардан биринчиси чин, чунки у борлиқнинг инъикоси.

Мушоҳаданинг мантиқий тузилиши барча учун умумий. У қайси тилда баён этилмасин, унинг таркиби субъект (S), предикат (P), ва квантор сўздан иборат бўлади. Мушоҳаданинг тузилишидан бундай умумийлик уни ифодалашда мантиқий шакл-формулага солиш имконини беради. Масалан.

А) «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» ва «Куч-адолатда» мушоҳадаларини бир хил шаклда: S-P дир формуласи ёрдамида ифодалаш мумкин.

Мушоҳадаларда:

а) Предметларнинг борлиги, мавжудлиги ҳақидаги фикр тасдиқланади ёки инкор қилинади. Масалан: Ўақиқат – бор, мавжуд.

б) Предметларга хос белги, хусусиятлар ифодаланади. Масалан: Айрим сонлар – жудт сон.

в) Предмет ва ҳодисалар ўртасидаги алоқа ва муносабатлар акс этади. Масалан: Хоразм вилояти Қашқадарёдан ишмолроқда жойлашган.

Мушоҳада гап воситасида ифодаланади. Тушунчалар сўзларсиз мавжуд бўлиши мумкин бўлмагани сингари, мушоҳада ҳам уларнинг ташки ифодаси гапларсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Кўриниб турибдики, мушоҳада гап билан узвий боғлиқ. Бу боғлиқлик тафаккур ва тилнинг бирлиги ва

ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқади. Мушоҳада билан гапнинг узвий бирлиги, боғлиқлигидан улар доимо ўзаро мос келади, деган хулоса чиқмайди. Мушоҳада ва гапни уларга хос хусусиятларга кўра фарқламок лозим:

—Ўар қандай мушоҳада гап воситасида ифодаланади. Гап мушоҳаданинг моддий ифодаси ҳисобланади. Лекин ҳар қандай гап мушоҳада бўла олмайди. Фақат дарак, хабар маъноси англатган гапларгина мушоҳада бўла олади. Сўроч, чақириқ, хитоб маъносидаги гаплар мушоҳада бўла олмайди, чунки улар тасдиқ, ёки инкор маъносини англатмайди.

Мушоҳада ва гап тузилишида муайян ўхашлик бўлсада, мушоҳада ва гапнинг тузилишини айнан бирдек, деб бўлмайди. Гап грамматик тузилишга эга: у бош ва иккинчи даражали бўлаклардан ташкил топади. Мушоҳада мантиқий тузилишга эга. Аввало у икки кисмдан иборат. Улар мушоҳада терминлари деб юритилади.

Мушоҳада терминларига мушоҳада субъекти (S) ва предикати (P) киради. Мушоҳадани қўйидаги мантиқий шаклда ифодалаш мумкин: S-P дир; S-P эмасдир.

Мушоҳаданинг субъекти (S) предметни, предикати (P) эса унга хос бўлган белги, хусусият, муносабатларни тасдиқ ёки инкор шаклида ифодалайди. Мушоҳадада мантиқий боғловчилар «дир», «эмасдир», «бўлади» кабилар иштирок этиши мумкин. Мушоҳадада унинг хажмига ишора қилувчи сўзлар учрайди. Масалан: «барча», «ҳар бир», «хеч бир», «баъзи». Булар квантор сўзлар, деб номланади. «Барча капалаклар ҳашаротдир» мушоҳадаси қўйидаги тузилишга эга: а) «капалаклар» — мантиқий эга (S); б) «ҳашаротлар» — мантиқий кесим (P); в) «барча» - квантор; г) «-дир» боғловчи. Мазкур мушоҳадани «Барча S — P дир» формуласи орқали ифодалаш мумкин.

Гапдаги бош бўлаклар (эга ва кесим) мушоҳаданинг мантиқий эгаси (S) ва мантиқий кесими (P) га мос келавермайди. Фақат содда йиғик, гаплар воситасида ифодаланган мушоҳадалардагина грамматик эга ва кесим, мантиқий S ва P га мувофиқ келиши мумкин. Бунинг устига кўпинча мушоҳада терминлари аниқ ифодаланиш усулига эга эмас. Улар (S,P) ни мантиқий урғу орқали аниқлаш мумкин бўлади. Бир хил тузилган гап оҳанг, мантиқий урғу орқали турлича мазмундаги мушоҳадани ифодаласи мумкин.

а) Ўзбекистон (бошқа эмас) мустақил давлат.

б) Ўзбекистон мустақил давлат. (қандай?)

в) Ўзбекистон мустақил давлат. (нима?)

Бу мисолда бир хил гап 3 хил мушоҳадани ифодалаган: а) қайси давлат? б) қандай давлат? в) нима? Шунга кўра уларда мантиқий эга турлича.

Гапнинг грамматик тузилиши турли халқларда турлича. Мушоҳаданинг мантиқий тузилиши, у қайси миллий тилда ифодаланган бўлмасин, барча учун умумий, бир хил. Мушоҳада терминлар (S,P), боғловчи ва квантор сўздан ташкил топади.

Мушоҳадада: а) предметларнинг мавжудлиги тўғрисидаги фикр тасдиқланади ёки инкор қилинади (Масалан: Ҳаракат — мавжуд); б) предметлар билан белги, хусусиятлар орасидаги муносабатлар ифодаланади (Масалан: Айрим сонлар жуфт сон эмас.); в) предмет — ҳодисалар ўртасидаги алоқа ва муносабатлар акс этади (Масалан; Хоразм вилояти Қашадарёдан шимолроқда жойлашган).

Содда мушоҳада ва унинг асосий турлари

Мушоҳадалар тузилишига кўра: а) содда ва б) мураккаб турларга бўлинади.

Содда мушоҳада мантиқда ассерторик мушоҳада, деб номланади.

— Содда мушоҳада тузилишига кўра бир S ва бир P дан иборат бўлиши мумкин. Масалан: Майсалар кўкарди. Формуласи: S-P дир;

— Содда мушоҳаданинг субъекти бирдан ортиқ бўлиши мумкин. Масалан: Учбурчак, параллелограмм, айлана геометрик фигура ҳисобланади. Формуласи: S1, S2, S3 — P дир.

— Предикати бирдан ортиқ бўлиши мумкин. Масалан: Комбайн ўради, йигади, янчади. Формуласи: S — P1, P2, P3 дир.

— Терминлардан бири тушуриб қолдирилиши мумкин. Одатда бундай мушоҳада тўлиқсиз гаплар воситасида ифодаланади. Масалан: Тонг... Ажиг сокинлик...

Содда мушоҳада, унда ниманинг тасдиқланиши ёки инкор этилишига кўра 3 турга бўлинади: а) атрибутив мушоҳада; б) муносабатга доир мушоҳада; в) мавжудликка доир мушоҳада.

а). Атрибутив мушоҳада.


Нарса, ҳодисаларнинг белги, хусусиятлари тўғрисидаги тасдиқ ва инкор шаклида баён этилган мушоҳада атрибутив мушоҳада дейилади. Атрибутив мушоҳаданинг терминлари: S — нима ҳакида фикр юритилганини, P — белгини ифодалайди. Масалан: Асал ширин. Формуласи: S-P дир.

Атрибутив мушоҳада қўйидаги ҳолларда қўлланилади: — Белги, хусусиятнинг предметга хослигини тасдиқлайди ёки инкор этади. Масалай: Мантиқ — фан.

Формуласи: S-P дир. Алишер тўгаракка қатнашмайди: S-P эмас.

— Якка тушунчаларнинг умумийга, тур тушунчаларнинг жинсга мансублигини ифодалайди. Масалан: Ўзбекистон (S — якка) — мустақил давлат (P — умумий). Мантикий шакли: S-Рдир.

Мантикий шаклларни график усулда ифодалаш мумкинлигини биламиз. Юқорида берилган атрибутив мушоҳадани (Ўзбекистон (S) — мустақил давлат (P) қўйидаги график усулда Эйлер доираси шаклида ифодалаш мумкин:



Атрибутив мушоҳадада S — P нинг ҳажмидан чиқарилганигини ифодалаш мумкин. Масалан: Терговчининг ҳеч бири (S) овоз бермаслик хуқуқига эга эмас (P). Бундай атрибутив мушоҳада қўйидаги график усулда ифодаланади:



б). Муносабатга доир мушоҳада.

Муносабатга доир мушоҳада предмет ва ҳодисалар ўртасидаги мавжуд алоқа ва муносабатларни ифодалайди. Бундай мушоҳадаларда тенглик, катта ёки кичиклик, қариндошлиқ, фазо, вақт, сабаб ва оқибат муносабатлари акс этиши мумкин. Масалан: Алкоголизм (S) — кўп жиноятларнинг (P) бош сабабчиси. Термиз (S) Тошкентдан жанубда жойлашган (P).

в). Мавжудликка доир мушоҳада.

Мавжудликка доир мушоҳада мантиқда экзистенциал мушоҳада, деб юритилади. Унда предмет, ҳодисанинг мавжудлик ёки мавжуд эмаслик фактининг ўзи ифодаланади. Масалан: Тафаккур (S). тилсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас (P). Формуласи: S-P эмасдир.

Содда мушоҳадаларнинг кўрсатилган туркумлари (атрибутив, муносабатга доир, мавжудликка доир)дан ташқари ажратиб кўрсатилган (выделяющие) ва чиқарилган туркумлари ҳам учрайди.

Ажратиб кўрсатилган мушоҳадаларда белгининг муайян предметтагина тааллуғли эканлиги ифодаланади. Ажратиб кўрсатилган мушоҳадалар ҳам якка, жузъий, умумий бўлиши мумкин. Масалан: Ёлғиз Мунисгина (S) бу ҳодисанинг гувоҳи бўлди (P). Ёлғиз S гина — Рдир формуласи билан ифодаланади.

Ташқарига чиқарилганлик ифодаланган мушоҳада: Василани ҳисобга олмагандан, барча қизлар бу фикрни маъқуллашди.

Ажратиб кўрсатилган ва ташқарига чиқарилган мушоҳадалар улар мазмунидаги яширинган фикрнинг мураккаблигидан далолат беради.

Айрим илмий қарашлар, давлат қонунлари, жиноят-процессуал кодекс моддалари ажратиб кўрсатилган ва чиқарилган мушоҳадаларга мисол бўла олади.

Мушоҳадалар англатган мазмунларига кўра икки хил бўлади: а) тасдиқ мушоҳада; б) инкор мушоҳада.

Мушоҳададаги тасдиқ маъноси «-дир», «бўлади» каби боғловчилар, инкор маъноси «эмасдир», «бўлмайди» каби боғловчилар ёрдамида ифодаланади. Масалан: Ўзбекистон (S) — мустакил давлат (P) — тасдиқ мушоҳада, S-Рдир формуласи билан ифодаланади. Олма дарахти (S) игнабаргли эмас (P эмас) — инкор мушоҳада; формуласи: S-P эмасдир.

Бирон-бир предмет, предметлар туркуми ҳақидаги тасдиқ ёки инкор маъносидаги фикр алоҳида предметга, туркумга, бутун синфга тааллуғли бўлиши мумкин. Шунга кўра мушоҳадалар: а) якка; б) жузъий; в) умумий бўлиши мумкин.

Алоҳида предмет, ҳодиса ҳақидаги тасдиқ ёки инкор маъносини ифодалаган мушоҳада, якка мушоҳада деб юритилади. Масалан: Абдулла Орипов (S) — Ўзбекистон қаҳрамони (P). Формуласи: S-P дир. Орол денгизи (S) — дарё эмас (P эмас) . Формуласи: S-P эмасдир.

Белги, хусусиятнинг бирор синф, ҳодисаларнинг қисми, бўлагига танлаш эканлиги ҳақидаги фикр шакли жузъий мушоҳада, деб юритилади. Жузъий мушоҳада тасдиқ ёки инкор шакллари учрайди. Масалан: Айрим талабалар (S) илмий анжуманга қатнашдилар (P). Формуласи: Баъзи S-P дир. Айрим дарахтлар (S) мевали дарахтлар туркумига кирмайди (P эмас). Формуласи: Баъзи S-P эмас.

Жузъий мушоҳадаги жудъийлик икки шаклда ифодаланади.

- а) Ноаниқ жузъий. Бунда субъект (S) ни ифодалаган тушунчанинг чегараси ноаниқлигича қолаверади. Масалан: Айрим шаҳарлар (S) — миллионер шаҳарлар ҳисобланади (P). Формуласи: Айрим S-Рдир.

- б) Аниқ жузъий мушоҳада. Бунда «айрим», «баъзи» квантор сўзлар «фақат айрим», «фақат баъзи» маъноларини ифодалайди. Масалан: Университетимизнинг фақат айрим талабалари гина (S) «Ниҳол» мукофотининг совриндори. Формуласи: Фақат айрим S-P дир.

Бирон-бир белги, хусусият, муносабатнинг туркумга, умумга хослиги тасдиқланган ёки инкор этилган мушоҳада умумий мушоҳада деб юритилади. Умумий мушоҳадалар инкор ва тасдиқ шаклида қўлланилади. Масалан: Ўамма капалаклар (S) — ҳашаротлар (P). Формуласи: Барча S-Рдир. Ёки, ҳеч бир жиноят (S) жазосиз қолмайди (P эмас). Формуласи: ҳеч бир S-P эмас.

Мушоҳадалар миқдорий ва сифат кўрсаткичларига кўра умумлашган туркумларига қуидагилар киради:

1) Якка тасдиқ ва якка инкор мушоҳадалар: S-Рдир; S-P эмасдир.

2) Жузъий тасдиқ ва жузъий инкор; У баъзи S-P дир, О баъзи S-P дир.

3) Умумий тасдиқ ва умумий инкор мушоҳадалар: А Барча S-Рдир; Е ҳеч бир S-P эмасдир.

Умумий тасдиқ мушоҳадасининг формуласи олдига А ҳарфи, жузъий тасдиқ мушоҳада олдига J ҳарфи қўйилади. А ва I ҳарфлари «тасдиқлайман» маъносини ифодаловчи «affirmo» сўзининг I ва II унлиларидан олинган. Умумий инкор мушоҳада E ҳарфи билан, жузъий инкор мушоҳада O ҳарфи билан ифодаланади. Бунда E ва O ҳарфлари «инкор этаман» маъносидаги «nego» сўзининг I ва II унлиларидан олинган. Шундай қилиб, сифат ва миқдор жиҳатдан мушоҳадаларни бирлашган классификациясини қуидагича ифодалаш мумкин:

Z барча S-Рдир: умумий тасдиқ мушоҳада;

J баъзи S-Рдир: якка ёки жузъий тасдиқ, мушоҳада;

Z ҳеч бир S-P эмас: умумий инкор мушоҳада; О баъзи S-P эмас: жузъий инкор мушоҳада.

Мураккаб мушоҳада ва унинг асосий турлари

Мураккаб мушоҳада содда мушоҳадалардан тузилади.

Бирдан ортиқ мушоҳадалардан «ва», «ёки», «ё», «агар», «унда», «фақат» боғловчилар ёрдамида тузилган мушоҳадалар уч туркумга бўлинади: а) боғланган мушоҳада; б) айиравчи мушоҳада; в) шартли мушоҳада.

Боғланган мушоҳада. Бирдан ортиқ содда мушоҳадалардан боғловчилар воситасида тузилган мушоҳада боғланган мушоҳада, деб юритилади. Масалан: Куз (S) келди (P), кунлар (S1) қисқарди (P1) қушлар (S2) иссиқ жойларга учиб кетмоқдалар (P2). Формуласи: S-P, S1-P1, ,S2 — P2 дир. Боғланган мушоҳада мантиқда конъюнкция деб аталади. Мураккаб мушоҳадани қуидагича ифодалаш мумкин: Куз келди (a), кунлар қисқарди (b), қушлар иссиқ жойларга учиб кета бошлидилар (c). Конъюнкциянинг математик шакли: $a \wedge b \wedge c$. Бунда \wedge белгиси боғловчини ифодалайди. Масалан: Демокрит (S1), Платон (S2), Аристотель (S3) хақида шу нарсани айтиш мумкинки, уларнинг ҳар бири грек (P1) ва файласуфдир (P2). Мисолда кўрсатилган мушоҳадани 2 хил формула билан ифодалаш мумкин:

1) S1, S2,S3 — P1, P2, P3 ёки $a \wedge b \wedge c$

Бу мураккаб мушоҳада таркибида қўйидаги сода мушоҳадалар бор.

- а) Демокрит — файласуф:
- б) Демокрит — грек:
- в) Платон — файласуф:
- г) Платон — грек:
- д) Аристотель — файласуф:
- ж) Аристотель — грек:

Мураккаб конъюнктив мушоҳаданинг маъноси уни ташкил этувчи содда мушоҳадалар маъносига боғлиқ бўлади. Агар содда мушоҳада чин бўлса, уларнинг боғланишидан ҳосил бўлган мураккаб мушоҳада ҳам чин бўлади. Конъюнкция аъзоларидан бирининг хатолиги мураккаб мушоҳаданинг хатолигини келтириб чиқаради.

Буни қўйидаги схемада ифодалаш мумкин: Бунда P — биринчи содда мушоҳада; q — иккинчи мушоҳада; $P \vee q$ мураккаб конъюнктив мушоҳада.

| P | Q | $P \vee q$ |
|-------|-------|------------|
| Чин | Чин | Чин |
| Чин | Ёлғон | Ёлғон |
| Ёлғон | Чин | Ёлғон |
| Ёлғон | Ёлғон | Ёлғон |

- б) Айиравчи мушоҳада.

3) Айиравчи мушоҳада содда мушоҳадалардан «ё», «ёки», «на» боғловчилари ёрдамида шаклланади. Айиравчи мушоҳада мантиқда дизъюнкция, деб юритилади. Масалан: Олди-сотди шартномаси (S) ёзма ёки оғзаки тузилиши мумкин (P). Бу мушоҳада икки сода мушоҳададан тузилган: 1) Олди-сотди шартномаси ёзма тузилиши мумкин, 2) Олди-сотди шартномаси оғзаки тузилиши мумкин. Бунда а ва б мураккаб мушоҳаданинг қисмлари, в белгиси эса айриш маъносини ифодалайди. Юқорида келтирилган мисолни шундай формула билан ифодалаш мумкин: $a \vee b$. Бунда \vee белги айирав маъносини ифодалайди.

Дизъюнкция йўли билан чиқарилган мушоҳаданинг чинлиги унинг таркибидаги содда мушоҳаданинг хаққонийлигига боғлиқ бўлади. Дизъюнкция икки кўринишга эга:

1) Бўш (кучсиз) дизъюнкция: Бунда дизъюнкцияни ташкил этувчи содда мушоҳадаларда акс этган белгилар ўзаро бир-бирини истисно қилмайди, балки бир вақтнинг ўзида бир предметга тааллуқли бўлиши мумкин: Совуқ қурол санчадиган ёки кесадиган бўлади. Формуласи: $P \vee q$.

2) Жиддий (катъий) дизъюнкция. Бунда мураккаб мушоҳада таркибидаги содда мушоҳадалар бир вақтнинг ўзида чин бўлиши мумкин эмас. Масалан: Жиноят — атайдан ўйлаб амалга оширилган ёки эҳтиётсизлик орқали содир этилган бўлиши мумкин.

в) Шаримс мушоҳада.

Шартли мушоҳада мантиқда «импликация» деб юритилади, унинг таркибидаги содда мушоҳадалар ўзаро бир-бирига «-са», «агар», «бўлмаганда» боғловчилари воситасида боғланади. Шартли мушоҳадаларда сабаб ва оқибат, макон ва вақт, семантик алоқадорлик ифодаланади. Шартли мушоҳадани 2 хил формула ёрдамида ифодалаш мумкин; Агар S-P бўлса, S1 — P1 дир ёки $a \rightarrow b$. Иккинчи мантиқий шаклда «а» шартни «б» натижани, \rightarrow импликация белгисини ифодалайди.

Шартли мушоҳада қўйидаги қоидаларга амал қилишни талаб қиласди: 1) Асоснинг чинлигидан натижанинг чинлиги келиб чикади. 2) Натижанинг ёлғонлиги асоснинг ёлғонлигидан далолат беради. импликация мушоҳадасининг чинлик даражаси қўйидаги схемада акс этган. Бунда р асос, q натижা, \rightarrow импликация белгиси. Фикрлар:

- 1) Предохранитель куйса, лампа ўчади.
- 2) Предохранитель куйди, лампа ўчмади.
- 3) Предохранитель куймади, лампа ўчди.
- 4) Предохранитель куймади, лампа ўчмади.

| P | Q | $P \rightarrow q$ |
|-------|-------|-------------------|
| Чин | Чин | Чин |
| Чин | Ёлғон | Ёлғон |
| Ёлғон | Чин | Чин |
| Ёлғон | Ёлғон | Чин |

Кўриниб турибдики, мушоҳада мантиқда табиий тил воситасида ҳамда математик мантиқ тилида формула воситасида ифодаланиши мумкин. Масалан: Асалариларнинг умри ё узун, ё қисқа бўлиши мумкин — мураккаб мушоҳаданинг табиий тилдаги кўриниши. Шу мураккаб мушоҳадани математик мантиқ тилида $a \wedge b$ формуласи тарзида ифодалаш мумкин.

Мураккаб мушоҳадаларни сунъий (символик, математик мантиқ) тил билан ифодалаш мантиқий тафаккурнинг ривожланишига ёрдам беради. Мушоҳадаларнинг табиий ва сунъий тилда ифодаланиши тил ва тафаккурнинг ўзаро бирлиги ва алоқадорлигини исботлайди.

Мушоҳаданинг модал маъно хусусиятларига кўра турлари. Мушоҳадалардаги, асосланганлик, улар таркибидаги мантиқий субъект (S) ва предикат (P) алоқадорлигининг типларида очик ва яширин маънонинг ифодаланиши модаллик деб юритилади. Модал маъно хусусиятларига кўра мушоҳадаларни уч гурухга бўлиш мумкин. 1) Эҳтимоллик мушоҳадалари; 2) Воқелик мушоҳадалари; 3) Зарурийлик мушоҳадалари.

Эҳтимоллик мушоҳадасида предмет ва ҳодисалар билан белги орасидаги алоқадорлик имконияти назарда тутилади. Олимларнинг таъкидлашларича, Марсда ҳаёт элементлари бўлиши мумкин. Эҳтимоллик мушоҳадасида «мумкин», «балки», «инкор эта олмайди», «назарда тутилади» каби сўз ва сўз бирималари қўлланилади.

Эҳтимоллик мушоҳадаси мазмунига кўра: тасдиқ ва инкор; ҳажмига кўра: якка, жузъий, умумий бўлиши мумкин. Масалан: Майк Тайсон теннистининг бу партиясида ғолиб бўлди. Формуласи: S-Рдир.

Предметлар, ҳодисалар билан белги ва хусусиятлар орасидаги алоқанинг ҳозирда (маълум даврда) мавжудлиги воқелик мушоҳадасида акс этади. Масалан: Бу йил баҳор серёгин келди.

Воқелик мушоҳадаси ҳам эҳтимоллик каби тасдиқ ва инкор; якка, жузъий умумий бўлиши мумкин. Масалан: Барнаул — Олтой ўлкасининг пойтахти. Формуласи: S-Рдир. Айрим шаҳарлар субтропик зонада жойлашган. Формуласи: Баъзи S-Рдир.

Предметлар, ҳодисалар билан белги, хусусиятлар ўртасидаги ички, муҳим, баркарор алоқадорликлар зарурий мушоҳадаларни келтириб чиқаради. Масалан: Гўзаллик - оламни қутқаради. Формуласи: S-Рдир.


Зарурийлик мушоҳадаларида оламни, унинг қонуниятларини билиш натижалари акс этади.

Мушоҳадалар орасидаги муносабатлар

Оламдаги нарса ва ҳодисалар орасидаги муносабатлар инсон тафаккурида фикрлар орасидаги муносабатларни келтириб чиқаради.

Мушоҳадалар орасидаги муносабатларни қўйидаги мантикий схемада акс эттириш мумкин. Схема: мушоҳадалар орасидаги муносабатлар.

Мушоҳадалар ўзаро муносабатларга кўра!



Қисман мослик

Тўла

moslik Мантиқий

бўйсуниш.

Қарама-қаршилик

Зидлик

Ўхаш терминал (Sp R) га эга, ҳажм ва мазмун жиҳатидан ўзаро фарқланадиган мушоҳадалар таққосланадиган мушоҳадалар деб юритилади. Таққосланадиган мушоҳадалар икки туркумга бўлинади: Булар: а) сифишадиган. б) сифишмайдиган. Сифишадиган мушоҳадалар орасида уч хил муносабат мавжуд: айният (тўла мослик), қисман мослик, мантиқий бўйсуниш.

Бирдан ортиқ мушоҳаданинг ҳажм ва мазмунга кўра ўзаро тўла мослиги — айният муносабати, деб юритилади. Одатда бундай мушоҳадаларда айни бир фикр тасдиқ ва инкор шаклларида ифодаланади.

Масалан: Бу — очиқ мулоқот (А).

Бу очиқ мулоқот бўлмаслиги мумкин эмас (Б).

Ёки Ахмедов тўғри сўзлади. (А)

Ахмедов хато сўзламади. (Б)

Берилган мисолларда «а» ва «в» орасида тўла мослик мавжуд. Тўла мос (айният) лик муносабатидаги мушоҳадалар эквивалент мушоҳадалар, деб юритилади.

б) йисман мослик муносабати. Сифат жиҳатидан ўзаро фарқланадиган жузъий (тасдиқ) Ј ва жузъий инкор (О) мушоҳадалар орасидаги муносабат қисман мослик муносабати, деб юритилади.

Масалан: Айрим ўсимликлар заҳарли. (А)

Айрим ўсимликлар заҳарсиз. (Б)

Бўйсениш муносабати. Умумий (тасдиқ, ва инкор) мушоҳадалар билан жузъий (тасдиқ, ва инкор) мушоҳадалар орасидаги муносабат бўйсуниш муносабати дейилади. Бунда умумий (А ва Е) мушоҳаданинг чинлигидан жузъий (I ва O) мушоҳаданинг чинлиги келиб чиқади. Масалан: Барча ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқ нормалари орқали тартибга солинади. (А)

Баъзи ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқ нормалари орқали тартибга солинади. (В)

Берилган мисолдаги А нинг чинлигидан В нинг чинлиги келиб чиқади.

Ўзаро бир-бирини инкор этувчи мушоҳадалар сифишмайдиган мушоҳадалар деб юритилади. Сифишмайдиган мушоҳадалар, орасида: а) қарама-қаршилик; б) зидлик муносабатлари бўлиши мумкин.

а) Қарама-қаршилик муносабатлари. Қарама-қаршилик муносабатидаги мушоҳадалар ўзаро бир-бирини инкор қиласи; улардан бирининг чинлиги иккинчисининг хатолигини келтириб чиқаради. Масалан; Барча офицерлар ҳарбий хизматни ўтаган. А) Бирон бир офицер ҳарбий хизматни ўтамаган. (B)

Бу мисолда А нинг чинлигидан В нинг ёлгонлиги (хатолиги) келиб чиқади.

Қарама-қаршилик муносабатидаги мушоҳадалар бир вақтнинг ўзида чин бўлиши мумкин эмас. Лекин бир вақтнинг ўзида хато (ёлғон) бўлиши мумкин. Масалан; Қишида барча қушлар иссиқ ўлкаларга учиб кетадилар. (A). Қишида биронта қуш иссиқ мамлакатларга учиб кетмайди (B). Берилган ҳар икки


мушоҳада: А ҳам, В ҳам хато, учинчи (С) мушоҳада чин бўлади: Қишда баъзи қушлар иссиқ ўлкаларга учиб кетадилар.

Б) Зидлик муносабати. Бунда мушоҳадалар ўзаро бир- бирини тамомила инкор қиласди.~ А нинг чинлиги В нинг хатолигини келтириб чиқаради. Учинчи фикр (С)нинг бўлиши мумкин эмас. Масалан: Барча шифокорлар олий тиббий маълумотга эга. (А). Ўеч бир шифокор олий тиббий маълумотга эга эмас. (В).

Мушоҳадалар орасидаги муносабатни мантиқий квадрат шаклида ифодалаш мумкин:

Мантиқий квадрат.

A қарама-қарши E



J қарама-қарши O

Мушоҳадалар орасидаги муносабатлар қўйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин:

- Умумий тасдиқ (А) ва умумий инкор (Е), жузъий тасдиқ (J) ва жузъий инкор (О) мушоҳадалар орасида қарама-қаршилик муносабати мавжуд.

- Умумий тасдиқ (А) ва жузъий тасдиқ (J) ҳамда умумий инкор (Е) ва жузъий инкор мушоҳадалари ўзаро бўйсуниш муносабатида. Бунда умумий тасдиқ (А) мушоҳадасининг чинлигидан жузъий тасдиқ (J) мушоҳадасининг чинлиги келиб чиқади.

- Умумий тасдиқ (А) ва жузъий тасдиқ (О) ҳамда умумий инкор (Е) ва жузъий тасдиқ (J) мушоҳадалари ўзаро бир-бири билан зидлик муносабатида. Мушоҳадалар орасидаги муносабатларни билиш чин билим хосил қилиш учун имкон яратади.

Хулоса чиқаришнинг моҳияти. Хулосанинг тузилиши

Инсон амалий фаолияти жараёнида оламни била боради. Унинг оламга фаол муносабати билимда ўз ифодасини топади. Айрим билимларни у хиссий мушоҳада жараёнида ҳосил қиласи. Лекин аксарият ҳолларда билимлар тафаккурлаш (фикр юритиш) натижаси ҳисобланади. Бунда билимни ҳосил қилиш икки асосга таянади: биринчидан, билим оламни ўрганиш натижаси ҳисобланади. Иккинчидан, билим аввалдан маълум фикрлар асосида ақл юритиш натижасида ҳосил бўлади. Бу билимлар мантиқий тафаккурнинг шакллари: тушунча, мушоҳада, хулосалар тарзида намоён бўлади. Инсоннинг олам ҳақидаги фикрлари хулосалар шаклида ифодаланиши мумкин. Хулоса чиқариш мантиқий тафаккур шакли ҳисобланади.

Мушоҳадалар тушунчалардан таркиб топгани сингари хулосалар мушоҳада асосида ҳосил бўлади. Фикрлаш жараёнида мушоҳадалар ўзаро бир-бирлари билан боғланадилар. Бу боғланишлар оқибат натижада объектив оламдаги предмет ва ходисалар алоқадорлигини ифодалайди.

Мушоҳадаларнинг ўзаро боғланиши хулосаларни ҳосил қиласи

Мұхокама жараёнида оламдаги предмет ва ходисалар орасидаги алоқа ва муносабатларни ифодаловчи бир ёки бирдан ортиқ ёки мушоҳада (фикр) асосида янги билим (фикр) ни ҳосил қилишнинг мантиқий усули хулоса чиқариш деб юритилади. Хулоса чиқариш асосида мантиқ қонун-қоидаларига таянган ҳолда илгаридан маълум бўлган билимдан янгисига ўтиш ётади.

Хулоса чиқариш шундай мантиқий усулки, унинг натижасида инсоннинг олам ҳақидаги, билимлари узлуксиз равища бойиб, кенгайиб, чукурлашиб боради. Хулоса чиқаришда оламни бевосита билиш билан бир қаторда мантиқий фикрлаш усууларини эгаллаш талаб қилинади.

Хулоса чиқариш учун ҳар сафар олам, ундағи предметларга мурожаат қилиш шарт эмас. Мавжуд нарсалар ҳақида кўлга киритилган билим асосида янги билим ҳосил қилиш мумкин.

Масалан, A1, A2...An га таянган ҳолда B хулосани чиқарилди, дейлик. Бунда инсон: A1, A2 ... An орасидаги муносабатни интуиция ёрдамида ҳис қилиши ва шу асосда B фикрни ҳосил қилиши мумкин. Бундай хулоса мазмундан чиқарилган хулоса ҳисобланади. Шу билан бир қаторда бир фикр (B) ни бошқа фикрлар (A1, A2... An)дан мантиқий йўл билан ҳам чиқариш мумкин. Хулоса чиқаришнинг 2 йўли бор: бири — воқеликдаги мавжуд алоқадорлик асосида интуитив (ички сезги ёрдамида) хулоса чиқариш; иккинчиси √ формал мантиқий йўл билан хулоса чиқариш.

Хулосанинг мазмуни турлича ифодаланиши мумкин. Айрим хулосаларда нарса ва ходисалар орасидаги сабаб – оқибат алоқадорлиги акс этади. Лекин бу хулосаларда фақат сабабий боғланишларига акс этади, деган сўз эмас. Масалан, «Қалдирғочлар пастлаб учяпти, демак, эртага об-ҳаво ўзгаради,» хулосасини олиб кўрайлик. Юзаки қараганда «Қалдирғочлар пастлаб учмоқда» фикри «Эртага об-ҳаво ўзгаради» хулосаси учун асосдек, бўлиб кўринади. Аслида бу фикр чуқур таҳлил қилинса, «об-ҳавонинг ўзгариши» ҳақидаги фикрга асослар ўзгача эканлигини билиш мумкин. Бунда кузатилган ходисанинг бошқа ҳодисалар билан алоқадорлиги маълум бўлади: Қалдирғочларнинг паст учшига сабаб — пашша-чивинлар. Улар ҳаводаги намликтининг ошганлигидан паст учади, қалдирғочлар эса пашша-чивинлар билан озиқланади. Демак, пашша-чивинлар табиат даракчилари сифатида ҳавонинг намлиги ошганлигидан, хабар бермоқда. Бу ўз навбатида қалдирғочларни паст учшидан эмас, балки атмосферадаги ўзгаришдан, ҳаводаги намликтининг ортишидан келиб чиқиши мумкин.

Биринчи типдаги хулосаларнинг чинлигини аниқлаш мушкул, шунинг учун ҳам агар хулосалар вазиятлар мазмунидан чиқарилган бўлса мунозара, баҳсга сабаб бўлиши мумкин.

Формал-мантикийй йўл билан чиқарилган хулосаларда эса асос (асослар) билан хулоса орасида нисбий барқарор алоқа ва муносабатлар мавжуд бўлади ва бу алоқа, муносабатлар мантиқ қонун-қоидалари асосида шаклланади.

Ўар қандай хулоса икки қисмдан иборат бўлади;

1.Асос ёки асослар

2.Хулоса

Асос ёки асослар деганда хулосани келтириб чиқаришга хизмат қиласиган, илгаридан маълум бўлган билимлар назарда тутилади. Асослар муносабатидан келиб чиқадиган билим (натижага) хулоса деб юритилади.

Хулоса объектив олам инъикоси ҳисобланган фикрлар орасида сабабий алоқадорликни ифодалайди. Шуниси характерлики, хулоса чиқаришда инсон фикри сабаблар (асос)дан натижага эмас аксинча натижага (хулоса)дан унга асос бўлган сабабларга қараб бориши мумкин, Масалан: Жиноят жазосиз қолмайди (асос)

Террорчилик — жиноят (асос)

Демак, Террорчилик жазосиз қолмайди (хулоса) ёки учмокда.

Қалдирғочлар пастлаб

Демак эртага об-ҳаво ўзгаради (хулоса)

Табиий тилда хулосада «демак», «натижада», «кўриниб турибдики», «шунинг учун» каби сўз ва сўз бирикмалари учрайди.

Хулосанинг чин ёки хато (ёлғон)лиги, биринчидан, асос (асослар) нинг чинлиги, иккинчидан, асос (асослар) билан хулосанинг мантикий муносабатига (фикрнинг изчиллиги, асослар билан натижанинг узвий алоқадорлиги ва хоказо) боғлиқ бўлади. Агар В хулоса A дан келиб чиқса, ва унинг натижасини ифодаласа, тўғри (чин) бўлади. Аксинча В хулоса A асосдан келиб чиқмаса, хато (ёлғон) ҳисобланади. Шундай қилиб, хулосанинг тўғрилиги мантикий кетма-кетлик, асослар билан натижанинг алоқадорлигидан келиб чиқади.

Асослардан хулосанинг келиб чиқиши икки йўлда амалга ошади: айримларида хулоса асослардан зарурий равишда келиб чиқади. Бундай хулоса демонстратив (зарурий) хулоса, деб юритилади. Бошқаларида асослардан чиқарилган хулоса ҳақиқатга яқин, эҳтимоллик характерига эга бўлади. Бундай хулосалар нодемонстратив, ёки ҳақиқатга яқин хулосалар, деб юритилади.

Хулоса чиқариш мантикий изчилликни (изчил фикр юритишни) тақозо қиласиди. Мантикий изчиллик фикрлар (мушоҳадалар) алоқадорлигига намоён бўлади. В хулоса A₁, A₂...A_n асосларидан келиб чиқса, хулоса — чин хулоса бўлади. Агар асослар (A₁, A₂...A_n) билан хулоса (B) орасида бундай алоқадорлик бўлмаса хулоса нотўғри ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мантикий фикрлаш деганда тўғри хулоса чиқариш назарда тутилади.

Хулоса чиқариш турлари. Дедуктив хулоса чиқариш

Хулоса чиқаришнинг 3 асосий тури мавжуд:

1.Дедуктив хулоса чиқариш;

2.Индуктив хулоса чиқариш;

3. Аналогия бўйича хulosса чиқариш.

Инсон фикрининг умумийликдан яккаликка қараб бориши натижасида ҳосил бўлган янги билм дедуктив хulosса деб юритилади.

Индуктив хulosса чиқаришда фикр яккаликдан умумийликка қараб боради. Алоҳида предмет ва ходисаларнинг ўхаш ва фарқли томонларини таҳлил этиш асосида аналогия бўйича хulosса чиқарилади.

Дедуктив хulosса чиқариш икки усулда амалга оширилади:

- 1) бевосита дедуктив хulosса чиқариш;
- 2) билвосита дедуктив хulosса чиқариш.

Бевосита дедуктив хulosса чиқариш

Бир асосдан мантиқий таҳлил орқали янги фикр (билим) ни ҳосил қилиш-бевосита дедуктив хulosса чиқариш, деб юритилади. Бунда айрим мушоҳадалар қайта ишланади. Янги фикр (билим) га асос бўлган мушоҳада хulosанинг асоси, ҳосил бўлган янги фикр-хulosса бўлиб ҳисобланади.

Бевосита хulosса чиқаришда мантиқ усуллар ёрдамида амалга ошади.

Бундай мантиқий усулларига қуйидагилар киради: а) *алмаштириши орқали хulosса чиқарии Z*, б) *айлантириши орқали хulosса чиқарии Z*; в) *предикатга қарама-қарши қўйши Z*, г) *мантиқий квадрат*.

Алмаштириш шундай мантиқий усулки, бунда асос бўлган хукмнинг субъекти (S) хulosанинг предикатига (P), унинг предикати (P) эса хulosанинг субъекти (S) га алмаштирилади. Бундан фикрининг мазмуни ўзгармай қолади. Масалан: Группамизнинг айрим талабалари (S) — аълочи (P). Демак, айрим аълочилар (S) — группамиз талабалари (P).

Алмаштириш чиқарилган хulosанинг аниқ бўлишини таъминлайди. Алмаштириш натижасида умумий тасдиқ (A) мушоҳададан жузъий тасдиқ (J) ни ҳосил қилиш мумкин. Масалан: Республикализнинг барча вилоятлари давлатга пахта топшириш шартномавий мажбуриятларини бажардилар. Демак, Тошкент вилояти ҳам давлатга пахта топшириш шартномавий мажбуриятларини бажарди. Берилган хulosани қуйидаги схемага солиш мумкин:

Барча S — P (A)

Демак, айрим S — P (J)

Шунингдек, алмаштириш натижасида умумий инкор хукм (E)дан умумий инкор хукм (E)ни, умумий тасдиқ хукм (A)дан умумий тасдиқ хукм (A)ни ҳосил қилиш мумкин,

Айлантириш орқали хulosса чиқариш шундай мантиқий усулки, асос қилиб олинган мушоҳаданинг субъекти (S) хulosада ҳам субъект сифатида қолади, лекин предикат ва боғловчи ўз қарама-қаршисига айланади,

Қисқача қилиб айтганда, айлантириш ёрдамида асосга teng, лекин мазмун жиҳатидан қарама-қарши фикр жузъий тасдиқ (J) мушоҳададан ҳосил қилинади. Масалан: Ўар қандай жиноят жазоланмоғи лозим. Демак, ҳеч қандай жиноят жазоланмаслиги мумкин эмас.

Схемаси: S — P дир

Демак S — P эмасдир .

Айлантириш натижасида умумий тасдиқ (A) мушоҳдадан умумий инкор (E) жузъий инкор (O) мушоҳада ҳосил қилинади,

Масалан: Ўамма босқинчилик урушлари — адолатсиз. Демак, Ўамма босқинчилик урушлари — адолатли эмас.

Схемаси: Ўар бир S — P дир.

Демак ҳеч бир S — P эмасдир.

Айлантириш мантикий услубининг икки кўриниши мавжуд:

- 1) Содда айлантириш
- 2) Чеклаш орқали айлантириш.

Содда айлантиришда хulosага асос қилиб олинган фикр ва ҳосил бўлган янги фикр ҳажм жиҳатидан teng бўлади. Масалан: Фақат барча квадратлар — томонлари teng тўртбурчак.

Демак, барча томонлари ўзаро teng тўртбурчаклар — квадрат.

Схемаси: Барча S — P дир

~~Барча P — E дир.~~

Чеклаш орқали айлантириш натижасида умумий тасдиқ (A) ҳукмдан жузъий тасдиқ (J) ҳукм ҳосил қилинади.

Масалан: Барча планеталар — шарсимон.

Демак, Ер - шарсимон.

Предикатга қарама-қарши қўйши. Бунда хulosанинг субъекти асоснинг предикатига, хulosанинг предикати асоснинг субъектига зид бўлади. Масалан; Ўамма талабалар билимга чанқоқ. Демак, ҳеч бир талаба билимга чанқоқ бўлмаслиги мумкин эмас.

Формуласи: А Барча S-P дир,

Демак, О Айрим S-P эмасдир.

Мантикий квадрат бўйича A-O ҳамда E-J зид, яъни контрадиктор ҳукмлар ҳисобланади ва учинчисо истисно қонунига бўйсунади. Бунда А нинг чинлигидан О нинг ёлғонлиги келиб чиқади. Демак, зид ҳукмлардан бевосита хulosha чиқариш мумкин эмас.

Масалан: Суднинг айрим қарорлари оқлайди (J). Суднинг ҳеч бир қарори оқламайли(E).

Хulosani мантикий квадрат бўйича чиқариш мумкин. Мушоҳадалар орасидаги муносабатларга таянган ҳолда хulosha чиқариш мантикий квадрат бўйича хulosha чиқариш, деб юритилади.

Маълумки, мушоҳадалар орасида қарама-қаршилик, зидлик ҳамда бўйсуниш муносабатлари мавжуд.

A-E ҳамда J-O мушоҳададлар орасида қарама - қаршилик муносабати мавжуд. Бунда бир ҳукмнинг чинлигидан иккинчисининг хатолиги келиб чиқиши шарт змас. Масалан: Айрим талабалар

рейтинг балларини тўплайди. Айрим талабалар рейтинг балини тўплай олмайди. Бунда мушоҳаданинг биринчиси асос, иккинчиси хулоса бўлиши мумкин.

А-Ж ҳамда Е-О ҳукмлари бўйсуниш муносабатида. Шунинг учун ҳам умумий инкор (Е) ҳукмдан жузъий инкор (О), умумий тасдиқ (А) ҳукмдан жузъий тасдиқ (J) ҳукм ҳосил қилиниши мумкин.

Билвосита дедуктив хулоса чиқариш.

Бирдан ортиқ асосдан янги фикрни ҳосил қилиш мантиқий услуги билвосита хулоса чиқариш, деб юритилади. Билвосита хулоса чиқариш жараёнида инсон фикри умумийликдан яккаликка, яккаликдан умумийликка, жузъийликдан жузъийликка қараб бориши мумкин, Шунга кўра хулоса чиқариш уч йўлда амалга оширилади:

1. Дедуктив хулоса чиқариш. Бунда инсон фикри умумийликдан яккаликка қараб боради.

Шакли тўғри Мустақил давлат ўз ички ва ташқи сиёсати ўзи ишлаб чиқади.

Ўзбекистон — мустақил давлат.

Демак, Ўзбекистон ўз ички ва ташқи сиёсатини ўзи ишлаб чиқади.

2. Индуктив хулоса чиқариш. Бунда инсон фикри яккалик, жузъийликдан умумийликка қараб боради. Масалан: харакат материанинг мавжудлик усуслари.

Фазо — материяning мавжудлик усули.

Факт — материяning мавжудлик усули.

Демак, харакат, фазо ва вакт биргаликда материяning мавжудлик усувлари.

3. Аналогия воситасида хулоса чиқариш.

А предмет a, b, s, d белгиларига эга.

Б предмет a, b, с белгиларига эга.

Демак, Б предмети A каби d белгисига эга бўлиши мумкин.

Дедуктив хулоса чиқариш

Билвосита хулоса чиқаришнинг муҳим турларидан бири — дедуктив хулоса чиқариш ҳисобланади. Дедуктив хулоса фикримизнинг умумийликдан яккаликка қараб бориши натижасида ҳосил қилинади. Дедуктив хулоса чиқариш назарияси буюк юонон файласуфи Арасту (384-322) томонидан ишлаб чиқилган.

Аристотель қаламига мансуб «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика» китобларида силлогизм таълимоти асослаб берилган.

Билвосита дедуктив хулоса чиқаришнинг энг кенг тарқалган тури силлогизм ҳисобланади. Силлогизм грекча *syllogismos* сўзидан олинган бўлиб, санаш ороқали хулоса чиқариш, деган маънени ифодалайди.

Икки қатъий хукмнинг бояланиши асосида чиқарилган хулоса содда қатъий силлогизм, деб юритилади. Содда қатъий силлогизм З қисмдан иборат бўлади: а) катта асос; б) кичик асос; в) хулоса.

Содда қатъий силлогизм қўйидаги шаклда ёзилади.

Мустакил давлат ўз конституциясига эга.

Ўзбекистон — мустакил давлат.

Демак, Ўзбекистон ўз конституциясига эга. Берилган мисолдаги биринчи фикр («Мустакил давлат ўз конституциясига эга») — катта асос. Унда умумий фикр ифодаланган. Иккинчи фикр («Ўзбекистон — мустакил давлат») — кичик асос. Учинчиси — асослардан келиб чиқсан хулоса («Демак, Ўзбекистон ўз конституциясига эга»).

Содда қатъий силлогизмда З термин мавжуд. Бу терминлар катта асосни кичик асосга боғлаш ороқали янги фикр (силлогизм хулосаси) ни чиқариш имконини беради.

Булар: Катта термин — Р

Кичик термин — S

Ўрта термин - M

Катта (Р), ўрта (M), кичик термин (S) силлогизм хулосасининг таркибий қисмлари. Катта термин (Р) катта асоснинг таркибига киради, ҳамда хулосада предикат вазифасини бажаради, Кичик термин (S) кичик асоснинг қисми ва хулосанинг субъекти ҳисобланади. Ўрта термин (M) катта асосни кичик асосга боғлайди. Содда - қатъий силлогизмнинг таркибини қўйидагича ифодалаш мумкин:

M

Барча давлатлар ўз иқтисодиётининг тарақкий эттиришдан манфатдор.

Ўзбекистон — давлат.

Демак, Ўзбекистон ўз иқтисодиётини тарақкий эттиришдан манфаатдор.

Содда қатъий силлогизмни қўйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

Барча M — P дир.

S — M дир.

Демак, S — P дир.

Силлогизм хулосаси:

а) катта асосдан бошланлан тақдирда фикр умумийликдан яккаликка қараб боради.

XVII - XIX аср зиёлилари маърифатпарварлик ғояларини илгари сурдилар

Аваз Ўтар ўғли — XIX аср зиёлиси.

Демак, Аваз Ўтар маърифатпарварлик ғояларини илгари сурди.

б) кичик асосдан бошланса, фикр яккаликтан умумийликка қараб боради. Масалан:

Сув — жисм

Жисм — химиявий элементлардан таркиб топган.

Демак, сув химиявий элементлардан таркиб топган.

в) Айрим ўринларда фикр яккаликтан жузъийликка қараб бориши орқали хулоса чиқариш мумкин. Масалан:

Балиқ жабра билан нафас олади.

Балиқ — хайвон

Демак, айрим хайвонлар жабра билан нафас олади.


Силлогизм аксиомаси.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, икки муноҳада асосида силлогизм хулосаси ҳосил қилинади. Шу ўринда қандай қилиб икки фикр, икки асосдан янги фикр — хулоса ҳосил қилиш мумкин? деган савол пайдо бўлиши табиий. Маълумки, дедукция (яъни, фикрнинг умумийликдан яккаликтан қараб бориши) оламдаги нарса ва ҳодисалар орасида мавжуд бўлган оддий алоқа ва муносабатларга, асосланади. Бу алоқа ва муносабатлар ичида жинс ва тур, умумийлик билан яккалик орасидаги муносабатлар алоҳида ўрин тутади. Биз ўзимизни ўраб олган объектив оламни ўрганар эканмиз, ундаги нарса ва ҳодисалар умумийликка эгалигини; бу умумийлик алоҳида предмет ва ҳодисалар тарзида намоён бўлишини кўп бор кузатганимиз ва бунда умумга хос бўлган хусусиятлар алоҳидаликда ҳам намоён бўлишини англағанмиз. Вақт ўтиши билан умумийлик ва яккалик, жинс ва тур орасидаги муносабатларнинг онгимизда такрор-такрор акс этиши силлогизмнинг ички қонуниятини тушунишга имкон берган. Силлогизмнинг мохиятини ифодалайдиган бу қонуният мантиқда силлогизм аксиомаси деб юритилади. Силлогизм аксиомасида буюмларга хос яккалик, маҳсуслик ва умумийлик орасидаги муносабатлар ифодаланади. Унга кўра синфга, туркумга хос тасдиқланган ёки инкор этилган белги, хусусиятлар шу туркумга кирувчи ҳар бир предметга, ҳар бир ҳодисага хос бўлиб ҳисобланади.

Силлогизм аксиомаси деганда силлогизм хулосасининг исбот, далил талаб қилмайдиган қоидаси назарда тутилади. Силлогизм аксиомаси унинг терминлари P, M, S орасидаги муносабатни ифодалайди. Бунда P умумийликни ифодалайди, M унинг белгиси. M P га (яъни умумга) хос бўлгани учун ҳам у ўз навбатида алоҳидалик (S) нинг ҳам белгиси бўлиб ҳисобланади.

Силлогизм аксиомасини қуйидаги схемада ифодалаш мумкин:

Схеманинг ўқилиш тартиби:
SM нинг белгиси, MV
нинг белгиси.



Силлогизм аксиомасининг 2 хил ифодаси мавжуд:

1. Белгининг белгиси нарсанинг ўз белгисидир. Бошқача қилиб айтганда жинсга мансуб белги турга хам хосдир.

2. Белгининг белгиси. бўлмаган нарса нарсанинг ўз белгиси эмасдир. Маъноси: агар белги туркумга хос бўлмаса, нарсага хам хос эмасдир. Бундай ҳолатда силлогизм терминлари (P, M, S,) ни куйидагича ифодалаш мумкин:

P — жинс

M- тур

S — алоҳида предмет

Силлогизм воситасида чиқарилган хulosаларнинг чинлигини таъминлаш силлогизм қоидаларига риоя этишни талаб қиласди. Булар:

1. Силлогизм хulosасида фикр ҳам термин ҳам на ундан ортиқ ва на кам ҳам бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда хulosha чиқариш мумкин эмас. Қуйидаги ҳолатларда силлогизм хulosасини ҳосил қилиш мумкин эмас:

а) Фикр тўрт терминдан иборат бўлиб қолса:

Масалан: Пахта — ўсимлик Йулбарс — йирткич хайвон – Бу мисолда термин тўлани ташкил этади.

Мантиқда бу ҳол терминни тўртлов хатоси деб юритилади.

б) фикр 2 терминдан иборат бўлиб қолса,

Масалан: Чорванинг емиши кўкат.

Бу мисолда икки термин бор.

Емиш - кўкат.

Силлогизм фигуралари

Силлогизм хulosасидаги ўрта терминнинг жойлашувига қараб ўзаро, бир-биридан фарқланадиган шакллари силлогизм фигуралари деб юритилади.

Мантиқ илмида силлогизмнинг 4 фигураси асослаб берилган.

Булар: а) Силлогизмнинг биринчи фигураси

б) Силлогизмнинг иккинчи фигураси

с) Силлогизмнинг учинчи фигураси

д) Силлогизмнинг тўртинчи фигураси

Силлогизмнинг биринчи фигурасида ўрта термин М катта асоснинг субъекти ва кичик асоснинг предикати вазифасида келади, ҳамда асосларни бир-бирига боғлайди. Масалан;

M

P

Мустақилликка эришган давлат – суверен ҳисобланади.

S

M

Ўзбекистон - мустақилликка эришиди.

S

P

Демак, Ўзбекистон давлати – суверен.

Формуласи: M – P

Схемаси: M - P

S - M

S - M

S – P

Силлогизмнинг иккинчи фигурасида ўрта термин М катта ва кичик асосда предикати вазифасида келади ва уларни бир-бирига боғлайди.

P M

Мустақил давлат ўз худудига эга бўлади.

S M

Ўзбекистон ўз худудига эга.

S P

Демак, Ўзбекистон - мустақил давлат.

Формуласи : P – M

Схемаси : P – M

S - M

S – M

S – P

Силлогизмнинг учинчи фигурасида ўрта термин М ҳар иккала асоснинг субъекти ҳисобланади ва асосларни бир-бирига боғ.

M P

Атиргул – гул.

M S

Атиргул - ўсимлик

S P

Демак, Айрим ўсимликлар - гул

Формуласи: M – P

Схемаси: M - P

M – S

M – S

S – P

Силлогизмнинг тўртинчи фигурасида ўрта термин M катта асоснинг предикати ва кичик асоснинг субъекти бўлиб келади хамда уларни ўзаро боғлайди.

P M

Хамма космик жисмлар массага эга.

M S

Массага эга жисм – Сатурн.

S P

Демак, Сатурн – космик жисм.

Формуласи: P – M

Схемаси: P – M

M – S

M - S

S – P

Силлогизм модуслари.

Силлогизм модуслари деганда силлогизмнинг ҳар бир фигураси доирасида чиқариладиган хulosаларнинг турлари назарда тутилади. Силлогизм таркибидаги мушоҳадаларнинг қоидаларга зид келадиган боғланишлари. Силлогизм модуслари дейилади. Силлогизмнинг ҳар бир фигураси доирасида 64 тагача модус бўлиши мумкин. Модуслар силлогизм хulosаси таркибига кирган мушоҳадалар тури билан белгиланади. Масалан: Силлогизмнинг бир фигурасининг модуси А тарзида бўлиши мумкин. Бунинг маъноси шуки, силлогизмнинг ҳар 3 қисми (катта асос, кичик асос, хulosса) умумий тасдик (A) мушоҳададан иборат.

Силлогизмларнинг асосий турлари.

Хулоса учун асос бўлган мушоҳадалар моҳиятига кўра силлогизм хулосалари уч туркумга бўлинадилар:

1. Қатъий силлогизм.
2. Шартли силлогизм.
3. Айиравчи (бўлинувчи) силлогизм.

Қатъий силлогизмда асослар қатъий мушоҳададан иборат бўлади.

Масалан: Металл иссиқлик ўтказади.

Мис - металл

Демак, мис иссиқлик ўтказади.

Асослар ёки асослардан бири шартли мушоҳададан иборат силлогизм *шартли силлогизм*, деб юритилади. Маслан:

Теракларнинг барглари учидан сарғайса, қиши каттиқ келади.

Теракларнинг барглари учидан сарғайди

Демак, қиши каттиқ келиши мумкин.

Асослардан бир айиравчи (бўлинган) мушоҳададан иборат бўлса, айиравчи (бўлинган) силлогизм, ҳосил бўлади.

Бурчаклар ё ўткир, ё ўтмас, ё тўғри бўлади.

Бу - тўғри бурчак.

Демак, Бу - на ўткир, на ўтмас бурчак эмас.

Силлогизм тузилишига кўра содда, мураккаб, мураккаб - қисқартма турларга бўлинади.

Содда силлогизм

Содда силлогизм 3 қисм (катта асос, кичик асос, хулоса) ҳамда 3 термин (P, M, S) дан иборат бўлади. Шу билан бир вактда содда силлогизмлар ҳар доим ҳам тўлиқ ҳолда ҳам учрайвермайди. Аксари ҳолларда силлогизмларнинг содда қисқартма шакллари учрайди.

Содда қисқартма силлогизмлар мантиқда энтилема деб юритиладилар. Энтилема – асослардан бири ёки хулосаси қолдириб ифода этилган силлогизм.

Масалан: Бу балиқ - акула.

Демак, бу балиқ - йиরтқич.

Бу мисолда катта асос (Айрим балиқлар – йириқич) тушуриб қолдирилган.

Мураккаб силлогизм.

Мураккаб силлогизм мантиқда полисиллогизм деб юритилади. Полисиллогизмлар икки ва ундан ортиқ сода силлогизмлардан ташкил топади.

Масалан: Спорт соғлиқни мустаҳкамлайди.

Гимнастика – спорт.

Гимнастика соғлиқни мустаҳкамлайди.

Ритмик гимнастика – гимнастика.

Ритмик гимнастика - соғлиқни мустаҳкамлайди.

Поллисиологизмнинг 2 тури мавжуд:

- а) Прогрессив полисиллогизм
- б) Регрессив полисиллогизм.

Прогрессив полисиллогизмда илгариги силлогизмнинг хulosаси янги силлогизм учун асос вазифасини бажаради.

Масалан: Санъат қалбни даволайди.

Театр – санъат

Демак, театр - қалбни даволайди.

Драмматик театр – театр.

Демак, Драмматик театр қалбни даволайди.

Регрессив полисиллогизмда илгариги силлогизм хulosаси кичик асос вазифасини ўтайди.

Масалан: Чинор – дарахт

Дарахт - ўсимлик.

Чинор - ўсимлик

Ўсимлик – организм

Чинор – организм

Организм – парчаланади.

Чинор парчаланади.

Мураккаб силлогизмлар эпихейрема ва соритлар шаклида намоён бўлиши мумкин. Эпихейрема – шундай мураккаб қисқартма силлогизмки, унинг асослари энтилемалардан иборат бўлади. Масалан:

Ёлғон нафратга лойик, чунки у Этикасизлик.

Ёлғондака мақтов - ёлғон, чунки унда хақиқат бузиб кўрсатилади.

Ёлғондака мақтов - нафратга лойик

Сорит - - қисқартма силлогизмлар йиғинди.

Уч - тоқ сон

Хамма тоқ сонлар – натурал сон

Хамма натурал сонлар – рационал сонлар.

Уч – рационал сон.

4. Индуктив хулоса чиқариш

Индуктив хулоса чиқариш жараёнида инсон фикри яккалиқдан умумийликка қараб боради. Индуктив лотинча «induktiv» сўзидан олинган бўлиб, «чиқариш», «хосил қилиш» маъноларини англатади. Индуктив хулоса чиқариш инсоният амалий ва ақлий фаолиятининг ўзига хос натижаси хисобланади. Инсоният кўп асрлик ижтимоий – тарихий амалиёти туфайли якка предмет ва ҳодисаларга хос айрим белги - хислатларнинг бошқаларида такрорланишини билиб олган. Бу такрорланиш оқибатда инсон фикрини яккадан умумийликка қараб йўналтирган. Якка предмет ва ҳодисаларни такрор ва яна такрор ўрганиш уларнинг умумий хусусиятларини пайқашга олиб келган. Кишилар амалий фаолият жараёнида кўпдан кўп алоҳида фикрлардан умумий қоидалар хосил қилганлар, оламни билишда яккалик, алоҳидалиқдан умумийликка қараб борганлар, алоҳида фактлар, ҳодисаларни умумийлаштирганлар.

Инсоннинг ҳар қандай билими асосида алоҳидалиқдан умумийликка қараб бориш ётади. Дмитрий Менделеев алоҳида элементларни ўрганиш орқали химиявий элементларнинг даврий системасини кашф этди. Умуман олганда, ҳар қандай кашфиётнинг моҳиятида маълум маънода яккаликни умумлаштириш ётади. Индуктив хулоса чиқариш тафаккурнинг ўзига хос услуби хисобланади. Фикрлашнинг индуктив услуби ҳақидаги дастлабки маълумот қадимги юонон фалсафасига бориб тақалади. Буюк Юонон файласуфи Суқрот (э.а.469-399) ҳар қандай билим умумийлик ҳақидаги тушунчадир. Умумийлик эса алоҳида ҳодисаларни ўрганиш ва солишириш натижасида юзага келади, деб билган. Индуктив хулоса чиқариш мантиқий усулига Суқрот асос солганигини Арасту ўзининг «Метафизика» асарида кўрсатиб ўтган эди. У икки нарса Суқротга тааллуқли: бири индуктив муҳокама, иккинчиси эса умумий таърифлардир, деб кўрсатган.

Индуктив хулоса чиқариш тўғрисидаги таълимот Арасту қарашларида ривожлантирилди. У, жумладан, «Оддий санаш индукцияси» ва нотўлик индукция тўғрисида маълумот берган. XVII-XVIII асрларда табиатшунослик фанларининг ривожланиши индуктив логикага қизиқиши кучайтириди. Инглиз файласуфи Фрэнсис Бэкон ўзининг «Янги органон» асарида оддий санаш йўли билан ҳосил бўладиган оммабоп индукция ҳар доим ҳам ишонарли бўлавермайди;

Индукциянинг шундай номларини топмоқ керакки, улар ҳодисаларнинг муҳим, асосли томонларини ўзида умумлаштирисин, деб кўрсатган эди. Бэкон бундай шаклларни муайян схемага (тартибга) солиб ўрганишни таклиф этди. Унинг фикрича, барча хилма-хил ҳодисаларни муайян саноқли шаклларга солиш мумкин. Бу қараш чекланган бўлсада, ўрта аср соҳоластикасига қарама-қарши ўлароқ ўрганишни фактлардан, оламни ўрганишдан бошлаш талабини илгари сурғанлиги билан аҳамиятли.

Фрэнсис Бэкон ҳамда табиатшунос олим Дж. Гершелғўнинг қарашларини файласуф, мантиқшунос олим Джон Стюарт Миллфў (1806-1878) ривожлантириди. У логиканинг асосий максади ҳодисалар ўртасидаги сабабий алоқадорликни пайқашдан иборат, деб билди. Лекин Джон Милл индукциянинг аҳамиятини абсалютлаштириди, уни дедукциядан ажратиб қўйди.

Индукция тушунчаси фанда 3 маънода қўлланади:

1. Индуктив хulosса чиқариш маъносида
2. Оламнибилиш методи маъносида
3. Мухокама юритиш услуби маъносида

Индуктив хulosса чиқариш шундай мантиқий услубки, муайян туркумга мансуб айрим предметлар ҳақидаги билимлардан бутун туркум ҳақидаги умумий фикрлар ҳосил қилинади.

Масалан: Натрий селитраси сувда яхши эрийди.

Калий селитраси сувда яхши эрийди.

Аммиак селитраси сувда яхши эрийди.

Калғўций селитраси сувда яхши эрийди.

Демак, барча селитралар сувда яхши эрийди.

Индуктив хulosса чиқариш маълум маънода ҳақиқатга яқин хulosса чиқаришdir. Индуктив хulosанинг чинлиги қўйидаги қоидаларга боғлиқ бўлади:

1. Асосларнинг чинлиги; 2. Улар орасидаги алоқадорликнинг реал мавжудлиги. Лекин бундан ҳар қандай чин асослардан чин хulosса чиқариш мумкинлиги келиб чиқмайди. Бунда қўйдаги хатолар кузатилади:

Шошма-шошарлик билан чиқарилган хulosса;

«Шундан кейин, демак шу сабабли» хатоси.

Бу хатолар мантиқнинг етарли асос қонунини бузиб талқин этишдан келиб чиқади.

Индуктив хulosса чиқариш 2 йўл билан амалга оширилади:

1. Тўлиқ индукция
2. Нотўлиқ индукция

Тўлиқ индукция шундай индуктив хulosса чиқариш услубки, бунда муайян туркумга мансуб предметлар ҳақидаги фикр унга мансуб барча предметларни беистисно қамраб олади ва уларни чукур ўрганиш орқали чиқарилади. Тўлиқ индукцияда асослар йигиндиси хulosага teng бўлади. Буни қўйдаги схемада ифодалаш мумкин:

$S_1 - P$ дир

$S_2 - P$ дир

$S_3 - P$ дир

$S_4 - P$ дир

Демак, $S - P$ дир

Аристотел тўлиқ индукцияни индуктив силлогизм деб атаган. Тўлиқ индукция қонунлари Каринский томонидан ўрганилди. У ўзининг «Ҳодисалар классификацияси» асарида «Биз тўлиқ индукция янги билим бермайди, ундаги билим маълум предметлар доирасидан четга чиқмайди, деган фикрга қўшила оламиз. Бунда янгилик, янги фикр шундан иборат бўладики, у предметлар туркумини ўзича характерлайди» - деб кўрсатади.

Тұлиқ индукция хulosасининг чинлиги қуйдаги талабларнинг бажарылышини тақозо этади:

1. Үрганилаётган туркүмга мансуб предметлар доирасини аниқ билиш;
2. У ёки бу хусусиятнинг шу синфдаги ҳар бир предметта тааллуклы эканлигини аниқлаш;
3. Синфға, туркүмга мансуб предметлар чегарасининг аниқ бўлмоғи.

Тұлиқ индукция хulosаси муайян туркүмга мансуб айрим хulosаларни чуқур ўрганиш имкониятини яратиб беради. Одатда тұлиқ индукциядан исбот талаб этиладиган мухокама жараёнида фойдаланилади. Масалан: ҳар қандай учбурчак ички бурчакларининг йиғиндиси 180° га teng. Бунда ўткир, ўтmas, тұғри бурчакли учбурчак назарда тутилади.

Нотұлиқ индукция шундай мантикий услубки, унда туркүмга мансуб предметлар ҳақида чиқарилган хulosса унинг таркибига киравчи барча предметларни қамраб олиши шарт эмас. Масалан: сув (H_2O)₂ водород атоми ва 1 кислород атомидан иборат.

Нотұлиқ индукция эхтимоллик, ҳақиқатта яқинлик характеристига эга бўлади. Масалан: Иситилгanda азот, кислород, водородларнинг кенгайиши кузатилади. Шу асосда газлар иситилгanda, кенгаяди, деган хulosага келиш мумкин. *Нотұлиқ индуктив* хulosса чиқариш 3 кўринишда учрайди:

1. Оддий санаш орқали индуктив хulosса чиқариш. Бу оммабоп индукция, деб аталади.
2. Фактларни танлаш ва таҳлил этиш орқали хulosса чиқариш.
3. Салбий алоқадорликни аниқлашга қаратилган илмий индукция.

Оддий санаш орқали индуктив хulosса чиқариш деганда, шу туркүмга мансуб айрим предметлар асосида чиқарилган хulosса назарда тутилади. Тұлиқ бўлмаган индукциянинг бу тури фикрнинг аниқ предметлардан бошқаларига ўтиш имкониятини беради. Бундай хulosса доимо тахминий бўлиб қолади, чунки унда кўзга ташланмаган бошқа предметлар ҳам назарда тутилади. Шундай ҳол кузатилиши мумкинки, у ёки бу зидликни ифодаловчи предмет кўздан яширин бўлган бўлиши мумкин. Бу ҳол биз уни етарлича тұлиқ билмаганимиздан далолат беради.

Аналогия грекча *anologia* сўзидан олинган бўлиб, мувофиқлик, ўхшашли маҳноларини англатади. Аналогия ёрдамида хulosса чиқаришнинг энг кадимги услубларидан бири ҳисобланади. Аналогия инсон тафаккури тараққиётининг дастлабки босқичларидан бошлаб ривожланган.

Бунда аналогия хulosса чиқаришнинг шундай услубки, муайян белгининг, муносабатнинг предметта хослиги ҳақида хulosса бошқа предметнинг белги ва муносабатларига солишириш воситасида чиқарилади.

Аналогияда ўрганилаётган предмет моделер, унга хусусиятлари белгилари ўхшаган предмет прототип, деб юритилади ва уларни редмети a,b,c,d хусусиятларига эга.

Демак, В предмети q хусусиятига эга бўлиши мумкин.

Ер ва Қуёш солиширилайти, дейлик. Ернинг қуёшга ўхшаш элементлари: а) ҳар иккиси бир системага киради. б) спектрал анализ орқали ҳар иккаласининг кимёвий тузилиши ўхшашлиги аникланди. в) Қуёшда гелий мавжудлиги аникланди ва шу асосда гелий Ерда ҳам мавжуд бўлса керак, деган хulosса чиқарилди. Кейинчалик бу хulosса гелий элементининг кашф килиниши билан исботланди.

Аналогия ёрдамида хulosса чиқаришдан амалиётда кенг фойдаланилади. Масалан: ғўзадаги кўсакка қараб, ҳосилдорликни аниқлаш; экин заараркунандаларига қарши курашнинг биологик усулини топиш; турли техник воситалар, мосламалар ясаш, кибернетик машиналарни яратиш ва бошқаларда мантикий фикрлашнинг аналогия усулидан фойдаланилган.

Аналогия ёрдамида чиқарилган хulosалар инсоннинг олам ҳақида билимларининг чуқурлашувига хизмат қиласи.

Одатда аналогия бўйича чиқариладиган хулоса эҳтимоллик характерига эга бўлади, унинг хақиқатга қанчалик якинроқ бўлиши бир қатор омилларга боғлик бўлади:

- ўрганилаётган ва солиштирилаётган объект мумкин кадар кўпроқ умумий белгиларга эга бўлиши;
- бу белгиларнинг мумкин кадар кўпроқ нарса ва ҳодисалар моҳиятидан келиб чиқиши.

Хулосага асос қилиб олинган ахборот (белги, томон ва ҳоказо)нинг характерига кўра аналогия 2 кўринишида намоён бўлади:

1. Сифат аналогияси
2. Муносабат аналогияси

Предмет, ҳодисаларнинг сифат (хусусият)ларидағи ўхшашлик сифат аналогиясини ҳосил килади. Масалан: Жанубий Африка ясситоғлигининг геологик структураси Ёқутистон тоғларникига ўхшаш. Жанубий Африкадан кўпдан-кўп олмос тоғ конлар топилган. Олмос – ҳаворангсимон минерал. Ёқутистонда ҳам олмос конлари бўлиши мумкин.

Муносабатлардаги ўхшашлик муносабат аналогиясини ҳосил килади. Муносабат аналогияси сабабий алоқадорлик шаклида намоён бўлади. Масалан: Ерга олманинг тушишининг сабаби Ернинг тортишиш кучи. Ой ернинг тортишиш кучи туфайли унинг атрофида харакат килади. Ер, бутун планеталар Қуёш атрофида харакат килади. Шу орқали бутун дунё тортишиш қонунини тушуниши мумкин.

Бионика фани жонли табиат обьектлари, ҳодисаларини ўрганиш асосида у ҳақидаги билимларни янги техника технологияда қўллаш билан шуғулланади. Физик олим Резерфорт ишлаб чиққан атом тузилишини модели атом ядроси билан электронлар муносабатидаги ўхшашликка асосланган. Ўхшашлик-ўхшаш томонларни аниқлаш, билим ва амалиётда муҳим ўрин тутади. М.В. Ломоносов «ўхшатиш бирон бир нарсани исботламайди, балки исботланадиган нарсани тушунтиради», -деган эди.

Ҳосил бўладиган билимнинг характерига кўра аналогия 3 кўринишида намоён бўлади:

1. Катъий аналогия.
2. Катъий бўлмаган аналогия.
3. Ёлғон аналогия.

Катъий аналогия ўхшаш томонлар, белгилар орасидаги зарурий лока ва муносабатлар асосига кўрилади. Катъий аналогия илмий изланишларда кенг қўлланилади. Илмий тадқиқотларни моделлаштириш усули катъий аналогияга асосланган. Катъий бўлмаган аналогия эҳтимоллик характеридаги (тажминий) хулосаларни ҳосил килади. Самолётлар моделини синаш катъий бўлмаган аналогияга асосланади. Катъий бўлмаган аналогияда билимнинг ишончлилик даражасини ошириш учун кўйидагиларга эътибор бериш лозим:

1. ўхшаш хусусиятлар томонларнинг кўплигига;
2. асосий, зарурий белгилар, томонлар ўхшашлигига;
3. ўхшашликнинг иложи борича хар томонлама бўлишига;
4. фаркларнинг микдори ва сифатига;
5. чиқарилаётган хулосадаги эҳтимол борлиги назарда тутилган белгининг ўхшаш белгиларга яқин типни ифодалашига. Булар аналогия бўйича чиқариладиган хулосаларнинг асосий қойидалари ҳисобланади.

Ёлғон аналогия базан муҳолифни алдаш мақсадида қўлланиши мумкин. Бунда ёлғон аналогия софистик усулни ифодалайди. Предметлар ҳодисаларнинг моҳиятини хусусиятларини билмаслик тасодифий ўхшашликка таянган ҳолда хулоса чиқариш ёлғон аналогия ҳисобланади. Аналогия ўқув жараёнида исботни талаб этадиган ҳолатларда математик моделлаштиришда бадиий ижодда муҳим урин тутади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Тушунча нима? Унинг моҳиятини қандай тушунасиз?
2. Тушунча ҳосил қилишнинг асосий мантиқий усулларига нималар киради?
3. Тушунчаларнинг асосий турларига қайсилар киради?
4. Мушоҳаданинг моҳияти.
5. Мушоҳаданинг тузилиши.
6. Мушоҳадалар тузилиши жиҳатдан турлари.
7. Мантиқий квадрат бўйича мушоҳадалар орасидаги муносабатларнинг қандай типларини биласиз?
8. Хулоса чиқариш қандай усул? Хулоса чиқаришнинг моҳиятини тушунтиринг . 9. Хулоса чиқаришнинг турларига нималар киради?

Адабиётлар:

124. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010.
125. Каримов И.А. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасида. -Т.: Ўзбекистон, 2011.
126. Ёкубов Т. Математик логика элементлари. - Т.: Уқитувчи, 1996.
127. Тўраев Б.О. Логика: масалалар ва машқлар. -Т., 2009.
128. Хайруллаев М., Хақбердиев М. Мантиқ. - Т.: Ўқитувчи, 1993.
129. Шарипов М. , Файзихўжаева Д. Мантиқ. Ўқув қўлланма, -Т., 2004.
130. Войшвилло Е.К. Понятие как форма мышления. -М.: Изд- во МГУ, 1989.
131. Грядовой В.Н. Логика. Структурированный учебник. -М., 2003.
132. Ивин А.А. Логика. -М., 2003.
133. Ивлев Ю.В. Логика. Учебник для вузов. -М.: Логос, 1998.
134. Курбатов В.И. Логика. - Ростов-на-Дону. Феникс, 1997.
135. Рахимов И.. Логикадан амалий машғулотлар ва методик тавсиялар. - Т.: Узбекисгон, 1988.
136. Логико-гносеологические идеи мислителей Средней Азии. - Т.: Фан, 1981.
137. Логика и компьютер. Моделирование рассуждений и проверка правильности программ. -М.: Наука, 1990.